

84(55)

Н-79



ҚҰЧҚОР
НОРҚОВИЛ

ОСМОН ОСТИДАҒИ СИР

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--



ҚҰЧҚОР
НОРҚОБИЛ

ОСМОН ОСТИДАГИ СИР

Ҳикоялар



ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2015

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7
Н79

-

Ушбу тўпламда муаллифнинг энг сара хикоялари жамланган. Хикояларда икки жиҳат — афғон уруши мавзуси ва қадим Сурхон манзараси яққол кўриниб туради. Ижодкорнинг аксарият хикояларида хотирага садоқат инсонпарварликнинг ёрқин ҳаётий ифодаси, севги-муҳаббат ёрқин бўёқларда ўз ифодасини топган.

ISBN 978-9943-28-244-5

© Қўчқор НОҲҚОБИЛ, 2015
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2015

ХОТИРА ВА МУҲАББАТ ҚУРШОВИДА

Ёзувчи — шоир, ижодкор аҳлида «Сайланма» саралагулик бисот бўлсин экан.

Таассуфки, йилдан-йилга «Сайланма» чиқараётганлар кўпайиб бораяпти, ... ҳалоли бўлсин, аммо «Сайланма» тартибладан аввал ижодкор ўзига бир савол бергани маъқул: ўқувчи — китобхон назарига тушган уч-тўртта битигим борми, уларни қайта чоп эттирсам яна ўқилармикан, «Сайланма»га арзигулик ҳоли борми уларни, маънавий ҳақ-даъвоимчи, кулгу бўлиб қолмайманми? Ўз-ўзига шу саволларни беролмаган қаламкаш адабиёт дунёсининг чин фуқароси эмас. У ёзиши, ёзавериши мумкин муттасил, аммо элга назаркарда бўлиши мушкул. Чунки ўшандай маънавий ҳақ-ҳуқуқсиз «Сайланма»ларни нашр эттиришга мойиллик асли кибрдан, англаб-англанмаган такаббурликдандир. Авлоний ёзади: «Керак инсон ўзини оламга тонутмасин, керак бўлса олам ўзини тонуб олсин». Буюк маърифатпарвар бобомиз ана шу олам ўзи уни эмас, балки у «ўзини оламга тонутмоқ» ғаразидаги тоифани «анонийят, яъни худбин, мутакаббир, манманлик аҳлидур» дейди. Бунинг учун муайян ёшни, мартабани, дўсту яқинлар хоҳишини ва яна алланималарни ниқоб этиб ўзи, ўз худбин истагига асос-чора топиб олишни таъмининг хадди аълоси деса-да, бўлар.

Ойбек домла ёши элликка борганда умри давоми ёзган шеърларини, дostonларини сара-

лай-саралай, шоир Ойбекдан бир шеърӣй гулдаста қолар деган андишада «Сайланма» эмас, «Қуёш қўшиғи» деб номлаб бир манзур манзумалар қолдирди. Миртемир домла етмишларга яқинлашиб «Излаганим» тўпламини, Эркин Воҳидов эса етмиш йиллигига бир неча жилдлари тайёрланаётганда, ўзлари алоҳида тартиблаб, умр давомида ёзган шеърларининг қаймоғини сузиб «Ўзбегим» тўпламини «Сайланма» демай сайлаб чоп эттирди. Муҳаммад Раҳмондан «Йўл кўраётган одам», Матназар Абдулҳакимдан «Жавзо ташрифи» деган ўшандай ўзлари саралаган, умр сайланмалари қолди. Бу тажриба ҳар нечук азалдан бор ва бардавом бўлишга арзирлиқдир. Чунки ижодкор ҳаётининг муайян бўғимида ва ё сўнгида «умр китоби» — «сайланма»сини тартиблаб кетиши унинг кейинги маънавий ҳаёти учун бир қалит. Шу қалит тушса, мос келса, кейинги маънавий умрнинг эшиклари очилади, бўлмаса йўқ...

Камина бу фикрларни ёзувчи, шоир, драматург, публицист Қўчқор Норқобилнинг нашрга тайёрланган «Ҳикоялар» тўплами муносабати билан айтаяпман. Чунки тўплам қўлёзмаси билан танишиб, илқис ҳаёлимдан ўтган ўй шу бўлди: «Сайланма» тузиш имкони ва шарафи, масъулияти ва мартабаси... Балки ёзувчининг ўзи эътироз қилиб қолар — «ака, бу ҳали ундай эмас, ҳали эрта унга, шунчаки ўқувчилар у ер бу ерда ўқиб юрган ҳикояларни қайта жам қилдим-да», деб. Шундай бўлса-да, бу ўзига хос сарҳисоб сайланма, ёзувчилик қилиб орттирган бори бисотининг энг саралари, қаймоғи. Албатта, ҳали шоирлиги, драмалари, публицистика

ва хоказолари ҳам бор. Аммо булар бир ён, зеро, улар ҳали сайланиш ҳолига келолмас... Қолаверса, Қўчқор Норқобил қай жанрда ўзини ифодалаш эвини қилмасин, барибир, унинг наصري — носирлиги бўйлаб кўринаверади, мухлис анчайин шу битиклар томон нигоҳ қадайд.

Қўчқорга авлод ўлароқ тенгдош, давр ва даврадош адиблар кам эмас. Назар (Эшонкулов), Абдуқайом (Йўлдошев), Зулфия (Қуролбой кизи), Шойим (Бўтаев), Исажон (Султон), Саломат (Вафо), Улуғбек (Ҳамдам), Рисолат (Ҳайдарова) ва бошқалар. Оққан дарё оқиб ётибди, худога шукур. Аммо ҳар қанча давру даврадош бўлмасин, ҳар бирининг ўз йўли, услуби, кўриму тутумлари бор, борлиги — шуниси бойлик, албатта. Бироқ Қўчқорнинг асарлари бошқаларникидан қайси жиҳатлари билан фарқланади деса, камина, аввало, унинг анъанавий, соф реалистик тафсилий йўсинда ёзиши ҳамда битикларида икки жиҳат: афғон уруши мавзуси, мотив ҳам оҳанглари ва Сурхон колорити бўртиб кўринишини айириб кўрсатган бўлар эдим.

Афғон уруши — куни кеча — ўтган йигирманчи асрнинг 70-йиллар охири — 80-йилларидан бошланган «Савр инқилоби» ва шунинг атрофида юз берган биродарқушлик қирғинлари. Энг дахшати — бу уруш ҳануз давом этаётгани... Қўчқор Норқобилнинг ўзи ўша воқеалар — жанггоҳлар иштирокчиси, фаол ҳаракатдаги ҳарбий бўлинмалар жангчиси бўлиб урушга кирган, икки йил қон кечган, ўлим билан юзма-юз келган.

Қўчқор тенги уруш кўрган авлод — бугун қирқ беш ва ундан юқори ёшдагиларнинг аксарияти ўша «афғон жароҳатлари» туфайли

аллақачонлар «хаётда кераксиз кимса»га айланиб қолдилар. Қизик, Иккинчи жаҳон урушининг барча азобларини чеккан оталаримиз ҳам ўша суронли йилларда 18 ёшдан бошлаб юқорига ўрлаган навқирон паллада бўлганлар. Аммо нима учундир биз уларга ёшига нисбатан улуғвор, росмана ўрта ёш кишилари тасаввурини бериб келдик. Ҳар қалай, мендаги таассурот — тасаввур шундай. Қизик, гўё кечагина афғон урушлари кечган даврларда ўсган йигитлар — укаларимиз, гоҳи «болатой», «болача» деб, аскияга олиб қоладиган кичикларимиз. Бироқ айнан «афғон жабри»ни танасида ҳис қилганлари борки, улар ҳам недир бир улуғворлик билан ажралиб туради, босик, билиб муносабат кўрсатишга беихтиёр мажбур этади. Урушнинг умумқиефаси, хойнаҳой шу бўлса керакки, у барча уруш кўрганларни бирдан улуғвор, аниқроғи, ўз ёшидан кўра, улуғроқ қилиб қўяди, каттартириб, қаритиб ташлайди одамни, гўё...

Уруш даҳшатлари — фожиаси ҳақида шафқатсиз ҳаққоният билан суратга олинган режиссёр Элем Климовнинг машҳур «Юр ва кўр» («Иди и смотри») фильмидаги манзара — Адольф Гитлернинг кўлмакда ётган портретига гўё ўзи билан рўбарў тургандек чексиз нафрат билан тикилиб милтиқ қадаб турган ўспирин боланинг пешонасидаги кават-кават қабарик ажинлар кўз ўнгингда жонланади. Ўн икки-ўн тўрт ёшлар чамаси болақайнинг қиефаси кўрган-кечирган азоблари, изтироблари туфайли умр бўйи ғам-қойишда ўтган саксон-тўксон ёшли чолнинг афт-ангорига айланиб қолган эди.

Қўчқорнинг ҳикояларида, умуман деярли барча катта-кичик асарларида афғон урушига боғланадиган не бир алоқадорлик, белги бери-лар экан, персонажлари, албатта, бошқа қаҳ-рамонларидан бошқачароқ, ғалатироқ таъриф-тасвирлари билан ажралиб туради, хотирада қолади. «Қордаги лола» ҳикоясидаги Толик — Тоҳир, «Кўзларингни кўргани келдим»даги Рома — Контуж, «Осмон остидаги сир» ҳикоя-си персонажларидан Тўлқин танк, «Янги йил кечаси»даги Нодир...

«Ёшим ўттиз бешга етди. Дўстларимнинг айримлари ақлдан озаяпти. Касалхонада асаб, бош зўриқиш касалидан даволанишяпти. Мен уларнинг абгор бўлиб бораётган ҳаётини кў-риб чидай олмайман. Кечаси ухлолмайди-лар. Бақириб-чақиришади. Алахсирашади. Бо-синқираб уйғониб кетадилар. Улар хотира жаро-ҳати хасталигига йўлиқишган». Бу ёзувчининг 2003 йил 11 май тунги соат 3³⁰да қайд этилган кундаликларида парча. Шу гувоҳликлардан бироз юқорироқда яна шундай савол келади: «...одамзод одам бўлиб яшаши учун наҳотки бирор бир фожиани кўриши, бирор бир муси-батни бошдан кечириши керак?..» Бу савол-нинг жавоби охангиданоқ англашилиб туради: ҳа, одам бўлиб яшамоқ учун бирор мусибатга дучор бўлиши керак экан, одамзод! Чунки ҳар қанча ривож топган савқи табиий бўлмасин, вужуди билан ҳис этиб, идрок қилинмаган нарса, воқеа-ходиса ҳақида айни ҳаёт ё айни ҳақиқат, деб айтиш мумкин эмас. Албатта бирор «балки...»си чиқади. «Изтиробга тўлиқ аччиқ ҳақиқатнинг кўзига тик қараганингдагина сен ўзингнинг кимлигингни билиб оласан». Ёзувчи-

нинг яна ўша кундаликларидаги бу фикр унинг сараланган ҳикояларига тўлиғича тааллуқли. «Инсониятга инсоннинг кимлиги ҳақида рўй-рост ҳикоя қилолмаган асарларнинг ҳаммаси ёлғон». Юқоридаги фикрдан кейин келадиган бу тушунча — караш ҳам Қўчқор Норқобилнинг қатъий ижодий ақидаси, битикларида тўла амал қиладиган асосий адабий тамойили. Тўпламдаги барча ҳикояларни бирлаштириб турган бош жихат ҳам, муаллиф хоҳишу истаги ва балки унинг ўзига ҳам кўпда бўйсунмаган бадий мантиқ қудрати ҳам ана шунда, яъни «инсоннинг кимлиги ҳақидаги рўй-рост» ҳақиқатда, «адабиётнинг ҳам адабиёт эканлигини эслатувчи куч, унинг гупиллаб уриб турган юраги» ҳисобланмиш ҳақиқатдир.

Орадан ўн олти йил ўтиб гўзал рус қизи Ирина — эндиликда Ирина Михайловна балоғатнинг бори фусункор тароватини ўзида жам этиб ёзувчи Тохирнинг хира тортган хотирасида қайта жонланади. Қонли Афғонистоннинг жанггоҳларида афғон аёли ва гўдагини сақлаб қолиб, ўзи яраланган ҳолида олижаноблик кўрсатган йигитни шунча йилдан сўнг соғиниб, йўқлаб у Москвадан Тошкентга келган. Бор-йўғи бир неча соатгина бўлиб, йигитнинг олдидаги, тақдирнинг ва, энг муҳими, ўз виждони олдидаги бурчини — маънавий қарзини адо этгани келган. Чунки у ҳам ҳар қанча тўқ-тўкин умргузаронлик қилаётган бўлмасин, «хотира оғриғи», деб аталган хасталикка йўлиққан. Қалбида хотиржамлиги йўқ. У айнан шу «хасталик» давосини истаб, ёш палласида оний махбублик ҳисларини бошдан кечирган қалб одамининг ҳузурига кел-

ган. Учрашиб, бирпасгина суҳбат куриб, кўнгил безовталигидан халос бўлиш имконини излаган. Тирикликнинг турфа таманноларини кўрингки, «юрагининг оғрикли туйғуларини аланга олдирган, ҳаётининг оғир, қайғули чоғларида у билан бирга йўлдош бўлган аёлга, тақдирида учраган энг қадрдон инсонга» йигит «айни дамда нима дейишини билмайди». Нимадир дейиши керак, ахир. Наҳотки орадан шунча йиллар ўтиб, айтадиган сўзи бўлмаса?!

Ҳикоя муаллифи шу ўринда инсонлар муносабатидаги ғалати бир психологик жараённи назик илғаб акс эттиради. Бир-бирига жуда яқин одамлар йиллар давомида кўришмаса, гўё айтadиган гапи кўпдай туюлади. Бироқ учрашгач, ўтган давр оралиғидаги тафсилотлар ҳаёлдан нари кетади. Дийдор тафти ҳаёлда кечган бари катта-кичик воқеалар, ўйлар, мушоҳадаларни дафъатан унутишга, эсламасликка мажбур этади. Бу жараён бироз ўтиб эҳтирослар совигач, қалқиб-қалқиб ҳаёлга қайтади. Аммо дастлаб учрашганда, инчунун, кўнгиллар суҳбатлашганда, сўзга ўрин қолмайди. Бу суҳбат, муаллиф шоирона аниқ ифода этганидек «туш ва ҳуш оралиғида»ги суҳбат, учрашув эди.

Йигит йигитлигига бориб недир бир дилдорлик қилмоқчи, бир-бирларини мутлақо боғлаб қўймайдиган мажбурият билан эркагу аёл ўртасида бўладиган қисқагина романтик кайфият оғушига кирмоқчи. Қисман шундай бўлади ҳам. Улар бир муддат ҳароратли эҳтирос измига ўзларини топширадилар ҳам. Аммо аёл — Ирина бошқа истакда келган. Ўзи айтмоқчи, хотира оғриғига малҳам қидириб келган. Четдан қараганда аёлнинг ҳаёти тўқис — эри бою

бадавлат, ўзи ишбилармон — «фирмаси бор», яхши умр кечираяпти. Атрофида икки фарзанди, яқинлари, ҳамкорлари. Яна нима керак? Бироқ буларнинг бари бир томону, қалб хотиржамлигини топиш бир томон. Хотиржамлик, хотира оғриғига малҳам ўша афғон уруши жангтоҳларида тобланган меҳр, оқибат, соф ёруғ некбин туйғулар, илк муҳаббат, олижаноблик ва ҳоказо ўлмас қадриятлар, кўнгил мулки. Унинг айни умргузаронлигида тополмаётгани, истагани ҳам шу. Аслида қордаги лола ҳам шунинг ўзи. Шафқатсиз, дахшатли уруш фонидаги нафис, инжа туйғулар. Инсонни аёвсиз қирғин кечаётган воқелик домида инсон ўлароқ сақлаган олижаноб фазилатлар, самимий муносабатлар, фидойилик, туйғудошликлар. Гарчи, Ирина қор бўралаб ураётган рутубатли манзарада ўз туйғулари билан лола — ол чечак мисол пайдо бўлаётгани назарда тутилсада, муаллифнинг ҳикоя моҳиятига «яширган» мақсади бир-бирига тамоман зид — уруш ва нафосат, юксак туйғуларнинг қаҳратон қишдек совуқ, маънан муз қотган манзарада қалбларга бағишловчи илиқлигини кўрсатиш ва бу билан инсон ҳар қандай вазиятда — хоҳ уруш, хоҳ тинч замоннинг худбин манфаатлар ҳукмронлик қилаётган талатўпларида ҳам ўз «мен»ини, инсонлик моҳиятини, покиза туйғуларини сақлаб қолмоғи керак, деган ақидани тасдиқлашдир. Аёл — Ирина айнан туғилган куни — ардоқли ва азобли хотиралар, армонли ўйлар, адоксиз мушоҳадалар жунбишга келадиган куни ўзида сақланиб қолган ва бу умри давоми сақланиб қолишини истаётгани ёруғ хотира ва соф туйғулари билан «қордаги лола» мисол китоб-

хон тасаввурига сингади ва бу қаҳрамон муаллифнинг ўзига хос топилмаси ўлароқ ўқигувчи мухлисларники каби адабиётимизнинг ҳам мулки бўлиб қолади.

Мазкур ҳикояга мавзу, бадиий ғоя жихатидан яқин, аммо бошқа қатор хусусиятларига кўра ўзига хос яна бир ҳикоя «Кўзларингни кўргани келдим», деб номланади. Айтмоқ ўринлики, Кўчқор ҳикояларига ном қўйишда шоирона қалбини ҳамиша сездириб туради. Чўлпон шоирлик зарофати ила ўзининг илк ҳикояларидан бирига белгилаган ном — «Қор қўйнида лола»дан улгу олиб «Қордаги лола», дея ҳикоянинг ташқи ва ички мазмунига мутаносиб сарлавҳа қўя олганидек, «Кўзларингни кўргани келдим»да яна лиро-романтик туйғуларни қитиклайдиган ном билан ўқувчини қизиқтиради, жалб этади. Олдинроққа ўтиб айтиш мумкинки, китобхон сира алданмайди, аксинча, маҳзунгина ҳикоя ва некбин якундан ёқимли таассуротлар олади.

Ҳикояга кўра воқеа поездда рўй беради. Дастлаб вокзал ҳақидаги «айрича таассурот»лари билан ўртоқлашган муаллиф, асосий воқеаларга кўпда боғланавермайдиган фалсафий чекинишлар қилади: «мақсад-муддаонгни аниқлаб манзилга интилмасанг, бир жойда узоқ қолиб кетасан, бошқаларга халал берасан» ёки «...ҳаётда кишилар табақалашади, улар вақти-соати етгач умр поездди олиб кетишини сезсалар-да, ҳаёт вокзалидан одамийлик чипталарини харид қилишни унутадилар». Бу мушоҳадалар гарчи жўяли туюлса-да, ҳикоя мазмунига мувофиқ эмас. Шунчаки вокзалга бориб қолган фикрловчи одамнинг илкис таассуротлари. Ёки камида

миннатнамо иддао, холос. Дарвоқе, муаллиф ўзи ҳам буни сезиб «кўп алжираб бошингизни оғритмайин», дея ҳикоячи қахрамони тилидан узрхоҳлик қилгандай бўлади. Шу зайл ҳикоя гарчи қовушимсизроқ бошланса-да, кейиндаги асосий тафсилотлар жуда қизик ва ёқимли. Адабиётшунослик атамалари бўйича «муаллиф-қахрамон» бирлиги. Айни ўринда синчков, қузатувчан. Ўз поездига чиқиб, купесига кирар экан, лахзада олган таассуротини қуюқ тасвирлайди: «Тим қора сочини бир тутам қилиб боғлаган, катта-катта қуралай кўзлари порлаб, ой балққан озрин юзидаги ёниқ жозиба ҳар қандай кишини сеҳрлаб қўядиган гўзал хилқат, унинг ёнида табиатнинг яна бир мукамал ижоди — мовий кўз, олтин соч, ёйдай эгик қошлари чиройли чехрасига андек кибр-хаво бахшида этган соҳибжамол ўтирибди». Ана шу соҳибжамолларнинг кечмиши иттифоқо ўртага тушиб, яхшигина ҳикоянинг равиш-рафторини белгилайди. Яна афғон уруши, яна ўша уруш билан боғлиқ қахрамон қисматига дахлдор тафсилотлар, яна хотира жароҳатлари ва уларга таскин топиш умиди. Бу ҳикоянинг ҳам марказидаги аёл Ирина (аввалги Михайловнадан фарқли Николаевна), ёнидагиси кизи Маша — Мария. Бир йигирма йиллик армон, иккинчиси йигирма йиллик азоб ичра яшаётган дилтанг сафардошлар. Аммо ҳар икки аёлнинг ҳам армону азоби бир — Афғонистон жанггоҳларида яраланиб, Москвада бир муддат қўним топган, жароҳатини даволаган врач қиз Иринага уйланиб, ундан қиз фарзанд — Маша туғилгач, ўз юртидаги муштипар она ва икки етим сингиллар соғинчи, ташвиши ҳаққи ота макони

Хивага қайтиб кетган қандайдир Рома ёки Рўзимат, Рўзиқул, Рўзивой, хуллас, номаълум бир хоразмлик ўзбек. Эндиликда Ирина учун хотира тимсолига, бугуни — эртаси, умрининг давомчиси бўлмиш қизининг тимсолига айланган йигитни бир кўриш, унинг ўз ҳаётида чиндан ҳам борми ёки йўқ эканини ўз-ўзига яна бир карра гўёки исботлаш учун, Маша эса «қандайдир» ўзбек отаси ҳақидаги эртакларнинг чин эканини билиш, қон, томир тортгани, кўриш хоҳиши истакдан юрак ғалаёнига айлангани учун ҳеч бир танишибилиши бўлмаган мутлақо номаълум маконга келиб қолишган. Улар илк дафъаданок ўзини ёзувчи дея таништирган ҳамсафарлари мисолида жуда самимий, одамшаванда, маданиятли инсонлар юртига келганларини ҳис этадилар. Бу Иринанинг орада ҳеч қанча фурсат ўтмай сафардошига росмана дилдошлик қилиб, хотира ва кўнгил мулкани очиб берганидаёқ англашилади. Самимиятига жавобан эса ёзувчидан фавқулодда одамийлик, оқибат кўради. Тасодифан бўлса-да, ёзувчи туфайли излагани Рома билан учрашади.

Анъанавий тафсилий йўсиндаги бу ҳикояда ҳам хотира туйғусининг инсон ҳаётидаги ўрни, унинг маънавиятини белгиловчи, умргузаронлигига мазмун бағишловчи омил экани кўрсатилади. Айни чоғда одамийлик, инсонни тили, дини, миллатидан қатъи назар ўз қавми деб билган ва унга оқибат кўрсатган шахслар қиёфаси намоён бўлади. Хотирага садоқат ва инсонпарварликнинг яна бир ҳаётий лавҳаси ўлароқ қоғозга кўчган бу битиклар ҳам турли авлод китобхонларида бирдек ёрқин таассурот,

хаяжон ва керак бўлса, ибрат уйғота оладиган асарлардандир.

Тўпламдаги яна икки ҳикоя — «Нози... Нозигул» ва «Осмон остидаги сир» ҳам қаҳрамонларнинг хотиралари асосига қурилган. Бироқ бу хотираларнинг бири ёруғ болалик туйғулари, илк ўспирин муҳаббати ва унинг қалбдаги сўнмас ёлқини билан боғлиқ бўлса, иккинчиси рухий қийноқларга маҳкум этгувчи, тажовузкор, ёқимсиз кечмиш воқеалари билан азоблайдиган ўйлар, безовталиклардир. Гарчи уларда ҳам афғон мавзуси яна тилга олинса-да, у энди иккиламчи қаторга ўтиб, бош қаҳрамонлар хотираларига дахл этмайди, уларнинг тақдирига алоқадор персонажлар кечмишидаги бир хунук ходиса, деталь ўлароқ эслаб ўтилади. Лекин юкорида Қўчқор Норқобилнинг ижодий манерасига хос бўртиб кўринадиган бир жиҳат — Сурхон воҳаси колоритини қайд этган эдик. Таҳлилга тортилаётган мазкур икки ҳикоя ва тўпламдаги «Бу ерларда ҳаёт бошқача» деб номланган яна бир ҳикоя айнан Сурхон руҳи, шева тили таровати, персонажлар индивидуаллигини шоирона жўшқинлик ва ниҳоят ширали халқона оҳангдорликда намоиш этгани билан умумият, муштараклик кашф этади.

«Нози... Нозигул» ҳикояси дастлабки диалогларидан гулдураган овозли кампирнинг танбеҳи билан бошланади: «Отали олти тўйди, энали етти тўйди, болам. Сенлар ухлайверасан-а?!» Муаллиф қишлоқнинг эрта тонгдаги тасвирини чизаркан, бир ҳолатни қайд этади: «Тонгни сут иси тутди. Сарви келинми, кампирми ғира-ширалик қаърига бир челақ сутни сепиб, тонгни уйғотиб юборди, гўё. Қишлоқда тонг сут рангида

уйғонади, кишлоқда тонг отмайди, тонгни одамлар уйғотади». Ўша танбеҳ ва мазкур метафорик тасвир билан ўз тасаввурингиздаги кишлоқ бор бўйи билан жонланади. Димоғингизга сутиси анкигандек бўлади. Шоиримиз айтмоқчи, «тонг бўзариб» оқараётган палладаги кишлоқ хаёлингизни ва бутун вужудингизни эгаллайди. Нега шоирлар кишлоқда туғилиб, Парижда ўлишини яна бир қур англагандек бўласиз. Бу машҳур ибора шунчаки хаёлга келиб қолгани учун айтилаётгани йўқ. Ҳикоя қахрамони — яна ёзувчи, шоир Сарвар Сардор қирқдан ўтибдики «рўйирўзғорининг тайини йўқ», уйланмаган. Энаси, қариндош-уруғ, кишлоқдошларининг ҳар қанча эланишу маломатларига қарамай ўз билганича иш тутиб юрибди. У қасам ичган, агар суйган қизи Нозигулдан қай бир йўсин айрилиб қолса, унга қизни «раво кўрмаган бу дунёдан тоқ ўтганим бўлсин», дея бўйнига сўз олиб қўйган. Ҳануз шу сўзда собит. Бироқ орада йигирма беш йил ўтиб, таниқли ёзувчи бўлиб, кишлоққа боргач рўй берган воқеалар — мактаб боғидаги кишлоқдошлар билан учрашув, синфдошлар йиғини, энасининг қўшни аёл билан суҳбати туфайли «ботинида тўлғонган дарду ҳасрат» ва ниҳоят афғонда хизмат қилган эри Чори кантуж ўлиб, бўй етган қизи Сарвара билан ота уйида ёлғиз яшаётган севгилиси Нозигул билан учрашув ҳаётининг тамомила ўзгаришига сабаб бўлади. Азобга инган нурли хотиралар пировардида армонга айланмай, бахтли якунини топади.

Хўш, нимаси билан эътиборга молик бу асар? Шундай тақдирлар ёки изтироблар оша эришилган бахт, висол қиссалари камми?

Йўқ, албатта. Қўчқор Норқобил хикоясининг муваффақияти, аввало, туйғуларнинг софлиги, оҳорлилиги, самимиятида. Тасвирларнинг бўлиқлиги, мажозу рамзларга тўйинтирилгани, инжалигида. Фикримиз исботи учун Сарварнинг қасамидан кейинги қуйидаги лавҳага эътибор қилайлик: «Тонг пардаси сидирилиб тушди. Фалакда бу икки мусаффо дил розини эшитиб турган фаришталар бир сапчиб қўйдилар, гўё. Қиз йиғи нуқси урган чехрасини алвон дурраси учи билан тўсиб боғ ичра кириб кетди. Йигит титраб-қақшаб унинг ортидан ҳардамхаёл бўлиб тикилиб қолди. Тонгда айтилган калима сахарда отилган ўққа айланди. Фаришталар бу гапга омин, дейишдан ўзга чора тополмадилар». Айни чоғда композицион мураккабликни сақлаган ҳолда воқеалар, тафсилотларни бир ўтмиш, болалик, ёшлик даврларига, бир ҳозирги кунларга қўчириб, гўёки ҳаёт лавҳаларини макону замонда алмаштириб адабий «ретро» усулидан оқилона фойдалана билганида, бадий тил, ифода тарзининг пухталиги, ширадорлигида дейиш мумкин. Тафсилотлар кўплигига қарамай, улардаги бор мазмун-моҳиятни бирдан очиб-сочиб ташламай, пинҳонийроқ ушлаб шу йўл билан ўқувчи эътиборини кучайтиришга эришиш ҳамда воқеаларни фрагментар яхлитликда, мозаика усулида узвийлигини таъминлаш хусусиятлари намоён бўладики, булар энди профессионаллик, маҳоратнинг далолатларидир. Шу туфайли ҳам «Нози... Нозиғул» ёзувчи ижодидаги сара асарлардан бўлиб қолади.

Инсоннинг ҳар доим ҳам англаб бўлавермайдиган турфа ҳолатлари кўп. Шунинг учун уни яқкаш тушуниш ҳам қийин. Бинобарин,

инсонни мутлақ тушуниш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Балки шундай бўлгани маъқулдир. Шуниси қизиқ. Акс ҳолда адабиёт — санъат ҳам нурсиз, ғариб бўларди. Бу тур тафаккур тарзи пайдо бўлибдики, мудом инсон ҳақида ўйлайди, ўрганади, кашф этади. Минг-мингларча битиклар яратилган бўлса-да, ҳамон инсон сирли хилқат, тағи-туби йўқ теранлик, гоҳ беадок юксаклик, гоҳида бетизгин тубанлик. Бирда кулса, бирда йиғлайди. Туйғуларининг-да рангинлигидан кўз қамашади, аниқ тус, ранграфторини ажратиб бўлмайди. Бир рангда ўн, юз тус таманноси...

«Осмон остидаги сир» ҳикояси шундай ўйларга олиб кетгани билан эътиборли. Унда ҳам хотира бош мотив. Асосий қаҳрамонлар хотира ҳадиғи билан яшаётган, хавотир исканжасидаги одамлар: Хайринисо, Рўзи махсум. Сир икки кишига — соҳиби ва сабабчисига маълумми, демак у аста-секин ҳаракатга келаётган бомба. Барибир бир кун портлаши аниқ. Ана унда ёмон бўлади, бори умидлар пучга чиқиб, ҳаёт зулумотга ўрлайди. Хайринисонинг ҳаёлидаги эгов шу. Эри Тўлқин танк сирдан огоҳ бўлиб, ўзини осиб ўлдиргандан кейин ҳам, хавотир аригани йўқ. Чунки унинг сабабчиси Рўзи Махсум тирик. Ўзининг ва махсумнинг хотини Руқиянинг уйдан бош олиб кетар пайти аламда айтган қарғишлари ижобат бўлиб, икки кўзи кўр — басир бўлиб қолган эса-да, барибир у ҳаёт, фикри, хотираси тирик. Шундан қўрқади Хайринисо, сир очилишидан юз берадиган фожиани ўйлаб яшайди у.

Психологик бадиий таҳлил шун нихоятда кенг майдон. Маъданчи муҳандисдай бағирни

пармалаб бориб, кўнгилнинг, хаёлнинг, оннинг не-не қатламларига етиб бориш мумкин. Аммо ёзувчи бошқа йўлни тутди. Ўзи мойил бўлган тафсилӣ ҳикоя йўлидан бориб, ҳар турлик китобхон учун тушунарли, зериктирмайдиган, ҳуш ёқадиган усулни танлайди: ҳам тафсилот, ҳам тасвир, ҳам руҳий таҳлил. Баридан бир чимдимдан, меъёрида. Қарабсизки ажабтовур бир ҳикоя — ғалат қисмат, сиру синоатли якун, ўй-мушоҳада, хаяжон, жонли кечинма, руҳий иштирок ва ҳоказо. Шуларнинг барига ҳикоя сўнгидаги мана бу якун сабаб: «Хайринисо қизининг юзига тик қарашга ботинмасди, назарида ловуллаб ёнаётган қирмизи шафакнинг ҳарорати сиймосини жазилладиб куйдираётгандай эди. У олов тафти урган юзларини Вахшивор тоғлари томонга бурди. Тоғ дараларида қудратли, даҳшатли шамол беркиниб, пайт пойлаб ётганга ўхшарди».

Шамолни тутиб бўлармикан? Тўлқин танкнинг афғон урушида яраланиб, пушти куйиб қайтгач, билиб-билмай Хайринисога уйланиши, узок пайт фарзанд кўрмай юриб, пировардида бир кун хотинида гумона пайдо бўлиши, бунинг сабаби эса онам касал дея ўз уйига танда қўйган аёлнинг эскича ўқитиб дам солдиришга бориб юриб, Рўзи махсумнинг оч чангалига илиниши воқеалари муаллиф томонидан шундай тасвирланадики, ўқувчи беихтиёр Рўзи махсумнинг беҳаловат энтикишларини, Хайринисонинг воқеа-фожа юз бергач, телбанамо кулиб, сархушлик туйишини ва ботинидаги сир кўркув, азоб, хавотир ва алам бўлиб жону жаҳонини куйдирганини ўзида ҳис этади. Бори вазият ва ҳолатларнинг ёзувчи нигоҳи ва қаламидаги жуда

жонли, ҳаётий, аниқ, равон бадиий ифодасини қалбдан кечириб энди кузатувчи эмас, иштирокчига айланиб боради. Ўқувчи-да сирнинг ошкора бўлишидан хавфсираб, юрак ўйноғида, ҳадик ва хавотирлар ичида туради. Мана шу маҳорат, носирнинг баловати. Яна ҳикоя охирининг сир очилмай, шундай давомли таҳлика асносида ниҳояланмай яқунланиши ҳаётийлик жозибасини, бадиий завқни шоён кучайтиради. Ҳаёлларга берилиб, сизни ўзига ипсиз боғлаб олган тақдирлар китобини ёпгингиз келмайди...

Гарчи ҳикояда Хайринисонинг қизи Ёдгоройнинг бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпиони бўлиб келиши, унинг туғилишию, интернатга берилиши, гимнастика билан шуғулланиб, онасига мақтовлар эшиттириши, қишлоқ аҳлининг ўз ерларидан шундай машҳур қиз чиқиб, элни дунёга танитганидан хурсанд тўй-зиёфат тараддудида куймаланишлари, қишлоқча ширадор турфа муносабат, мулозамат, хангомалар ва ниҳоят Хайринисонинг кўксига шамол тегиб қизи ортидан тўй-тантана, иззатга кўмилиб турганида қишлоқнинг бошқа томонида кимсасизликда шу қизгинанинг асл бунёдкори Рўзи махсумнинг кўр-басир алфозда хору зорликда жон таслим этиши ва ҳоказо тафсилотлар ҳам келтирилса-да, ўқувчининг бутун нигоҳи, эътибори аёлнинг сири, таҳликасига қадалади. Нима бўларкин, деган ҳадик-хавотир безовта қилади китобхонни ҳам. Ва ниҳоят иккинчи сирдош — сабабчи Рўзи махсум вафоти билан энди хотиржамроқ тин олиш мумкин бўлганда, кутилмаган якун — муаллифнинг даҳшатли шамолнинг тоғ дараларида беркиниб, пайт пойлаб ётганга ўхшашини айтиб, «шамолни тутиб

бўлармикан?» деган шубҳа-гумони. Ана энди ўқувчи ботинидаги жараёни тасаввур этиш мумкин. Воқеалар энди китобхон тафаккурида, қалбида давом этади, яшайди. Адабиётдан, санъатдан асли муддао ҳам шу ўзи.

Дастлаб ҳикояни ўқигач унинг номини ўзгартириш керак, яқундаги фикрга мослаб «Шамолни тутиб бўлмайди» деб қўйса бўлар экан деган ўйга бордим. Гарчи ёзувчи Назар Эшонқулнинг шу номдаги асари бўлса ҳам. Ҳа-да «беркиниб, пайт пойлаб ётган» шамол — Хайринисонинг сири барибир бир кун ошкор бўлиши керак-ку? Ахир ҳеч бир воқеа, тақдир бадиий асарда чала, тугалланмай қолиши мумкин эмас-ку? Аслида тасаввуримизда шундай. Ҳамонки бадиий асарми, сир сирлигича, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолиши мумкин эмасдай гўё. Қолаверса, яқунга мос камина тавсия этмоқчи бўлган сарлавҳа, мантиқан фикр қилинса, мақсадга мувофиқ келадигандек ҳам: шамолни тутиб бўлмайди, демак, сир барибир бир кун очилади. Аммо бу мулоҳаза тўғри эмас. Муаллифнинг гумонсирагандек «ўхшарди» кабилидаги якунини «тутиб бўлмайди», деб қатъий хулоса тарзида сарлавҳага чиқариш бу ёзувчи бадиий мантиғига зид, қолаверса, бу билан китобхонни «барибир сир очилади» деган қатъий ҳукм-хулосага мажбурлаб ишонтиришга уриниш ҳам бўлади. Яхшиси ҳикоя сарлавҳасини ёзувчи белгилаганидек, «Осмон остидаги сир», дея дарак гап шаклида қолдирган маъқул. Тўғри-да, чексиз осмон остида барча сирлар ҳам очилаверибдими? Эҳе, очилмагани қанча! Бинобарин, ҳаммаси очилавериши ҳам керакми? Мазкур ҳикояда агар сир очилса,

тўғри ёки яхши бўладими? Аксинча, юртнинг ифтихорига айланган бир қизнинг иззати, шаъни булганмайдими? У зинодан бўлган ҳароми, деган тавки лаънатга қолмайдими? Рухий таназзулга бориб, шармандаликка қандай дош беради? Унинг учун умрини тиккан Хайринисо-чи? У ҳам бор кўрган заҳмату кийноқлари учун пировардида шармандаликка маҳкум бўлиши керакми? Ёки..., балки..., наҳотки... ҳаммасидан воз кечиш ё кўз юмиш мумкин бўлса? Мана бу каби зиддиятли ҳолатлар, масалалар ҳам ўйлашга, китобхонлар баҳсу мунозараларига арзигулик мулоҳазалардир.

Даҳо бобомиз ҳазрати Навоий айтадилар:

*Хирадман чин сўздин ўзгани демас
Вале бари чин ҳам дегулик эмас.*

Шу улур ҳикматга суянсак, инчунун, каминанга қолса, «чин сўз дейилмагани», сир очилмагани маъқул. Бинобарин, ҳикоя номи ҳам ҳақиқий жонли ҳаётдагидек минг-минглаб инсонлар, тақдирларнинг балки фақат ўзларига маълум очилмаган сирлари каби «Осмон остидаги сир» бўлиб қолгани шоён шоистадир. Шунда Қўчқор Норқобилнинг кундаликларидаги «Инсониятга инсоннинг кимлиги ҳақида рўй-рост ҳикоя қилолмаган асарларнинг ҳаммаси ёлғон», деган ақидаси ҳам амалий-бадий ифодасини топгандек бўлади.

«Бу ерларда ҳаёт бошқача» ҳикояси янаям қиммат, аҳамият бағишлаган гўзал рамзий асар. Бақувват фалсафаси, «одамни олам чўктирган» чўнг дарди, беғубор самимияти, ифода, бадий сўзнинг тилёраш шираси, таровати билан кўнгилга сингиб, хотирага нақшлангувчи асар.

Глобаллашув деган ҳозирнинг энг бозоргир тушунчасини ниҳоятда содда, оддий, халқона йўсинда кўрсатиб, англатиб бераётган тиник бадий намуна. Айни чоғда ўқувчига оламшумул дардини-да юктириб, огоҳликка, сергакликка ундаётган, таъбир жоиз бўлса, керак чора-тадбири, йўл-йўриғига ҳам аниқ ишорат бераётган асар.

Албатта булар — бундай баланд алқовлар каминанинг шахсий муносабати, ёндашувлари. Мутолаадан олган ҳаяжонли таассуротлар натижаси. Нега шундай, боиси нимада бу «таъриф»ларнинг? Дард шундаки, умргузаронлик, муносабатлар, умуман тириклик — ҳаёт ниҳоятда мураккаб, шиддаткор тус олмоқда. Худбинлик, ҳиссизлик, тақир манфаат илинжи ҳамма нарсани бошқараётгандек, дунёга ҳукмрондек. Ана шу ҳадикли — даҳшатли манзарада Гулдурак момо лақабли «уккағар бахшининг қизи», овози гулдураб — «гапни замбаракнинг ўқиға боғлаб отадиган, тушган жойини ўпирадиган», асли исми Тошбуви кампир бор. Кампир шу ваҳшат водийсида бир майин чечак, чинни гул мисол тиник, нозик қалби билан, тус қишлоқи жайдари фалсафаси билан олам дардини елкасига ортмоқлаган паҳлавон аёл, жарчи, жамиятни уйғотмоққа иддао қилмай, даъвогарлик қилаётган ниҳоятда халқона образ — кунимиз қаҳрамони. Бўлмаса, ёши «саксонга сабоқ бериб турган», кўзи хиралашиб, анча йиллардан бери «игнасида ип ўтказолмай юрган» қария. Аммо шу қарияда шундай қудрат борки, унинг забти оламини уйғотади — «ажинаси отланиб қолса дунёни чирпирак қилади». Бу, зоҳиран унинг гулдурак овози, товуш ҳайбати

бўлса, ботинан беадок меҳри, инсон қавмига муҳаббати, муруввати, оқибати, маънавий саховати, жонсараклигидир.

Уч болани тупроққа қўйиб, қолган бешовини ўстириб, ўқитиб, уйли-жойли, дов-дастгоҳ — рўзғорли қилган чолу кампир айни кексалик гаштини суриб яшайдиган, охират ғами билан андармон, ўткинчи дунёсидан этак силкийдиган умр палласида. Шунда ҳам «итга тиним бор, қушга тиним бор, чолга тиним йўқ» — Раҳим бова бир узумзор боғида куймаланишган, бир мол-холга қараган. Керак-нокерак элга ҳам қўшилавермайди, бола-чақага ҳам ёпишавермайди, ўз иши — ташвиши билан овора. Шу тахлит кунлар ўтиб турганда чолига кампири зорланиб қолади — Тошкентдай шаҳри азимда яшаб, йиллар давоми кўришолмаётган катта ўғлини бориб кўриб, хабар олиб келинса. Чолнинг эса хоҳиши йўқ, боғда иши кўп, қолаверса, ўғиллар билан телефонда гаплашиб хабарлашиб турибди. Бу баҳона кампирнинг жайдари мантиғи олдида чилпарчин бўлади: «телпон қулоқ бўлар, икки кўз бўлолмайди, кўнгил бўлолмайди, меҳр бўлолмайди. Одамни одамдан узоқлаштиради...» Рўзғор ташвиши бўлса, қишлоқда яшаётган ўртанча ўғиллари бор, ўша қараб туради. Мантиқ зўр — «кампирнинг тугуни ечилди. Чол бундай пайтда унга бас келолмайди. Гумбур-гумбур гап билан уради. ...Лекин жим турсаям бўлмайди-да». Чолининг изза бўлиб, аёлининг фикри мантиғига эътироз қилолмай, унсиз жаҳл қилишидан ҳамиятини кўзгаб қўйганини сезган Тошбуви майин тортиб, эрининг кўнглига қўл солади. Эллик йил бирга турмуш қилиб, чолига сира ён бермаган

аёл аввал ширгуруч едириб, унинг меъдасини тўклаб олиб, сўнг «хужумга» ўтади. Кўзларига ёш олиб, дилидагини изҳор этади: «болалар бизданми, биз болаларданми узилиб боряпмиз. Бир бизмас, бошқа тенгқурларимиз ҳам шундайга ўхшайди... Шундан қўркишимиз керак бовоси, шунга йиғлашимиз керак бовоси...»

Тошбуви шу сўзларни айтаркан, энди ўзини тутолмай астойдил йиғлаб юборади, муаллиф гўзал таърифлаганидек, «кўз ёши ёноғини шўриш этади».

Ҳикоянинг бош ғояси ана шу ўринда ўртага ташланади. Глобаллашув тушунчасининг ижобий самараларидан ҳар қанча баҳраманд бўлмайлик, айтиш чоғда унинг меҳрсизлик, оқибатсизликни урчитаётган, миллий маънавий қадриятларни поймол этаётган, юқувчанлиги билан бори инсониятга хавф солаётган хунук моҳиятини ҳам англагандек бўламиз. Оддийгина кампирнинг, чекка бир қишлоқдаги оддийгина жайдари фалсафаси оламшумул хавф, дард ҳақида ўйлашга мажбур этади. Беихтиёр мушоҳадага бериласиз: нахотки моддий фаровонлик, тўқчилик, маънавий тараққиётни ўйлаб қилинаётган саъй-ҳаракатлар бора-бора унинг аксига ўрласа? Анъана ва қадриятларни йўққа чиқарса? Ахир, маънавий тараққиёт дегани айнан қадриятлар ривожини, такомилни дегани эмасми? Рухий камолотнинг негизида турувчи ахлоқий тушунчалар, комилликка бошловчи билимлар, тарихий хотира асосида келажак тарҳини белгилаш, азалий қадриятларга суяниб замонанинг янги қадрият ва анъаналарини пайдо қилиш — бари-барчаси глобаллашиб бораверадиган дунёда йўқолиб, унутилиб боравериши керакми? Агар

бу қадриятлар зарур ё керак бўлса, уларни асрашга, сақлашга, давом эттиришга ким жавобгар, ким масъул?

Ҳикоя ана шундай ўйларга бошлагани билан ниҳоятда юкдор, долзарб, айни чоғда, халивери оҳорини йўқотмайдиган асар. Гарчи Гулдурак момонинг юқоридаги жамиятга нисбат бериб айтаётган дардлари кейинги саҳифаларда ўз шахсий турмуши, оиласи, кечмиши тафсилотлари билан далилланиб, изоҳлаб берилса-да, пировардида, момонинг уввос тортиб йиғлаб айтган ана ўша ўтли монологи сўнгида яна бир жуда муҳим фикр ўтади: «Менинг қуруқ савлатим қолган, қуруқ говорам қолган бовоси. Гапирганимда мен гапирмайман, гулдураган овоз отамнинг овози. Отамдан қолган бир ҳовуч нур гапиртиради, бовоси. Бахшининг қизи бўлмай мен ўлай, яхшининг қизи бўлмай, мен ўлай... Увв-ей...» Чолни дабдуруст эсанкиратиб, гандираклатиб юборадиган бу йиғи — гиря остидаги маъно яна оламга татиғуликдир.

Нега кампирнинг дарди дарё бўлиб, бундай аламли кўшиқдай отилиб чиқяпти? Сабаби унинг бахши қизи экани, бахшилар эса эл ичида юриб, юрт дардини бошқалардан кўра тезроқ кўрувчи, чуқурроқ англаувчи ва жамоа — жамиятни огоҳликка чорловчи эл тили ва дили эканлиги билан машҳур, эътирофли ҳам эъзозлидир. Муаллиф ана шу фикрга ишора бериб, жамият зиёлилари, шоир — адиблари нега жим, нега бу глобал хавфни теранрок кўриб, бонг урмаяпти, одамларни сергак торттирмаяпти деяётгандек, гўё... Мана, олис бир қишлоқнинг оддийгина гўшасида бутун умрини меҳнат — машаққат, бола-чақа, мол-ҳол

ташвиши билан ўтказган донишманд момонинг жайдари фикрларидан чиқиб келадиган фалсафа, сиёсат, даъват. Муаллиф маҳорати яққол кўринган яна бир жиҳат шуки, жиддий хулосаларга йўлловчи ўша жайдари фикрлар ҳикоянинг бошида, биринчи қисмида гўё назарий асос, бадий-ғоявий тезислар бўлиб, давомидаги воқеаларда ўзининг аниқ ва тиниқ бадий ифодасини топади.

Йиғлай-йиғлай чолини ўз ўйларига ошино қилиб, дардлари-ла дардманд этган кампир — эру хотин эртаси сахармардон поездга ўтириб, Тошкент вокзалига келиб тушадилар. «Алламбало улов»га миниб ўғил — «катта»никига борадилар. Унинг шаҳар четидаги сўлим боғлар адоғида, қасрмонанд уйлар каторидаги мухташам иморатида жойлашадилар. Кўзқовоғи шишинқираб, майкачан, тиззайштон кийган алфозда эшик очган ўғиллари Турдикул билан кўришадилар. Кенг-мўл ҳовли, ҳаммаёк ям-яшил чим, ўртада фаввора, гуллар, анвойи ёриткичлар ва ҳоказо жаннатий гўша. Ичкаридан эри каби тиззайштон, майка кийиб олган келин Рисолат чиқиб келади. Неваралар ҳақидаги саволга қизнинг Германияда, ўғилнинг дам олиш лагерида экани айтилади. Невараларни кўролмасликдан норози бўлган кампир, қишлоқдан, қишлоқдошларидан сўзлаб, сўнгги йилларда вафот этган, оғир ётганларни тилга олади. Уларга оқибат қилишдан сўз очади. Ўғил эса «иш кўп»лигини баҳона қилиб ланжланади. Намоз ўқимоқ учун таҳоратга ҳаммомга йўналган чол арчалар ортидаги панжара-қафасда турган айикданам катта, девмонанд итни кўриб энсаси қотади. Ундан кўра шу «ажойиб кўра»га

тўрттагина кўзи ташлаб кўйишни, ҳовлига мол-ҳол билан «файз киритиш»ни тавсия этади. Табиийки бу гап ҳам ўғилга ёқмайди. Оқшом чўккач, манзара янада ғалатиноқ тус олади. Итбоқар келиб, итга овқат бериб, ўйнатгани «кўра»дан олиб чиқади. Чол-камбир ўтирган сўрини мәрмар ҳовуздан тўсиб оқ бўз — парда тортилади. Парда ортига стол тузаб, анвойи ичимликлар кўйилади. Бир пайт «телевизордан тушмайдиган машҳур актёр» хотини билан меҳмонга келиб, аёлу эркак бир-бирлари билан аралашига «чўлпиллатиб ўпишиб» кўришгач, ота-она билан номигагина таништирилади. Сўнг бўзнинг ортига ўтиб, ўғил хотини ва меҳмонлар билан маишат бошлайди: гоҳ қадахлар жаранглаб, гоҳ ҳовуз суви шалоплаб, кулгу, қийкирик авжланади. Бу ҳолатдан ҳайрон камбирнинг чолига айтган гапи: «Бу ерларда ҳаёт бошқача экан, бовоси». Аёлининг фикрини тасдиқлаб, чол эрта тонгда қишлоққа қайтмоқни маслаҳат қилади. Бир ёқда қийкирик, маишат, бир томонда бу ҳолу ҳаётдан лолу ҳайрон қариялар, бошқа томонда эса итбоқар бир кўлида итнинг занжири, бир кўлида яримлаган ароқ шишаси билан ҳаммом томон гандираклаб боряпти. Ит сўридаги икки бегона одамга ириллаб ўтади. Орада бироз фурсатдан сўнг чол таҳорат олиш учун ҳаммом томон юзланди. Ўзи томон занжири бўшатилган улкан итнинг шамол тезлигида гувиллаб учиб келаётганини кўради. Оний ҳолатда чол бақрайиб қолганида илкис осмон гумбурлаб, ер силкингандай бўлади — борликни Гулдурак камбирнинг итга қарата «Тўхта-а-а!» деган гулдурак овози тутиб кетади. Ит жойида тўхтаб, рингшиб, ортига қайтади. Ҳовуз атро-

фидагилар бари тахтадай котиб қолган, фақат итбоқаргина «хаммом деворига суяниб хуррак отарди».

Ҳикоянинг ана шу иккинчи қисми мазмуни-ни батафсилроқ баён қилганимиз боиси шуки, тафсилотлар ичра муаллиф айни глобал дунё-нинг турфа товланишлари, унча-мунча имони суст одамни ғорат этгувчи мафтункор рўёси ва шуларнинг девмонанд, «каллеси катта» муҳофиз — кўрикчилари борлиги, агар улар «панжара кўра»ларидан буткул чиқарилиб, тизгини бўшатилса, бори оламни — соғлом куч, ҳушёр ақл, оқибат, кадрият, меҳр отлиғ барча инсоний фазилатларни чилпарчин қилиб ташлаши мумкинлиги ҳақидаги бир қатор бадиий-мажозий рамзларни таклиф этади. Уларни бахшининг кизи — Гулдурак кампир мисолидаги асллик, тоза инсоний хислатлар, соф миллий кадрият ва анъаналар, самимий муносабатлар билан зидма-зид солиштиради. Ва ниҳоят ана шу маънавий мухорабаларда, «ядро полигонларидан кучлироқ мафкура полигонлари»да бори катта-кичик кўнғироқлардан бонг уриб, бир тоифаси нафс, ишрат ботқоғига ботган, бошқа бир тоифаси эса «хуррак отаётган» инсониятни ғафлат уйқусидан уйғотиб «Тўхта-а-а!» дея оладиган ижтимоий ҳайкирик лозимлигини уқтиради. Ўқувчини огоҳликка, фикр қилишга, яхши-ёмоннинг тус киёфаси, асл моҳиятини англаб олишга даъват этади. Ҳикоя ана шу рамзий-мажозий ифодаси, мазмуни ва бағоят залварли ғояси билан салмоқ касб этади. Ўзбек адабиёти, замонавий насрини Гулдурак кампирдек оҳорли образ, ўзига хос, бетакрор характер билан бойитади. Шукур Холмирзаев, Эркин

Аъзамов, Тоғай Мурод асарлари каби Сурхон воҳаси тили — шеваси, метафоралари, образли монолог, диалог ва тасвирлари билан бадиий тил имкониятларини янада кенгайтиради, анъаналар бардавомлигини намоён этади.

Назаримда, ана шу юксак оҳангларда Қўчқор Норқобилнинг сара ҳикоялари ҳақидаги мушоҳадаларга нукта қўйса ҳам бўларди. Аммо тўпلامда муаллиф томонидан суйиб, сайлаб киритилган, «Янги йил кечасида» номли ҳикоя ҳам борки, у ҳақда ҳам уч-тўрт чизги сўз айтилмаса бўлмас.

Қизиқ, бу ҳикояни ҳам ўқиб, номини бошқачароқ қўйиш керак деган хаёлга бордим: «Чақиртикан захми». Асли асар сарлавҳаси битикларга очқич бўлиши маълум гап. Агар ҳикояни ўқиб, мубҳамроқ тасаввурда қолсанг ҳам фикрингни ёритишга сарлавҳа ёрдам беради, одатда. Шу ўйда камина ҳам ўзга бировнинг ҳикоясига дахл қилмоқчи бўламан. Албатта, маънавий ҳаққим йўқ эканини билиб турсамда, муаллифга азбаройи хайрихоҳликми, тавсия бермоққа шошаман. Чунки ҳикоя воқеаси айна аламдан, хўрликдан хўрланиб, ҳушидан кетган ўспирин боланинг чақиртиканак босган ерга қулаб тушиши ва ўша тиканак захми, аниқроғи, маънавий ва жисмоний захми, оғриғи билан умр ўтказгани ҳақида, ундан ҳалос бўлиши ва сўнгра дувиллаб кўз ёш тўккани хусусида...

Нодир исмли ҳикоя қаҳрамони — яна элга таниқли, «улуғ устоз» назаридаги, касалхонада нуфузли палаталарда ётадиган ёзувчи йигит — ўшандай хотиралар исканжасида. Муаллифнинг юқорида таҳлилга тортилган аксарият

ҳикоялари каби «ёзувчи ва хотира» деган сарлавҳамонанд бир жумла бу битикларга ҳам айнаи мосу хос. Бироқ бу хотиралар ҳам аламли, ўйга толдирувчи, изтиробли кечмиш бўлса-да, аввалги ҳикоялардагидан фарқ қилади, ажралади. Аммо лекин воқеалар тафсилоти, вазиятлар ўзгалиги, персонажлар бошқалиги билангина эмас, балки оғрикнинг бошқачалиги билан, мақсад-муддаонинг, аниқроғи, иддаонинг тамом ғалатилиги билан фарқланади. Бу ҳикоя ғояси, назаримда, соф инсоний туйғуларнинг кибрга, такаббурона истакка таббосди бўлиб, чапишиб кетишидек туюлди.

Янги йил арафаси елкасида оғрик ҳис қилган ёзувчи қаҳрамонимиз касалхонада ётиб даволанади. «Гўёки икки кураги орасига кириб қолган беш-олти дона чақиртикан тағин кўзғалиб», елкасини куйдиради, оғрик беради. Бу чақиртикан ўттиз йиллар аввал, мактабда ўқиб юрган кезлар илашган. Лекин у шунчаки жисмоний иллат — елкада қолиб кетган газанда эмас. У болаликдаги оилавий ҳаётининг забун, ночорлиги, бир сўзли, қайсар отасининг адолатсизликка учрагани, ноҳақликларга чидолмай ўжарлик қилиб, ўқитувчидан мардикорликни афзал билиб хорлангани, унинг «бўйинбоғ таккан, олифта ва савлатдор киши» билан олишиб, лой билан урганию, бу «каттакон»нинг кизи ўзи билан мактабда ўқийдиган, бир партада ўтирадиган, ўзини ўзгалардан катта олиб, фақат бу болага кулиб қарайдиган, Нодирнинг илк илиқ туйғуларини уйғотган Зумрад экани билан боғлиқ хотиралардан жонланадиган азоб, санчиқ. Нодир йиллар оша азобланиб юриб, охири янги йил кирар куни касалхонадан чиқиб,

«улуғ устоз»нинг уйида ўша «ёшлик биллур умидлари»нинг сабабчиси Зумрадни хизматкор бўлиб, кўзлари маҳзун, ўзи забун ҳолда юрганини кўради. Орада шунча йил ўтиб, қизни шу алфозда кўргач елкасидаги жизғанақ оғриқ қорга бир юмалагандан кейин арийди — беш томчи қон бўлиб гўё оппоқ қорга кўчади.

«Оппоқ қорда гўё милтиллаб турган» қон томчилари Нодирнинг азоби, алами. Елкага санчилиб, мудом оғриқ бериб турган чакиртикан охири танадан ариди гўё. Демак, бу санчик алам экан — ожизлик алами, Нодир эса ўттиз йилдан бери аламзадалиқ билан яшаган бўлиб чиқади. Елкаси оша миясига — хотирасига санчилган тикан вақти-вақти билан хотиралар жонланганда кўзгалар экан, ундаги аламзада кайфият оловланаверган, ўттиз йил ўша туйғудан қутулиш, демакки, қандайдир интиқом иштиёқи билан яшаган. Алам аламзадалиққа доя бўлганидек, аламзадалиқ интиқом ҳиссини етилтиради. Қарангки, ўша иштиёқ «улуғ устоз» уйида, янги йил куни қондирилди. Йигитни, унинг отаси, оиласини забун этган «ижрокўм — ишполком» — «катта»нинг кизи Зумрад энди ўзи хизматкор, юпун, забун ҳолда. Шу ҳолгинани кўргандан кейингина қаҳрамонимиз елкасидан санчки «юлдузча»лар қорга тўкилди. У гўё тана иллатидан ҳалос бўларкан, кўнгил, хотира санчкиларидан ҳам ҳалос бўлдимикан? Ҳикоянинг энг сўнгги лавҳаси — «Қутулдиммикан?» — дея ўз-ўзига савол берган йигит машина ойнасига бош қўйиб, дувиллаб йиғлаб кетаркан, ана шу савол таъсирида китобхон ҳам ўйланиб қолади. Бу ўша азоблардан қутулгани, яъни ўз алами сабабчисини забун кўрганидан қониқиш,

мамнунлик йиғисими ёки ўзининг аламзада нафси — иштиёқи қонганидан виждони уйғониб, тубанлигидан орланиб пайдо бўлган ўкинч туйғулари, изтиробидан туғилган тозариш кўз ёшлари, покланиш — катарсисми? Ҳар қалай, мен ана шу иккинчи ҳолатни маъқул кўрар, истар эдим.

Ҳикоянинг ўқувчида бир-бирига зид фикрлар қўзғатиши яхши, албатта. Қолаверса, қандай мақсадни кўзлаб, қандай ғояни илгари суриши ҳам муаллифнинг ўз иши, ҳаққи, ҳалоли. Биз фақатгина муносабат билдирувчилармиз ҳолос. Асар сўнгидаги ёзувчи «йиғи»си эса ҳар бир ўқувчининг ўз дунёқараши, тушунчаси, ахлоқий мезонларига кўра таҳлилу талқин этилаверади. Хоссатан, агар муаллиф Нодирнинг аламини қондиришни назарда тутиб, болалик хотираларини тасвирлаётган бўлса, унда унинг оппоқ қор мисол беғубор палласида кўнглига аламзадалиқ ҳислари ҳам кириб кела бошлаганини, бу туйғу турли шаклларда, кўринишларда бўй кўрсатиб, хусусан аввал отасининг мардикорлигидан ўқиниши, кейинроқ «улуғ устоз» катта бошини кичик қилиб, унга кўнғироқ қилганидан миннатдорлик, касалхонада эса нуфузли палатага ўтказилганини қистириб ўтиши кабилар орқали такаббуруна майллар ҳам ёзувчи — қаҳрамони билан бирга ўсиб борганини қайд этаётгандек туюлади. Ҳар қалай, мана шунақа муносабат ва ўйларга қанот бағишлагани билан ҳам балки ҳикоя эътиборга лойиқ.

Ажабки ушбу битиклар бошланишида англаб — англамаган кибр, такаббурликдан баҳс очиб, Авлоний бобомизнинг «анонийят» — худбин, мутакаббир, манманлик аҳли хусусидаги

фикрларига мурожаат этган эдик. Бир китоб ва унинг муаллифи борасида сўз юрита бориб, фикримиз нишаби яна ўша тушунча томон бурилди. Бу, албатта, тасодиф. Бироқ яна ким билсин, ҳар қандай тасодиф остида не бир қонуният ётадику?

Камина Қўчқор Норқобил қаҳрамонларини такаббур дейиш фикридан мутлақо йироқман. Аксинча, улар содда, тўпори, дўлвори қишлоқ одамлари, самимий, беғараз, камсуқум инсонлар. Аксарият ҳикояларнинг ягона бош қаҳрамони эса меҳнат — машаққат билан ўсган, ёш бошига не бир синовлар тушиб, гоҳ йўқчилик, гоҳ ожизлик, гоҳида эса урушу талош — афғон жанггоҳларида тобланиб, ҳаёт неъматининг нима эканини юрагидан англаган, илк муҳаббат таъми-тотинию захмини ҳам туйган хотиралар гирдобидаги мушоҳадакор ёзувчи — адиб.

Инсонни хотира ўстиради, чиниқтиради. Хотиранинг кучи, қуввати аслида кечмишлардан сабоқланиб, олдиндаги ва олдиндаги бўлиб турган ва бўлажак амалларга ўзни чоғлаш, борини қадрлаш, борларини севишдан иборатдир. Фақат севги, инсоннинг инсонга, инсонларга муҳаббатигина халоскор куч, кибрдан, такаббурликдан, нописандалигу худпарастликдан асрагувчи буюк қудрат, мустаҳкам қалъа, ягона паноҳ. Қўчқор Норқобилнинг хотира ва муҳаббат қуршовидаги қаҳрамонлари ўз дунёси, ҳақиқати билан узоқ яшайдиган қаҳрамонлардир.

Р.С.: Қўчқор Норқобилнинг тўпламдаги барча ҳикоялари анъанавий тафсилий йўсиндаги реалистик ҳикоялар эканини қайта-қайта таъкидладик. Уларнинг ҳаётий жозибасини, ўқув-

чига ёқимли таассурот бағишлаши ҳамда жиддий ўй-мушоҳадалар уйғотишини қайд этдик. Дарҳақиқат, тасаввурларимиз ўрганган, гоҳида кулиб, гоҳида йиғлаб, гоҳида эса астаҳидил тақдирдошдек бўлиб жонимизга жондек кириб қоладиган қаҳрамонлари билан бирга яшаётгандекмиз. Уларни узоқ вақт хаёлимиздан, кўнглимиздан чиқара олмаймиз. Чин адабиёт, истеъдод, изтироб санъати шу, албатта. Аммо бир жиҳат, қаттол бир шубҳа хаёлларни саро-сар қилади. Ҳикояларни ўқиганингиз, қаҳрамонлар дунёсини ўзингизникидай қабул қилганингиз ёки улар ҳақида ўйлаганингиз сари сиз айнан ҳаётнинг ўзи эмас, балки адабиёт дунёсида эканингизни, не бир ҳолатлар, ишқий-хаёлий, романтик лавҳалар сизни санъат аталмиш рўё оламида эканингизни сездиргандек бўлади. Бу ҳикоялардаги микрооламлар, туйғулар, кечинмалар макродунёдаги бор ҳақиқатлар, гоҳи англаб-англамай, савқи табиийда бироз ёришиб кетадиган аниқ номсиз ҳолатлар олдида жўнроқдек туюлиб кетади. Ҳа, энди адабиёт — санъат шу-да, дегингиз келади. Аммо шу рўёсиз, рўёларсиз бугунги ҳаётингизни тасаввур этиб кўринг-чи? Умуман тасаввур этиб бўлармикан?! Лекин барибир шоир Чўлпон айтмоқчи «кўнгил янгилик қидирадир», қидиради, қидираверади... Шунинг учун ҳам у кўнгил, ақл эмас...

Шухрат РИЗАЕВ

ҚОРДАГИ ЛОЛА

Деразанинг бир қанотини очиб, тўртинчи қаватдан ташқарига қарадим. Уҳ, совук. Қахратоннинг қаҳри юмшамаган. Кечаси қатрондай қотган йўлак ва кенг кўча, дов-дарахтлар — бутун борлиқ аёзга таслим бўлган. Қор десам қорга ўхшамайди, нимадир ёғяпти. Дераза ойналарига чирсиллаб уриляпти. Тошёмғир шифалаб, ёқимли ёғяпти. Ҳа, бу — тошёмғир. Қор ва ёмғир орасидаги қаҳру азоб бу.

Шамсия тутмаганимни ҳисобга олмаганда, кўчага рисоладагидек чиқдим. Ёмғирли кунлар шамсия кўтариб юрмайман, негадир юрагим сиқилади, хаво етишмайдими-ей, атрофим зимистон тортаверадими-ей, ишқилиб, менинг шу пайтгача ёғингарчиликда шамсиядан паноҳ топиб юрганимни биров кўрмаган. Ҳатто уйимиз ёнидаги бозорчада салат сотаётган корейс хотин ҳам шундай намгарчиликда шамсиясиз чиққаним учун бошимдаги қимматбаҳо товланма телпагимга ачиниб қараб кўйди. Эгнимдаги қалин, чарм пиджакдан эса ёмғир тугул, бошқа нарса ёғса сезилмас эди.

Ишга бугун ҳам кеч бордим.

— Қаерларда юрибсиз? Доим кечикасиз-а?, — котибанинг одатий саволи шу бўлди.

— Тинчликми? Каллаи сахарлаб кимга керак бўлдим? Катта сўраяптими, ё?

— Қанақасига каллаи сахар бўлсин? Соат ўндан ошди. Катта эмас, сизни бир рус аёл

пастда кутиб турибди. Шўрлик бир соатдан бери телефон қилади. Юринг, ички телефонни олинг. Нега караб турибсиз?

Бироз тараддудланиб қолдим. Котибанинг қатъиятли иддаоси таъсирида қабулхонага югурдим.

— Эштаман, — дедим одатий оҳангда.

— Алло, бу сенмисан, Толик — деди аёл лўнда килиб.

— Ҳа, менман... Сиз ўзингиз кимсиз? — таажжубландим.

— Менман. Пастга туш. Туша оласанми? Аёлнинг сенсираши, ўзига яқин олиши энсамни қотирди. Шу билан бирга овозидаги сокинлик, алланечук титроқ кўнглимда оний лахзада илиқлик уйғотди.

— Кечирасиз, мен Сизни...

Гапим оғзимда қолди:

— Худойим-ей, мен Москвадан келдим... Мана, ниҳоят, сени топдим. Иринаман!

Аёл гўшакни қўйиб қўйди.

Эсанкирадим. Москвада Ирина деган танишим йўқ эди. Ўйлаб қарасам, умуман, ҳеч кимим йўқ экан Москвада. Қаршимда котиба маъноли жилмайиб турибди. Ҳардамхаёл бўлиб пастга тушдим. Фойе хийла совуқ эди. Эгнимга пиджагимни илиш ҳам ёдимдан кўтарилибди. Таниш-билиш ҳамкасблар билан йўл-йўлакай сўрашиб, ойнаванд эшик томон юрдим. Миршаб рўпарасидаги аёлга кўзим тушди. Эгнидаги мўйнаёқали пальтоси ерга тегай-тегай деб турибди. Бошига қимматбаҳо оқ сур телпак кийиб, бўйнига яшил шарф ташлаб олган. Миршаб аёлга алланималар деб, мен томонга имлади. Лахзада баланд бўйли аёлнинг ўзига ярашиқли

уст-бошини, қадди-бастини назардан ўтказдим. У менга илкис қаради. Кўнглимда ғашлик аралаш қизиқиш уйғонди. Ойнаванд эшикка яқинлашдим. У менга кимнидир эслатарди.

Кўзлари катта-катта. Тим қора. Ёник. Порлаб турибди. Чехраси тип-тиник. Қора, қалин қошлари ёйдайдигилган. Қиррабурни юзига мос, қалин лабларига хиёл табассум инган. Оқ сур телпаги остидан чиқиб турган бир тутам сочи силлик манглайини тўсган, шундан бўлса керак, кўзлари янада чарақлаб боқаётганга ўхшайди. Чехрасига чиройли табассум ёйилган бу аёлни кавказликларнинг гўзал вакиласига ўхшатиш мумкин эди. Аёлга маҳлиё бўлиб қараб туравердим. Сукутни унинг ҳаяжонли овози бузди:

— Салом, мени танидингми?

У ўзини нечоғлик қувноқ тутишга уринмасин, юзидаги ифода қисқа сонияда ўзгариб, лаблари пирпираб учганини ҳис этдим. Ёниб турган қора кўзларидаги сир-асрор мени ўз комига тортиб кетаётганди. Сохта табассум билан ўзимни бепарворок тутишга уриниб, елка учирдим. Бош силкиб, «йўқ танимадим», ишорасини қилдим.

— Ана шунақа!.. Мен эса сени унутмадим. — Аёл ўта вазмин, озгина гина-кудрат оҳангида сўз қотди. Аммо, юзидаги табассум сўлиш олгани йўқ. — Ҳа, майли, эслаб кўр... 1987 йил. Ёз. Файзобод. Ирина Михайловна. Энди ёдингга тушгандир?..

Миямга чакмоқ ургандай бўлди. Чайқалиб кетдим. Ичимда нимадир узилди, гўё. Беихтиёр ихраб юбордим. Тиззаларим қалтираб, мадорсизландим. Қаршимдаги сулув хилқат, ўша — бундан ўн олти йил аввалги Ирина Михайловна эканлигини ҳануз тасаввуримга сиғдиролмай ган-

гиб турардим. Туйқус, оний бир қудрат кўмагида тасаввуримда ўн олти йил аввалги Ирина гавдаланди. Ҳа, бу ўша. Тим қора кўзларида сеҳрли бир маъно. Чехрасининг чароғонлиги, қарашлари, кулгилари ўша-ўша. Бироз тўлишибди, чиройи янада очилибди. Кўриниши анчагина салобатли. Устидаги қимматбаҳо кийим-бошлар уни янада жозибали кўрсатиб турибди.

Ўзимни йўқотиб қўяёздим. Қўлларини маҳкам сиқиб, юзимга яқин олиб келдим. Атрофдагилар, ён-веримдагиларни ҳам унутиб қўйдим... Даф-даф титраган кўйи дедим:

— Қандай топдинг? Бу сенми ахир?.. Оҳ, худойим-ей! Ҳозир, Ирина... Ҳозир... Шошма, ўйлаб олай... Ҳа-я, сен! Шу ерда туратур. Мен кийиниб тушаман... Кир, ичкарига кир, ана, бурчакдаги ўриндикда ўтир. Мен ҳозир... Ярим дақиқада қайтаман.

Эсим кирди-чикди бўлиб, лифтни ҳам кутмай, зина узра юқорига югурдим. Шошапиша пиджагимни кийиб, сейфдаги бор пулимни чўнтагимга урдим. Йўлакка чиқишим билан котибага йўлиқдим:

— Ким сўраса ҳам айтинг, мен йўқман... Бугун мен йўқман...

— Туу-шуу-н-аарли!, — деди котиба киноя аралаш.

Мен унга эътибор бермай, оёғимни қўлимга олиб фойега қараб чопдим.

Назаримда, у кетиб қоладигандай, умуман, бу англашилмовчилик, у мени излаб келмагандай эди, гўё. Йўқ, ана у мени кутиб турибди.

— Кетдик, Ирина. Ташқарига чиқамиз, — қўлидан тутиб йўл бошладим. Юрагим дукиллаб урар, халигача ўзимни қўлга ола билмаган

эдим. Ёмғир қорға айланган. Совуқнинг захри бироз пасайган. Бироқ, шамол аралаш ураётган қор кўз очирмасди.

Ишхона рўпарасидаги катта йўлда такси тўхтатдим. Биз орқа ўриндикка ўтирдик. Шофёрга «Қаёққа бўлса ҳам ҳайданг. Шу ердан тезроқ кетайлик!..» дедим. У анграйиб қаради-да, машинани юргизди.

— Хўш, хўш. Энг яхши ресторанга ҳайданг.

Шаҳардаги энг нуфузли ресторанларнинг бири... Залда деярли ҳеч ким йўқ. Хилватроқ бўлсин учун бурчакдан жой танладим. Шохона зал шифтининг бор-бўйига кўзгу тиркалган. Унга осилган айланма биллур қандиллардан таралган ёғдулар стол-стулларда тахланган кумуш ликопчалар, қошиқ-санчки, пичоқларга тегиб сарғимтир оқиш тусда жилоланади. Деворларига копланган қимматбаҳо кўкимтир матоҳ, юмшоқ, чарм креслолар, итальянча стол-стуллар, столлар устига терилган соф, биллур қадахлар рестораннинг бир қадар замонавий ва ўзига хослигини билдиради. Табиийки, кишининг кайфиятига ҳам виқор ва шукуҳ, ажиб кўтаринкилик баҳшида этади.

Қўлларим қалтираяпти. Қордай оппоқ шойи ва силлиқ ялтироқ мато тортилган столнинг бир четини черта бошладим. Ирина самимийгина, кўзи чакнаб-чарақлаб кулимсирайди, холос. Телпаги, шарфи, сарғиш чарм пальтосини ечганидан сўнг янаям гўзал бўлиб кетди. Тим қора сочлари ловуллаб турибди. Бўйнидаги тилла маржон, яшил кофтасида кип-қизил атиргулларнинг қоқ ўртаси — гулкосасига жойлаштирилган ям-яшил ёқуткўзлар қандилларнинг ўткир нурида ярақлаб нур сочади. Иринанинг қаршисида

ўзимни кичрайиб бораётгандай сезаман. Ёни-мизга келиб, қаққайиб турган навнихолгина қиз, — ресторан хизматчиси менга саволомуз қараб турибди. Стол четидаги қора хошияли жилдни очиб таомлар турига кўз ташладим-да, сўнгра таомномани Иринага узатдим.

Дастурхонга бир зумда файз кирди, таомлар, ичкиликлар тортилди. Соғлик-омонлик тилаги билдирилгач, бир кўтаришда ароғни сипқордим. Ирина лаб теккизиб, винони бир хўплади. Бошим қизигандай бўлди, бироқ хануз ўзимга келолмай турардим, ҳаяжон ҳарорати бироз пасайгандай эди. Таомлар ўткир, иштаҳани очади. Иккинчи қадахни Иринадан «бахтли тасодиф» шарафига кўтаришимизни илтимос қилдим. Унинг чиройи янаям очилиб кетди. Юрагимдаги ваҳимага ўхшаш тугунлар ечила бошлади. Кўзларига тик қараб туравердим. Журъатим ошгандай бўлди.

— Шундай қилиб ёзувчиман, де, — у самимият билан сўради.

— Ҳа, шу... Бошқа нарса қўлдан келмайди, — тилимга келгани шу бўлди.

У кулиб юборди.

— Яхши одам бўлишингни, аниқроғи, яхши бола эканлигингни ўшандаёқ сезганман. Ҳа-я, сен мендан уч ёш кичкинасан-а?..

— Тўғриси, ғалати бўлиб кетаяпман. Ирина, мени қандай қилиб топдинг?

— Нимайди? Москвада яшаётган аёл қандай қилиб, кутилмаганда бу ерда пайдо бўлиб қолди демокчимисан?

— Ҳа, балким. Эй, йўк, нима десам экан, — каловландим.

— Менда манзилинг бор. Униб-ўсган жойингга қўнғироқ қилдим. Тошкентда дейишди. Нима, Москвадан қўнғироқ қилиш қийин эканми?

— Сен яшаш жойимни... Ҳалиги, эй тўхта, уф. Нима десам экан?

— Топдим. Ҳа, шундай. Буни кейин билиб оласан. Мен сенга учрамай, топмасдан қийналиб яшашга қурбим етмаслигини сездим. Тушуняпсанми? Мен ҳеч қачон тақдирнинг ва сенинг олдингда, ўз виждоним олдида қарздор бўлиб яшашга дош беролмас эканман.

— Бу нима деганинг, ахир?

— Кейин билиб оласан... Ол, е... Овқатинг совиб қолди, жаноб ёзувчи, — деди-да кулди.

— Майли, сен айтгандай бўла қолсин... Лекин, Тошкентга қачон келдинг?

— Кеча. Меҳмонхонага жойлашдим. Сенинг ишхонангга яқин экан. «Интерконтинентал». Яхши жой. Энди, сен ўзинг ҳақингда гапир. Менга шуниси қизиқ. Сен ўзинг, ҳаётинг, яшаш тарзинг тўғрисида сўзласанг-чи... Худога шукр, соғ-омон экансан. Кўз тегмасин. Анча куч-қувватга тўлибсан, очиги, унчалик ҳам ўзгармагансан. Яхши-я, барибир ҳаёт, яшаш яхши-я? Дарвоқе, оиланг, фарзандларинг бордир?

— Бор... Ирина. Бор. Тўхта. Сен, нима десам экан, ўзинг қандай яшаяпсан? Москвада нима иш қиляпсан?

— Асосан, савдо. Эрим Франция билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхонанинг бош директори. Ўзимнинг фирмам бор. Европа давлатлари билан савдо-сотик қиламан. Ҳозирча ишлар чаккимас. Икки нафар фарзандим бор.

Очиғи, сен билан бир йилдан буён учрашмоқчи бўлгандим. Иш. Иш... Фурсат тополмадим. Охири кўзимни чирт юмиб, Тошкентга учдим. Вақти соати келган экан, мана қаршингда турибман. Тўғри, кўнғироқ қилсам ҳам бўларди. Бироқ, ўзим келишим керак эди. Ҳа, шундай...

Мен унинг қўлларини ушладим. Нигоҳига термулиб, ёш қалқиганини пайқадим. Ичимда бир оғрик кўзғалди. Ўпкам тўлиб, диморим ачишди. Кўзларимдан ёш сизди. Сочларини силадим. Юзини ўзимга қаратдим. У оппоқ узун-узун бармоқлари билан юзимни сийпалай бошлади.

Кўз олдимни туман қоплади. У менинг бўйнимдан, қулоқларимдан қаттиқ чимчилади.

— Бўлди, бўлди... Илтимос... Қўй. Ўзингни қўлга ол. Эҳ, сен менинг... ўтмишимнинг ёрқин ва мунгли хотирасисан — у бирдан кулгига олди. — Ҳа, дарвоқе, ёзувчилар шунақа гапиришади-я?

Мен ўз ўрнимга жойлашдим. Иринанинг юзларида ҳорғинликми, ўйчанлик ифодасими қалқиб турарди. У нигоҳини бир нуқтага тикди. Жим-жит. Оғир ух тортди. Чуқур-чуқур нафас олди.

Билмадим, тилимга шу сўз қаёқданам келди:

— Бахтлимисан?

У бош силкиди. Тўзғиган сочларини текислаб тирсагини столга қўйди-да, қўли билан пешонасини ушлади. Юм-юм йиғлаяпти.

— Йўқ, — деди яна бош чайқаб, — йўқ... Умуман олганда, ким билсин, ҳаётни кўриб туришинг, тирикликнинг ўзи бир бахтдир, шундаймасми? Тўқлик, фаровонлик, бойлик, яхши яшаш — бахт бўлса, агар шундай деб тушунил-

са, мен бахтлиман. Лекин, инсонни доимо азоблаб тургувчи бошқа нарсалар ҳам кўп ҳаётда. Кимдир камбағал, базўр кунини кўради. Лекин, қалби хотиржам. Хотира оғриғи йўқ унда. У назаримда, мендан кўра бахтлироқдир. У эса, ўз ўйича, мени қайғу — ҳасрати йўқ, бахтиёр аёл, деб ўйлайди.

— Чиройлисан. Сен жудаям гўзалсан, — дедим гапни бошқа ёққа буриб.

У яна жилмайди.

— Ҳмм. Шундай де. Майли, дийдиёни тўхтатамиз. Қўй шуни, яхши гаплардан суҳбатлашайлик. Сўра, яна қандай саволинг бор?

Мен бу учрашув бундан кейин қандай давом этишини тасаввуримга ҳам сиғдиролмаётгандим. Ҳўп, кечгача бирга ўтиришимиз мумкин. Кейинчи? Юрагимда оғриқли туйғуларни аланга олдирган, ҳаётимнинг оғир, қайғули чорларида мен билан бирга, йўлдош бўлган аёлга, тақдирим йўлида учраган энг кадрдон инсонга айни дам нима дейишимни билмасдим. Баъзида нимадир айтмоқчи бўласану, суҳбатдошинг, айниқса, у кўнглингга яқин бўлса, ҳеч нарсa деёлмайсан, у эса дилингдагини бир қарашдаёқ билиб олади. Ортиқча гап-сўзларга ҳожат қолмайди. Ирина иккимизнинг орамизда ҳам шундай бўлганди. Биз, дунёнинг икки бурчагида яшаётган икки хотирадош, орадан ўн олти йил ўтиб яна учрашган эдик. Индамасдан, шундай — бир-биримизга қараб ҳам сўзсиз суҳбатлашишимиз мумкин эди.

Ирина жимликни бузди:

— Тоҳир, нимадир дегин... Майли қадах сўзи айт...

— Кел, ҳаёт учун, тириклик учун ичайлик.

— Оҳ, ана, ўзбекча мусиқа янгради... Сенга ёкмаяптими? Бемалол, ҳеч нарсани ўйлама... Бугун сенга бутун Тошкентни томоша қилдираман.

У яйраб кулди. Чехраси яшнаб кетди.

— Шошма. Мен сенга бир гап айтаман...

— Айт.

— Соатинг неча бўлди?

— Бирга яқинлашди.

— О, демак... Мени меҳмонхонагача кузатиб қўй. Соат иккида эрим, Володя қўнғирок қилади. У Тошкентга атайлаб, сени излаб келганимни билади. Ҳаммасидан хабардор. Сен билан учрашишимни унга айтганман.

Мен нима дейишимни билмай қолдим. Ирининг жиддий тус олган чехрасида самимият балқиб турарди.

— Нега энди соат иккигача?

— Мана, сен билан юз кўришдик. Сухбатлашдик... Ё, сен бундан хафамисан?

— Йўқ. Ахир, сен, бемалол ўтиролмаёсан...

— Вақт сен билан менга бўйсунмайди... Нима қилай, иш. Ишбилармон аёлман, айтишади-ку, «янги рус»ларнинг ишбилармон вакиласи, — у энди атайлаб чехрасига жиддий тус бериб, ковоғини уйгандай бўлди. Кейин яна ух тортиб, овози юмшади. — Ҳа, майли. Мен сенга бир гап айтайми?

— Айт, айтавер.

— Ишхонангда, менинг ёнимга келаётганинга юришингга эътибор бердим. Кейин, зинадан югуриб чиқаётганингни кўриб жуда қувониб кетдим. Ишонасанми, сен қайтиб тушгунингча йиғлаб ҳам олдим.

— Шуям сенинг эсингдами? — дедим. Томоғимга нимадир тикилди.

— Эҳ. Сен билмайсан. Балки, ишонмассан. Ўша жойни эсласам, энг аввало, ёдимга сен тушасан. Афсуски, эсламасликнинг иложи йўқ.

Яна уф тортди. Қўлларимни сиқиб, кўзларимга тик қаради. Қароғларидан ёш думалади, ғалати бўлиб кетдим. Шу тобда Ирининг ўй-хаёлида қотган лаънати ўтмишни сидириб ташлагим келар, лекин бунинг ҳеч иложи йўқ эди. Мен ўрнимдан туриб, унинг ёнига ўтдим. Қўлини яна кафтим орасига олиб ўпдим. Юрагим минг азобда қоврилаётганди. Кейин ялиндим.

— Қўй, Ирина. Ҳозир мавриди эмас. Қўй, шуни эслама, умуман эслама, қара, ахир сен чиройлисан, бошқа нарсадан гапир, Ирина. Воҳ, худойим-ей, лаънат бўлсин бундай ҳаётга. Кел, ахир сен менинг меҳмонимсан, олисдан келдинг. Йиғлама, йиғламагин.

Ирина мунгли қиёфада қотиб турди-да, тирсагимдан кўтарди. Ўрнимдан турдим. Ирина қўли билан чап оёғимни ушлаб, шимим почасини кўтара бошлади.

— Тоҳир, хўп десанг оёғингни кўрсам. Тиззангинг пастки томони, чап оёғинг эди-а?

— Ҳа, чап оёғим...

— Мана.. оҳ бечорагинам. Мана... чандик, чуқурча бўлиб қолибди-да? Қўлим билан ушлаб ҳам сезаяпман, анча жабр кўргансан... Ҳозир оғримайдами?

— Йўқ. Совукда оз-моз билинади.

— Ундай бўлса, нега шиминг ичидан қалинроқ бирор нарса киймадинг...

— Хўп, кияман. Ўйлама. Яхши бўлади. Ҳа, сен ўзинг нима билан савдо-сотик қилишингни айтмадинг-ку, — мен уни чалғитмоқчи бўлдим.

Ирина қатъиятли бир ҳолатда айтишга уринди, лекин эплай олмади.

— Буни сенга мутлақо кизиги йўқ-ку! Тўғрими? Ҳа, майли Москвадаги асосий супермаркетларнинг деярли барчаси, қаршингда турган ақлсиз аёлники. Шу ақлсиз аёлнинг эри Владимир Павлович Семёнов эса пойтахтнинг машҳур саноатчиларидан. Яна нима дейин?

— Яхши. Мана билиб олдим.

— Азбаройи шунчаки сўрадинг. Қани энди, мухтарам ёкимтой мезбон, мени меҳмонхонага кузатасанми?

Ташқари оппоқ. Қор майдалаб ёғар, ер сатҳидаги қорларни шамол тўзғитиб ўйнарди.

— Россиянинг совурига ўхшаяптими? — дедим зинапоядан Иринани етаклаб тушаётиб, — кўз очирмаяпти-ку!

— Йўқ, унчаликмас. Россиянинг қиши билан ҳазиллаша кўрма, — деди Ирина кулгига олиб.

Такси ушлаб, меҳмонхонага йўл олдик. Ирина орқа ойнага бош тираб ташқарини кузатиб борарди. Шамол дарахтларнинг яланғоч новдаларига ўрнашиб, музлай бошлаган қорни минг бора силкисин, барибир учириб, тўзғитолмайди. Машина деразаларига изиллаб изғирин урилади. Қор қуюн бўлиб ёғарди. Қаҳратон ҳамласида ўз «ҳаётини» давом эттираётган шаҳарнинг қок маркази Амир Темур хиёбонидаги курант соат мили ўн беш дақиқа кам иккини кўрсатарди. Ирина ресторандан чиққанимиздан бери кўзини ташқаридан олгани йўқ, миқ этмайди, бошини ойнага тираганча, қайрилиб ҳам қарамасди. Мен елкасидан қўлимни ўтказиб, уни ўзимга тортдим. У кескин бурилиб, менга тикилди.

Кўзларидан ёш шашкатор оқарди. Юзи жикқа ҳўл. Ютинади, қалтирайди. У ўзини бағримга ташлаб ўкириб йиғлаб юборди. Ҳайдовчи аланглаб бизга қараб, шартта тормоз берди. Ҳайдовчи рус эди.

— Нима бўлди? Ўзини ёмон ҳис этияптими?

— Юринг, ана етиб келдик. Ҳаммаси, яхши, — дедим.

— Ҳа, мен ўзимни ҳар доим ёмон ҳис этганман, доим шундай бўлган, — деди Ирина ҳикиллаб, елкалари силкиниб.

Машина меҳмонхона тўғрисида тўхтади. Ирина бироз ўзига келиши учун, шофёрдан озгина тўхтаб туришни илтимос қилди. Тилла тасмали чарм сумкасидан лаббўёқ ва аллақандай крем-упалар олиб ўзига оро берди. Сўнг юзига жилмайиш бериб кўлимни қисди...

— Ана, энди тушсак бўлади. Қани, юр.

Маҳобатли меҳмонхона эшигидан ҳатлашимиз билан, эшикбон Иринага тавозе-ю таъзим бажо айлаб, жилмайди. Фойедаги чарм диванда ўтирган иккита барзанги йигит ўрнидан сапчиб туришди. Иккови ҳам бир хил кийинган. Узун ва ёкадор чарм пиджак, бошида чарм кепка, бўйнида оқ шарф. Оқ-сарикдан келган, бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаш бу икки қоровул йигитни Ирина билан бирга келишганини пайқадим. Йигитлар биз томонга икки-уч қадам ташлашди-да, Ирина оҳиста бурилиб ёвқараш қилгач, жойида такқа тўхташди. Бири кўл соатига қаради. Уларнинг юз ифодасидан ҳеч бир маъно уқмасам-да, кўнглимда ғашлик уйғонди.

Ирина биқинимга туртиб, эркалаган кўйи майин оҳангда сўз қотди:

— Хеейй, болакай!.. Сен уларга эътибор берма. Сени маст деб ўйлашди, чоғи. Қани, қўлингни узат, хайрлашамиз.

— Сен қачон кетасан?

— Эртага, — унинг овози қалтиради. Қўллари ҳам титраяпти.

— Ҳозир нима қиласан?

— Айтдим-ку, Москвадан телефон бўлади...

— Кейин-чи?

— Тохир, кечкурунгача энди менинг вақтим йўқ.

Ирина айни лаҳзада ўкинч билан ялинган кўйи сўзлаётганини пайқашим қийин эмасди.

— Айт, мен қачон келай?.. Қайси хонадасан?

— Кечкурун... Соат олтида. Эшикбонга учраш. Нима қилишинг лозимлигини айтади.

Ирина эшикбон томонга бош ирғаб кўйди. Сўнг шарт бурилиб халиги барзанги йигитлар томон юрди, уларнинг қуршовида лифтга кирди. Мен унинг ортидан музтар бўлиб қараб қолдим. Эшикка яқинлашиб, эшикбондан сўрадим.

— Ановилар ким?

— Хонимнинг ёнидагиларми?

— Ҳа, ўшалар.

— Э-е, Сиз билан бирга келишди-ку... Сиз ва хонимдан икки дақиқа аввал кириб келишди. Эрталаб хоним билан бирга чиқиб кетишганди.

— Тушунмадим?..

— Улар хонимнинг кўрикчилари-ку...

— Шундай денг...

Эшикбон «Шунчалар гўлмисан», дегандай тикилди. Мен нималар бўлаётганини англаб-англамай ташқарига чиқдим. Демак, Ирина ишхо-

нага ҳам кўриқчилари билан келган. Ресторанда мен билан овқатланаётганда ҳам кўриқчилар кузатувида бўлган. Мен уларни нега кўрмадим? Залда биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди-ку... Тушунарли, улар ресторан эшиги ёнида, ташқарида туриб кузатишган. Энди кечкурунгача нима қиламан? Соат икки бўлди. У Москва билан гаплашяпти. Ҳар бир қадами назоратда экан...

Дарвоқе, ҳикоямни бирпас тўхтатсам: муҳтарам ўқувчимизнинг бу соҳибжамол Ирина билан ёзувчимиз орасидаги илиқ муносабатларининг сабаби не экан, деб ичи кизиб турганини сезаяпман. Майли, озгина ортга чекиниб, «ўтмиш»дан бир шингил сўзлай. Бир бошидан гапирсам, бемалол бир китоб бўлади, бунга сабр қайда. Хуллас, Ирина хоним билан биз армияда, ҳа, тақдир тақозоси билан афғон урушида бирга хизматда бўлганмиз. У қисм тиббиёт бўлимида шифокор эди. Камина командирлик қилаётган бўлим билан доимо Ирина ҳам бирга жангга чиқар эди. Эҳ-ҳе, бошдан кечирган азоб-уқубатларимизнинг чеки чегараси йўқ. Ҳар қадамда ўлим, ҳар қадамда ярадорлар оҳ-воҳи... Ирина биз учун нажот элчиси, ҳаёт фариштаси эди.

Ҳарбий хизматим давомида, сўнгги жангда ҳам Ирина ёнимда эди. Взводга қирғин солган саллалилардан бирининг ортидан сиқувга олдик. У қочиб, бир кулбага ўзини урди. Кўзимга қон тўлиб, кулба эшигини тепиб кирдим... Тор ва ним қоронғу хонада ҳалиги қочқин хансираб тўлғонаяпти. Яраланган, хона бурчагида эса тош қотган кўйи ёш жувон гўдагини кўксига босиб тик турибди. У нималардир деб бақира бошлади. Сўнг бирдан жимиб қолди. Менга

қаҳрли нигоҳини тикди. Бир менга, бир ерда-
ги ярадорга қараб, гўдаги оғзига кўксини тут-
ди. Кейин шоша-пиша чакалоққа бу кўкрагини
берди. Мен гарангсирадим, эсим кирди-чикди
эди... Аёл боласини ерга кўйди-да, ярадорнинг
ёнига чўкди. Қўлларини кўкка чўзиб, нимадир
деб пичирлай бошлади. Сўнг унинг қонли юз-
ларини силаб, бағрига босди. Эшик қарсиллаб
очилди. Икки разведкачи ва Ирина кириб кел-
ди. Мен сапчиб туриб разведкачиларга отманг-
лар, деб бақирдим. Ҳалиги ярадорни танам би-
лан тўсиб олдим. Ирина ҳамда разведкачилар
қуролларини пастга туширишди. Ирина мени
ўрнимдан турғизмоқчи бўлди. Сўл оёғимни бо-
сиб, чап ёнимга гупиллаб йиқилдим. Оғриқнинг
зўридан инграб юбордим. Чап тиззамнинг пас-
тидан қон оқар, ботинкам ичи ҳам билч-билч
қон эди. Оғриқни шу маҳалгача сезмагандим.
Разведкачиларнинг бири мени кўтариб чикди.
Ирина йўл-йўлакай тиззамга иккита оғриқни
қолдирадиган ампула урди... Оғриқ сусая бош-
лади, кўзим тиниб борарди.

Қишлоқдан чиққандан кейин кўзимни очиб-
ман. Яланглик... Замбилдаман. Бошимда Ирина
турибди. Нимадир дейди. Йиғлайди, жилмая-
ди... кўлим билан сув бер, деб ишора қилдим.
У сув келтирди. Муздай сув... Ичим ёнаётган
эди. Ютоқиб ичдим.

Икки йилдирки оғир жангларда ёнимда
бўлган Ирина билан бу сўнгги бор жангга
чиқишим эди. Мени госпиталга олиб кетиш-
ди. Иринанинг хизмат муддати тугаб, Москвага
қайтган экан... Ана шунақа гаплар ...

... Қишнинг куни қисқа бўлади. Қор тўхта-
ган. Кечки аёз бошланган. Музлаган қурук

қор оёқ остида гичирлайди. Мен хашаматли меҳмонхонага кириб келганимда, қоронғи тушиб қолган эди. Қоп-қора ойнали эшикни очиб ичкариладим. Кенг ва ёруғ зал шифтига осилган улкан қандиллар нурида ёғдуланар, залнинг мармар сатҳи жимираб товланарди. Ичкаридан ёқимли, дилни сархуш қиладиган бўй тараларди.

Мени кўриб эшикбон ўрнидан турди. Таъзим қилиб, салом берди. Юзида мулойимлик базўр бўлса-да, илжайиб турарди.

— Келдингизми, ока?

— Ҳа, Ирина Михайловнага учрашмоқчи эдим.

— Хоним кетдилар, ока...

— Нима-а-а? Нима деяпсиз, ўзи? — чинкириб юбордим.

Устимдан биров совуқ сув қуйиб юборгандай бўлди. Турган жойимда типирчилай бошладим.

— Менга қаранг, нега кетади, адашяпсиз чоғи? Ахир ҳозир учрашишимиз керак эди-ку... Ҳалиги аёлни айтаяпман. Эсингиздами, мен келгандим-ку бирга! Ирина Михайловна!

Гапим оғзимда қолди:

— Хоним бугун соат учда учиб кетди. Сизнинг келишингизни айтувди. Мана, Сизга қолдириб кетди.

Эшикбон тортмадан конверт олиб узатди. Кўз олдим хиралашди. Дағ-дағ титрардим. Вужудимдан совуқ тер оқарди.

— Тушунмадим... Тушунмадим..., — дердим ақлу ҳушим учиб... Зал четидаги чарм диван сари юрдим. Назаримда, оёқларим ўзимга бўйсунмаётгандай эди. Ўзимни диванга ташладим. Қўлларим қалтираб, конвертни очдим.

Конверт ичидан сурат чиқди. Қирқ ёшлар чамасидаги истараси иссиқ жувон билан аёлга жуда ўхшаш ўспириннинг бирга тушган сурати. Иккови ҳам кулиб турибди. Сурат ортида арабий имлода нималардир деб ёзилган эди. Конвертда жуда чиройли дастхат билан Ирина ёзиб қолдирган мактуб ҳам бор эди.

«Салом Тохир, азизим! Бугунги кун — ҳаётимнинг энг гўзал куни бўлиб қолади. Орадан шунча йиллар ўтиб сен билан яна учрашдик. Сени кўрдим. Жуда хурсандман. Соғ-саломат экансан. Юрагингни, ўша ажойиб, инсоний туйғуларни асраб қолибсан. Биласанми, сен жуда яхши одамсан. Бугун менинг туфилган куним. Туфилган кунимни эса сен билан бирга ўтказдим, ниҳоят. Кейинги йиллар фақат шу учрашувни кутиб яшадим. Эримга ёлвордим — бугун мен учун энг яхши совға — Тошкентга бориб сени кўриб келишимга изн беришини сўрадим. Рухсат берди. У яхши одам. Мени тушунади. Сен ҳақингда гапириб берганман.

Тохир, ўзингни эҳтиёт қил! Мен ярим соатдан кейин учиб кетаман. Шундай бўлгани яхши.

Қўлингдаги суратга яхшилаб разм сол. Танимадинг, тўғри. Бу аёлнинг исми Шафиқа. Ёнидаги ўғли Аҳмад. Улар Лондонда яшашади. Худди мен сингари уларнинг ҳаётида ҳам сен яхши одам (ҳа, бошқача ибора тополмадим) бўлиб қолгансан. Бу тўғри, шундай бўлиши керак. Улар сени бир умр унутишмайди. Унутиши ҳам мумкин эмас.

Шафиқа ўша, кулбада сен отиб ташламаган афғон аёли, (унинг ярадор эрини ҳам отмаган эдинг) унинг бағридаги гўдак эса сен

суратда кўриб турган йигит — Ахмад! Улар мени топишди. Эсингдами, чодирга снаряд тушиб, (эй, худойим-ей, эсласам, титроқ босади) чодир портлаб кетган эди. Ўшанда ҳамма нарса чодирда қолган эди. Шафиқа биз чиқиб кетгач, ўша жойдан менинг ярми ёниб ётган дафтарчам, шунга ўхшаш нарсаларни топиб олади. Унинг айтишича, у бизни барибир топишни ният қилган.

Ўтган йили менга мактуб ёзди. Ишонасанми, ақлдан озай дедим. Мана бу суратни эса сенга бериб қўйишимни илтимос қилганди. Унинг ортида «Хаётимизнинг энг оғир лаҳзаларида бизга шафқат қилган мард ва меҳрибон инсонга улкан миннатдорчилик ва қарздорлик билан ташаккур айтамиз...» — деб ёзилган.

Тоҳир, Шафиқага қўнғироқ қил. Мана, телефон рақами (...).

Биз сени эрим билан истаган пайтингда Москвада кутамиз...

Мени кечир, ҳозир менга нақадар оғирлигини ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди. Шу билан бирга, сени кўриб, елкамни босиб турган тоғдай оғир юкдан халос бўлдим.

Тоҳир, сен яхши одамсан, яхши ёзувчи бўласан. Эсингдами, ваъда бергандинг...

Фикримча, дунёнинг қайси чеккасида яшашларидан қатъи назар, одамлар урушсиз, тинч-тотув кун кечиришлари керак. Уруш инсоннинг бир-бирига ёвуз ва шафқатсиз қилиб қўяди. Ўйлаб қарасам, одамлар бир-бирига меҳрибон бўлсалар, бир-бирини отмасалар... бу ҳаётда инсон бўлиб яшай биладилар...

Узр... Сен мендан ранжима... Сени Москвада кутамиз... Омон бўл! Ирина. 16.02.03 й».

Кўча совуқ эди. Йўл четида тизилган симё-
рочлар шаҳар кўчасини чароғон этган. Чироклар
нурида қор учкунлари сирли жимирлайди. Мен
қорли йўлакда қарахт ҳолда кетиб борадим.
Қаёққа бораётганимни ўзим ҳам билмасдим.

ОСМОН ОСТИДАГИ СИР

Қишлоқ узра хушхабар тарқалди. Ахли қиш-
лок ҳайратда қолди. Кун чикса ҳам, ой чикса
ҳам Хайринисонинг бошида порлайдиган бўл-
ди. Подаётқнинг пойидаги кўримсиз кулба-
да улғайган етимчанинг донғи-довруғи етти
иқлимга кетиб, номи оламнинг оғзига тушиши
ҳеч кимнинг, ҳатто Рўзи башоратчининг ҳам
хаёлига келмаган эди. Тўғри-да, тоғ тагида-
ги дўппидайгина қишлоқдан чиққан қиз бутун
дунёни ўзига қаратиб турса...

Аслида бу қишлоққа на телевизорнинг, на
радионинг кераги бор. Ҳар бир хонадоннинг
ўзи алоҳида телевизор, бўлакча радио — ҳар
бир уйдан ўзига хос янгилик, хабар тарқалади.
Қишлоқнинг бир бурчидаги шивир шу лаҳза-
нинг ўзидаёқ қанот боғлайди, қарабсизки, кип-
рик қоқиб улгурганча, ҳамма-ҳамма бохабар.
Шундай бўлгач, телевизор таъкидлаб, радио
тасдиқлаб турган, айнан шу қишлоққа тааллуқли
Хайри беванинг фарзанди билан боғлиқ жаҳоний
хушхабар қишлоқ осмонида момақалдирокдай
гумбурламаслиги мумкинми?!

Ойда-йилда бир кўриниб-кўринмайдиган тоға
бўлмиш Наби валломат хотинининг ҳай-ҳайла-
шига қарамай, ўғлининг ҳарбийдан қайтишига
деб боқаётган кўчқорни етаклаб Хайринисони-

кига йўлга тушди. Эл кўзи-да, эл кўзи! Айрим оғзи билан юрадиганларнинг ичи куйсин. Тоғанинг қандай одамлигини кўриб қўйишсин... Шу пайтгача тумшуғи булутга етиб турган, димоғидан ёғ доғ бўлгудай ҳамсоя Хаби дўкондорнинг ҳовли хатлаганига нима дейсиз? Болаларига бош ирғаб, имо қилган эди, бир бидон ёғ ва бошқа у-буларни ҳамсояникига ўтказиб ташлашди. Қариндошнинг қўлини қайирма деб Ҳасан бўла тугунча тутди: «Ками-кўстингга ишлат. Мен ёнингдаман, Хайри...».

Бола-бақранинг бақир-чақири, хотин-халажнинг вағир-вуғури ҳукмрон ҳовлида эс-хуши билан бирга ўзи ҳам учиб юрган Хайринисо бир гапириб ўн кулар, қутлагани келганларга эси кирари-чиқари бўлиб жавоб қайтарар, ҳовлининг у бошидан бу бошига зир-зир югурар, нималаргадир уннамоқчи бўлар, лекин хаёлини йиға олмай, супа четига чўк тушиб, бир нуқтага тикилган кўйи кўз ёши ҳам тўкиб оларди.

— Ҳой, овсин, берман келинг! Бугун энди келди-кетди кўп бўлади. Хотинларни ичкари уйга олиб, эркакларга супага, ҳамсоянинг ҳовлисига жой ташласак, нима дейсиз? Қозонтовокни қизларга қўйиб беринг.

Пешинга бормай ҳовли одамга тўлди. Мўмин қишлоқда шунақа: тўй-ҳашам, аза-маърака ўртада ўтади. Эшитган-эшитмаган келади. Одамлари ҳар бири ўзича донишманд, мағрур бўлишига қарамай, бир-бирига елка тутади, қайишади, бир-бирини овоз қўйиб тергамайдиган русми-тамойил вожиб.

Қўчкор йикитилди. Қозон осилди. Қудрат почтачи Сапи момонинг самоварини олиб ке-

либ ўт қалади. Хушвакт фермер эски, шалоғи чиққан «Жигули»сини гуриллатиб келиб, айвоннинг нақд бўсағасида тўхтатди. Ўчок томон қозон кўтариб бораётган ёш-яланглар базўр ўзларини четга олиб қолишди.

— Отанг отиб олганми дейман, Сайфи? — гудранди оёғи тойиб, мункайиб кетгач, истил шолвори қозон куяга беланган Азим пўрим.

— Отам ичмайди, оғзингга қараб гапир, — ўкрайди Сайфи.

— Ичмагани шуми? Эл-эломон йиғилган маъракада орқасидан ёв қувгандай шалдирук аравасини учуриб ўтди. Хайрият, бостирмага бориб урилмади. Йўкса, Хайри холага уйингдаги сигирингни олиб келиб берардинг.

— Сигир беради-я, энаси отасини чархпалак қилиб учирворади...

— Бас қилинглар. Қани, қозонни кўтардик. Хушвакт фермер улови юкхонасини очиб, қоплардан сабзи-пиёз, картошка-шолғомни айвонга, дунё ғийбати билан андармон хотин-халаж олдига гурсиллатиб ташлади.

— Хой, уккағарди аёллари! Жағларингга ем бермай иш билан шуғулланинглар. Мана, манавиларни тозаланглар. Жума ошпазнинг жиғига тегманглар. Масаллик вақтида тайёр бўлмаса, жизғанаги чиқиб жириллайди.

— Фермер қайнимдан ўзим айланай, — деди айвонда бир тўп аёл ичида савлатдор гум-гурсдай бўлиб ўтирган Қурбоной амма. — Акангизга кўп мактайман, шу инингиз корувли чикди деб. Ҳадеб хуржунни эгнингизга ортиб бозор катнайвермай, Хушвакт пермерга бир бормисан, денг, ҳамма нарсани ест, қилади дейман. Қаёқда, акангиз хода ютгандай, тип-тикка!

Эй, кўй, тинч ўтир. Ноқулай бўлади, дейди. Нима ноқулайлиги борми, пермержон?

— Хечам-да, амма. Ноқулайлиги йўқ. Чолингизнинг ўзи одамга эл бўлмайди. Ох, кўча-кўйда юришини кўриб, министр дейсиз! Министр-а...

— Хушвақтжон, куйинманг. Чол-да, шу роз юришдан бошқа ҳеч нарса қолмаган.

Хушвақт фермернинг кўнгли юмшади. Такдир ҳазилини каранг-а, тоғни урса толқон қиладиган Мамат полвон бугун аёли олдида ўсал. Зап полвон эди. Нарёғи Тожикистон, буёғи Туркманистондан келган курашчиларнинг оёғини осмондан қиларди. Елкаси ер искамади. Даврада боши ҳам бўлмади. Тўйнинг энг катта тобоқини Мамат полвон кўтарарди, совриннинг зўри ҳам шуники эди. Ё, қудратингдан, шундай одамлар ҳам қариб-қартаяр экан-да. Лекин ҳозир ҳам қарашида қирғийни қулатадиган ўт бор-ов, шиддат-шижоати сўнмаган, шундай одамни хотини ўсал қилаётганидан фермер хижолат тортди, ичида нимадир зил кетгандай бўлди. Юзига қизиллик урди.

— Амма, кечқурун уйингизга ўтаман, — деди тилига эрк бериб юборганидан мулзам тортиб.

Элдан айланай, элдан қўймасин, дегани шу бўлса керак. Ҳовлида биббинойидай тўй бошланиб кетди. Турдиқул прокатнинг стол-стулини опкелишди. Супада жой қилинди. Мўмин қишлоқнинг катта-кичиги йиғилган Хайри бева-нинг ҳовлисида карнай-сурнай садоси янгради. Қишлоқ кичкина эди, етти маҳалласи бўлмаса ҳам тўйнинг овозаси ён-атрофдаги кичик-кичик етти қишлоққа етадиган бўлди.

...Бадабанг, қарса-курс тўй авж олиб кетганидан кўнгли ёруғ тортган Амир оқсоқол қиёфасига жиддий тус бериб, тўғри супага қараб йўл олди. Туман марказидан қайтган оқсоқолни супада ўтирган қариялар андак қизиқиш билан қарши олишди, хўш нима гап, дегандай унга зимдан кўз қирини ташлашди. Даврага сукут чўкди.

— Гап бундай, кайвонилар, — дея сўз бошлади оқсоқол томоқ қириб, — эртага вилоятдан ҳам катталар келишаркан. Хайрини қутлашаркан. Катта раҳбарнинг ўзи ҳам иштирок этади. Тартиб-интизомни сақлаб туриш керак. Анови зормандадан эҳтиёт бўлинглар. Ичадиган уйига бориб ичсин. Меҳмонлар кеп-кетсин, кейин нима қилишса, қилишаверсин, Мўминда тўйнинг бир кун бўлганини ким кўрибди..? Кейин нима нағмаси бўлса қилишаверади.

— Тўғри. Асад пиён билан Али калга эҳтиёт бўлсак кифоя. Уйингда ўтира тур, йўқсам, отангнинг соқолига ўт қўямиз, деб кўрқитамиз. — Қодир чол хи-хилаб кулди.

— Бова, ҳазилнинг ўрни эмас. Бу — сиёсий тўй!

— Элнинг йиғинига сиёсатни аралаштирманг, жиян, — деди Шариф бобо.

— Тўғри, лекин ўзларингча тўйни бошлаб юборибсизлар. Марказдан келишимни ҳам кутмабсизлар, — оқсоқол иззатталаблик билан ёрилди.

— Эшонбовалардан рухсат опкелдик. Тоблари йўқ экан. Яхшиси, у кишини ҳам бир йўклаб қўйсангиз, ёмон бўлмасди. Ҳарна маҳалла оқсоқолисиз, Амирвой...

Шу маҳал шими почасини тиззасигача қайириб олган болакай супа ёнига чопиб келиб шоша-пиша бидирлай кетди:

— Шариф бова, қишлоққа жар солиб чиқайликми?

— Эҳ-ха, ҳалиям шу ердამисанлар, тирранчалар. Ҳе, отангни жилигига...

— Олим акамнинг мотоцикли энди соз бўлди-да, бова. Нима, деб айтайлик, нима деб бақирайлик, деб сўраяпти Олим акам? — деди бола бурнини тортиб.

Супада қур тортган чоллар жим қолишди. Ҳамма бир-бирига назар солди. Ва ниҳоят Шариф бобо:

— Тўлқин амакиникига, Тўлқин танкникига тўйга деб кичкиринглар, овозларинг Вахшиворга етсин, — деди хўрсиниб синиқ оҳангда. — Ҳа, шундай денглар, болаларим. Бугун Тўлқин танк тирилган кун. Тўлқин танк овозларингни эшитадиган кун. Бугун Тўлқин танк ҳаммаларингни кўриб, билиб ётибди. — Сўнг ўзича: — Эҳ, худойим-а, тақдири-амал дегани шумикин? — деб кўшиб кўйди.

Олимбой эски «Иж» мотоциклининг педалини бир тепиб ўт олдирди-да, ҳаё-ҳуйт деб қишлоқни қоқ иккига бўлган ягона кўчадан Обшир қишлоққа — юқорига қараб йўл солди. Унинг ортига ёпишиб олган болакай чийилдоқ, қулоқни тешгудай овозда жар соларди.

— Ҳамма-а-а, Тўлқин танкникига тўйга-ааа... Тўйга-а-а-а-а-ёв. Тўлқин танкникига-а-а-а, тўйга-а-а-а-а!!!

Ҳовлиси адоғидаги ариқ бўйида таҳорат олаётган Рўзи махсумнинг ичида оғрик турди, юрагини нимадир чимиллатиб чаккандай бўлди. Толнинг билакдай новдасига орқасини бериб ўтириб олди. Болакайнинг чийилдоқ овози махсумнинг асабини қақшатди, чакка томирлари лўқиллаб оғриди.

— Хурсанд калнинг неварасига ўхшайди. Таги пастнинг овози бунча совуқ бўлмаса, — ғудранди махсум, сўнг юрагини куйдираётган ўтдан кутулиш учун шалдираб оқаётган арик сувидан беихтиёр ховучлаб-ховучлаб ича бошлади. Овоз тобора яқинлашиб келарди.

— Хаммааа-а-а Тўлқин танкникигаа-а. Тўй-гаааа-а-ёв!

— Оғзингга ўқ теккур. Тўлқин танк тири-либ келгандай ваҳима қилади-я...

Махсумни уятми, ҳасадми нимадир исканжага оларкан, бошини тиззаларига қўйиб, минг азоб ичида қулоқларини беркитиб олди. Бирок хотира лавҳидан ўкинч ва алам ёшларига беланган Хайринисонинг қарғишга қўл очиб уввос тортган ҳолатини ҳайдай олмади. Ўтирган жойида ихраб юборди ва ўзига ўзи пичирлади: «У замон ўлдирган бўлса, бу замон энағар Тўлқин танкни тирилтирди...».

* * *

Тўлқин танк у ёқда, дарё ортида хизматни ўтаб кайтгандан сўнг бир замон хардамхаёл бўлиб юрди. Элга эш, қарига ёш бўлолмади. Одамовиликни орттириб келди. Ўзиям тамакини кетма-кет, орадан шамол ўтказмай паровоздай тутатарди. Бир нуктага термулиб тураверарди. Эл-элдош, қавм-қариндошдан бегонасираб, хаёлпараст бўлиб қолган йигитни отаси Раҳим полвон кўп жойларга олиб бориб даволатди. Энаси Марям момо эскичилик деди, сув деди, ўт деди, чилтон деди, жин деди, олиб бориб ўқитмаган муллasi, силатмаган кинначиси қолмади. Дўхтирдан бўлдим, табибдан бўлдим, Тўлқин танк элга қўшилди, ранг-рўйи

ўзгариб, одам сиёғига қайтди, тўй-томошаларга чиқадиган бўлди, қони тортиб яна тўйларда кураш туша бошлади, от изини той босди — Раҳим полвон тўй-маъракада хотиржам оёқ узатиб ўтирадиган бўлди. Изида издоши бор. Тўлқин полвон бор. Бирок Тўлқинбойнинг тўйини кўролмади. Ўғли афғонда бўлган кезлар Раҳим полвон юрак ўйноғини орттирганди. Қўрқув, ваҳима полвоннинг ичини тўкиб, ҳадигу хавотир асорати соғлиғига чанг солиб бўлганди. Бояқиш ўлди-кетди. Лекин бамайлихотир оёқ узатиб кетди. Ўғлининг элга қўшилганини кўриб кетди.

Ўлимидан икки кун аввал ерни ёстик, осмонни кўрпа қилиб ёпиб олган Раҳим полвон дўсти-давradoши Тўйчи полвонни чақиртирди. Тўйчи Раҳим полвоннинг бир бурдагина бўлиб қолган бўйинсасига боқиб, кўнгли чўкди, юраги эзилди. Бемор билан қўл беришиб кўришаркан, кафтига теккан муздай шилимшиқ нарсадан сесканиб кетди, ўлим нафасини туйиб, пешонасини совук тер қоплади.

— Ошна, сени бекорга чақирмадим. Кўриб турибсан, елкам ерга малол келаяпти. Бу дунёдан насибам узилганга ўхшайди, — Раҳим полвоннинг томоғига нимадир тикилгандай бўлди. Овози қалтираб чиқди.

— Қўй бу гапларни. Бурга тепганга ўхшайди сени. Шунга шунча ваҳима қиласанми, сени кара-я, — Тўйчи полвон беморнинг кўнгли учун ҳеч нарсани сезмаганга олиб бепарво сўзлашга уринди.

— Мени овутма, Тўйчи. Эллик йилдан бери енгу-елкадош дўстмиз. Даврамиз бир бўлди. Қуру тўримиз бир бўлди. Ҳамиша бир-бири-

мизнинг оримизни олиб курашдик. Бу атрофда сендай оркаш полвон йўқ ҳисоб. Ҳамиша сенга тан бериб келдим. Бунинг бугун тилимга чиқараяпман, ошна. Гапнинг бўлари, Тўлқинбойимнинг тўйини кўролмаслигим аниққа ўхшайди. Сизмай қолдим, дард бирдан йиқитди. Шу болам афғон урушига кетганини эшитган кунимда кўкрагимда бир нарсани пайдо бўлганди. Болам ўша ёқдан келгунигача неча бор ўлиб тирилдим. Кўксимдаги оғир тош каттариб, ич-этимни эзиб юборган, билсанг ошна. Ҳа, майли, дийдиёнинг нафи йўқ...

Тўйчи полвон дўстининг беҳудага ўз дардини дастурхон қилиш учун чақиртирмаганини билиб, ҳис қилиб турарди. Тўғри-да, Раҳим полвонни энди кўриб тургани йўқ.

— Хуллас, ошна, шу қизинг Хайринисони Тўлқинимга келин қилсак. Энди бу ёғи икковига ҳам ўзинг оталик қилсанг. Узанги йўлдош ошначилигимиз ҳурмати, илтимос қиламан, сўзимни ерда қолдирма, Тўйчи ошна!

Тўйчи полвон бироз каловланиб турди-да, хўп маъносида бош ирғаб, ризолик билдирди.

Раҳим полвоннинг йили ўтгач, аҳду қарор — эр йигит лафзи, деганларидай Тўйчи полвонданғиллама тўй қилиб, қизи Хайринисони Тўлқинга узатди. Биров Раҳим полвон қизини эрга берди, деса, биров полвон ўғлини уйлантирди, Тўйчи полвон Тўлқинжоннинг отаси билан ошна бўлгач, ота ўрнида оталик қилди, дейишди. Нима бўлганда ҳам элнинг кўнглидаги иш бўлди.

Олахуржун елкасига тушган куёв хўжалик техника омборидаги «Олтой» занжирли тракторни муҳандисдан қабул қилиб олди. Бир ой

қорамойга беланиб таъмирлади. «Олтой» гурил-
лаб ўт олганда, Тўлқин қалпоғини тепага отиб,
бор овозда қичқирди:

— Уррра-а-а! Танк соз бўлди. Танкни ту-
затдим. Халойиқ, танкмисан танк тайёр бўлди.

Гараждагиларнинг кулавериб ичаги узилди.
Ҳамкасбларга худо берди:

— Танкингнинг пушқаси йўқ-ку... Ёки бу
урғочи танкмикин?.. — деди Ҳайдар тракторчи
ҳаммага эшиттириб дўриллаган овозда.

— Эй, Тўлқинбой, афғондаям танк ҳайда-
гансиз-а? — ўсмоқчилади Ражаб қоровул нима-
гадир шама қилиб.

— Ҳа, ҳайдаганман. Етти юз ўн олтинчи
танкни ҳайдаганман. Бутун Афғонистонни ке-
зиб чиққанман, — Тўлқин коса тагидаги ним-
косани пайқамади.

— Хўш, энди манави урғочи танкнинг кети-
га пулуг боғламасдан, бир ўша ёққа — Афғонга
олиб бориб келмасангиз бўлмайди. Йўксам,
уволига қоласиз.

Қоровулнинг пичинги Тўлқиннинг энсасини
қотирди:

— Нега ундай дейсиз?

— Ахир у ёқдаги танкдан қочириб, насл ол-
майсизми. Бир умр бепушт бўлиб юраверадими?

Бўлди кулги. Бўлди қаҳ-қаҳа. Тўлқинни
ҳамқишлоқларининг беғараз ҳазилидан кўнгли
яйради. Бугун кайфияти чор эди, «танк» тузал-
ди, энди далага чикиб ишлайди.

— Тўлқинбой, агар афғонга яна қайтиб бо-
ришдан чўчиётган бўлсангиз, бошқа йўли ҳам
бор, — деди Ҳайдар тракторчи.

— Хўш, қанақа йўли бор? Ўша ёққа бо-
ришга юрагим дош бермай, очиги кўрқиб тур-
гандим.

— Ҳозир «танк»ингизга пулуг тиркаб тўғри Рўзи махсумникига борасиз. Камида йигирма сотих ери ҳайдовсиз ётибди. Сўраб-нетиб ўтирмай, ерини ҳайдайверасиз. Ишни тугатгач, махсум ҳаққингизга дуо қилиб, «Олтой»га дам солиб қўяди. Кейин кўрасиз, «танк»ингизнинг бўйида бўлади.

Техника омборидаги ҳангома шу куниёқ қишлоққа ёйилди. Тўлқин ўзига «танк» деган лақаб орттириб олди. Одамлар «Тўлқин танк» дейдиган бўлди. Бориб-бориб қишлоқдошларининг шундай чақиришларига ўзи ҳам кўникиб кетди. Одамлар Тўлқиндан миннатдор эди, қишлоқ аҳли Тўлқинни яхши кўришди: «Тўлқин танк барака топсин, еримизни ҳайдаб берди...», «Ана, Тўлқин танкка айт, ерингни текислаб беради...», «Тўлқин танк адирликдан ер очишимизга ёрдамлашди...», «Тўлқин танк тоғдан ўтин судраб олиб келиб берди». Хуллас, Тўлқин танк аллада азиз, тўрвада майиз бўлди-қолди. Рўзғорига ҳам барака инди. Қўлинг қуруқ бўлмасин, деб қишлоқдошлар хизмати эвазига чой-чақа бериб турди. Молҳол қилди, кўрасига қўй, катагига товук кирди. Фақат ховлисида пилдираб, югургилаб товуғига тош отадиган боласи йўқ эди. Тўлқин танкнинг ичи эзилиб борарди. Ичи куйиб кул бўлиб борарди. Йиллар ўтаверди. Тўлқин танк яхши ният билан Денов бозоридан олиб келган бешик ҳамон уй бурчагида осилиб турарди. Ўргимчак тўр ташлади бешикка. Хотини Хайринисонинг туман марказидаги дўхтирга қатнайвериб силласи қуриди. Охири қўл силтади. «Пешанамдан кўрдим. Худонинг айтган яхши куни ҳам бордир», деб ўйлади.

Тўлқин танк одамлардан яна ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Гўёки ҳамма унга қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандай туюларди. Олдинги одамовилигига қайтди. Яна қора ўй-хаёллар ғужғон ўйнаб, бошида оғриқ кўзғала бошлади. Кечалари алахсиб ухлай олмади. Кўзи илинди, дегунча сон-саноксиз танклар босиб келаверар, қиёмат-қойим жанг майдонида қолиб кетарди, гоҳида гўдагини бағрига босиб югураётган Хайринисони соч-соқоли ўсик, саллали, қурол тутган кишилар қувиб боришар, ушлаб ўртага олишар, шафқатсизларча отиб ташлашар эди. Баъзида аллақерлардан пайдо бўлган болакай Тўлқин танкка қараб чинқириб югурар, навқирон пайтида ўзи жанг қилган Чорикор чангалзорлари, Погман ва Гардез тоғлари, Қандахор чўлларидами, қаердадир ўша югуриб юрган болани ҳимоя қилиш учун кўксини ўққа тутар, югурай деса зил-замбил оёқлари ўзига бўйсунмас эди. Бундай пайтларда бақириб уйғониб кетарди. Урушнинг хотира оғриғини инсон тафаккуридан ҳеч бир куч суғуриб олиб ташлай олмас экан. Уруш одамзодни барибир мағлуб этиб, уни ўз гирдобига тортиб оларкан, инсон уруш хотираси комида яшаркан.

Оғзига кучи етмаганлар ғийбат қилди, бу дунёда ғаними йўқ одамнинг ўзи йўқ экан. Тўлқин танкнинг афғон урушида нафақат калласи кетган, пушти ҳам куйиб кул бўлган, дегувчилар ҳам топилди. Тешик кулоқ эшитида, бундай пайтлар Тўлқин танкка еру осмон қоришиб кетгандай, елкасини бир оғир юк босиб ер қаърига киргизиб юбораётгандай туюларди. Қишлоқ юкорисидаги Оқтепа пойида

кўксини зах ерга бериб, юзтубан ётарди. Куйиб ёнган бағрини ерга босиб совутарди, ҳовуридан тушарди. Шундай кезлари ўтмишнинг туманли манзаралари ҳаёлини қоплар, зил-замбил бошида оғрик турарди.

* * *

...Дастлаб қарсиллаган, сўнг лахзада борликни ларзага солиб гумбурлаган портлаш эшитилди. Қўрғон томон физиллаб бораётган танк лопиллаб ҳавога кўтарилиб, оний ҳолатда муаллақ тургандай бўлди-да, гурсиллаб ерга кулади. Тўлқиннинг қулоқ-чаккаси шанғиллаб, боши кузатув ойнасига урилди. Ҳуш-беҳуш ҳолатда танк портлади, деган ўй ҳаёлини чақиндай тилиб ўтди. Кейин эшик қопқоғини қандай очиб, қай ҳолатда танк ичидан ташқарига отилиб чиққанини эслай олмади. Ёнидан кўкиш тутун кўтарилиб, чанг-тўзон ўрлаб, портлаш рўй берди. Зарб билан урилган иссиқ ҳаво тўлқини тўрт-беш қадам нарига, хароба кулба девори ёнига учуриб юборди. Қовуғида жизиллаган оғрикни ҳис этиб ҳушидан кетди.

Кобулдаги марказий госпиталда тўрт ой даволанди. Елкасидаги, ўнг курагининг пастидаги жароҳат енгил эди, тез битди. Бироқ қовуғини ёриб кирган снаряд парчасини олиб ташлаш ўлим билан баробар бўлди. Ит азобини тортиб қийналди. Яра захми умуртқагача етди. Дард ҳам, даво ҳам тақдирнинг ёзиғи. Кун ичи бор экан, ҳаётга қайтди. Госпиталдан чиқадиغان кун палатага даволовчи врач полковник Стоногин кириб келди. Каравотга ётқизиб, обдон кўрикдан ўтказди. Киндиги пастига, қовуғига ўртанча бармоғи билан уриб кўрди, тумба

устидаги касаллик варақасини олиб, синчиклаб кўздан кечирди. Тўлқинга «бўлди, ўтиравер» ишорасини қилиб, ўзи ҳам унинг ёнига чўкди. Йигитнинг елкасига қўл ташлаб, нигоҳига термулиб турди, сўнг муҳим гапни айтмоққа шайланиб, лаблари пирпиради... Куйиб-пишиб нималарнидир гапираётган полковникнинг сўзларини русчага шашти паст Тўлқин унчалик англаб етмай, бош ирғаб қўярди. Йигитнинг бунчалар бамайлихотир бош силкитиши полковникнинг энсасини қотирди, шу билан бирга раҳмини келтирди. Каравот ёнида серрайиб турган ҳамшира юзини бурди, елкалари силкиниб, пиқиллаб йиғлаб юборди. Полковник жарангдор овозда: «Ну ладно, самое главное — ты живой!» — деди.

Тўлқин бу гапнинг тагидаги мазмун-моҳиятни анчагача англай олмай юрди. Сўнг тирикликнингга шукур қил, тириклик ҳамма нарсадан афзалдир, деган маънога йўйди.

* * *

Оқтепа пойидаги зах ерга бағрини босиб ётган, дунё кўзига қоронғу кўринган кезларда полковникнинг ўктам овози қулоқлари тагида жарангларди. Бутун аъзойи бадани титроққа тушарди, уятдан ер ёрилса-ю, ерга кириб кетса... «Энағар билган экан-да... Шунинг учун менга ғалати қараш қилиб гапирган... Пуштим куйганини сезган экан, мен овсар унинг куйиб-пишгани сабабини тушунмабман. Ҳамширанинг йиғлагани-чи?.. Бу кунингдан ўлганинг яхши... деганимиди бу. Уф...ф, одам тирик бўла туриб ҳам ўлар экан-да, полковник? Мен тирик бўлсам ҳам ўлган одамман, полковник!..»

Тўйдан олдин таомили такдир деб уялиб-не-тиб, кўзига кўринмай юрган Тўлқинга Тўйчи полвон одам юборди. Ҳузурига чорлади. Тўлқин уялди. Бетини без килиб бўлғуси кайнота ҳузурида хўроздай бўп турса эпдан бўлмас. Эл-улус бор. Элагининг эпақаси кетган оломоннинг оғзига эрмак бўлсинми...

Тўлқиннинг истиҳоласи полвонга хуш келди. Ори бут экан, томири тоза-да, тарбиянинг таги зил кетмабди, деб кўнгли хотиржам тортди: «Ундай бўлса, ўзим борганим бўлсин!».

Тўйчи полвон Тўлқинни кўчада тутди. Полвонни кўриб Хурсанд калнинг дарвозасига ўзини ураман деб тайсаллаган эди, улгуролмади, полвоннинг гуруллаган овозидан жойида тошдай қотди:

— Ҳов бола, бери ке! Қочма, ўғлим!

Полвоннинг қаршисида туриш кийин бўлди, унинг ўткир нигоҳларига дош беролмади. Ияги ўмгагида. Полвон дўриллаб гапирди, назарида бутун кишлок эшитиб тургандай, Тўлқин ўзини кўярга жой тополмай қолди:

— Отангнинг васияти вожиб бўлди, сени куёв қилдим. Бу деганим ўғлим йўқ эди, ўғлим бўлдинг, деганим. Хайринисо — якка-ёлғизим. Хотиним бундан олдин тўрт ўғил туғди, тўртовиям турмади, ерни семиртирди, йўғасам тўртови тўрт томонимда тик устун бўлиб, бошимдаги осмонни суямасмиди? Бу дунёда топганим — ўғлим ҳам шу, қизим ҳам шу. Болам, насиҳат-ниятим — қизимга қўл кўтармайсан, томиринг тоза сувга теккан — полвон наслидансан, чин эркак аёлга қўл кўтармайди, болам. Ожизага қўл кўтарган эркакнинг эркаклиги қолмайди, рўзгорининг ҳам баракаси

учади. Укдингми, болам? — полвоннинг овози қалтираб чикди.

— Тушундим, Полвон ота! Тушундим. Аёлимга кўтарилган кўлим синсин, кўлим узилиб тушсин, — деди Тўлқин ҳам.

— Биладан, болам, биладан. Отангнинг боласисан! Ожизнинг оҳидан кўрқадиганлар хилдансан. Томиринг тезак қуйқали кўлмакдан сув ичганда оғзимнинг елини шамолга бермасдим, болам.

Полвон кетди. Тўлқин йўлнинг қоқ ўртасида ўзига келиб-келмай сўппайиб туриб қолди.

Тўлқин Хайринисога сира кўл кўтармади. Уч йил ўтди, беш йил ўтди — зор-зардобни ичига ютди. Нима десин? Нима қилсин? Оҳини кимга айтсин. Эшитган қулоққа ёмон. Ўл-а, бу кунингдан дейишмайдими, бу кунингдан ўлганинг авло, демайдиларми? Йўк, Тўлқин танк аёлини урмади, ўзини урди, ургандаям ерга, қаттиқ, тош-метин ерга урди. Полвоннинг боласи эди Тўлқин танк. Уни ҳали ҳеч ким бундай алфозда, ўзичалик ерга урмаган эди, ёлғиз қолган пайтларида пахтазор ўртасидаги лайлак тут тагига бориб ўзини ўзи ерга уриб-уриб йиғлади, ичи эзилиб йиғлади. Ичи тўкилиб йиғлади, хилватда ҳаловат билмади — уйни ичидан қулфлаб, икки дунёси зимистон бўлиб, ўзини ерга отди, тутқаноғи тутиб, куёнчиғи кўзиб, ўзини ерга урди.

Тўрт томирини тупроқ чиритган, тўрт мучасида тўрт ўлимнинг армони қотган Тўйчи полвон ҳам бу дунёнинг номардлигига тан берди, хайё-хуйт, деб этак силкиб, бу дунёни тарк этди. Армони Тўлқин куёви, Хайринисо қизининг бешигида бувак йиғламади. Чо-

лининг ими-жимида ўз ишини битириб, чархи чигирни ўзига омонатга қолдириб кетганидан кўнглига қил сизмай қолган Музтар кампир, қизи Хайринисо чехрасидаги синикликними, сўникликними аҳён-аҳёнда пайқаб, жазавази тутиб қоларди. Кампирнинг тишсиз оғзидан шу даражада ҳақорат тошлари ёғилардики, бу таънадашномлар ўқи кимга қаратилганини Хайринисо ҳис қилиб турар, ич-ичидан эзилиб кичрайиб, шу муштдеккина кампир олдида ўзини ожизу нотавон сезарди.

— Қилобдан кетгурнинг геррайишига ўласанми? Сени буйтиб хода ютиб юришингга бировнинг оқ бути қора куярмиди. Қилиқсизники кирк қарич деб шуни айтсалар керакда, темиртерсак ичида мойга ботиб, шувиллатиб шувиллак чалгандан кўра, ўзингни қаратсанг, ўласанми, бўйнинг узилгур! Ўзингдиям, бошқаларниям овораи жаҳон этиб нима қиласан, кўкайимни қуритиб, кўктомиримни чиритди-я, бу гўрсўхта.

Хайринисо «гўрсўхта» кимлигини билади. Эри. Эрини қарғаяпти энаси. У шўрликка ҳам осон дейсизми? Ўз дарди ўзи билан. Хайринисо эрини яхши кўради. Гоҳида балки «айб» ўзимдадир, шундай эркакни овораю жаҳон қилаётгандирман...» деган ўйга боради. Қўрқувдан сесканиб кетади. Эрини ўзидан айри тасаввур қилолмайди. Минг бир таҳлика ўти ичида хаёлига келган машъум ўйдан тўлғониб, чидай олмайди. Ўзини кўярга жой тополмай типирчилаб қолади. «Ундай эмас. Айб мендамас. Термизга текширувга борганимда дўхтир опа ичингиз тўла бола деб эди...» — деган ўй билан ўзини юпатади, ёнган кўксига сув сепади. Бироқ бу таскин ҳам узокқа чўзилмайди.

«Айб» эрида экан, мабодо эри тузалмаса-чи! Бундай кезде ҳам Хайринисо ваҳима гирдобига кириб қоларди. На унисига чидайди, на бунисига. Хуллас, ёстигини эридан бошқа бировга юмалатишни истамас, бундай бўлишини тасаввурига ҳам сиғдиролмасди. Эрининг дўқ-пўписасидан чўчиб, мум тишлаб, тўйга ризолик берган Музтар кампир ҳол сўраб келган қизига ҳовлини бошига кўтариб арзи-дод айларди:

— Хой, менга қара, болам. Анави кирчинингдан кийилгуринга айт, трактори билан қўшмазор бўлавермай ўзини у ёқ-бу ёққа кўрсатсин! Қартайиб кўксингда сутинг қотгач, супрақокдига зор бўлиб умринг ўтади.

Тўйчи полвон йўқ-да, Тўйчи полвон йўқ. Овозини осмонга қўйиб, ҳовлини бошига кўтарадиган бўлди кампиршо. Хайринисо энасининг уйидан кўнгли чўкиб, қадди букилиб қайтади. Қир этагидаги ўз уйига келгунча бошида турфа хаёллар айланади. Энаси айтгани каби чинданам кўкрагим қуриб қолдимикан, деб кўксига қўл юбориб кўради, эти увишиб, қўл теккан юмшоқ жойига титроқ киради, қаёқда, ҳали қаримаган, қуруқ ўтинга айланмаган. Бу қилиғидан юзига қизиллик уриб, уялиб кетади, чор теваракка аланглаб қараб қўяди. Хайрият ҳеч ким кўрмади.

Қўраси атрофида қуйманглаб, гўнг уюминини томорқага сочаётган Рўзи махсум кўпорилиб тушган пахса девор оша адирга туташ йўл адоғига қарайди. Қип-қизил кўйлаги шамолда олдга ҳилпираб, келишган бели-бастини кўз-кўзлаб кетаётган Хайринисо Рўзи махсумнинг кўзига ловуллаган олов бўлиб кўринади. Махсум энтикиб тикилади. Кафтини пешона-

сига соябон қилиб қарайди. Ичида нимадир кўзғалиб, бўғзига тикилиб қолгандай бўлади. Қони кўпириб-тошади. Оғир-оғир нафас олади, энтикиб, хўрсиниб қўяди:

— Энағар, Тўлқин танк, шундай жувонни хор қилди, — дейди ўзига-ўзи ютиниб. Сўнг адир адоғидаги гуриллаб ёнаётган кип-қизил олов кўздан ғойиб бўлгунга қадар тикилиб туради-да, хувиллаган ҳовлида бир ўзи сўппайиб қолгани, хотини Руқиянинг беш яшар қизини етаклаб онасиникига, қўшни қишлоқ — Обшир-га қайтмас бўлиб кетгани алам қилади, ёлғизлик жон-жонидан ўтиб, суяк-суягини қақшатиб оғритаётганини ҳис қилади, беҳол пахса деворга суяниб ўтириб қолади. Уккағарди қизи Руқия мард экан. Оғзиниям очмади. Тишиниям ёрмади. Элга овоза қилмади, лозимини бошига илиб айюҳаннос солиб, қишлоқни бошига кўтариб шаллақилик қилмади. Қизининг қўлидан ушлаб етаклади, кетди! «Уйингга ўт тушсин. У дунёи бу дунё хор у зор бўлиб ўласан. Манави норасиданинг уволи тутади... Худога солдим. Икки кўзинг кўр бўлмаса, розимасман», деди қизининг қўлидан тортқилаб. Охирги гапни айтганда, Руқиянинг кўзига ёш келди. Рўзи махсум ток ургандай сесканиб кетди, оёк-қўли бўшашиб, эти увишди. Назарида, хотини ўзи билан юрак-бағрини ҳам суғуриб олиб кетаётгандай эди. Даҳлизда кўниш теккан товукдай қалтираб турган Тамара малла ўз она тилига ўзбекчани уриштириб, пойма-пой сўзлаб ўзини оқламокка уринарди:

— Ҳой, ты совсем дура, мен яхшиликка келувдим, эрингга ўкитувга, дам солдирувга келувдим. Нега так шовқин-сурон соласин...

Ибей, соседлар эшитсалар не дейди. Ким айтди сени мулланинг хотини деб.

Рукия эшик кесакисига суяниб, илкис каради. Нигохида қахр учкунлари сачрагандай бўлди:

— Овозингни ўчир, мегажин. Болталаб ташламаганимга шукр қил, қари кампир... Ўзингни ўқитгани келган бўлсанг, бу ишқиртнинг қўйнида ётиб ўқиттирасанми?..

Тамаранинг уни ўчиб, нафаси ичида қолди.

Рўзи махсум музтар бўлди, тили калимага келмади.

Шундай қилиб хотини кетди, лекин кетганда ҳам қишлоққа гап оралатмай кетди, дими-дирс бўлиб кетди. Тамара билан икковининг орасида бўлиб ўтган гап фақат уччовига ва биргина худога аёнлигича қолди.

Мана шундан бери Рўзи махсум сўккабош. Беш йил бўлди, ховлидаги дорда аёлнинг кийими илинмади. Тамара ҳам қишлоқни тарк этди. Айтишларича, Уфага, опасиникига кетганмиш.

Қишлоқ аҳли негадир Рўзи махсумдан чўчирди.

Унинг уйи ҳам қишлоқнинг четида эди. Бир ўзи якка-мохов бўлиб яшарди. Эл орасида махсумнинг қори бобоси жодугар ўтган, кўзга иссиқ қиз-жувонларни дуоибанд қилиб, ортидан эргаштириб кетаверган, деган гап-сўзлар юрарди. Рўзи махсум элнинг тўй-маъракасида ўзини кўрсатавермас, унга тўй ёки маърака соҳибининг ҳам кўзи учиб ўтирмас эди.

... Мана, хафтадирки Рўзи махсумнинг ҳаловати йўқ. Шунча йилдан бери билинмаган ёлғизлик энди билингандай. Уйқуси қочди. Кўзини юмди дегунча, уфқ йўлида қип-қизил қўйлагини шамолда ҳилпиратиб, сими-сум-

батини кўз-кўз қилиб кетаётган Хайринисони кўради. Ҳаром томирида жодугар бобосининг қони қайнаб, боши қизиб, кўзи қизаради. Нафси-нахс оралиғида турли режалар тузди. Охири, катта бир семиз кўчқорни Хумор момонинг неварасига етаклатиб, тўғри кампирнинг ҳовлисига кириб борди. Қишлоқда ғийбату-ғурбатнинг бошида турадиган Хумор кампир бундай мулозаматдан гангиб қолди. «Момо, савоб учун, ўғлингиз Ҳайдаркул армиядан келса оёғининг тагига думалатасиз. Тўхтасин бобом хешимиз эди, худо раҳматли чолингизнинг ҳам руҳи шод бўлади, ният қилганман, момо». Рўзи махсумнинг гапи кампирни сариёғдай эритди, кўнглини сел-селоб қилди, раҳматли чолининг тиригида тўқимга алмаштирмайдиган Рўзи махсум бугун чолнинг ҳурматини жойига қўйиб, кўрага сиғмайдиган кўчқор тортиқ қилгани момонинг ҳушини учириб, дили-димоғини чоғ қилган эди.

— Ҳа, энди, момо, ўтадиган беш кунликда бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатсак, нимаси ёмон. Айниқса, қишлоқдаги сиздай, дугонангиз Музтар момодай кайвони кампирларнинг дуосини олишнинг ўзи ҳам савоб-ку. Ҳа, айтмоқчи, дугонангиз Музтар кампирнинг соғлиги яхшими, раҳматли полвон бобо кетиб кампир ҳам сўппайиб қолди. Бу дунёи-дун шу экан-да, момо...

— Нимасини айтасиз, иним. Кеча кўрганинг бугун йўқ, деб шуни айтадилар. Музтар ҳам изимиздан чироғимизни ёқадиганнинг томирига болта тегди, деб куюнади. Шугина, ёлғиз қизиям тирноққа зор ўтаяпти. Кампирнинг дарди шунда. Ўлиб ўлолмайди, шўрлик. Тинчи-

ҳаловатига ўт кетган, дарди бир ўзи-ю, якка Аллоҳимга аён...

— Момо, суксурдай қизининг умри завол топаяпти. Биласиз, бу қишлоқ, бир-бирига ча-тишиб кетган. Баримизнинг томиримиз бир. Қариндош-уруғмиз. Бегона йўқ. Мениям мо-момга раҳмим келади. Самарқанддаги нафаси тошни ёриб, сувни тескари оқизадиган мулла ошнам дам солинган дуоли дорилардан берувди. Ўзим айтсам ноқулай, момо, сиз Музтар момом-га айтинг, қизи Хайринисони бизникига олиб келсин. Ноумид шайтон, дейдилар... Илло, ду-ойи дармонимиз мустажоб бўлса... Музтар мо-мога жоним ачиганидан айтаяпман бунди.

Мулла Рўзи шу тобнинг ўзида каромат кўрсатиб, Аллоҳ-таоло қудрати билан Хайрини-сонинг бўйида гумона пайдо қилгани каби Ху-мор кампир бир қалқиб кетди, беихтиёр кўзига ёш келди, қўлларини дуога очиб махсумнинг шаънига бисотидаги жами яхши гапларни айт-ди, сўнг қуруқшаган бармоқларини намли юзи-га тортиб махсумга тикилди:

— Боради, Махсумжон, боради. Зора бир бечоранинг мушкули осон бўлса...

...Хайринисо остонадан кўчага хатлаши ха-моно қалқиб кетди, энаси Музтар момога суя-ниб, ўзини тутиб қолди. Аъзойи бадани куйиб, ичида титроқ турган жувоннинг юрак уриши тезлашиб, бошига лўқиллаб оғриқ кирди.

— Эна ғалати бўб кетаяпман, оёқ-қўлим қалтираяпти. Дармоним йўқ, эна, — деди базўр.

— Махсумнинг дами ўткир, болам, бу дуо-нинг кучи, — деди кампир ҳам ўзида аллане-чук титроқ сезиб, — худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Кеча яхши тушлар кўрдим.

Рахматли отанг боғимизда олма териб юрибди. Юзи ойдай тиниқ, кулиб-чарақлаб турибди. Бу яхшиликка, болам этагинг тўла бола сенинг.

Хотини тўрт кундирки майизми, канд-курсми тугунча қилиб эрталабдан онасиникига отланади. Тўлқин танк Хайринисонинг кейинги пайтлар ҳардамхаёлроқ бўлиб қолганини сезиб юрибди. Аввалдан жини суймайдиган қайнонаси яна «пропаганда»ни бошлаган кўринади. Мижғовсираб қизини тергагани-тергаган. Буларнинг оиласига бурун суқишни сира канда қилмайди. Доимо бир балони бошлаб юради шумкампир. Тўлқин танк қайнонасини ичида бўралаб сўкиб, кўнгли таскин топди-да, хотинидан бугун яна қаёққа отланиб қолганини сўради.

— Энамни кўриб келаман, тоби йўқ, — деди.

Хайринисо шундай деди-ю, ёлғон сўзлаганидан дув қизариб кетди, назарида, эрига нисбатан ножўя хатти-ҳаракатлар қилаётгандай, ундан сир тутган нарсаси эрининг иззат-нафсини топтаётгандай, шу билан уни ҳақоратлаётгандай туюлди. Бор гапни эрига шартта айтишга чоғланган эди, Тўлқин танк билганингни қил, деган каби кўл силтаб, бульдозер занжирига оёқ қўйиб кабинага кирди-да, уни ўт олдирди. Бульдозер гуруллаб, Обшир адир томон йўл солди.

Музтар кампир оёғим оғрияпти, деб ох-воҳ қилди. Қирилиб кетгур жин кўчадан адирлик бўйлаб махсумнинг уйига қатнайверишга холим йўқ болам, деб зорланди. Ўзинг бор, ихлосни канда қилма, деб қизига ялиниб-ёлворди. Махсумнинг дами ўткирлигини яна бир бор қизига писанда қилди.

Қишлоқдан айрилиб қолган, нишоблик орқали тор сўқмоқ олиб борадиган махсумнинг кулбаси ҳаёт уммонидан улоктириб ташланган кемадай файзсиз ва кўримсиз эди. Хайринисо пахса деворга омонат тиркалган эшикни тақиллатиб очиб, ичкарига ҳатлаши ҳамоно ботинида ваҳима кўзғалди, бир ўйи ортимга бурилиб қайтиб кетаман, деб тараддудланиб турган эди ҳамки, рўпарадаги пасткам уй эшиги очилиб, даҳлизда Рўзи махсум пайдо бўлди:

— Келсинлар, биби, келсинлар, — деди томоқ қириб чийиллаган овозда, эғнидаги желлак ёқасидан икки қўли билан ушлаб, курашга шай полвондай қадини ғоз тутиш қилди.

Хайринисо ноилож эшик ёнида туриб қолди. Махсум яна бир бор томоқ қирган эди, оёқлари ўзига бўйсунмай, беихтиёр даҳлиз томон юрди. Димиққан, ним қоронғи хона ичи фонуснинг хира ёғдусида ютиб юбораман дегандай ваҳимали кўринади. Махсум бурчакдаги искоти пўстак устига бориб ўтирди. Жувонга бери кел, ишорасини қилиб, қўли билан ёнига чорлади. Хайринисо сеҳрлангандай махсумнинг ёнгинасига бориб ўтирди, носнинг бадбўй хиди димоғига урилгандай бўлди. Махсум томоқ қириб қўлини дуога очди. Хайринисонинг кўз олди хиралашди. Махсум узундан-уzun нимарсаларни овоз чиқариб ўқий бошлади. Хайринисонинг аъзойи бадани терлаб, титроққа тушди. Бирпасда махсумнинг қиёфаси ўзгариб, мутлақ бошқа тусга кира бошлади. Махсумнинг кўкрагидан юқориси, бош қисми туйқус бўри кўринишини олди, сўнг танасида тулпорнинг боши пайдо бўлди, хуллас, махсумнинг қиёфаси дамба-дам тушунарсиз бир ҳайвоннинг қиёфасига киравер-

ди. Ўтакаси ёрилган Хайринисо кўркув азобида шилқ этиб махсумнинг тиззасига йиқилди, хушидан кетди...

Хайринисо зил-замбил бошини базўр кўтарди. Боши лўкиллаб оғрирди. Нима воқеа рўй берганини англай олмай, бир оз карахт ахволга тушиб қолди. Кейин нима бўлганини тушунгандек бўлиб, телбанамо кулиб қўйди. Хаёли ўзида эмасди, гўё ичига бир нарса кириб олиб, уни сархуш этарди. Сўнг хона бурчагидаги тунука печ ёнига қўйилган бир челақ сув ва занглаган тоғорага кўзи тушди. Ботинидан келаётган буйруққа итоат этиб, челақдаги илиқ сувга чўмич солди — ювинди. Гўёки, ҳеч нарса рўй бермагандай оҳиста кийиниб ҳовлига чиқди. Назарида у бу ҳовлида узоқ-узоқ йиллардан бери яшаб келаётгандай эди. Айни тобда унинг ўйлашига, фикрлашига нимадир монелик қиларди, у сеҳрланган кўйи кўчага чиқиб Обшир адир томон — ўз уйига йўл олди. Борлиқ шафақ оғушига чўмган намозшомда тоғ томонда бир парча олов кўзга ташланарди. Муддаосига етган махсум мамнун ҳолда унга термулиб турарди.

Хайринисо худди сеҳрланган каби инон-ихтиёрини Рўзи махсумга топшириб қўйди. У ҳар куни эрталаб, «Энамни кўргани бораман», деб йўлга чиқарди. Тўлқин танк хотинининг ўзидан узоқлашиб, орада совуқчилик тушаётгани, Хайринисонинг бетгачопар бўлиб бораётганини қайнонасининг қилмиши деб тушунди: «Жодугар кампир қизини ҳар куни менга қарши қайраяпти, урғочи шайтон ерга кирмагунча менга тинчлик бермайди, мени бунча ёмон кўрмаса...», деган ўй кўнглига оғриқ солди.

Хайринисо бу окшом ҳам эрини хушламай қарши олди.

Тракторнинг тар-тури ўчиб, эри гурсиллаган қадам билан супа ёнига яқинлашганда Хайринисо сапчиб ўрнидан туриб, овқат иситиш баҳонасида ўчоқ бошига югургилаб кетди. Гилосга қизиллик, довуччага хол уриб, пишиқчилик оғзида турган ёзнинг илк окшомида Тошқул дўкандорнинг бир шиша виносини тик туриб урган Тўлқин ўзича қадим бир куйни хиргойи қилиб келди-да, супа қирғовига чўккалаган бўлди. Сўнг ўзини кўрпача устига ташлаб, сархуш ҳолда хотинини ёнига чақирди.

— Хайри-и-и, ҳо, Хай-ри-и-и. Ке буёққа, овқат-повқатинг керакм-а-ас.. Ёнимга ке.

Хайринисонинг кўнгли айниди. Ўхчиди, зардолига суянган кўйи алланечук ахволда, ҳолсизланиб ўтириб қолди. Бу ҳол иккинчи бор такрорланаётгани, ботинида сақлаган сир, кўрқув, ўлим янглиғ бир фожиа юзага қалқиб чиқаётганини англаб, эрига мунғайиб қаради. Офтобада юз-қўлини ювиб, ўзини дадил тутишга чоғланди. Ўрнидан турган эди, боши чириллаб айланди, лахзада кўз олди қоронғулашиб зардоли танасига суяниб қолди. Чалқайрамон бўлиб сузик кўзини кўкка тикиб, ҳалиги зорманда таъсирида сархуш ётган Тўлқин танк энди ўдағайлай бошлади:

— Хайри-и, ҳо, Хай-ри-и-и... Энангди сени... Хайри-и... Ке буёққа!!!

Хотини дарахтга суяниб жойида тош қотиб тураверди. Айни шу алфозда нафақат эри, балки бутун эркак зотини кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ, бошқоронғи Хайринисо эрига нафрат

билан қаради: «Қирилиб адо бўлгур ношуд эр, мени итнинг олдига ташлаб, чалқайрамон ётиб қариллашингга ўлайинми..?».

Сабри чидамаган эр ўрнидан кўзғалиб айик юриш қилиб хотини томон йўл солди. Бориб хотинининг белидан кучди. Тўлқин танк хотинининг кенг чит кўйлаги ичидаги қорни дўппайиб турганини пайқади. Аъзойи-бадани бўшашиб кетди. Бошида чақин чаққандай бўлди, хотинини қучоғидан бўшатиб турган жойида қўлларини осмонга чўзиб йиғлаб юборди-да, телбаларга хос қиёфада ўчоқни айланиб югура бошлади, сўнг тош қотиб турган хотинининг ёнига келиб, уни яна қучмоқчи, суйиб-эркаламоқчи бўлди. Хотини жон уҳмида унинг қўлини силтаб ташлади, ғайри-шуурий тарзда эрининг кўксидан итарди. Ғазаб ва нафрат олови важоҳатли тус олган кўзларини эрига тик қадади. Бу ўткир, кўрқинчли нигоҳларга эркак дош беролмади, унинг ичидан нимадир узилиб кетгандай бўлди.

Хайринисо худди ақлдан озган каби бошини чайқаб, эрининг ёқасига чанг солди:

— Мени ўлдир! Мени ўлдиракол! Менга ит тегиб бўлди. Мен хор бўлдим. Нега бақрайиб турибсан. Гумонам сендан эмас... Сен ношудсан!

Аёл уввос тортиб йиғлади-да, ўзини эрининг оёғи остига ташлади. Икки дунёси қоронғу тортган Тўлқин танк қарахт аҳволда, бояги хушҳолликдан асар ҳам қолмай ичган виноси бурнидан булоқ бўлиб гарангсираб турарди. Қайфи тарқаб, хуши учган Тўлқин танк бошига кирган оғриқдан ихраб юборди. Аёлнинг хиёнат қилганини англаб, ўзини қўярга жой топол-

май қолди. Ярадор арслондай ўқирди. Ерда ғужанак бўлиб ётган хотинини юзи аралаш тепиб юборди-да, ҳовли эшигидан кўчага отилиб чикди. Боши оққан томонга йўл олди. У кўз ёшларини тутиб туролмас, бўғзида қон-зардоб оқиб ихрар, бу дунёда нималар бўлаётганини англаб-англамай тепалик томон югургилаб борарди. Ҳаллослаб, ҳарсиллаб бораркан нималардир, деб ғулдуарар, сўкинарди.

* * *

...Саҳармардонда тепалик адоғидаги даладан ўт ўргани чикқан Болта муаллим Рўзи махсумнинг эшиги ёнидаги қари тут шоҳида осилиб турган қора нарсага кўзи тушди. Махсум отининг эгар-жабдуғини илиб кўйибди, деган хаёлга борди-да ўз ишига андармон бўлаверди. Муаллим ғумай ва шамак аралаш ажриқ ғарминини арқон билан боғлаб елкасига олаётиб, яна тут томонга кўзи тушди-ю, қалқиб кетди, оёқ-қўли бўшашиб, жойида ўтириб қолди. Ғираширалик чекиниб, тонг ёришгани боис қари тут шоҳида арқонга осилган одам гавдасини кўрди. Тут ёнида арқони ечилган сигир бу дунёнинг дахшатиға қараб қавш қайтарарди.

Муаллим Тўлқин танкнинг танасини арқондан халос этаётиб, унинг оёқ-қўли аллақачон совиб бўлганини пайқади. Таҳорат олгани чикқан Рўзи махсум ҳовлиси адоғида Тўлқин танкни елкалаб турган муаллимни кўриб ҳуши учди. Беихтиёр қўлидаги офтобани тутиб, тут томон югурди. Тўлқин танкнинг бўйнидаги арқон, тарашадай қотиб, доқадай оқариб кетган юзи, хийла очик оғзи, лаби бурчагида сизиб турган

қонни кўриб ўтакаси ёрилди. Қўлидан офтобаси тушиб кетди.

— Нега бундай қилдийкин? Ўзини осиб қўйибди, бечора, — деди Болта муаллим мурдани ерга ётқизиб, сўнг қалтироқ қўллари билан юзига фотиҳа тортди.

Тўлқин танкни сўнгги манзилга қўйиб келишгач, қишлоқ аҳли орасида турли гаплар тарқалди. Кимнинг оғзига элак билан урасиз; эл бўлгандан кейин гапиради-да, шамолни тўхтатиб бўлмайди-ку, ахир. Қишлоқчилик — Тўлқин танкни бошига уруш етди, афғон уруши ўлдирди, шўрликнинг хаёли жойидамас эди, боши заҳарланган, урушдан соғ қайтмаган экан, вос-вос бўлиб қолганди, дейишди. Одамлар урушни қарғади, навкирон ўғлоннинг икки дунёсига ўт қўйган, ўн саккиз-йигирма ёшида мусибат оловига ташлаган шум тақдирдан қийинишди. Урушда бўларича бўлиб келган, неки иллоти бўлса ўша афғон урушида топган, дейишди, чоллар. Хотинлар лабини қимтиб гапирди: «Шўрлик Хайринисо, шунча йил ўтиб энди бўйида бўлган экан, бу мусибатни кўринг, энди рўзғорига файз киради, деганда шўр пешонанинг эри ўзини осиб қўйганини айтмайсизми?». Хуллас, Тўлқин танкнинг ўлими бир оз вақт элга эрмак бўлди.

Вақт ўтиб, бу дийдиёлар ҳам тинди. Гўёки Тўлқин танкнинг шундай қисматга маҳкум бўлганини одамлар олдиндан билгани каби бу ҳолатга унчалик таажжубланарли ҳол деб қаралмади. Биргина Хайринисога қийин эди. У ўз ёғига ўзи коврилар, кун ўтиб қорни каттариб, норасида ўзини сездиргани сайин кўз олди қоронғулашар, аъзойи-баданини қўрқув

чулғарди. У тунлари ўз тақдирини қарғаб йиғлар, кечалари телбаланган кўйи кафтини дуога очиб, лаблари пичирлаб Рўзи махсумга ўлим тиларди. Назарида, Рўзи махсум уни эртанги умидидан, бахтидан, яхши кунидан, туғилажак фарзандидан жудо қиладигандай эди. Рўзи махсумни эслаши ҳамоно юрагини ваҳм босиб, ичида қалтироқ тутарди.

Куз оёқ узатиб, қиш остона ҳатлади. Хайринисонинг кўзи ёриди. Қиз туғди. Икки ойдан бери ҳовли-жойини ташлаб қизиникига келиб олиб бошида парвона бўлган Музтар кампир қизини ўз уйига кўчириб кетди. «Бу жинхонада гўдакни ажина чалиб кетади... Уйини ҳам гўр ютсин...», — деб марҳум Тўлқин танкнинг ортидан яна бир бор ғазабини сочиб, аччиқ-бичиқ гап айтиб, кўнгли таскин топгандай бўлди.

* * *

Орадан йиллар ўтди. Хайринисонинг суянчи ҳам, овунчи ҳам қизи Ёдгорой бўлди. Бўйи чўзилиб мактабга қатнай бошлади. Ўтган азобли кунлар, олис ва зимистон хотиралар ичра Ёдгорой ойдай порлаб, куёшдай балқиб Хайринисо ҳаётини тиниқ ва ёруғ бир оламга олиб чиқди. Хайринисо якка-ёлғиз фарзанд бўла туриб онаси Музтар кампир казо қилганида ҳам ўзини тамоман йўқотиб қўймади, тўғри, юрагидан нимадир узилгандай бўлди, бироқ ёнида тақдирининг куёши бўлиб порлаган Ёдгорой бор эди. Очиги, Музтар кампирнинг вафотидан сўнг, Хайринисонинг кўнгли бир оз таскин топиб ва хотиржам бўлгандай бўлди. Рўзи махсум билан боғлиқ воқеалар хусусида, ҳатто ўз онаси билан ҳам сирдош бўлишни си-

ра-сира истамасди. Онаси тўшакка михланиб, жон таслим қилгунга қадар бир жиддий ғамгин нигоҳ уни таъқиб этар, азоблаб келарди. Гўёки онаси кутилмаганда Рўзи махсумнинг исмини айтиб, кўз нури, умри мазмунидан жудо қиладигандай эди. Онасининг вафотидан сўнг юрагидаги кўрқув ва хавотир тутуни ёйилгандай бўлди. Бу ёруғ дунёда энди унга биргина Рўзи махсум ҳалал берарди. Назарида, Вахшивор тоғларининг аллақайси ғорларида дахшатли бир шамол, махсум тимсолидаги бўрон бекиниб ётибди. Бир кун у қўзғалиб Хайринисонинг ҳаётини остин-устун қилиб, ўзини эса тақдирнинг қоронғу ва зах сўқмоқларига чирпирак қилиб учиради. Биргина ўзига, махсумга ҳамда Яратганга аён сир Хайринисога тинчлик бермасди; Рўзи махсум тирик экан, Хайринисо хавотирдан холи яшай олмасди. Шу боис қизи Ёдгоройни олиб қишлоқдан узоқ-узоқларга Рўзи махсумлар яшамайдиган жойга кетишни истарди. Бироқ қайга борсин? Бева боши билан қаерга сизинди бўлсин? Етим норасидаси билан кимнинг кўнглидан жой топсин. Ўз уйи, ўлан-тўшагини ташлаб қаерлардан бошпана ахтарсин? Тубсиз жарлик янглиғ ўй-хаёллар домида қолган аёл якка-ю ягона суянган Ёдгоройининг беғубор нигоҳида порлаган нурдан умид чироғига чўғ олар, қизининг нигоҳларида ялт этган шуъла унинг бесаранжом дунёсини ёритар, шу ёруғлик унинг ҳаётига файз бахшида этарди.

Хайринисо ўзини ўтга урди, чўкка урди — қизини ўзгаларнинг фарзандидан кам қилмади, топганини қўшқўллаб боласига тутди. Қишлоқ мактабига фаррош бўлиб ишга кирди. Тунлари қиз узатадиган ёки келин туширадиган хона-

донларнинг каштасини тикди, кўрпа-ёстигини кавиди, кўни-қўшниларининг томорқасини ўтаб, кирини ювишдан ҳам ор қилмади. Эшигини такиллаб кўнглини сўраб келган совчилар кўп бўлди, боши очик аёлнинг бошига осмон қулайди, дегувчилар кўп бўлди, уларга қарата Хайринисонинг жавоби битта бўлди: «Боламни ўгай ота қўлига қаратмайман...».

Ёдгорой иккинчи синфга кўчганда Хайринисо уни туман марказидаги интернатга берди. Бир ҳисобда яхши бўлди, иссиқ-совуғи интернатнинг бўйнида. Ётоғи бор. Энг муҳими, Рўзи махсумнинг кўзидан панада. Хайринисо қизини кўргани ҳафтада бир борса боради, бормаса йўқ. Олдинги борганида муаллимлари мақтагани, боши кўкка етиб, бир ҳафта қушдай учиб юриб, кўнгли чоғ бўлди. Қизининг бадий гимнастика тўғарагида машқларни яхши бажараётгани, спортга уқуви баландлигини эшитиб роса қувонди. Рус муаллиманинг узундан-уzun гапидан тушунгани шу эди — келажакда Ёдгорой зўр гимнастикачи бўлади.

* * *

Қаҳратоннинг аёзли шони. Совук. Ҳавога болта отсанг, музлаб қолади. Эгнига гуппи чопон илиб, юз-кўзини жун рўмол билан танғиб олган Хайринисо қия очик ёғоч дарвоза олдидаги аравадан кўмир туширяпти. Азбаройи совукнинг зўридан жун рўмоли беркитган юзига аёзнинг игналари санчилади. Оёғидаги кирза этикнинг оғир ва бесўнақайлиги боис зўрға қадам ташлайди, муз қотган ердан такиллаган овоз чиқади. Хайринисо кўмир тўла зил-замбил челақларни кўтариб ховли ўртасига келган эди

хамки, ёғоч эшикнинг ғийқиллаган товуши эшитилди. Намозшомда ким келдийкин, деган ўй билан челақларни ерга қўйиб, ортига ўгирилди. Турган жойида тош қотди, аъзойи баданида қалтироқ туриб, бўғинлари бўшашиб кетди. Не кўз билан кўрсинки, Рўзи махсум дарвозага суяниб турибди. Эғнига қалин пахталик кийиб, қулоқчини қулоқларини тушириб олган махсум айна дамда Хайринисонинг кўзига балодек кўринди. Аёл ўзида журъат топиб, дарвоза томон юрди. Махсум тараддудланди. Хайринисо ерга энгашиб дўппайиб турган тошга ёпишди. Тош жойидан кўчмади. Музлаб ерга қапишиб қолганди. Аёлнинг бу қилиғи махсумни сергаклантирди. Ердан қаддини ростлаган Хайринисога махсум хезланиб каради.

— Нега келдинг? — деди аёл лаблари титраб.

— Ўзим... Холингдан хабар олай дедим.

— Йўқоолл! — Хайринисо қўлга тушгудай бирор нарса кидириб тимирскилана бошлади.

— Қизингни гимнастикачиликка берибсан, деб эшитдим. — Махсумнинг овози қалтираб чиқди.

— Сенинг нима ишинг бор? — Аёл дарвоза томон яқинлаша бошлади.

— Ҳар ҳолда...

— Гапирма, иблис. Йўқол бу ердан!

— Қўрқма, кетаман. Сирингни оламга ёйсам, нима киласан?!

— Сени ўлдираман, аблах. — Аёл турган жойида гир айланиб, махсумга ҳамла қилиш пайида у-бу нарса излай бошлади.

— Егани нони йўғу, итининг отини Маржон қўйибди, деган мақолни эшитганмисан. Ана шу

мақол сен ҳақингда. Гимнастикада нима бор, кўрпангга қараб оёқ узатмайсанми?

Махсумнинг масхараомуз гапи жон-жонидан ўтиб кетган аёл ўзини тутиб туролмади. Жон ҳолатда югуриб келиб, махсумнинг кўкрагидан итарди. Махсум гандираклаб кетди:

— Йўқол, ифлос! Икки кўзинг кўр бўлади сен ифлоснинг! Кет бу ердан.

Хайринисо аравадаги кўмирнинг киррадор бир бўлагини олиб жон ҳолатда махсумнинг юзига туширди. Махсум қалқиб кетди, сўнг лаҳзада гурсиллаб кулади. Ихраб юборди, ўтакаси ёрилиб эмаклай бошлади, бир амаллаб ўрнидан турди-да, жуфтакни ростлаб қолди. Хайринисо эшикка суянган кўйи уввос тортиб йиғлаб юборди. Сўнг юзини кунботарга, қиблага буриб икки кўлини дуога очди:

— Илоё, икки кўзинг кўр бўлсин! Кўзинг оқиб тушмаса, розимасман!

Аёл титроқ кафтлари билан юзига фотиҳа тортди.

Махсумнинг иккинчи аёлдан шу тахлитда қарғиш эшитиши эди.

* * *

...Мотоциклнинг гуриллаши тиниб, боланинг чинкироқ овози ўчгунга қадар Рўзи махсум кўзларини қисиб, тол новдасига орқа бериб ўтирди. Оқиб ўтаётган сой сувининг шалдираши ҳам кўнглига сокинлик бахш этолмади. Ўтмишда бўлиб ўтган воқеалар хотира азобига айланиб кўксининг бир бурчида қотиб қолган армон дарди юрагини баттар сиқа бошлади, қовоғи оғирлашиб, кўз олди қоронғулашди.

— Ҳамма Тўлқин танқникига тўйга-а-а, тўйга-а-а. Тўйга-а-а-аёв!!

Боланинг олислардан эшитилаётган чийил-док овози юрагини тилка-пора қила бошлади. Махсум тол танасига суяниб ўрнидан турмокчи, юмуқ кўзларини очмокчи бўлди, зил-замбил киприклар оғирлик қилди, махсум кўзларини очди, лекин борлиқ зимистон эди, у ҳеч нарсани кўрмасди. У йўлак бўйлаб урина-сурина дахлизгача келди. Назарида, туш кўраётгандай, бир оздан сўнг уйғониб, ёруғ оламни кўрадигандай эди. Айвон деразасидаги радио ҳамюртимиз Ёдгорой Тўлқин қизининг бадий гимнастика бўйича жаҳон чемпиони бўлганлиги, айна дамда Тошкент аэропортида жаҳон чемпионини тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтаётгани, эртага спортимиз маликаси ўз ота юртига йўл олиши ҳақидаги хушхабарни тарқатди. Махсумнинг баданидан совук тер чиқиб кетди. Бир силтаниб зимистонлик чоҳига, дахлиз ёнига гупиллаб йиқилди. Унинг хира нурсиз кўзларида алам ва кўрқув қотиб қолганди. Изтироб кўланкаси из ташлаган жонсиз ва қонсиз юзига очилиб қолган жағи аянчли тус берарди. Адирлик тарафдан тўйга чорловчи боланинг овози элас-элас эшитилар, Ваҳшивор тоғлари томондан эсан эпкинлар унинг овозини олис-олисларга олиб кетарди.

...Тўйхонада ўйин-кулги авжига чиққан паллада махсумнинг қўшниси Норбой қизил совук хабар олиб келди:

— Махсум омонатини топширибди, биродарлар! Ҳовлисида йиқилиб жон берибди.

Тўйхонани ғам кўланкаси кезиб ўтгандай бўлди.

— Тўй билан аза ёнма-ён, деб шуни айтадилар-да. — Амир оксоқол юзига фотиҳа тортди.

Махсумнинг укаси Сойибкул овозини баралла қўйиб оғамлаб йиғлаб, тўйхонадан чиқиб, Рўзи махсумнинг уйига қараб югургилаб кетди. Қишлоқ одамлари бир-бирига хеш-ақрабо, қавму қариндош, чатишиб кетган. Бундай пайтда марҳумнинг иззати ҳаққи ўйин-кулги элга унча хуш келмайди. Одамлар тўғри махсумни-кига йўл олишди. Тўйхонадан чиқишгач, Амир оксоқол қишлоқ аҳлига амр этди:

— Халойиқ, Ёдгорой қизимизни шу хонадоннинг яқинлари, қавму қариндошлари эртага эрталаб кутиб олишади. Асосий тўйни махсумнинг еттисини ўтказиб қиламиз. Тўйга азани аралаштирмаганимиз маъкул. Нима дейсизлар?

— Тўғри, оксоқол! Гапингиз тўғри! — маъқуллашди ҳамқишлоқлар. Одамларнинг юзида ғамгинлик, ўлим кўпчиликни бирлаштирган пайтда пайдо бўладиган тундлик зоҳир эди. Бу дунёдан ёлғизлик юкидан қадди дол бўлиб кетган сўққабош махсумнинг кемтик тақдири ҳар кимнинг хаёлида ўзига хос тарзда талқин этилаётган бўлса не ажаб? Бирок одамларда унга ачиниш хиссининг борлиги муқаррар. Хуллас, махсумга — марҳумга ҳамма ачинаётган эди. Бу хабарни эшитиши ҳамоно биргина Хайринисонинг шодлиги ичига сиғмади, кўнгли равшан тортиб, елкасидаги зил-замбил тош гумбурлаб қулагандай бўлди. Хонадонида тўйга тайёргарлик кўрилаётган маҳалда оёқ остидан лоп этиб азанинг чиқиб қолиши Хайринисо учун тўй устига тўй бўлди. Чунки аёл тақдирини чилпарчин қилиб ташлаши мумкин бўлган кулфат

шамолининг йўли тўсилган эди. У ҳаётида илк бор қазои барҳакдан мамнун бўлди.

Махсумнинг жасадини намозгардан олдин тупрокка қўйдилар.

Эртасига Мўмин қишлоқда тўй бўлмаса ҳам тантана давом этди. Пешин пайти яп-янги, қоп-қора маҳобатли машиналар қатори Хайринисонинг кўримсиз кулбаси ёнида тўхтади. Аҳли Мўмин бу дову-доскага эсанкираб пешвоз чикди. Вилоятнинг катта раҳбарлари кузатувида келган Ёдгорой олдинги машинанинг орқа эшигидан тушди-да, шашқатор кўз ёшлари юзини ювиб, эс-ҳуши кирди-чикди бўлиб турган Хайринисонинг кучоғига отилди. Жиккаккина, навнихол, қорачадан келган кулча юз, истараси иссиқ кизнинг довуруғи дунёга достон бўлганига ишониб-ишонмай қараб турган ҳамқишлоқларнинг ҳам кўзларида ёш қалқди. Катталар олдида парвона бўлиб қўл қовуштириб турган туман газетасининг учар мухбири Тўра Қора ён чўнтагидан дафтарча олиб нималарнидир ёза бошлади:

— Раҳматли Тўлқин танкнинг қуёши энди порлади. Афсус бу қуёшни у кўролмай кетди, — деди мухбир бошини сарак-сарак қилиб чийилдоқ оҳангда. Туман ҳокимининг ўринбосари Саъдулло Чориевич мухбирга еб қўйгудай қаради, сўнг ижирғаниб нимадир деб ғудраниб қўйди.

Қишлоқ қишлоқ бўлгандан бери бунақа тантанани кўрмаган эди. Хайринисонинг ҳовлисида митинг бўлди. Вилоятдан келган катталардан тортиб қишлоқ оқсоқолигача Ёдгоройнинг шаънига илиқ, ёруғ гаплар айтди. Хайринисо ҳам қуруқ қолмади. Матонат дейишди, она дейишди,

жасорат дейишди, лекин нима десалар-да, Хайринисога нисбатан чин, ҳақ гапларни айтишди. Вилоят марказидан келган раҳбар гапираётганда туман ҳокими ўринбосари ўрта қатордаги машина салонидан иккита оппоқ гулдаста олиб келди. Раҳбар сўзини тугатиб гулдастанинг бирини Ёдгоройга, бирини Хайринисога тутди. Хайринисонинг кўзи тиниб кетди, гулдастанинг муаттар хидидан кўнгли сархуш бўлди.

Расмий тадбир ярим соатлар чамаси давом этди. Сўнг салобатли машиналар қатори қишлоққа қай тарзда ваҳима солиб кириб келган бўлса, яна ўша алфозда қайтиб кетди. Одамларнинг билгани шу бўлди! Ёдгорой дунёда ягона. У мамлакатнинг фахри! Хайринисо беванинг қизи, раҳматли Тўлқин танкдан қолган Ёдгорой бугун дунёга доврўф солиб турибди.

Оқшомга бориб келди-кетди камайди. Ҳовлида кўни-кўшни, узоқ-яқин қариндошлар қолди. Супада Хайринисонинг кўксига бош қўйган кўйи худди болалигидаги каби эркаланиб ўтирган Ёдгорой ўйга чўмган алфозда сўз қотди:

— Эна, чарчамадингизми?

— Бу нима деганинг, болам. Мен энди чарчамайман, мен энди яшайман, болам, — Хайринисо кўз ёшларини тиёлмади.

— Бўлди қил-ей, Хайри. Кўзингнинг шўрваси ҳам ҳамиша тайёр тураркан-да-а?! — кўшни Шодмон хола шаддодлик билан Хайринисони чимчилаб ўйиб олди. Хола яна чимчилайми, деб қўл чўзган эди, Хайринисо орқага сурилиб, ўзини олиб қочди. Супада бир қур хотин-халажнинг кулгуси янгради. Ёдгорой пешайвон ёнига бориб, онасини имлаб чақирган бўлди.

— Энажон, хўп десангиз отажонимдан хабар олиб келсам. Ният қилган эдим, эна. Отажонимнинг қабрига гул қўйиб келаман, эна.

Ёдгоройнинг овози қалтираб чиқди.

Куёш уфққа оккан. Кўкдаги парча булутлар қирмиз тусда. Фалакдан қизғиш нурлар тўкилаётгандай. Кўкдаги булутлар парча-парча бўлиб оловга айланиб, шовуллаб оқаётган дарёга кулаб тушганга ўхшайди, дарё тубида ҳам олов оқяпти. Бир бурчига тоғ чўққиси санчилиб, осмон конталаш бўлган ана шундай сеҳрли паллада Ёдгорой онаси ортидан эргашиб, осма кўприкдан ўтиб, қабристон остонасини ҳатлади. Олам оловтус сукунатга чўмган. Хайринисо мазорот ичидан ўтган сўқмоқ бўйлаб эрининг қабри томон йўл олди. Она-бола қабристон ичкарисига киришгач, рўпарада тупроғи ҳали совуб улгурмаган қабр саҳнини лойсувоқ қилаётган Сойибкулга рўбарў келишди. Хайринисо титраб кетди, ортга тисланди.

— Эна, сизга нима бўлди, юрмайсизми? — деди Ёдгорой онасининг ортидан турткилаган бўлиб.

Сойибкул қабр олдида афтодаҳол киёфада гарангсиб турган Хайринисо ҳамда унинг ортида бир кучоқ оқ гул кўтариб турган қорамағиз Ёдгоройга ҳайратланиб қаради. «Тўлқин танкнинг қабрини излашаяпти, топишолмаяпти, шекилли», — деган ўйга борди.

— Эна, бу кимнинг қабри? Нега тўхтаб қолдингиз?

Хайринисо жим... Хайринисо қабр ичидан даҳшатли овозни эшитгандай бир сапчиб тушди.

— Бу махсум бобонгнинг, Рўзи махсумнинг қабри эна қизим. Рўзи махсумни танирмидинг, қизим? — Хеч нарсадан беҳабар Сойибкул Хайринисони даҳшатга солган, юрагига санчилган саволлардан халос этди. Аёл ўзини бироз енгил ҳис қилди.

Ёдгорой қучоғини тўлдириб турган оқ гулларнинг бир қисмини Рўзи махсумнинг совимаган қабрига қўйди. Хайринисонинг юраги увушиб кетди. Учовлон қабр ёнига чўк тушишди. Сойибкул тиловат қилди. Фотиҳага қўл очишди. Хайринисонинг қўллари зил-замбил эди. Хайринисо қўлларини кўтаролмас, қўллари билан юзига фотиҳа тортишга мажоли етмас эди. Кўзларини юмиб тиловат қилган Сойибкул буни сезмади. Бир нуқтага тикилиб турган Ёдгорой бу ҳолни пайқамади.

— Қизим, отангнинг қабри анави жийда ўсган жойда. Ана, панжара билан ўралган қабр ёнида... Ўнг томондан айланиб ўтганларинг маъкул.

Она-бола ўт-ўлан қоплаган қабр ёнида чўкдилар. Қиз қўлидаги оппоқ гулларни қабр устига ёйиб чикди. Елкалари титраб, пиқиллаб йиғлай бошлади. Ёдгорой ўзича нималардир деб пичирларди, нималардир деб кўнглини бўшатарди. Сўнг озғин қўлларини ёйиб, қабрни қучоқлаб, уввос солиб йиғлаб юборди. Хайринисо қизининг юзига тик қарашга ботинмасди, назарида ловуллаб ёнаётган қирмизи шафақнинг ҳарорати вужудини жазиллатиб куйдираётгандай эди. У олов тафти урган юзларини Вахшивор тоғлари томонга бурди. Тоғ дараларида қудратли, даҳшатли шамол беркиниб, пайт пойлаб ётганга ўхшарди.

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДА

У оёқ-қўли увшинқираб, лоҳас бўлиб уйғонди. Зил-замбил бошини базўр кўтариб, деворга орқа тиради. Тўшакда ўтирган кўйи ташқарига разм солди. Дала уйнинг биринчи каватидаги хона деразасига қор учқунлари урилаяпти. Анчага довур деразадан кўз узмади. Нигоҳи илғаган ҳовли сатҳини, узун деворнинг тунука қалпоғи, беҳи, олма, гилосни қор қоплаган. Барибир оқлик яхши-да. Кўнгил равшан тортади.

У ўрнидан тураётиб елкасида яна оғриқ пайдо бўлганини ҳис қилди. Гўёки икки кураги орасига кириб қолган беш-олти дона чақиртикан тағин кўзғалиб, айнан танасининг елка қисмини куйдириб, чимиллатиб аъзойи баданига оғриқ берарди. Лаънати чақиртиканлар. Елкасига кириб олган ана шу беш-олти дона чақиртикан ўттиз йилдан ошдики азобини бериб келаяпти. Аҳён-аҳёнда кўзғалиб қолади. На шифоси бор, на қутулишнинг бошқа иложи. Ўз дарди ўзи билан. Бировга айтолмайди. Нима деб айтади? Мен соғман, ҳаммаси мана шу, елкамдаги чақиртиканларнинг азоб-уқубати дейдими? Ким ишонади. Елкасида чақиртикан кўтариб юрган одамни ким кўрибди? Айтиб бўлмайди, айтиб бўлмайди-ей, эшитган қулоққа ҳам ғалати. Аъзойи танангда қилнинг чангидай ошиқча нимарса бўлса дарҳол топиб кўрсатадиган ва ташхис қўя оладиган тиббиёт ускуналари учун сенинг елкангдан дўланадай-дўланадай келадиган чақиртикан нима дегани. Шунча йилдан бери елкангда ўсиб чикмагани-ю, тиббиёт оламида тажриба майдонига айланиб қолмаганингга шукр қилсанг-чи, кейин кўр эди шармандаликни.

Нодир ювинаётиб ўзини ўзи шундай койиди, бу билан хаёлидаги бемаъни ўйни қувмокчи эди. Йўқ... Уддасидан чиқолмади — елкаси яна чимиллаб оғриди.

Емакхонага тунд киёфада кириб келди. Хотини, болалари дастурхонга қўл урмай, кутиб ўтиришибди. Курсига хорғин чўкди. Уф тортди. Дастурхонга қўл чўзган бўлди.

— Қани олдик, мактабга кеч қоласанлар...

Хотини зимдан разм солди:

— Тобингиз йўқми?

У хотинининг «яна» деган сўзни қўшиб айтмаганидан хурсанд бўлди.

— Чарчабман, шекилли. Бугунча ишга борай, эртадан бошлаб таътилга чиқаман.

Зиёданинг чехраси ёришди:

— Шундай қилинг дадажониси! Дам олинг. Бу ёғи Янги йил ҳам кеп қолди.

Болаларнинг ҳам димоғи чоғ, чувиллаб қолишди.

— Дадажон, янги йилни қаерда кутамиз? «Дом»дами, «Дача»дами?

— Янги йилни сизлар хоҳлаган жойда кутамиз... Хоҳлаган нарсаларингни олиб бераман.

Кенжа қизи Зумрад онаси ёнидаги курсидан тушиб пилдираб келиб Нодирнинг бўйнига осилди.

— Дада... Дадажон, менга, нима обертасиз?

— Сенга қуёнча, оппоқ қуёнча!

— Йўқ. Оппоқ айикча олиб беринг...

— Хўп.

— Туш, пастга туш қизим, даданг овқатланиб олсинлар.

— Тушмайман, ойи! Тушмайман.

— Қўй, майли, индама. Ке, тиззамга ўтириб ол, қизим.

— Дадажон, анов кунгидай елкангизни силаб кўяйми?

Зумрад кичик кўлчалари билан Нодирнинг бўйнига кўл солиб елкасини силай бошлади.

— Дада, дадажон... Елкангизга кириб олган юлдузчаларни олиб ташлайми... Мана мунча, қулоғимдаги сирғамнинг юлдузчаларига ўхшаш юлдузчаларни...

Нодир синикқина жилмайди. «Майли» ишорасида бош силкиди. Қизалоқ нозикқина бармоқчалари билан чимчилаб юлдузча тера бошлади:

— Мана, мана... Битта, иккита, кейин... кейин учта, тўртта, кейин... беш... бешта! Оп ташладим...

Катта ўғли билан қизи кулишди. Хотини:

— Болага ғалати ўйинлар ўргатасиз-а? — деди.

Нодир оғрик турса шартта юзтубан ётиб оларди-да, беш ярим яшар қизи Зумрадни елкасига чиқариб оларди:

— Қизим, елкамдаги юлдузчаларни териб ол. Оғритаяпти.

Оиладагилар буни ҳазил, шунчаки ўйин деб ўйлашарди. Нодир ҳам ўзини қизчаси билан ўйин ўйнаётгандай қилиб кўрсатарди. Қизча юлдузчаларни терарди... Шундан сўнг, ё қудратингдан, Нодир бирмунча оғрикни унутарди. Эй-ей, буни бировга айтиб бўладими, ўз уйингдагилардан яширган дардни ўзганинг томида ноғора қилиб бўлармиди? Нима дейсан, нима деб айтасан, кимга айтасан. Шу беш ярим яшар норасида англаган, ҳис қилган аҳволи руҳингни кап-катта одамлар тушуниб етмайди, шуниси алам қилади, йўқ, буларга буни айтиб

бўлмайди. Булар ёзган китобларингни ўқишади, қойил қолишади, макташади. Сен ёзган сахна асарларини энг нуфузли театрларда хайрату ҳаяжон билан томоша қилишади, асарларинг асосида яралган киноларни кўришади, тасанно айтишади, гоҳида ўзингда йўқ сифату-сафсаталар билан кўкка кўтарадилар, сўнгра ерга урадилар, гоҳида ғийбату-ғурбат билан ерпарчин этадилар, элагига эрмак, калишига патак, аёлига этак қиладиганлар топилади. Бироқ шу норасида қизалокнинг билганини билмайдилар, елкангдаги оғрикни тушунмайдилар. Айтма, айтсанг шамолнинг шапалоғини ейсан!

Дардини бир марта айтган. Айтгану мулзам тортган. Шу-шу оғзи берк. Оғзи маҳкам. Итни боғлаб қўйсанг турмайдиган жойда эди. Ҳарбий хизматда, афғон урушида эди. Яраланди. Госпиталда қорнини кесишди, сўл сонини кесишди. Майда-майда темир бўлакчаларини олиб ташлашди. Куни бор экан, ўлмай қолди. Оёкка турди. Соғинчданми ёки нимадир ёдига тушса елкасига чақиртикан қадалгандай жизиллатиб, чидаб бўлмайдиган даражада оғрик берарди. Бир куни палатага кириб келган ҳарбий дўхтирга, елкамда майда-чуйда юлдузчалар (чақиртиканнинг ўрисчасини билмади) қадалиб азоблаяпти деди. Ҳарбий дўхтир ачиниб қаради:

— Ўғлим, елкангдаги юлдузчаларни эмас, бошингдаги юлдузчаларни олиб ташлаш керак. Юлдузчалар бошингда жойлашиб қолган. Биз олишимиз лозим нарсаларни олиб ташладик. Энди... бошингдаги юлдузчаларни факат ўзинг олиб ташлашинг керак.

Ҳарбий дўхтир эзгин қиёфада бош чайқади. Уф тортиб чиқиб кетди.

Ташқари совук. Қахратоннинг қаҳри кўзиган. Ҳаводаги қор учқунларини увиллаган шамол ўз кўйида ўйнатиб кўз очирмайди. Нодир ҳовли эшиги ёнидаги хизмат машинасигача бўлган йўлни ҳансираб босиб ўтди. Уйдан ўзини бардам ва тетик тутиб чиқишига уринмасин, оёқлари ўзига бўйсунмаётганди, кўз олди қоронғулашиб борарди. Қон босими кўтарилганини ҳис қилди. Орқа эшикни базўр очаркан, ўзини беҳол машина ўриндиғига ташлади. Ҳавотир аралаш ҳовли дарвозаси томон ўгирилиб қаради. Бошида оғриқ турди.

Уни аллақандай бир куч зимистонлик қаърига тортиб борарди. У ўзини таг-туби йўқ чоҳга қулаётгандай ҳис қилди. Қовоқлари зилзамбил. Кўзини очолмади.

— Шифохонага ... Шифохонага борамиз, — деди хайдовчига зўрға.

Машина ўрнидан жилгани, дала боғнинг тор йўлакларидан чайқалиб бораётганини тусмоллаб, элас-элас тасаввур қилиб борди. Шамолнинг гувиллаши, алланималарнинг қум каби қаерларгадир чарсиллаб урилиши тубсиз жарлик сари шўнғиётган Нодирнинг тасаввур ойналарида элас-элас намоён бўлар, у айнаи дамда фалакдан ўйнаб тушаётган муз қотган қор учқунларини ҳам кўришни истар, тамоман хасталикка тобе бўлмаган тафаккур ёлқинлари қоронғулик билан курашиб борарди. Сўнг ўша тасаввури осмонида юлдуздай милтиллаб турган сўнгги шуъла ҳам сўниб ғойиб бўлди. Нодир чоҳ тубига гурсиллаб келиб тушганини ҳис этди, бўғзига нимадир келиб тикилгандай бўлди-да, аъзойи бадани қизиб, борлиқ энди чинакамига чарсиллаб учаётган кип-қизил учқунларга тўлгандай

бўлди. У тепасида ловуллаб ёнаётган осмонни, осмондан бодраб-сачраб тушаётган олов парчаларини кўрди. Гувиллаган шамол тўзфитган олов парчаларидан ерга кип-қизил сон-саноксиз чўғ тўкиларди... Шу маҳал Нодир чоҳ тепасида кўлида толнинг узун новдасини тутиб турган болакайни кўрди. Бола жилмайиб, кўлидаги ям-яшил тол новдасини чоҳ тубига ташлади. Кўкдан ёғаётган олов учқунлари болага умуман таъсир қилмас, унинг атрофини зангор ва мовий ранг нурлар қуршаб турарди. Боланинг устбоши жикқа ҳўл эди. Нодир новдага тирмашди, бола кучли, эпчил эди, уни чоҳ қаъридан тортиб олди. Нодир ҳам болани қамраб-қуршаган нур оғушида қолди. Боланинг табассум югурган, ёник чехрасига боқиб, ҳайратга тушди. Бу ўзининг болалиги, ўша, ўн икки ёшли Нодир эди. Нодир шуни пайкагани ҳамано болакай ғойиб бўлди. Нодир мовий тўлқинлар ичра типтиник кўлда кирғоқ сари интилаётгани, энди ўзи ҳам болага айланиб қолганини ҳис қилди.

Нодир соҳилга қадар сузиб келди-да, холдан тойган кўйи, қизиган тупроқ устига чалқанча тушиб ётди. Тоғ ортида ботиб бораётган қуёш нурларида қирмизи тусга кирган осмонни кўрди. Алвон булутларни эса ирис қанднинг кип-қизил тилла қоғозига ўхшатди. Бола ётган жойида кўкдаги тилла қоғозларга кўл чўзди. Ёнида кимдир қикирлаб кулиб юборди.

— Зумрад... Зумрад, — деди бола. — Қара, осмонга қара... Осмонга тилла чикди, Зумрад. Зумрад ҳамон қикирлаб куларди.

— Зумрад... Зумрад...

... Бошида аллақандай ғала-ғовур. Элас-элас шарпалар сузиб юрибди. Қовоқларини бир оғир

куч босиб, кўз очишга мажоли йўқ. Нимадир тарақлади. Кимдир гудранди. Алланечук гап-сўзларни шамол олис-олисларга олиб кетади.

— З... З... Зум... — деди у зўрға кўзини очиб.

— Хайрият-эй, ўзига келди, — деди кимдир.

— Юрак уриши яхши. Худога шукр ўтиб кетди, — деди яна кимдир.

— Нима кетди?... Ким кетди? Зумрад кани? — деди бемор ихракли товушда бўғзи қуруқшаб. Сўнг тепасида турган нотаниш киёфаларни кўрди.

— Мен қаердаман?

— Шифохонадасиз. Тинчланинг. Ҳаммаси ортида қолди.

Тўрт кундан сўнг беморни жонлантириш бўлимидан алохида палатага ўтказишди. Нодир хона деразасидан ташқарида ўйнаб учаётган қор учқунларини кузатиб ётарди. Қалбини қоплаган ваҳимали қоронғулик ёришган, энди ҳаёт билан юзма-юз келиб турганидан кўнглида таскин ва шукрона туйғуси тўлқин урарди. Тепасида осма укол тайёрлаётган ҳамширага кўнгли учун ҳам илиқ гап айтгиси, ўзининг теткилиги боис миннатдорчилик туйғусини изҳор этгиси келди:

— Янги йилга ҳам оз қолаяпти. Худо хоҳласа, Сизга жуда чиройли нарса совға қиламан.

Ҳамшира ҳам очик кўнгил, хушчақчаққина экан:

— Нима, масалан?

— Хўш, нимани хоҳлайсиз?

— Айтайми?

— Айтинг...

— Менга атаб битта шеър ёзасиз...

— Бу жуда осон, мушкулимни осон қилдингиз...

Қиз кулди.

— Майли, соғ-саломат бўлинг. Бошқа дард кўрманг. Китобларингизни ўқиганман. «Қордаги лола» қиссангиз менга ёқади. Сизга бир савол берсам майлими?

— Майли...

— Операция пайтида «Зумрад, Зумрад» деб алаҳладингиз... Зумрад ким?

Нодир талмовсиради. Дудукланди. Туйқус қувониб, чехрасига кулгу ёйилди.

— Зумрад, қизим! Кичкина қизимнинг исми Зумрад!

— Яхши кўраркансиз-а?

— Жудаям.

— Хўш энди ёнбошга ўтирилинг, ана шундай... Яхши!

Ҳамшира осма уколни ҳам улаб чиқиб кетди.

Янги йил кириб келишига ҳам уч кун қолди. Нодир шифокорларга ўзини батамом тузалиб кетгандай кўрсатишга уринарди. Оёққа турди. Палатада, йўлакда бемалол юра бошлади. Дўхтир барибир билади-да. Бош шифокор Нилуфар Аҳмедовна бугун эмас, икки кундан кейин жавоб беришларини айтганда, тарвузи қўлтиғидан тушиб шалвиради қолди.

— Юрак билан ҳазиллашманг, — деди бош шифокор қатъий. — Қолаверса, сиз ҳали ёшсиз, шу ёшингизда инфарктга йўл бериб ўтирибсиз... Бўлди, яна икки кун назоратимизда бўласиз, ташхислар маълум бўлгач, шунга қараб иш кўрамиз...

— Ахир, Янги йил...

— Ҳечқиси йўқ. Ҳали кўп Янги йилларни қарши оласиз.

— Уйда, болаларим...

— Айтдим-ку, Нодир Собирович, ташхислар эртага чиқади. Яхши бўлса албатта индинга сизга жавоб берамиз.

Нодир қатъияти меҳрга йўғрилган бу аёл қаршисида лом-мим деёлмади. Лабини тишлаб, бош силкиб қўя қолди.

Бош шифокор ҳамшира келтирган аллақандай қоғозларга синчиклаб назар ташларкан, беҳосдан Нодирнинг юзи буришиб кетганини, ихраб юборганини сизди. Нодир ўзича пичирлади:

— Лаънатилар, куйдириб оғритаяпти, яна ҳаракатга кеп колишди...

Бош шифокор Нодирга ялт этиб қаради.

— Нима безовта қилаяпти. Нима бўлди? Нима ҳаракатга келди?

Нодир кўзини олиб қочди.

— Ўзим шунчаки. — Кулгига олди. — Елкамни нимадир китиклагандай бўлди.

Бош шифокор беморга ажабланиб қаради. Анчагача юзидан нигоҳини узмади. Аёл кишининг синовчан назарига дош беришдан ёмони йўқ. Ҳамшира Нодирнинг қон босимини ўлчади. Жойида. Юрак ҳаракати ҳам меъёрида.

— Сиз мендан ниманидир яшираяпсиз. Сизни нима безовта қилаяпти?

— Айтдим-ку, соппа-соғман. Шунчаки... бу... болалик, ёшлик билан боғлиқ хотиралар асорати шекилли.

Бош шифокор бу ғалати беморга, элга таниқли адибга янаям қизиқсиниб қаради.

— Хўш, ёшлик хотиралари билан боғлиқ хасталик асоратини биз даволай олмас эканмизми? Фақат сизга маълум бўлган бу касалликка ташхис қўёлмаймизми?

— Нилуфар Ахмедовна, вакти-соати келганда албатта, бу ҳақда бир ҳикоя ёзиб қўлингизга тутқазаман.

Бош шифокор энди самимий жилмайди.

— Йўқ... йўқ. Бу ерга қайтиб туша кўрманг. Биз сизга рухсат бермаймиз. Ҳикоянгизни бирорта журналда чоп эттирсангиз ўзим ўқиб оламан. Нодир Собирович, энди бироз ухланг. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади.

Нодир палатада ўзи ёлғиз қоларсан, тўшакда чалқанча ётган кўйи ўзича ғудранди: «Ҳикоя эмиш, қанақа ҳикоя?! Дарду дoston деб атаса яхшидир, балки...» Чиндан ҳам у болалик хотиралари, ёшлик хаяжони-ю, елкасида манави лаънати чақиртиканлар хуружи ҳақида ёзиб нимага эришарди?

Хаёл барибир ақл тизгинини узди. Хаёлида маъсум ўсмирликнинг тиниқ хотиралари тиклана бошлади.

... Нодир Зумрадни илк бор кўрган кунни эслади. У ҳамиша ўша кунни қалби ажиб ҳислар гирдобида хотирлайди. Мана шунча йил ўтибди ҳамки, кечагина юз бергандай, йўқ, шу воқеа ҳозир бўлаётгандай туюларди. Синфга Зумрадни ўқитувчиси бошлаб кирди. Зангор мактаб кўйлаги устидан оқ фартук кийиб бошига, атиргулдай кип-қизил бантик таққан қизни кўриб Нодир бошқача бўлиб кетди.

— Болалар, танишинглар, бу Зумрад! Бугундан бошлаб Зумрад бизнинг «А» синфимизда ўқийди.

Нодир биринчи синфга борганига хали ўн кун ҳам бўлгани йўқ, лекин, «А» синф билан «Б» синфнинг тафовути борлигини сезгандай бўлди. Зумрад ҳозирча ўқитувчининг ёнидаги стулда ўтириб тураркан, ўқитувчи опа унга алоҳида меҳр кўрсатаётгандай туюлди. Зумрад чиндан ҳам чиройли, кийимлари ҳам чиройли, кип-кизил сумкаси ҳам ҳеч кимда йўқ — чиройли эди.

Ўша кеча туш кўрди. Тушига Зумрад кирди. У синфга кип-кизил мактаб кийим кийиб келибди. Кейин унинг ёнига келиб ўтирди.

Эртасига мактабга Зумрад кеча Нодир тушида аниқ-тиниқ кўрган қизил форма кийиб келди. Ўқитувчи опа уни Нодирнинг ёнига ўтқизди.

Улар бир партада ўтиришди. У хурсанд эди. Шу-шу, Зумрад билан дўст бўлди. Йиллар ўтаверди. У уй вазифаларини Нодирдан кўчирар эди. Агар беш баҳо олса, ўзида йўқ севинарди. У Нодирга қараб жилмаярди. Унга шунинг ўзи кифоя эди. Айниқса, математика дарсини ўлгудай ёмон кўрса ҳам уйга берилган мисол-масалаларни Зумрад учун ишларди. Зумрад кўчирарди, жилмаярди, «беш» баҳо оларди, яна жилмаярди. Зумрадга ҳамманинг ҳаваси келарди. Ҳамма хушомад қиларди. Ҳатто ўқитувчилар ҳам Зумрадга овозини баландлатиб гапиролмасди. Зумраднинг отаси тумандаги энг каттакон одамлардан бири эди. Кимсан фалончи ижроқўмми, исполкомми, бир бало! Хуллас, ҳамма соясига салом берадиган одам!

Ким билади дейсиз, Зумрад ҳам шунинг ҳавосини олдами ёки қиз боланинг ақли эрта «пипиши» чинми, ишқилиб, ўзини бошқалардан анча баланд қўядиган бўлди. Бироқ Нодир би-

лан ўша-ўша! Математиками, тарихми, нима дарсдан кўчириш керак бўлса, дастёр тайёр, Нодир юрагини тутгандай кўшқўллаб унга дафтарини кўчиришга беради. Синфдаги ўғил болаларнинг кўпи бунга гаши келарди. Нодир фақат Зумрад учун ўқийди, деб мазах қилишарди. Нима дейишса, дейишмайдими, гапирганлар гапириб, ичи куйиб қолаверарди. Хуллас, улар етти йил бир партада ўтиришди. Ёзги таътилда Зумрад Қримга Артекка кетди. Нодир уйда қолди. Отасига ёрдамлашди. Очиғи, отаси билан кишиларнинг деворини уриб, уйини тиклаб, оғилини бутлаб, ерини юмшатиб мардикорлик қилишди. Уч ой қора меҳнат билан ўтди. Нодир узун ёз тунларида ўзидан олисларда, Артегда дам олаётган Зумрадни эслаб юраги хаприкиб, ичи ёниб борар, ботинидан нимадир узилиб кетгандай бўларди. Ўзи билан Зумрад ўртасида улкан жарлик, ўтиб бўлмас масофа мавжудлигини энди англаётганди. Ҳаётнинг бу номутаносиблиги боис қалбида энди ниш ураётган балоғат чечаклари умидсизлик аёзи остида қолиб кетаётганга ўхшарди.

Нодир отасига ачинарди. Оиладаги тўққиз жонни боқаман деб ўзини ўтга-чўкка ураётган отаси анча йиллар илгари ўқитувчилик қилган, отаси мактаб директори ва айрим ўқитувчиларнинг баъзи бир қаллобликларига чидай олмай (хуллас, бу ёғи бизга қоронғу) сенлар ишлаган мактабда ишламайман, деб қўл силтаб чикиб кетган дейишади. Шу-шу мактабга қайтиб бормади, бошқа мактабдан иш изламади. Қайсарлиги кийикни қирқ ёриб — айтганини қилди. Мардикорликни ўзига раво кўрди. Нодирнинг кўнгли ўксиклиги ҳам шун-

дан. Бирок отасининг юзига тик қараб бирор гап айтиб бўлармиди. Ҳаром топишдан, хариш ейишдан худо асрасин.

Чилланинг чиллакини ёрган жазирамаси. Қуёш тикдан туриб қоқ манглайдан урган маҳали, бошингга тиг санчилаётгандай бўларди. Қишлоқни қоқ иккига бўлган катта йўл ёқасида янги тушган томорқа атрофида ота-бола девор тиклашяпти.

Нодир бир ярим кулоч баландликдаги девор устида ўтириб, отаси пастдан белкуракда узатган лой билан девор кўтараяпти. Офтоб атрофни ёндиради. Нафаси қайтади. Бошидан, афт-ангоридан шовуллаб тер оқади. Жайранинг сихидай тип-тикка бўлиб ўсган сочлари ҳам офтобда куйиб, сарғайиб кетган. Кечгача яна бир пахса уриб, эгаси билан ҳисоб-китоб қилишлари керак. Нодир девор устида туриб саробдай жимирлаб турган катта йўл адоғига қаради. Олисдан нимадир қорайиб кўринди. Ота лой узатди, Нодир пайқамади, лой ерга қайтиб тушди. Ота ғудранди. Нодир тишини-тишига қўйди. Ичида бундай ҳаётга минг лаънат ўқиди. Шу пайт олисдаги машина — қопқора «Волга» девор ёнига келиб тўхтади. Ичидан қотмадан келган, дароз, ёзги костюм-шим кийиб, бўйинбоғ такқан шляпали киши тушиб уларга яқинлашиб кела бошлади. Отаси турган жойида қотиб қараб турди, сўнг сўкинди: «Энафар, бу нимага келди?». Олифта ва савлатдор киши уларга яқин келди. Бир девор устидаги Нодирга, бир отага қаради:

— Ҳа, арпангни хом ўрганмидим, салом ҳам бермайсан?! Ўзинг қолиб энди болангни ҳам хору зор қияпсанми?

— Ишинг бўлмасин! Менга ёрдам бераяпти. Сендан ҳеч нарса сўрамайман, — деди отаси ҳам ижирғаниб ерга боқаркан.

Нодир бу ҳолатга хангу манг бўлиб қараб турарди. Халиги шляпали киши мийиғида кулиб, заҳархандалик билан кесатди:

— Ўшанда гапимга кирганингда эди, ишлаб юрардинг. Қайсарлигингдан гўр ҳам бўлмайсан, сен аҳмоқ.

Отасиники тутиб кетди, баттар ўшқирди:

— Нима қилишим керак эди? Колхозчининг боласига берилиши керак бўлган олтин медални анави, гумаштанг, совхоз директорининг ўрлига беришим керакмиди?

— Ўзингни бос! Итнинг орқа оёғи бўлиб ўлиб кет, менга деса!...

Отаси жаҳл устида ердан бир чангал лой олиб халиги одамнинг юзига туширди. Каттакон чайқалиб йиқилиб тушди. Шляпаси бошидан учиб йўл бўйлаб гилдираб кетди. Шу тобда қора ойнаванд «Волга»нинг орқа эшиги очилиб, бир қиз чинқираб юборди.

— Ота-а-а! Ота-а-а..., — қиз гандираклаб шляпасини олаётган киши томон чошиб борарди. Бу Зумрад эди.

Девор устида ўтирган Нодирнинг кўзи тиниб, боши чирпирак бўлиб айланиб, бўғзига нимадир тиқилиб, нафаси қайтди. Туйқус мувозанатини йўқотиб, девор устидан «шилқ» этиб чакиртикан устига кулади. Елкасига тиф санчилгандай, елкасини нимадир куйдираётгандай, кўзидан олов чиқиб, бошида чақин чаккандай бўлди. У холсизу ҳуши учганча ётган жойида каттаконнинг:

— Лаънати, мен сени йўкотаман, турмада чиритаман, — деган дўқ-пўписасини эшитди.

Отаси Нодирнинг устидан ярим челақ сув қуйиб ўзига келтирди. Алаמידан дағ-дағ титраган кўйи ўғлининг нам бошини бағрига босиб ўкириб йиғлаб юборди. Нодир отасининг бундай аҳволда илк бор кўриши эди.

— Тур, ўғлим. Тур, уйга кетдик...

Ота ўғлининг қўлтиғидан суяб турғазди. Унинг елкаларини силади. Елкасига қадалиб қолган чақиртиканларни кафти билан силаб тушириб ташлади. Елкасининг чақиртикан кирган жойлари қонталаш бўлиб, чизиллаб қон сизилди.

Нодир уйда бир ҳафта алаҳсиб ётди. Офтоб уриб, ҳолдан тойган экан, дейишди. Дарди бир ўзига, бир худога маълум бўлди. У оёққа тургач, отасининг қарори билан оиласи чўлга кўчди. Нодир икки йил чўл мактабида ўқиди. Шу икки йил ичида Зумрадни бир кун ҳам ҳаёлидан чиқармади. Уни эслаганда елкасида нимадир чимиллаб оғриқ бериб кўярди.

Чўлдаги мактабни тамомлаб Нодир Тошкентга ўқишга кетди. Қишки имтиҳон пайти қишлоқдан курсдоши гап топиб келди, Зумрад эрга тегди. Отаси қизини ўзидан ҳам каттакон одамнинг боласига узатибди. Ёшликнинг биллур умидлари чилпарчин бўлди.

Орадан кўп ўтмади. Зумрадининг отаси қамалди. Нодирнинг отаси оиласини олиб чўлдан қишлоққа қайтди.

...Нодир болалик хотиралари оғушида тақдирнинг нотанти ўйинлари моҳиятини худди ташқарида айланаётган қор зарраларига узок термулиб ўқиб олиши мумкиндай, оғир ўйга ботиб деразадан кўз узмай ётарди. У анча пайтгача хона деразасидан кўз узмади. Оқиб ўтаётган

умр дарёси ҳақида ўйлади. Ўлим билан ҳаёт оралиғи бир қадамлигини англаб етгандай бўлди. Бору йўғидан беҳабар бу дунёда зарра бошида не-не синовлар чархи айланганини кўз олди-га келтирди. Кейин... кейин нигоҳи толиқди, кўзларини юмди. Зум ўтмай уйкуга кетди.

...Бугун ўттиз биринчи декабрь.

Янги йил кириб келаяпти. Кўзи эшикда, ҳамширанинг кириб келиб, сизга жавоб бўлди, дейишини кутаяпти. Тушдан кейин иккита осма укол олса, бас, агар ташхислар яхши чиқса (яхши чиқсин, ишқилиб) уйига кетади. Хона эшиги очилиб ҳамшира кириб келди. Юзида та-бассум. У эшик ҳатлаши ҳамоно бош бармоғини тик қилган ҳолда «зўр» ишорасини қилди:

— Ташхисингиз во! Мана бундай. Тушдан кейин осма... Сўнг уйга жавоб!

Нодир ўзини узоқ йиллардан бери шифо-хонада ётгандай ҳис қила бошлаган эди. Бо-шидаги туман тарқади-кетди. Шу маҳал қўл телефони жиринглади:

— Ҳа, Нодирвой, калайсан? Байрам билан йўқламайдиям деб ўпка-гина қилиб турсам, ши-фохонага тушиб қолганингни эшитдим... Нима гап, тинчликми?... Соғлигинг дурустми? Ўзим сени кўргани бормоқчи бўп турибман...

Устоз. Халқнинг ардоқли, улуг шоири кўнғироқ қилиб турибди. Нодир ҳаяжонланган-дан калимасини тополмай турди:

— Раҳмат, устоз. Минг раҳмат. Мана чиқаяпман... Яхшиман. Жавоб беришди. Ўзим Сизни кўриб ўтаман, устоз. Миннатдорман!

Кўнгли тоғдай кўтарилди. Катта бошини ки-чик қилиб кўнғироқ қилгани учун Устоздан миннатдор бўлди.

Йўлнинг икки четида ўрнатилган симёвочлар чироклари нурида товланиб тушаётган қор зарралари кўнгилга алланечук завқ-шавқ бағишлайди. Нодир машина ойнасидан нур оғушида яркираб айланиб учаётган қор учкунларига кўтаринки кайфият билан қараб борарди. У худди ҳаётини янгидан бошлаётгандай, шу файзли янги йил тунидаги ҳамма яхши нарсалар фақат унга аталгандай эди, гўё.

Ҳайдовчи машинани дабдабали кўп қаватли савдо мажмуи ёнида тўхтатди. Одам гавжум. Ҳамма байрамга у-бу нарса харид қилади, ҳамма уйига шошилади. Нодир кенжа қизига каттакон ўйинчоқ оқ айиқ сотиб олди. Хотинига беш дона кип-қизил атиргул харид қилди. Устозиникига ҳам қуруқ қўл билан кириб ўтишни эп кўрмади. Торт ва қимматбаҳо вино олди. Ўз ишидан кўнгли тўлиб машинага ўтирди.

— Аввал Устознинг уйига ҳайда. Ярим соат ўтирамиз-да, кейин уйга қайтамиз. Қўркма, байрамга улгурамиз!

Эшикни нотаниш аёл очди. Нодир афт-ангоридан хизматкор эканини англади. У Нодирга узок тикилиб турди. Кўзлари шунчалар маҳзун эдики, тим қора қорачиклари қаърида алланечук сирли бир жозиба яширинганди. Аёл кўзини ерга қадади-да, шарт бурилиб ошхона томон кетди.

Байрамона дастурхон. Оила жамулжам. Емак-ичмакнинг ками йўқ. Устоз байрам тилагини айтди. Нодир ичмади. Ахир, тўғри шифонадан келяпти. Аҳволи ўзига аён.

— Устоз, мен қайтсам...

— Тўхта, ярим коса қайнатма шўрва ичиб кет, — сўнг янгага қаради. — Зумрад ҳам

келсин, ўтирсин! — Устознинг ўзи ошхона томонга овоз берди: — Зумрад! Қолган ишни кейин қилаверасан! Дастурхонга кел! — Нодирга қараб қўшиб қўйди — Дарвоқе, бу аёл сен томондан. Янгангнинг синглиси олиб келди. Қўшни туришаркан. Бироз қийналиб қолибди. Ҳа, майли, дастурхонга кара!

Шу маҳал қўлида ликопча ва бир талай санчқи кўтариб ҳалиги аёл келиб, четдаги курсига омонат чўкди. Нодир унга яна диққат билан разм солди. Бирдан юраги гупиллаб уриб кетди. Кўз олди оний ҳолатда бир қоронғулашиб ёришгандай бўлди. Нафаси тикилди. Лаблари пирпиради. Ўзига-ўзи пичирлади: «Зумрад... Зумрад...» Нодир оғир уф тортди, базўр ўзини тутиб турарди. Томоғига бир ўкирик тикилиб турарди. Зумрад дастурхон четидаги курсида омонатгина ўтирарди.

— Устоз, — деди Нодир овози титраб, — Мен энди борай...

— Ҳа, тобинг бўлмаяптими?

— Шундай...

У зўрға оёқда тик туриб ҳовли эшигига чикди.

— Тезроқ ҳайда, — деди ҳайдовчига овози хириллаб, — олд ойнани очиб қўй!..

— Совуқ-ку, шамоллайсиз...

— Оч. Очиб қўй!

Машина ичига шамол қор учқунларини ҳайдаб кирди. Дала боғ этагига етгач, Нодир машинани тўхтатишни буюрди.

— Нима бўлди, хўжайин? Тобингиз қочдимми?

— Билмадим, вужудим ёниб бораяпти. Елкам ачишаяпти.

У машинадан тушди. Эгнидан пальтосини, костюмини ечди. Хайдовчи анграйиб қараб турарди.

— Нима қияпсиз, хўжайин, ахир, ахир...

Нодир парво қилмади. Оппоқ қор устига елкаси билан чалқанча ётиб олди. Елкасини жизғанак бўлиб куйдираётган оғрик тина бошлади. Қор учқунлари Нодирнинг юзини оҳиста сийпалаб қўярди. У анчагача шу алфозда қор устида осмонга қараб ётди.

Кейин оғриқдан халос бўлган кўйи ўрнидан турди. Хайдовчига кийимларимни бер ишорасини қилди.

Нодир ҳозиргина ўзи қор устида чалқанча ётган жойга яна бир бор қаради. Айниқса, иккала курак ўртасидаги елка чуқурчаси изи уни сескантириб юборди. Қордаги елка чуқурчаси изида қон томчиси кўзга ташланарди. Улар бешта эди. Шу бешта қон томчиси оппоқ қорда гўё милтиллаб турарди. Нодир елкалари енгил тортганини пайқади.

— Қутулдиммикан? — деди ўзига ўзи.

Машина чироғининг ўткир нурлари куюк қор учқунларини ёриб олдга интилади. Орқа ўриндикда бошини машина ойнасига тираб олган Нодирнинг кўзларидан дувиллаб ёш оқарди.

БУ ЕРЛАРДА ҲАЁТ БОШҚАЧА

Кампирнинг игнасида ип ўтмаганига анча бўлди. Кўз қурғур хиралашган. Ёш ҳам саксонга сабоқ бериб турибди. Лекин ўзи анча тетик. Овозини айтмайсизми, гулдурайди — гапни замбаракнинг ўқиға боғлаб отади, тушган жойини ўпириб кетади. Қишлоқда катта-кичик

уни Гулдурак момо дейди. Ўзиям ўрганиб кетган... «Гулдурак момо, бизникига бораркансиз, энам ўрмак тўқишга айтди...». «Гулдурак момо, гартаккина катик бериб тулинг...», «Гулдурак момо, тухум бейинг, товугимиз куйк бўпти». Момо хасис эмас, ким нима сўраб келса беради, ким қаерга айтса, боради, айникса, болабакрани жини суяди, лекин уйдан чиқараётиб уларни ўқлаб жўнатади: «Ма, ўлай сенга, супрақокди-ей, ма, ол, буни киссангга сол. Қурт егинг келса, келавер, бераман... Энангга бориб айт, момом келаркан, ўмганига от тепгандаям келаркан, лекин сиз ўтган ҳафта момом кигиз қилганда бормаган экансиз. Белингиз белангимиди, дейсан. Қани қайтар-чи...». Бола қизариниб-сизариниб, кампирнинг гапини қайтаради. Бир қўли чўнтакда, қуртларни ушлаб-ушлаб кўради. Бошқа бир куни: «Ке, болам. Бу йил ҳам сигиринг қисир қолди-ма? Майли, ана, сигирни уйингга олиб бориб бойлаб қўй. Отангга айт, йил ўн икки ой Йўлчининг магазинига бойланган итдай кўриб, шишага кириб, арокка чўмилмасдан бир ойгина инсофга кирса, сенларга бир соғин сигир олиб беради...». Кампир бир корсан косадаги катикни мишиқининг қўлига тутди. «Бирор нарса керак бўлса кептур». Кампир шугиналарнинг келиб-кетишидан хурсанд бўлади, гапирган гаплари эса шу... бир гапида. Гулдуракда, гулдурак. Феъли-рўй!

«Ўзиям зерикиб ўтирувдим. Киравер. Салиманинг қоратойлоғимисан... Кир. Нимага мунча тимирскиланасан?.. Чик супага. Ма, филминди, е. Ҳозиргилар филминдини қаерданам билади... Ол, болам, ол!.. Яхшимикан? Бўйинг шадороздай бўп тебранасан-а? Биламиқ, юпқа, гарчиш,

ширгуруч, тўрта, қайла, кўчаош нима билмай ўсаётгандан сўнг шундай бўлади-да. Энанг тенгиларнинг ҳаммаси қилтанглайди, қирққа қириб-қирмай кўтарам бўп қолган... Икки бола туғиб-туғмай ув-увлайди, ўрни ўриб, қирни қирадиган пайти, гўр бўлама, ўзимизди эски овқатларни қилишга бўйни ёр бермайди, буларинг ор билишадими-ей, бекор гап, эринади, билгани пиёва, шилдир шўрва... Қозонда мойни жириллатганим ҳисоб дейди...». Бола кампирнинг сўзларини илғаб-илғамай чақа сариёф ва сутдан тайёрланган лаззатли «перашка»ни пакқос тушираверди. Учинчисини еб тугатгач хансираб қолади. «Момо, мен кетдим». Кампир тўнтарма катта саватни кўтариб тухум тўла елим косани болага узатади. «Ма, энангга айт, тухумни тоқ бостирсин, йўқосам, жўжа чикмайди, энанг шуниям билмайди-ёв». «Тухумлар жуфт чикса-чи момо?», «Биттасини отангга ковуриб берсин...», — узиб олади кампир. «Ҳа, айтмоқчи, энангга айт, товуқларниям уволи бор экан, деб қўй. Ҳеч бўлмаса шу гапимни тушунтир...».

* * *

10

Гулдурак момо супада гум-гурсдай бўлиб урчук йигираяпти. Ўтиришини кўринг. Урчук эмас, чархи дунни айлантираяпти, гўё. Сўл қўл ҳавода, ипни тутган, ўнг қўл билан эса ип туташган урчукни шипиллатиб айлантириб юборадики, бу кескин ҳаракат гўё чавандознинг қилич сермашидаги оний ҳолатга ўхшаб кетади. Раҳим бова катта дарвозанинг очик «бола эшиги»дан кирди-да, кампирига бир пас сер солиб турди. Кампир сизди. Ишини тўхтатиб

чолига илкис каради. Чол ўзича ковок уйди. Шунчаки бостирма томон юрди. Ҳовлида қиладиган ишнинг тайини бўлмаса ҳам унга-бунга уринмокка шайланди. Ишқилиб, кампир эрталабки гапни қўзғамаса бўлди.

— Келдингизми? Қачон бораман деяпсиз?

Чол ортидан қамчи егандай бир чайқалиб тўхтади: «Оббо, яна бошлади!» Кампирга ўғирилди.

— Қаерга? Нима деяпсан?

Момо энди гулдуради:

— Талмовсираб тол кесасиз-а? Шундаям ота бўладими-я? Шу болани агарам бир жойдан орттириб келган бўлсамам, шу бола чиппа-чиниминан ўгай бўлсаям, бир бориб кўрай демайсиз-а. Ё шу бола чиниминан ўгайма-а? Отаям шундай бўлама?!

— Телпонда гаплашиб турибмиз-ку.

Чол чўнтагидан уяли телефонни олиб кампирига кўрсатди, кўрсатмаса гапига ишонмайдигандай.

— Кенжангиз ҳам шу зорматоҳди қайси гўрданам обберди, сизга. Телпон қулоқ бўлар, икки кўз бўлолмайди, кўнгил бўлолмайди, меҳр бўлолмайди. Одамни одамдан узоқлаштираркан...

Кампирнинг тилидаги тугун ечилди. Чол бундай пайтда унга бас келолмайди. Гумбургумбур гап билан уради. Эшитади, энди эшитадиганини. Лекин жим турсаям бўлмайди.

— Ҳозир боғда иш қайнаган пайт. Қараб турмасам, бола-чақа узумни ташиб кетади. Мол-холга ким қарайди?

— Баҳона қиманг. Ўртанчангиз бор! Қарайди. Хотини ҳам орбонглаб не қиларини билмай ухлагани ухлаган. Қишлоқда узум

итирқини. Бола-бақрага берсангизам олмайди. Ўзингизга бир гап бўган. Уй билан боғ орасида оталак-куталаксиз. Мол-хол, қўй-қўзига ҳам қирғин келсин... Итга тиним бор, қушга тиним бор, сизга тиним йўқ, биз ўлсак, бошимизда мол-ҳолингиз, қўй-қўзингиз уввос солса не ажаб?!

Чолникиям тутади. Қўлидаги ўроқни томорқага ирғитади. Лекин кампирига ҳеч нима деёлмайди. Гудранади, «Уккағар бахшининг қизи...». Даҳлизга қараб юради. Токчадаги челақдан чўмичда сув олиб ичади. Кампир юмшайди:

— Хой, совуқ сув ичманг қадоғингиз тош қотади, чой ичинг, иссиқ чой бор! Тумшаймасдан келинг энди, буёққа!

Биз тавба қилдик дейлик, лекин чолга тақдир чизигини кампири чизиб қўйгандай туюлаверади, хой тилимизнинг куфурини ел олсину, лекин айни чоғ чолнинг ўзи шундай ўйлади. «Энағарди қизи эллик йилдан ошди йўлимни чизиб беради, чизигимдан чиқма дейди... Энди бўлди, гапига кирмайман, ўзимнинг билганимни қиламан! Ўғлимниқига оёғим тортмай турибди, кейин бораман. Кейин ҳам хоҳласам, бораман, хоҳламасам, йўқ!». Чол қатъийлашди. Оқ аралаш ўсиқ қошини чимириб, пешонаси тиришиб хотинига ботиқ нигоҳлари ила ёв қараш қилди, қаердан пайдо бўлди, ёноқ суяклари бўртган озғин ва кичик кулча юзида қаҳр ўти алангалади. Оқарган сийрак, эчки соқолини озғин ва чайир қўлининг титроқли бармоқлари билан силагандай бўлди. Узоқдан қараган одам чол сўл қўли билан юзига фотиҳа тортаётибдими деб ўйларди. Кампирга ҳам шундай туюлди.

— Бовоси, келинг чой-пой ичиб олинг. Келинг. Майли, бормасангиз бормабсиз...

Кампирнинг туйқус майин тортгани чолни эсанкиратиб қўйди. Қулоқларига ишонмади. Анграйиб қараб турди, меники ток, сизники жуфт — сизники маъкул, деб бировга, айникса, чолига осонликча ён босиб қўявериш кампир учун жон таслим қилиш билан барабар эди. Шундай бўлгач, чол анграймай, ким анграйсин.

Чолнинг қалбида ойда-йилда бир қўзғалиб қоладиган тўполоннинг тошқини кампирнинг бир оғиз илиқ гапи туфайли босилди-қолди. Супага чиқиб кампирининг ёнига келиб ўтирди. Кампир устига сочиқ ёпилган сирли идишнинг қопқоғини очиб чинни косага ширгуруч солиб узатди. Чол кампирга қўз остидан разм солди: йўқ, аврамаяпти, эллик йилдан бери биласан, бунга авраб-алдаш бегона, шартта захрини сочиб, чақади, қўяди. «Уккағар бахшининг қизи-ей... Ажинаси отланиб қолса, дунёни чирпирак қилади-я. Гулдурамай ўлгурнинг гаплари чин, ўзимам бола-чақамга ҳам ёпишавермайман. Шундай чакин бўлсам, нима қилай? Уккағарнинг қизи сизни элга қўшаман, деб бўларимча бўлдим, кесакдан ўт чиқди, тошга тил битди, сиз эсам диму дирс бўлиб ўтдингиз, Сиз билан ўтган эссизгина умрим-а, сизга одам иси ёкмайди, деб ёзғираверади. Бу гаплариям чин. Лекин одам иси ёкмаган билан сенинг исинг ёқади, Тошбуви». Чол ўзича илжайиб қўйди-да, бўшаган косани кампирга узатди:

— Яна ярим коса бер.

Кампирнинг чехраси ҳам гул очди:

— Зўрлик қилмасмикан, мана чойдан ичволлинг.

Чол яна илжайди:

— Беравер! Зўрлик қилса йўлини топамиз.

Чол бу косаниям кўрмагандай қилди.

Ширгуруч — сутда пишган гуручбўтқада эриган сариёғ юқи чолнинг сийрак соқолида ялтираб турарди.

— Бовоси, соқолингизни артволинг... Ҳалиям ёш болага ўхшайсиз. Ким билсин, одам кексайгач, аллахиёл бўлиб қоларкан. — Кампир жуда оҳиста, овоз қўймай, майингина гапирди. Чол унинг юзига разм солди. Ёноқларида икки томчи ёш сизибди. Қаршисида Гулдурак кампир эмас, бир бурдагина мумсик, бир муш-типар турибди. Ичидан нимадир узилгандай, бошидаги сийрак соч толалари ўрнига бесанок игналар санчилгандай бўлди, сесканиб кетди чол:

— Ие, Тошбуви, сенга нима бўлди?

Кампир уф тортди.

— Ўзим шундай бовоси, ўзим шундай.

Гулдураган овоз ўрнида синик ва ўксик ихроқ. Кенгашда хоннинг хотинидай бўлиб ўтирадиган кампирнинг доғули симмати-сайидан урвоқча йўқ. Чолнинг эти увишди:

— Сенга нима бўлаяпти?

— Гапимни эшитинг, бовоси. Гапимни эшитинг. Уф-уф... Бовоси, ҳеч сезяпсизми, зехнимча болаларимиздан узоқлашиб бораётгандаймиз.

— Ундайчакин гапни қўй, Тошбуви. — Чолнинг ҳам овози қалтираб чикди. — Шу каттамирникига борганимиз бўлсин, бугуноқ йўлга тушамиз.

Кампир энди ўзини тутолмади. Ҳиқиллаб йиғлай бошлади. Кўз ёши ёноғини шўриш этди.

— Борасизми, бормайсизми, ўзингиз биласиз. Мен буни айтмаяпман бовоси, болалар

бизданми, биз болаларданми узилиб боряпмиз. Бир бизамас, бошқа тенгқурларимиз ҳам шундайга ўхшайди... Шундан кўрқишимиз керак бовоси, шунга йиғлашимиз керак бовоси...

— Бу нима деганинг?

— Деганим, демаганимма? Беш болани кўкайимиз куриб, кўк томиримиз чириб катта қилдик, қиз энди, майли, бировга аталган омонат, жойини топди — уди-кетди. Тақдири имдод — азали одат бу. Бахтли бўлишсин. Ойда-йилда бир келади, кўриб сув ичган дарахтдай яшнаимиз. Уч ул-чи, уч ул! Уллар ҳам ҳар жойга сочилди, насибаси экан, омон-эсон юришсин! Кенжамизни кўрмайсизма, иши Шерободга овушганакан, уям келиндиям олди-кетди, нима деймиз, давлатнинг иши. Неварамди эсласам, юрагимнинг суви оқиб кетаяпти, бовоси. Бир томирим чирт узилгандай, ҳоли-мадорим қуриаяпти. Сиз эркак кишисиз, Сиз буни билмайсиз. Уч боламни тупроққа қўйганимда, уч болам ерни тўйдирганида куйиб кул бўлганман бовоси. Ўшандаёқ томирларим чириб бўлган бовоси. Менинг қуруқ савлатим қолган, қуруқ говорам қолган, холос. Гапирганимда мен гапирмайман, гулдураган овоз отамнинг овози. Отамдан қолган бир ховуч нур гапиртиради, бовоси. Бахшининг қизи бўлмай мен ўлай, яхшининг қизи бўлмай мен ўлай... Увв-ей...

Кампир уввос тортиб йиғлаб юборди. Чол ўрнидан туриб эсдан оққан сиёқда супани айланиб гандираклаб юра бошлади.

— Қўй энди, бас қил Тош... Ўзингди бос, Тош...

Чол ҳансираган алфозда даҳлизга кирди. Чўмичда сув олиб келиб кампирнинг юзи-

га сепди. Кампир бир тўлганиб хардамхаёл қиёфада жимиб қолди. Кўзини дастурхондан узмай ихради.

— Катта улимизнинг қишлоққа доримаганига беш йилдан ошди, — кампир ўзига-ўзингради. — Ҳамсоя-овул ўғлингиз катта одам, келишга вақти бўлмаса керак-да, — дейди, — лекин мени юпатиш учун айтишади, бунни биламан. Ўтирик гапираман, улим ўтган куни кеп кетди, иши кўпда, иш кўп, хар икки-уч ойда кеп кетиб турибди, дейман. Сиз эсам телпонда гаплашиб турибмиз-ку деб овунасиз. Кеча момо улингиз телевизорда чиқаяпти деб Сулув ҳамсоянинг қизи чопиб кириб келди. Сиз боғда эдингиз. Телевизорни кўйдим. Маъноли гапларди гапираётувди, қирилиб кетгур чирок ҳам ўчиб қолди. Эрталабгача ухламай чикдим. Тонг сахарда ўртанчангиз келди. Эна, икки болангиз ҳам катта одам бўп кетган, мен ўзим рўзғоримни бир амаллаяпман, бирови ёрдам берай демайди, дейди. Бовоси шу боғ ўлгурди ҳам, кўрадаги ҳамма қўй-қўзи-ю, оғилдаги новвосниям, сигирдиям берайлик шунга. Сизминан менга мол-хол, дала-боғ, дову дасканинг нима кераги бор. Қутулайик, қўяйлик. Елкамизга кўч-кўрон ортиб нимаям қиламиз.

Чол бир сапчиб тушди:

— Нима ўртанчанг шундай дедими? Ўзи сўрадим?

— Сўрамади. Бундай гапдиям айтмади. Лекин мен кўзидан билдим. Кўзидагини уқдим, бовоси.

Чол бош эгди. Дастурхон четини титроқ қўлларининг озғин бармоқлари билан ожизгина ушлаб титкилай бошлади. Ранг-рўйи оқариб,

ҳансираётган кампирига қарши боришга юраги дов бермади.

— Майли сен айтгандай бўлади. Ўртанчангни чақир, кечқурун келсин, Қўй-молга ҳам, боққа ҳам эгалик қилсин. Эртага эрталаб йўлга чиқамиз. Каттангни бориб кўриб келамиз.

* * *

Энди гапни «катта»никидан эшитинг.

Сахармардонда Деновдан чиққан поезд Тошкент вокзалига етиб келди. Чол-кампири тўнғич ўғилнинг шофёри қарши олди. Алламбало уловга ўтирғизди. Машина «катта»никига равона бўлди. Кампир хурсанд. Учиб кетаяпти, дейсиз гўё. Чоли тушмагурнинг сир бой бермагани билан димоғи чоғ. Машинанинг юмшоқ орқа ўриндиғида ястанган икки дуоғўйнинг айни дам кўнглида соғинчми, севинчми туйғулари нечоғлик кўпириб тошгани биргина уларнинг ўзига ва Яратганга аён.

Машина шаҳар четида, суви тип-тиник, зиллол, ҳайқириб оқаётган дарё ёнидаги яйраб-яшнаган мевали боғ адоғига етганда сўлга йўл солди. Очик даҳани кесиб ўтиши ҳамоно чор тарафда қад ростлаган қасрмонанд кўп қаватли уйлар оралаб кетди. «Шаҳарнинг қишлоғи шу бўлса керак» — ўйлади чол. У умрида бундай салобатли иморатларни кўрмаган эди. Ву-йй, буларнинг томларини-чи, шифермас, товланади-я, товланади, яна уларни ҳар хил рангга бўяшибдиам. Бундайча фасон-истилда қуришгани-чи, қиррали, қиррасиз, учбурчак, тўртбурчак томлар.

Машина мовийга бўялган, тепасига қизил қалпоқ монанд устама ўрнатилган баланд девор

билан ўралган дабдабали қаср ёнида тўхтади. Машинадан тушишди. Ҳайдовчи девордан икки қулоч баланд келадиган қалин зирх, улкан кулранг дарвоза биқинидаги оқ тугмачани босди. Чол-кампири анграйиб туришибди. Яна босди. Анча вақтдан сўнг тарақ-туруқ эшитилиб, дарбозанинг кичик эшиги очилди. Кўз-қовоғи шишинқираб, оқ оралаган сочи тўзғин, майкачан, тиззайштон кийиб олган ўғли Турдиқулни кўришди. Кампир шу заҳоти ўғлига интилиб, уни юз-кўзидан ўпа кетди, чол илжайибгина турибди.

— Вой болам-а. Турди жоним-а! Бўйингдан айланай, болам. Соғ-омонмисан, тани жонинг совма, эсон-омонгинамисан, айланайин, болам...

— Яхшиман, ўзингиз яхшимисиз, келинглари. Келинг... Эй ота, яхши келдингизми? Келинг, келинг.

Ўғил билан отаям бағирлашди. Турдиқул уларни икки чети анвойи гуллар билан безанган қизғиштус керамика ётқизилган йўлак бўйлаб баланд иморат томон бошлади. Чолу кампирнинг тугун-тақасини кўтарган ҳайдовчи уларнинг ортидан эргашди. Кампир мағрур, чол атрофга олазарак боқади. Ўзиям ҳовлими-сан ҳовли экан. Кенг-мўл. Бутун ҳовли сатҳига ям-яшил чим ётқизилган. Яшил майдоннинг қоқ ўртасида шаркираб фаввора отилаяпти, теваарида турли-туман гуллар барқ урган.

Берироқда мармар ҳовуз. Суви килкиллаб турибди. Унинг ёнида усти чиройли, рангли елимбўз билан ёпилган войишайвон. Оқ, кўк, қизил рангли пластмасса стол-стуллар ўрнатилган. Чимсатх охиридаги девор ёнида қаторасига одам бўйидан баланд қилиб

ўрнатилган қалпоқчиروқ ёриткичлар. Кечаси ёкишган, шекилли, ҳали ўчиришмабди, қаторасига ёниб турибди. Йўлак четида ҳам ана шундай оққа бўялган темиртўсин ёриткичлар ёғду сочади. Баланд иморатга етмасдан, сўл томонда эса ёғочдан ясалган икки қаватли нақшинкор сўри. Сўрининг ҳам томи бор. Унинг ҳам томи бўялган.

— Ҳозир... Ҳозир. Бир дақиқа. Келинингиз ухлаётувди. Уйғонади ҳозир. Рисол! Рисолат! Меҳмон келди...

Улар қора тус ойна билан тўсилган бош-оёқ ойнаванд иморат олдидаги ҳалиги икки қаватли сўрининг биринчи қаватига чиқишди. Ўғил иморат зинасидан кўтарилиб уйга кириб кетди. «Шаҳарда кеч уйғонишаркан», — ўйлади ота. «Отали олти, энали етти тўйди, булар ухлашаяпти», — кўнглидан ўтказди эна.

Иморатнинг ойна эшиги очилиб келин чиқди. Садағанг кетай буям шу аҳволда — тизза иштонда. Майкаси ҳар ҳолда эриникидан бир нави. Ҳа майли майдалашмайлик, бировнинг эғнидаги илвасин билан нима ишимиз бор. Фақат кампирнинг кўзи билан ер чизгани, чолнинг уёқ-буёққа аланглаб нигоҳ опқочганини айтиб ўтсак кифоя.

Келин ҳол-аҳвол сўрашиб дастурхон тузаш учун ичкари кириб кетди. Худо кўнглига солдими, бу гал эғнига ҳалат ташлаб чиқди. Бирпасда хонтахта усти ноз-неъматга тўлди. Келин бир лаган қовурдоқ опкелди. Дастурхон атрофида ўғил қишлоқдаги қариндош-уруғ, хеш-ақрабони сўраб-суриштирди. Келин мулоҳимгина бўлиб чой узатиб, қайнона-қайнотани егуликка ундаб ўтирди.

— Болаларинг кўринмайди, болам? — Невараларини уйдан чиқишини сабрсизлик билан ичикиб кутиб турган кампир ўғлига юзланди.

— Наргиз Германияда. Бекзод лагерга кетган. — Ўғил куруқкина жавоб қилди.

— Аттанг... — чол ихраниб қўйди.

— Майли, илоҳим омон бўлишсин, — деди кампир ичи зил кетиб.

— Яхши бўлди келганларингиз. Биз ҳам зерикиб ўтиргандик, — келин мулозамат қилди.

— Болалар келгач, ҳаммамиз жам бўлиб қишлоққа ўзимиз бормоқчи эдик, — ўғил гапни улаб юборди.

— Яхши, яхши, — деди чол.

— Болам Чори бованг, Сарви холанг ҳам ўтди. Тожи тоғанг ўсал бўлиб ётибди, дарди оғир, — деди кампир, — қишлоққа бориб туринглар, болам...

— Ҳовли-жойинг кенг-кенгаш экан, буни қара-я, кинодагидай, — орага тушди чол кампирни чалғитиб, суҳбат ровишини бошқа ёққа буриш учун.

— Ҳа энди, ота, ҳовли-да бу, ҳовли!

— Болам, Хуррам тоғангнинг ўғли шу ерда экан, баннисада дейишди, бир бориб кўриб қўйсанг, яхши бўларди. Ўтган кун ўпкалагандай бўлди, жиянга тилпон қилдим, яхши гаплашмади, деди-ёв, менимча...

— Иш кўп-да, ишим кўп... Майли бораман, — ўғил ланжланди.

— Ойи, дада, овқатга қаранглар... Қани, манави салатдан олинглар, — келин ўсмоқчилади.

— Ҳовли яхшиякан, — кампири яна бир нимани гапириб юбормасин учун эзмаланди чол, —

анави арчаларинг яхши ўсибди, анавилар нима, октеракка ўхшайди?

— Булар берёза, ота, берёза.

— Тузук, тузук. Олма-полма, гилос-пилос экмабсан-да, ха, майли, ҳар жойнинг ўз русуми бор... Болам энди мен турай, таҳорат олсам, намозимни ўқиб, ҳовлингди бир айланай.

Чол кампирига маънили қараб, ҳар нарсани вайсайверма, дегандай қилиб ўрнидан турди. Ўғил отани ҳовли адоғидаги хаммомга бошлади.

— Ойи, жой қилиб берайми? Бир оз дамингизни оласизми?

— Майли келин, майли шундай қилинг, болам.

Хувиллаган ҳовлида бир куннинг ўтишиям чўзилиб кетди. Айникса, чол чимсатх охирида қатор гуркираб ўсган арчалар ортида кўринмай турган панжарали кўрада айикданам катта, калласи кўра эшигига зўрға сиғадиган ит сақланаётганига кўзи тушиб орқаси тутди:

— Бунинг девдан таркаганми? — деди ўғлига.

— Ҳа, энди, Бекзодингиз қизикади-да, ота!

— Шундай ажойиб кўрага тўртта кўзини ташлаб қўйсанг, ҳовлингга файз кирарди, ўғлим, боланг ҳам овунарди, мол-ҳолга меҳр қўярди. Бунинг ўрнига новвос боксанг ҳам бинойи эди... болаларинг ҳам бекор юрмайди, ит боқаяпти, деган гап қайда-ю, уйида мол-ҳоли билан андармон, деган гап қаёқда.

— Болам ит бокмайди, ота, — ўғил зарда қилди.

— Манави нима?.. Шунга қизиққан жони молга қизиқсин, дейман-да, — чол қўлини пахса қилиб кўрани кўрсатди.

Ит ириллади.

— Итни итбоқар боқади. Итбоқаримиз бор.
Ота ўғлига ажабсиниб қаради. Бош чайқаб
қаҳрли илжайди.

— Бу сенга нима каромат кўрсатади?

• — Кечаси уй-жойни қўриқлайди. Бу ер
шаҳар, ота!

Чол итга ўқрайиб қаради. Ит тагин ирил-
лади.

...Оқшом чўкди. Чолу кампир халиги сўрида
чой ичишаяпти. Келин елим ичакда ҳовлига
шариллатиб сув сепаяпти. Эшик жирингла-
ди. Рисолат қўлидагини ташлаб эшикни очди.
Қотмадан келган, паст бўйли киши икки қўлида
челак кўтариб девор бўйлаб итхонага қараб
юрди. «Итга овқат опкелаяпти. Итбоқари шу
экан», кўнглидан ўтказди чол. Итбоқарнинг
изидан эрталабки ҳайдовчи кирди. Ҳаммом то-
монга юриб иккита одам бўйи хода топиб чим-
сатҳ чеккасига қокди. Улар орасига оқбўз тор-
тиб, мрамар ҳовуз ҳамда чолу кампир ўтирган
сўри орасини тўсди. Сўнг кўча эшик орти-
даги машина ўриндиғидан иккита қути олиб
келди-да, ҳовуз четидаги столга қўйди. Усти
ёпиқ войиш остидаги столлар устига турли
хил ичимлик, шишаларни териб мева-чева би-
лан безатди. Чолу кампир ажабсиниб қараб
қўйишди.

— Бугун меҳмон келадиган кун экан, ойи,
дада. Яна меҳмонлар келишаяпти. Машҳур ак-
тёр хотини билан келаяпти. Борамиз, дейишди,
йўқ деёлмадик, — келин тил учида сипойилик
қилди.

— Меҳмонга келма, деб бўларканми, меҳмон
келгани яхши. Меҳмони кўп уйнинг ризқиям
мўл бўлади, айланай, — кампир келинга рўй-

хушлик берган бўлди. Арча тагида кабоб кўра тозалаётган ўғил ота-онасига бир разм солиб қўйди. Чол яна илжайди. «Дову дастгинангдан ўргилай улим...».

Чинданам телевизордан тушмайдиган машҳур актёр хотини билан ҳовли ўртасига кириб келганда, Рисолат югургилаб уларга пешвоз чикди. Актёр Рисолат билан чўлпиллатиб ўпишиб кўришди. Хотини ҳам шундай қилди, ўғил Турдикул ҳам бундай русумни канда қилмади, бир-бири билан юзўпишди қилишгач, ўғил меҳмонларга сўрида ўрнидан тик турган ота-онасини таништирган бўлди. Сўнг меҳмонларни етаклаб, бўзнинг ортига олиб ўтди. Чолу кампир ҳайрату ажабсиниш билан бир-бирига маъноли қараб чўк тушдилар. Бўз ортида гангур-гунгур, кийкирик бошланди. Сув шалоплади. Қадахлар жаранги эшитилди, кулган ким, кийкирган ким...

— Бу ерларда ҳаёт бошқача экан, бовоси, — деди кампир.

— Бошқача. Ҳамма нарса бошқача, — деди чол ҳам.

— Хўш, энди нима қиламиз, бовоси?

— Эрталаб тонгда кетамиз. Ё, қоласанми?

— Сизники маъкул. Сиз нима десангиз шу!

Бу гал сизники жуфт бўлди, бовоси.

Кампир бир нуктага кўз қадаб жимиб қолди. У қароғида айланаётган кўз ёшларини чоли кўришини истамасди. Чол юзини тескари бурди. Кампир енги билан ёшли кўзларини артди.

«Бўздевор» ортидаги мармар ҳовуз суви яна шалоплади. Аёллар кийкиришди. Итбоқар калласи қозондай қоп-қора эшакдай итни ҳарсиллатиб етаклаб чикди, бир қўлида итнинг зан-

жири, бир кўлида яримлаган ароқ шишаси. Ит сўрига бир қараб ириллаб қўйди-да, ҳаммом томон гандираклаб бораётган итбоқарнинг ортидан лўкиллаб эргашиди.

Орадан чорак соат вақт ўтар-ўтмас чол таҳорат олиш учун ҳаммом сари илдамлади. Шунда чол орқасидан алланима гувиллаб учиб келаётганини ҳис қилди-да, туйқус ўгирилди, ўзи томон шамол тезлигида жон-жаҳди билан отилаётган катта итни кўрди. Миясида чакмоқ чакқандай бўлди. Баҳайбат ит унга зарбу забтда урилиб танасини тилка-тилкалаб ташлаши оний ҳолатда шууридан кечиб оёқ-қўли увушиб бакрайиб қолди. Шу тобда... шу тобда осмон гумбурлаб, ер силкингандай бўлди — борлиқни сўрида сапчиб туриб кетган гулдурак кампирнинг гулдураган овози тутди:

— Тўх-т-а-а-а!

Ит такқа тўхтади. Бир айланди-да, фингшиб ортига қайтди. Мармар ховуз бўйидагилар тахтадай бўлиб қотиб туришарди.

Дунё беҳабар итбоқар эса мук тушган кўйи ҳаммом деворига суяниб хуррак отарди.

КЎЗЛАРИНГНИ КЎРГАНИ КЕЛДИМ

Ёз охирлаб, август оёқ узатди. Куз шамоллари эса бошлади. Тонг ҳавоси салқин тортди...

Камина меҳнат таътилига чиқдим. Аввалдан ўйлаб қўйган режани амалга оширишга фурсат етди. Хоразмга кетаман!

...Вокзал менда ҳамиша айрича таассурот уйғотади. Гавжум залнинг тирбанд ўриндиқларидаги йўловчиларни кутиш дақиқаларига туташган кўринмас бир ришта боғлаб туради,

гўё. Темир изга поезд кўйилиши ҳамона вокзал сахнида бесаранжом оломон тўлкини пайдо бўлади. Ҳамма ўзини вагонларга уради. Ҳамма манзилига шошилади. Ҳозиргина бўшаб қолган ўриндиқларни эса йўловчиларнинг бошқа оқими банд этади. Вокзалда ҳеч қачон ўриндиқлар бўшаб қолмайди — биров кетади, бошқа биров келади. Инсон ҳаёти ҳам шундай; мақсад-муддаонгни аниқлаб манзилга интилмасанг, бир жойда узок қолиб кетасан, бошқаларга халал берасан. Вокзалнинг ҳаётдан афзал жиҳати бор; шоҳу гадо, бою камбағал бир мақомда — йўловчи! Бор-йўғи улар поездни кутмоқда. Ҳаётда эса... ҳаётда кишилар табақалашади, улар вақти-соати етгач, умр поездни келиб олиб кетишини сезсалар ҳам ҳаёт вокзалидан одамийлик чипталарини харид қилишни унутадилар.

Мана, менинг поездим ҳам етиб келди. Биринчи йўлга, шундоқ вокзал сахнига тақаб кўйилди. Пешинга оғаётган офтоб тафтиданми ёки вокзалга келиб тўхтаган вагонлар пайдо қилган эпкин таъсириданми темир из шиналарига ёпишиб-қотган мой хиди димоққа урилди.

Вокзалга келмаганимга ҳам анча йиллар бўлганини ҳис қилдим. Аниқроғи, ғала-ғовур, вокзалгагина хос бўлган ҳаёт талабалик йилларимни ёдимга солди. «Тошкент — Андижон» поездиди... Шанбада кузатишлар, сешанбада кутиб олишлар, эҳ-ҳе, қанча дарду изтиробларимизга, кўзёшларимизга гувоҳ бу вокзал. Ёшлик. Романтика. Севги!

Вокзалда йўловчи гавжум. Тест синовидан ўтган аксарият абитуриентлар уйга қайтишяпти. Вагон эшиги олдида одам камайишини кутиб

анча четрокда турган назоратчига бир-икки йўловчи нималарнидир тушунтиришади. Кўнгли иймагач, унга тавозе билан ялиниб ёлворишади.

— Ана, пласкарт вагонга боринглар! Мумкинмас, мен ортиқча одам ололмайман.

Поезд жила бошлагач, эшикка тирмашдим.

— Чиптангиз бор экан нега шу пайтгача анқайиб турибсиз, — назоратчи ўдагайлаб йўл берди. — Тўртинчи купега боринг.

Қия очик купе эшигидан бош сукиб, ичкарига разм солдим. Тақдирида мен ҳамрохлик қилиш битилган купедошлар ҳам ялт этиб қарашди.

Лаҳзада мен ҳам уларга кўз югуртирдим.

Тим қора сочини бир тутам қилиб боғлаган, катта-катта қуралай кўзлари порлаб, ой балққан озғин юзидаги ёник жозиба ҳар қандай кишини сеҳрлаб қўядиган гўзал хилқат, унинг ёнида табиатнинг яна бир мукаммал ижоди — мовий кўз, олтин соч, ёйдаи эгик қошлари чиройли чехрасига андак кибр-ҳаво бахшида этган соҳиб-жамол ўтирибди.

Бу икки мўъжиза қаршисида ўзини ноқулай сезаётган озғин, қотмадан келган, қирра бурун, чувак юзини тошма беаган ўспирин вагон ойнаси томон сурилиб мента жой берди.

— Мумкин бўлса, укагинам, ўрнингиздан турсангиз. Юкларимни ўриндиқ тагига қўйсам.

Новча йигитча ўрнидан турди. Юктўрвани жойлаб, у-бу егулик солинган елим халтани ўриндиқ устига қўйиб, унинг ёнида чўқдим.

Шовуллаб елкасига тушиб турган тилла сочларини ортга тараган мовий кўз жувоннинг кенг, силлик пешонасидаги пардоз-андоз кўмолмаган вақт чизиқларига боқиб унинг ёши ўттиз бешнинг нари-берисида, деб тусмолладим. Вагон

деразасига чарос кўзларини қадаган, бизнинг бору йўғимизга эътибор бермаган хушчирой қиз эса мен то манзилга қадар шу алфозда кетаман, дегандай гўё бошқаларга парво ҳам қилмасди. Йигит кўлларини кўксига чалиштириб, бошини деворга тираб, кўзларини чирт юмиб олди.

Мовий кўз жувон зимдан кўз қирини ташлади. Бу табиий ҳолат. Ҳусни латофатига ишонган мағрур аёллар одатда шундай қилишади. Камина ҳам бировдан кам жойимиз йўқ; бўйинбоғ тақиб, костюм-шим кийиб олганмиз. Савлатдан ҳам нолимасак бўлади. Бироқ фариштадай гўзал аёл қошида мум тишлаб, ияк кўтариб ўтиравериш ҳар ҳолда одобдан бўлмаса керак. Эркакчиликка ҳам тўғри келмас-ов. Шоиримиз айтадилар-ку! «Гўзалликнинг олдида чўкка тушган ҳатто худолар...». Ўзимизга бино қўйиб қаерга ҳам борардик.

— Рухсат берсангиз, ўзимни таништираман,
— дедим русчалаб ва аёлга дадил бокдим.

Деразадан кўз узмай кетаётган қиз туйқус елка қисиб пиқиллаб кулиб қўйди-да, аёлга қош учирди. Жувоннинг ҳам чехрасида табассум ёйилди.

— Бемалол. Қани танишайлик-чи?...

Жувон шу қадар сокин ва бамайлихотир гапирди, юзида самимий ифода қалқиганини сездим. Қиз ҳамон қизиксиниб қараб турарди.

— Ёзувчиман. Урганчга, аниқроғи Қорақалпоғистонга кетаяпман. Дўстларим чақиришган. Сайри саёҳат дегандай.

Аёл таажжубланиб лаб қимтиди, ҳозир кулиб юборадигандай. Кўзлари маъноли бокди:

— Ёзувчиман денг. Нима бало ёзувчилар исмини айтиб танишмайдиларми? Ҳа, майли,

ўзим айтақолай, исмим — Ирина. Ирина Николаевна! Мана бу менинг қизим — Мария. Москвада яшаймиз. Биз ҳам Урганчга, аниқроғи, Хивага саёхатга бораяпмиз.

Одамовироқ чоғи, қиз энсаси қотиб юзини тағин вагон деразасига бурди.

— Қизингиз талаба бўлса керак... Тўғри топдимми, — дедим атайлаб.

— Ҳа, талабаман. Жудаям тўғри топдингиз. Балки қайси мавзуда диплом иши ёзаётганимни ҳам биларсиз? — деди қиз кесатиб. Тили захаргина экан. Афтидан, у мени хушламаётганди. Ким билсин, балки онаси билан суҳбатлашишимни истамаётгандир.

Орага жимлик чўкди. Ёнимда мумиёлангандай қотган йигитга жон кирди, болади-ку, дегандай чўзиб ҳуштак чалиб қўйди. У ҳам худди қиз каби гўё вагон деразасидан зипиллаб ўтаётган симёғочларни санаган кўйи ўз ўйига фарқ бўлиб ўтирарди.

Аёл бош чайқаб қўйди. Қизнинг шарткилигидан хижолат чеккани шундоқ сезилиб турарди.

— Хафа бўлманг. Машанинг бугун кайфияти йўқ. Урганчга самолётда учмоқчи эдик. Кун бўйи овора бўлдик, чипта ололмадик. Жой йўқ дейишди. Урганчга одам кўп учаркан, аксарияти сайёҳлар. Тошкентни яхши билмаймиз. Ўзбекистонда биринчи марта бўлишимиз. Поездда кетмаймиз, деб роса хархаша қилди. — Аёл кулиб қизига қаради, — бу ернинг одамлари ёмон, икки кунлаб поездда юриб бўларканми, деб оёқ тираб туриб олди.

— Нега бу ернинг одамларини ёмон дейди. Ундай эмас, бизнинг халқимиз меҳр-оқибатли,

камтар-камсуқум, меҳмондўст. Маша, сиз ўзбекларни яхши билмайсиз-ку, тўғрими? — Қизга савол назари билан қарадим.

Машанинг қошлари чимирилди. Қизнинг чехрасида нимадандир ҳадик, саросима зоҳирлигини, ботинида хавотир қалқиб турганини шундагина пайқадим. Мен бу ҳолатни бегона жойда айрим кишиларда рўй берадиган безовталиқка йўйдим. Қизнинг жавоби қисқа бўлди:

— Ойим менга ўзбеклар ҳақида жуда кўп гапириб берган...

— Ойингиз сизга биз ҳақимизда нималар деган?

Қиз базўр табассум қилди. Истеҳзо билан лабларини қимтиб, қош учирди. Ўлай агар унинг бу қилиғи ўзига жуда ярашиқли, ёш қизалоқнинг аразига кўпроқ ўхшаб кетарди-ки, шу боис қизнинг пичингу писандаси менга оғир ботмади.

— Ойимнинг ўзидан сўрай қолинг. Яхшиси мен ухлайман. Бугун роса чарчадим. — Қиз ўрнидан туриб юқори ўриндик тўшамчасини текислай бошлади. Қора соч, қора қош, тим қора кўзлари порлоқ, ёниқ чехра, хипча бел бу қиз эпчиллик билан купенинг юқори ўриндигига кўтарилди.

Шу пайтгача ёнимда миқ этмай кетаётган, бироқ аминманки, ўзини бепарволикка солиб жамики гап-сўзларни жон қулоғи билан тинглаб ўтирган бесўнақай йигитни тирсагим билан туртдим. Йигит менга ўгирилиб қаради.

— Новви дейсиз?

— Исминг нима?

— Одамбой.

— Хоразмданмисан?

— Ҳовво.

— Одамбой, ука, илтимос, чой дамлаб кел. Юртингга меҳмонлар бораяпти-ю, сен уйқусираб ўтирибсан...

Одамбой тушмагур ҳам қувгина экан, гапи шу бўлди:

— Чой бўлса чой-да. Лекин меймонлар кофе ичажакка ўхшайди. Ёшулли, мен сизни дониб дурупман. Сиз телевизорда чиқасиз. Ёзувчисиз. Лекин меймонлар донишмади. Қисинманг. Москванинг телевизоридида чиқсангиз донишар балки...

Ўзимни кулгидан зўрға тийдим. Одамбой бесўнакай гавдасини соллантириб купедан чикди. Ирина сочларини узун, чиройли бармоқлари билан тузатган бўлди. Юрак ютиб унинг мовий нигоҳларига тик боқдим. Бу мовий кўзлар қаърида кишининг қалб торларини чертадиган мунгли бир оҳанг сингиб кетганини ҳис қилдим. Билмадим, менга шундай туюлди. Аёл ўзини беғам, беташвиш кўрсатишга уринди — юзига табассум ёйилди:

— Хўш, нега тикилиб қолдингиз, мухтарам ёзувчи? Ҳанузгача исмингизни ҳам айтмадингиз... Майли айтмай қўя қолинг... Шуниси яхши — менга сизни «Ёзувчи» деб аташ ёқиб қолди.

— Сизга ёққан бўлса, мен розиман. Демак, исмим — ёзувчи!

Икковимиз ҳам кулишдик. Мен ёнимдаги елимхалтани очиб, нон, бир бўлак қазни ва колбаса олиб, емак тахтага қўйдим.

— Биргаликда тамадди қилсак. Сизни билмадим — менинг қорним очди.

— Мен ҳам эрталабдан бери туз тотмадим. Бунинг устига Машанинг хархашаси жонимдан ўтди. Сиз хафа бўлманг, у яхши қиз.

— Ҳечқиси йўқ, ёшликда бўлади. Ёшликни тушуниш керак. Ёшликни тан олиш керак. Кўз тегмасин, қизингиз чиройли экан. Лекин сизга ўхшамайди. Ўзимизнинг ўзбек қизларидай гўзал. Тўғри, сиз ундан ҳам гўзалсиз, жудаям гўзалсиз. Икковингиз икки хил олам...

Мулозамат қиламан деб, хол қўймадиммикин, деган ҳадик билан аёлга қарадим. Хайрият, қиёфасида ўзгариш сезмадим, аксинча, Тургенев таъбири билан айтганда руснинг мақтовга мойил танти аёлларидай чарақлаб кулди.

— Ирина Николаевна, ҳа-я, камтарона дастурхонга қаранг... Менда ҳалигиндан бор эди... Элликта-элликтадан олсак нима дейсиз?

— Қандай бўларкин? Сиз ўзингиз ичмоқчимисиз?

Аёл ўзини эркин ҳис қилаётганидан қувондим.

— Албатта. Чарчоқни олади.

Ирина ўрнидан туриб ўриндик тагидан катта чарм сумкасини титкилади. Бежирим шиша идишни олиб дастурхонга қўйди.

— Манови қўлбола қилиб тайёрланган қўзикорин. Мазасини татиб кўринг.

Ирина чиройли шиша идиш қопқорини бураб очди.

— Айбга буюрмайсиз, санчқи йўқ. Шунинг учун қўзикоринни қўл билан олишга тўғри келади.

У узун чиройли бармоқларини қайчи қилиб оқ тугмадай қўзикоринларни олиб нон устига қўйди.

— Қани олдик. Сизнинг соғлигингиз учун ичамиз, — дедим.

Ирина жилмайди.

Шу тобда купе эшиги очилиб Одамбой кириб келди. Қўлида мис чойнак. Шишага кўзи тушиб Ирина иккимизга анграйиб қаради.

— Чойнакни қўй. Ўтир, Одамбой, — дедим унга. — Ирина Николевна, танишинг бу йигитнинг исми Одамбой, — Ирина бош ирғади. Одамбой ёнимга чўкди.

— Ёшулли ташкил дим ажойиб-ку. Қойил сизга, — деди у.

— Дим ажойиб, дим ажойиб, — дедим мен ҳам кесатиб. — Одамбой манови қази ва колбасани нима билан кесишни билмай бошимиз қотаяпти?

— Ҳов, шунга бош қотириб нетасиз. Проводникдан пичоқ келтираман, — деб ўрнидан турди. Ирина йигитнинг ортидан қаради:

— У қаёққа кетди?

— Ҳозир келади. Қани олайлик.

— Нима учун ичамиз.

— Танишганимиз учун. Умуман, нима дейишга ҳам хайронман.

— Ахир ёзувчисиз? Бирор гап ўйлаб топинг, — аёл маъноли жилмайди.

— Инсон юраги уммон. Шу уммон қаърида қанчалаб сир-асрор, ундан ҳам кўпроқ орзу-истаклар чўкиб ётади. Юрак уммонида орзулар тўлқин урса, инсон ботинида куч — кудрат, яшашга иштиёқ олови ёнади. Шу оловнинг сўнмаслиги учун ичамиз.

— Оҳ-оҳ, қойил. Яъни, муҳаббат оловининг сўнмаслиги учун демокчисиз...

— Балки.

Яна каловландим. Аёл кўлимдаги пиёлага термулиб ўйга чўмди.

— Ҳа, муҳаббат олови, муҳаббат олови... У сўнмайди. Бироқ инсонни ёқиб кул қилади. — Аёл ҳадик, шикаста оҳангда гўё ўзига ўзи гапирарди. Кўнгил ярасининг оғриқлари бир зумда юзига қалқиб чиққан, бу азобга дош беролмай кўзларини чирт юмиб олганга ўхшарди. У пиёлани даст кўтариб бўшатди, киёфасида лаҳзада содир бўлган ҳорғинлик ўрнини яна табассум эгаллади. Тунд осмонда булутларни ёриб куёш чарақлагани каби бу аёл ҳам ҳаётига кўланка ташлаган тақдир изтиробларини ёниқ табассум билан мавҳ эта олишини, шу фазилати билан кўпчилик маккора аёллардан фарқ қилишини пайқадим. Унинг самимиятида ғубор йўқ эди.

Купеда яна Одамбой пайдо бўлди. Қўлида пичок, иккита тақсимча.

— Яшавор, Одамбой, бу ишинг беш! Ке, ёнимга ўтир, иним.

Одамбой қазии ҳамда колбасани парраклаб кесиб тақсимчаларга жойлаб, тавозе билан Ирина Николаевнага яқин суриб қўйди. Аёл ташаккур билдирган бўлиб бош чайқади.

— Бу нима? — деди қазига ишора қилиб.

— Буми, бу қазии. — Қандай тушунтирсам экан деган алфозда тараддуланди Одамбой. Сўнг, менга қараб:

— Ёшулли, русчага нўноқман, ўзингиз гап-ланг, — деди.

— От гўшти бу, қазии! От гўштидан махсус тайёрланади. Сизларнинг салангиздан зўр, — дедим Иринага. — Қани, Одамбой иним сен ҳам ичасанми?

— Йўк, ёшулли. Менга дўғри кемайди... Ичмайман.

— Шундайми. Ҳа, майли. Ирина Николаевна Одамбой ҳам талаба, ичмайди. Уни мажбурламаймиз.

Ирина казидан татингандай бўлди. Одамбойимиз нафақат одамохун, оёқ-қўли чаккон, балки фаҳм-фаросатли йигит чиқиб қолди.

— Ёшулли мен ухламасам бўлмас, агар бирор хизмат бўлса, айтарсиз, — деб тепага кўтарилди.

— Шундай қил иним, шундай қил. Бемалол дамингни олавер.

Ирина оғир хўрсиниб ўрнидан турди-да, ёнимга келиб ўтирди. Бирпас кўзимга термулиб турди. Мовий нигоҳидан таралган ўт аъзойи-баданимни куйдириб, юрагим чимиллаб оғриди. Елкамга бошини қўйиб йиғлаб юборди. Мен унинг бундай қилиғидан музтар бўлиб, аклу хушимдан айрилиб тош қотиб турардим.

— Биласанми ёзувчи, мен... мен... биз, — унинг елкалари титради... — биз нега Хоразмга бораяпмиз?

У энди зир-қакшаб йиғлар, мен эсим оғиб нима қилишимни билмасдим.

— Сен яхши одамсан Ёзувчи... Мени кечир.

— Ўзингни бос, Ирина... Қизинг уйғониб қолади. Одамбой уйғонади. Ўзингни бос!

Ирина бироз жимиб қолди. Оғир тин олиб ўрнидан турди. Жойига бориб ўтирди.

Шу пайт тепа ўриндиқда нимадир дупурлади. Қиз ғужанак бўлиб ўриндиқни мушт-лаяпти.

— Айт, оyi, айт! Дадамнинг ўзбек эканлигини айт. Сен менга йигирма йилдан бери аллақайси ўзбек ҳақида эртак сўзлашингни айт. Сенинг йигирма йиллик армонинг, менинг йигирма йиллик азобимни айт! Бу одам сенга ўшани топиб беради.

Қиз нафрат билан қичқирди. Сўнг тескари ўгирилиб чинқириб йиғлаб юборди. Гудранган кўйи Одамбой ҳам уйғониб пастга тушди. Юрагимдан нимадир узилиб кетди. Ҳангу манг бўлиб қолдим.

Купеда серрайиб турган Одамбой дам менга, дам Иринага, дам ётган жойида пиқиллаб йиғлаётган Машага ажабланиб қарайди.

— Новви тўполон, новви бўлди?

Поезд навбатдаги бекатга келиб тўхтади. Ташқаридаги симёғоч чироқларидан таралган нур купе ичини ёритди.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Хавотир олма, ука, илтимос, ма, манови пулни олиб бир шиша минерал сув олиб чиқ.

— Керакмайди. Пул керакмайди. Ҳозир оп-келаман.

Ирина бошини кафтлари орасига олиб мунгли алфозда ўтирибди. Қиз жимиб қолди. Одамбой сув олиб келди. Поезд жилди.

— Ёт, ётавер, ука. Умрингдан барака топ! Яхши йигит экансан...

Мен пиёлага сув қуйиб, Иринага узатдим. У бошини кўтарди. Пиёлага узатган қўли қалтирарди.

Вагон деразасидан хира ёғдуга чўмган купе ҳамда Ирина иккимизнинг аксимиз кўринарди. Поезд ортда қолдириб кетаётган нигоҳ илғамас кенгликларни тун пардаси қоплаган. Онда-сон-

да чироклари ёниқ симёғочлар ликиллаб ўтади. Дарчаси нур таратиб турган уйлар, қишлоқлар ортда қолади. Поезд тун қаърида елдай учиб йўлнинг эмас, балки вақтнинг ҳам танобини тортиб азалий қўшиғини бир маромда куйлаб бораётганга ўхшайди.

Орага чўмган лаҳзалик сукутдан сўнг Ирина бошини кўтарди ва хаста овозда деди:

— Ёзувчи, ҳаво етишмаяпти, тамбурга чиқа қолайлик.

Чайқалаётган вагон бўйлаб унинг ортидан эргашдим. Тўзғин тилла сочлари очик елкасига ёйилган, бу аёлнинг, баланд бўйи, тик қадди, тиззасига етиб-етмаган оч-пуштиранг калта юбкаси, узун оёқларига ярашган сўнгги русумдаги баланд пошналар оппоқ туфлиси — бари-бариси мени ўзига маҳлиё этиб бўлганди. Илиги тўқ, савлатдор ва мафтункор Ирина ҳуда-беҳуда дардини дастурхон қилавериб кўнглингга қўл соладиган, алалоқибат чув тушириб сени лақиллатиб, батамом устингдан ҳукмронлик қилишга мойиллиги баланд, удда-бурон «ожиза»лардан мутлақо фарқ қиларди. У тақдир қиморида қартасини очиб ўйнайдиган аёллар хилидан эди. Бундай аёлларни ёзувчи Ш. Холмирзаевнинг романтик ҳикояларида учратиш мумкин, деб ўйладим. Поезд ўкдай учар, тамбурнинг очик деразасидан урилган салқин шамол ёзнинг кузга батамом таслим бўлганлигини билдирар эди. Этим жунжикди. Аёл тамбур эшигига суяниб, тун зулматига термулиб қолди.

Иринанинг кўзларида ёш қалкиди.

— Биласанми, вақт ўтган сайин юрагим тобора оғирлашиб боряпти, поезднинг ҳар

бир тақ-туқи кўкрак қафасимга гурзи бўлиб урилаяпти. Унинг олдига бораётиб нотўғри қилаётгандирман, балки уни кўришга юрагим дош беролмас, бардошим етмас, балки юрагим тўхтаб қолар, ишонасанми, назаримда поезд олдинга юрмаётгандай, поезднинг атрофида ер гуриллаб айланаётгандай. Мен уни кўришни, унинг ёнига боришни тасаввуримга ҳам сиғдиролмайман. Эҳ, худойим-ей, мени тушунаяпсанми, «Ёзувчи»?!

Ирина ҳиқиллаб йиғлай бошлади. Уни нима деб овутишни билмасдим. Ортиқча гапсўз шундоғам борлиғи ҳаяжон уммонида фарк бўлаётган аёлнинг дарди дунёсини остин-устун қилиши мумкинлигини ҳис қилдим. Мухими, мен аёлни тушуна бошлагандим, унинг қалб ҳиссиётлари чарсиллаб ёнаётган аланга каби вужудимни чулғай бошлади. Айни тобда аёлни шу кўйга солган, унинг тақдирида сўнмас оғриқ қолдириб кетган кимса ҳақида ўйлардим.

— Уни ҳали ҳам севасанми?!

— Уф-уф... Севги нима эканлигини, эҳтимол, билмасман... Лекин мен уни шунча йилдан бери юрагимда олиб юрибман. У ҳаётимнинг бир бўлагига айланган. Юрагимнинг қаър-қаърига сингиб кетган. У мен учун хотира тимсолига, ўтмиш тимсолига, қолаверса, бугуним тимсолига, эртанги куним тимсолига, қизим, умримнинг давомчиси тимсолига айланган. Эҳтимол, севги деганлари шудир... Мен унинг ёнига оталик бурчини даъво, талаб қилиб бораётганим йўқ. Уни бир кўриш учун, у ҳаётимда чиндан ҳам борми, йўқми, шуни яна бир қарра гўё исботлаш учун бораётгандайман.

— Уни кўрмаганингга неча йил бўлди?
— Йигирма йил. Роппа-роса йигирма йил.
— Хат-пат ёзиб турадими?
— Қаёқда. Ким билсин, балки эсидан ҳам чиқариб юборгандир.

— Шахсий ҳаётинг хақида сўраб-суришти-раётганим учун узр... Сен У билан қачон топишгансан. Боядан бери У, У дейсан, Унинг исми нима, қаерда яшайди? Уни қандай топмоқчисан, балки ёрдамим тегиб қолар...

— Хоразмда, Хивада яшайди. Исми — Рома! Йигирма йил илгари Москвадаги ҳарбий госпиталда танишганман. Ўшанда жаррохлик бўлими бошлиғи эдим. Уни олиб келишганда аҳволи жуда танг эди. Курагини ўқ ўпириб кетган, сўл оёғининг болдири ва бошининг орқа қисмини темир парчаси жароҳатлаганди. Замбилда ҳушсиз ётарди. Госпиталда бир йил даволанди. Рома яғриндор, бақувват, дароз йигит эди. Қалин қошлари остидан мағрур боқувчи кўзларида ҳаёт синовларига аёвсиз дош берган йигитнинг метин иродаси шуъла сочиб турарди. Унинг кўзларига қарашга менинг журъатим етмасди. Қўнғирсоч, кенг пешона, қиррабурун, қалин мўйлаби ўзига ярашиб турган бу пахлавон йигитни ҳар гал кўрикдан ўтказгани палатага келсам, оёқларим титраб, ичимдан нимадир узилиб кетаётганга ўхшарди. Бир алфозда ётса-да, палатага киришим ҳамоно ўзини ўнглашга тиришар, оғрикнинг зўридан афт-ангори оқариб кетса-да, жилмайишга уринарди. Ўлим жари ёқасидаги йигитнинг ҳаёти учун тунлари мижжа қокмай ибодат қилиб чиқардим. Иродаси мустаҳкам, ҳаётга интилувчан йигит тасав-

вурга сиймайдиган азоб-уқубатларга, кетма-кет қилинган жарроҳлик операцияларига дош берди. Танасининг кесилмаган жойи қолмади ҳисоб.

Орадан ойлар ўтиб йигит соғая бошлади. Жарроҳлик бўлими бошлиғи бўлишимга қарамай, кўпинча тунги навбатчиликни ўз зиммамда қолдирардим, тонггача унинг ёнида ўтирардим. Шу бир йил давомида мен унга боғланиб қолдим. Йигитнинг кекса онаси, иккита синглисидан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Дадам автоҳалокатда ўлиб кетган, дерди. Даҳшат-а, оилада ёлғиз ўғил, ота йўқ, шундай бўлса-да, у ёққа ҳарбий хизматга олиб кетишган. Мен хизматим давомида кўп кузатганман, у ёққа аксарият ҳолларда отаси ё онаси йўқ ёки оилада ёлғиз ўғил бўлишига қарамай, камбағал, бева-бечораларнинг фарзандларини хизматга юборишган. Бой-бадавлат, ўзига тўқ оилаларнинг болалари, айниқса, раҳбарларнинг фарзандлари юборилмаган.

— Ирина мен тушунмаяпман. «У ЁҚҚА» деганда қаерни назарда тутаяпсан?

— Афғон урушига.

— А-а-а?

— Ҳа. Афғон урушига. Рома ҳам ёлғиз ўғил бўла туриб, бош эгиб, индамай Афғонга кетаверган.

— У ўша ёқда хизматда бўлган дегин...

— Ўша ёқда яраланган. У ёқдан оғир ярадорларни тўғри Москвадаги мен хизмат қилаётган госпиталга жўнатишарди.

— Мен ҳам Афғонда бўлганман, — дедим.

Ирина ялт этиб қаради. Тамбур эшигининг очик кўзидан урилган шамолда тўзриган соч-

лари унинг юз-кўзларини беркитиб ўйнарди. Ирина бир зум менга термулиб жим қолди. Бош чайкаган бўлди.

— Шундай де... Беҳудага сенга кўнглимни ёрмаётган эканманда?

— Ким билсин... Сен Рома ҳақида гапиратгандинг.

— Ҳа, шунақа... Рома соғайгач, бир йил Москва яқинидаги уйимда яшади. Мен унга турмушга чиқдим. Қизимиз Маша туғилди. Рома қурилиш бригадасига прораб бўлиб ишга кирди. Уни тушунардим, у ўз юртини соғинарди, юртига қайтишни хоҳларди, кечалари ухлолмай юриб чиқарди. Бироқ ориятли йигит эди, мени ҳафа қилишни ўзига эп кўрмади. Мени деб кекса онаси, сингиллари азият чекишини истамадим. Бундай аҳволда бирга яшаб бўлармиди? Охири Рома ёрилди — онамни, уйимни, Хоразмни соғиндим деди. Қарасам лаблари пир-пир учаяпти, кўзида ёш қалқиган. Мени кечир. Сенинг олдингда қарздорман... Сен менга кўп яхшиликлар қилдинг. Мен Сени яхши кўраман, бироқ нима қилай, онам, сингилларимни ўйлаб, юрак-бағрим эзилиб кетаяпти, деди. Унинг қаршисида ўтириб йиғлаб юборишдан кўрқдим. Индамай кўчага чиқиб кетдим. Уйга қайтиб келдим, диванда ғужанак бўлиб ётибди. Унга сездирмай тортмадан хужжатларини олдим. Тўғри аэропортга бордим. Ромага Тошкентга учиши учун авиачипта сотиб олдим. Рома тунги рейсда учиши керак эди. Қизимни опичлаб, аэропортга чиқдим. Хайрлашаётиб кўзларига ёш қуйилди. Мени, қизимизни бағрига босиб узоқ йиғлади. Уйдагиларимни бориб кўраман,

бир оз туриб, албатта қайтаман, деди. Бироқ мен унинг қайтмаслигини ички бир хиссиёт билан сезиб турардим.

— Демак бошқа қорасини кўрсатмабди. Номард экан, — дедим чўрт кесиб.

— Нега ундай дейсан. Уни ҳам тушуниш керак.

— Нима бўлган тақдирдаям, эркакнинг ишини қилмабди, сенинг Романг.

— Дабдурустдан бундай ҳукм чиқаришинг яхши эмас.

— Нима дейишимни хоҳлайсан?

— Ҳеч нима дема... Романи муҳокама қилмоқчи эмасман. Айтмоқчиманки, вақт ўтди, йиллар ўтди, ҳаёт ташвишлари, қувончлари ичида улғайиб, аклинг ҳам тўлишиб бораркан. Истакларимни жиловлай олишга куч тополдим. Бироқ қизимнинг хоҳиши, унинг қалбида тинчлик бермаётган ғалаён ўтини бостира олмадим.

— Қизинг...

— Ҳа, қизим... Дадасини кўриш, акалли, бир марта кўриш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ, Рома ҳақида сўраб-суриштиравериб холи-жонимга қўймасди. Мен гоҳида аччиқланиб, уни топиш осонмас, Рома яшаётган жойга бориб бўлмайдиган, у ер жуда олисда, деб айтардим. У бу гапимга баъзида ишонарди ҳам. Ҳалигинда шунга киноя қилаётганди. Москва Давлат университетининг тарих факультетида учинчи курсда ўқияпти ҳозир. Кўнглининг тубида чўкиб ётган дадасини кўриш иштиёқини ҳеч нарса билан босолмаяпман. Бўй етган қизни алдаб бўлмас экан. Қизим ҳозир жаззакчи бўлиб қолган. Унинг

соғлиғини ўйлаб қайғураман. Такдиримнинг қалтис ўйинидан қолган дардлар камлик қилгандай, қизимнинг юрагидаги оғриқдан ҳам азобланаман. У ахир инсон фарзанди, унинг ҳам қалби бор, орзу-армонлари бор, ўз отасини кўришни истайди, унинг қиёфасини хаёлида ўзича гавдалантиради, қони тортади, уни кўргиси келади.

Ирина ўзига-ўзи гапирарди. Ўзимни ноқулай аҳволда сездим. Тамаки тутатдим. Поезд аёлнинг дунё юкидан оғир дардини ортмоқлаб, чинқириб тун қаърида олға интиларди. Ҳа, поезд одамларнинг дарду қувончини олиб интилади, самолётлар ҳам уларнинг дарду қувончини олиб учади, демак, ерда ҳам кўкда ҳам одамлар қалбининг оғриқлари, шодликлари... Одамлар эса мана шу тушунчалар бўлмаганида ҳеч ким, ҳеч нарса бўлиб қолаверардилар.

— Ирина...

— Нима дейсан?

— Сен жудаям чиройлисан.

— Қўйсангчи. Мен такдир зарбаларига чидаб, қора кунларни кўриб, хаётга очик чехра билан қарашга ўрганган, сиртига сув юктирмайдиган шўрлик аёлман.

— Йўқ, Сен чин маънодаги муҳаббат тимсолисан. Нима бўлган тақдирда ҳам Романг, Раҳмат бўладими, Рўзимат бўладими, Рўзикул ё Рўзивойми, ким бўлганда ҳам, бахтли одам экан. Эҳ, эссиз...

— Нега ух, тортаяпсан...

— Билмадим.

— Сен мени тўғри тушунган бўлсанг, кифоя. Хуллас бошингни оғритиб юбордим. Ух-

ух, совуқ шамол ураяпти. Ёмғир ёғадими, дейман.

— Бизда кузнинг ўрталарида ёрингарчилик бошланади. Ҳали эрта.

— Барибир, совқотаяпман. Қани, купега кетдик. Ётар пайти ҳам бўлиб қолгандир.

Мен унинг ортидан эргашдим. Купега киришимиз ҳамоно кизи нимадир деб гудранди. Уйғоқ экан, ойисини яна чақиб олди.

...Урганч вокзалида мени дўстларим Рейимбой оға, Нурилла кутиб олишди. Иккови ҳам кадрдоним, минг йиллик кадрдон, дейишадик, шунақа инсонлар тоифасидан. Рейимбой оға воҳада таниқли тадбиркор. Бой-бадавлат, бироқ ўта вазмин, босик, камтар киши. Бели бақувватлигини шундоқ юз ифодаси, ўзини тутиши, гап-сўзидан билиб оласиз. Хоразмнинг машҳур, бироқ ўзига бино қўймаган бойларидан. Нурилла шундоққина Урганчнинг сўл биқинида, Амударёнинг нариги қирғоғида жойлашган Беруний туманидан. Билсангиз керак, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида Амударё қирғоқларини туташтирган потон кўприк Урганч билан Берунийни боғлаб туради.

Хуллас, қадимги Кат водийсининг Аму соҳилида, улуғ аллома Абу Райхон Беруний бобомиз таваллуд топган юрт бўйида туғилиб ўсаётганидан ҳамиша фахрланиб юрадиган Нуриллабой анча сўзамол, бир қоп ёнғоқдай шақир-шукур, гоҳида ёш болалиги ҳали ҳам қолмабди, деган ўй билан феъли-рўйи очиклиги учун унга ҳавасим ҳам келади. Нурилла туман халқ таълими бўлими раҳбари. Ҳаётнинг паст-

баландини кўрган, андаванинг обдовини қайси томондан олишни — вазиятни силлиқлашни, ўзидан катта раҳбарлар олдида сихни ҳам кабобни ҳам куйдирмасликни яхши билади, тавозе-тавбаси жойида.

Икки оғайним билан ҳам кучоқлашиб кўришдик. Уларни Ирина Николаевна ҳамда кизи Маша билан таништирдим. Дўстларим бу икки гўзалга махлиё бўлиб бир пас анграйиб туришди. Бир-бирига маъноли қарашди.

— Зўрсан-ку, буларни қаёққа олиб борамиз? — Нурилла пихиллаб кулиб, сўнг дўмбок кўлини узатиб ўзича танишган, ўз маданиятини изҳор қилган бўлди. Ирина кулиб қўйди. Маша, кечаги Маша бепарво, бормисан йўқмисан иши йўқ, худди бу дунёдан бешиб бўлган, ўз ёғига ўзи қовурилгандай. Маша вокзалда мутлақо ўзгариб қолди, атрофга ҳаяжон билан аланглайди, Рейимбой оға билан Нуриллага умид ва ишонч туйғулари порлаган ёниқ нигоҳ билан боқади, шулардан қайси бири менинг отам экан, дегандай чиройли бармоқларини асабий ўйнаб, ҳаяжонини босолмайди, гўё.

Рейимбой оғанинг чўғдай қип-қизил, салобатли «Опел»ида шаҳардаги баобрў меҳмонхонага йўл олдик. Оға рулда. Нурилла олд ўриндикда. Орқада биз — мен, Ирина, Маша. Манзилга етгунга қадар Нурилла меҳмонларга Урганчни таништириб борди. Улар Нурилланинг таърифларини жон қулоғи билан тинглашади, атрофга ҳаяжон билан олазарак боқишади.

Меҳмонларни «Жайхун» меҳмонхонасига, люкс хонага жойладик. Хайрлашаётиб Маша-

дан ҳам ёруғлик чикди — жудаям чиройли жилмайди:

— Хафа бўлманг, Сиз яхши одамсиз. Мени кечиринг, — деди. Ғалати бўлиб кетдим. Ирина эшикна суяниб:

— Ёзувчи, нима дейсан, уни тополармиканман? — деди охиста. Мен унинг қўлини сикдим. Юзига термулдим — нигохимиз тўкнашди.

— Албатта топасан, уни топиш йўлини ўзинг яхши биласан, вилоят ҳарбий комиссариатидан сўроқлайсан. Фалон йиллари Афғонда бўлган дейсан, вассалом, — уни юпатдим.

— Биламан, шундай қиламан, — деди у.

— Агар ёрдамим керак бўлса кўнғироқ қил... Иринага қўл телефоним рақамини қолдириб, хонадан чикдим. Орқамдан эргашган Нурилла:

— Шундай гўзал аёлни, анови фариштадай қизини ташлаб қаёққа борардик, — деб тўнғиллади.

— Тез-тез юр. Қаердаги гапларни қўй. Дарё бўйига борамизми ё Ақчақўл соҳилида дам оламизми?, — гапни чўрт кесиб мавзуни бошқа томонга бурдим.

— Бугун бизникида дам оламиз. Эртага тушдан сўнг Ақчақўл бўйига чиқамиз. Ҳамма нарса тахта — қайиқ тайёрлаб қўйибмиз. Рейимбой аканг ов милтиғи ҳам топиб қўйибди. Хоҳласанг балиқ овлайсан, хоҳласанг ўрдак қирғовул, товушқон отасан.

Ташқарида, катта йўл четида Рейимбой оға турарди.

— Нега бунча тез кайтдинглар? — деди у.

Потон кўприк орқали Амударёни кесиб нариги соҳил — Берунийга ўтдик. Йўл-йўлакай

уларга Иринанинг такдири хакида билганларимни сўзлаб бердим. Иккови ҳам жим бўлиб қолганди. Нурилла уйида зиёфат берди... Эртасига пешиндан сўнг Ақчакўл соҳилига чиқдик. Ох, нақадар кенглик. Уфққа туташ сахро. Жулғин, саксовул, уюмтиконлар ўсиб ётган бепоён қумликнинг адоғи йўқ. «Уазик» сахрони қоқ ёриб қум уюмида кучаниб олдинга интилади. Сахронинг ўртасида нима қиларканмиз, деб ўйлайман. Чорак соатлар юриб сўлга бурилдик. Мўъжизага дуч келдик; шундоқ қумтепалар орасида гавхардай товланиб, милдираб, мавж урган кўл пайдо бўлди. Кўл қирғоғи куюқ камишзор. Соҳилда чайла тикланган. Қозон осилган, ўчоқ олов гуриллаб ёнаяпти. Димоқни китиклаб ковурилаётган гўшт хиди таралмоқда. Ўчоқ бошида уч киши куймаланиб турибди. Бири қозон тагига ўтин ташлаяпти, бири гўшт тўла қозонни узун капгир билан кавлаяпти, нарироқдагиси эса човгумда чой қайнатаяпти. «Уазик» тўхтади. Мезбонлар бизга қараб тек қолишди. Қўлига капгир ушлагани югургилаб келиб тавозе билан таъзим қилиб, дастлаб, Нуриллага кўл чўзди. Сўнг мен билан Рейимбой оғага илтифот кўрсатди.

— Дастурхонга марҳамат меҳмонлар. Айни вақтида келдинглар. Қани, Нурилла оға меҳмонларни чайлага бошланг.

Чайлада дастурхон ёзилди. Мева-чева, минерал сув идишлари келтирилди. Улкан ёроч лаганда ковордоқ тортилди. Қирғовул гўшти маза бўларкан, чанқаган эканмизми, гап-гапга қовушиб уч-оғайни ботирлар роса гурунглаш-

дик. Мана манзара, ана манзара. Чўл. Қумни ёриб чиққан тиконлар тўдаси, саксовулзор, жулғинзор... Биқинимизда ястаниб ётган зумрад кўл саҳронинг сирли ёввойилигига ўзига хос бир жозиба бахш этиб турганга ўхшарди. Кўл томондан салқин шамол эсади, қамишзор шовуллайди, қирғоққа танғилган дамлама қайиқ сув сатҳида лапанглаб солланади. Қум зарралари учади. Тепаликда қум тўзғийди. Кунботарда барча булутлар ботаётган қуёш нурида тилладай товланади, узоқ тикилиб турсангиз, уфқ гуриллаб ёнаётган, кўкдан саҳрога олов парчалари тушаётганга ўхшайди. Оқшомнинг қизғиш шуъласи кўл сатҳида ҳам акс бериб, борлик сирли қирмизтус рангга чулғанган.

Хушҳол қайфиятда қайиққа тушдик. Енгил шамол қайиқни кўл ичкарисига сурди. Сув юзида кичик тўлқинлар пайдо бўларди. Яримигача сув босган қамишзор ичкарилаганимиз сайин сийраклашиб бормоқда. Олисдаги кўз илғамас тепаликларга тўш урган бепоён кўлга энди чиққан ҳам эдикки, қамишзор бурчида нимадир потиллагандай бўлди. Нурилла кўрсаткич бармоғини лабига теккизиб «жим» ишорасини қилди. Эпчиллик билан қўшоғизни олиб ўқлади-да, милтиқ милини ўша ёққа тўғирлади. Лаҳзада нимадир қорайиб кўрингандай, сўнг ўзини қамишлар орасига ургандай бўлди. Нурилла тепкини босди, атроф гумбурлаб кетди, бир гала ўрдак кўкка учди, ҳавога порох ҳиди ўрлади. Қамишзор бурчагида нимадир сувда шалоплаб турди-да, жимиб қолди. Рейимбой оға қайиқни илдамлик билан ўша томонга хайдади. Сув сатҳи

қип-қизил қон. Отилган ўқ сочма бўлса керак, учта ўрдак сув юзида қонга бўялиб ётибди, улардан бири ҳали жон таслим қилмаган — қанотларини ёзиб жон уҳмида типирчилайди. Қамишлар орасини ёриб ичкари киришга, беркинишга уринади. Юрагим увушди. Хушҳолликдан ҳеч вақо қолмади. Нурилла ҳеч нарса бўлмагани каби энгашиб ўққа учган ўрдакларни олиб қайиққа ташлади, мен уларга қарамаслик учун юзимни бурдим. Ўқ солинган халтачани эса сувга ташлаб юбордим. Нурилла анграйиб турди-да, сўнг:

— Нега ундай қиласан, ақлинг жойидами? Эссиз, шунча ўқни расво қилдинг-ку...

— Бўлди. Отмайсан, ҳеч нарсани отмайсан. Ов-пов қилмайсан.

— Сени деб овга чикдик. Ҳей, қизик одам экансан-ку... Кўлда ов қилишнинг гашти бор-ку.

— Жим бўл, оғайни. Кўп гапираверсанг, бу сафар милтиғингдан ҳам айриласан, — дедим.

Қизғиш ёғду оғушидаги соҳилга қайтдик. Ўчокда ўт гуриллаяпти. Уч эркак ғимирлаб, яна нималарнидир тайёрлашмоқда. Окшом чўкиш арафасида — табиатнинг талош палласига хос бўлган гўзалликни таърифлашга сўз ожиз, айниқса кўл бўйида, саҳрода, чин дўстлар даврасида.

Соҳилга оёқ қўйишим ҳамоно кўл телефоним жиринглади. Аёл овози:

— Салом, ёзувчи. Бу менман, Ирина...

Телефонда хиқиллаб йиғлаяпти. Юрагим увушиб кетди.

— Нима бўлди? Уни топдингми? Нега йиғлаяпсан?..

— Қаёқда дейсан. Йўқ. Ҳарбий комиссариатда, вилоятда ҳам рўйхатда йўқ экан. Кун бўйи ҳамма туманларга сўровнома юборишди. Топилмади.

Ирина энтикиб гапирар, йиғидан ўзини тутолмасди.

— Шундай бўлиши ҳам мумкин эканми? Бутун бошли одам йўқ бўлиб кетаверадими?

— Ана, йўқ дейишяпти-ку. Энди нима қиламан? Ёрдам бер, ёзувчи.

— Нима қил дейсан? Ҳозир қаердасан?

— Меҳмонхонадаман. Роса чарчадим.

— Бошим қотиб қолди. Маша аза очиб юрагимни қон қилиб юборди. Ўзинг қаерда юрибсан? — Ирина зорланиб гапирарди.

— Кўлдаман. Ов қилаяпман.

— Демак келолмас экансан... Сиқилиб кетдим.

Ирина уф тортди. Овозида алланечук ҳазинлик, ғамгин ўтинч бор эди. У айни дам мен билан бу кеч негадир кўришишни хоҳлаётганини, бегона юртда ёлғизлик азоби жон-жонидан ўтиб кетганлигини ҳис қилдим.

— Агар сен хоҳласанг машина юборишим мумкин. Кечки кўлни бирга томоша қилардик.

— Жон-жон деб борардим-у, Маша кўнмайди. Тўшакка бурканиб ётиб олди. Унинг хархашалари ҳам жонимдан тўйдирди. Ё, худо, айт ёзувчи, нима қилай!.. Имконинг бўлса, ўзинг келақол. Бирга нонушта қилардик...

— Бўпти бораман, — дедим қатъий. Шу тобда юрагим гупиллаб урар, Иринанинг қаршисида бўлиб қолишни ич-ичимдан истаётгандим.

Кенг саҳро ҳам, бепоён кўл ҳам менга тор бўлиб қолди. Оқшом чўқди. Ҳавони

қовурилаётган балиқ хиди тутди. Чайлада ён-бошлаб ётдик. Атрофда хизмат қилиб юрган йигитлардан бири шиша чироқнинг ичини очиб керосин қуйди. Сўнг пиликни ёкди. Чайла ёришди. Дастурхондаги ноз-неъматларни хира ёғду чулғади.

— Демак бормасанг бўлмайди, шундайми, — ўсмоқчилади Нурилла.

— Ҳа, шундай. У кутаяпти-ку, тушун ахир.

— Қандай қилиб борасан. Шундай дам олишнинг белига тепма, — деди норизо оҳангда Рейимбой оға...

— Ваъда бердим. Катта йўлгача чиқариб қўйсанглар, бўлди.

— Қайтмайсанми? Нима бало, ўша ёкда қолмоқчимисан, — Нурилла таажжубини яшириб ўтирмади.

— Бунисини билмайман.

— Яхши, бирор йўлини топармиз. Ана, балиқ ҳам тайёр бўлди, — Нурилла ўчоққа ишора қилди. Каттакон бир лаганда қовурилган балиқ олиб келишди. Нурилла ўчоқ бошида турган йигитлардан бирига қичқирди:

— Ҳов, Контуж, нега имиллаяпсан. Тез-тез бўл, нега овозинг чикмайди. Илдам бўл. Меҳмон кетаман деяпти.

Хизмат қилаётганлардан бири ароқ олиб келиб, дастурхонга қўйди.

— Қани, Контуж, оч бунди. Ўзингга ҳам тўлдириб қуй. Қани, бошни қотирма, ол, ўзингга яхшилаб қуй. Бизни ўйлама... Қани.

— Ёшулли, узр, мен ичмайман, — деди йигит мулзам тортгандай.

Серсавлат, узун қўллари кенг елкасига мос, гавдасини бироз букиб ўтирган йигит

илжайди. Мойчироқнинг ним ёруғида кенг, япалоқ юзидан туртиб чиққан чакка суяги, қирра бурни, ўзига ярашиқли қалин мўйлови, катта-катта ўткир кўзлари, ўсиқ қошлари, қиёфасига сингиган жиддийлик кишини ўзига тортарди.

— Контуж, Сенга хизмат бор. Меҳмон аканг билан Урганчга ўтиб келасан, праванг ёнингдами? Рейимбой оғангни «Опели»ида. Тайёр тур.

Йигит кўксига кўлини қўйиб таъзим қилгандай бўлди. Бироқ миқ этмасди. Сўнг менга ижозатми дегандай ер остидан Нуриллага қаради.

— Контуж, бир оздан сўнг йўлга чиқасан, аччиқ қилиб кўк чой дамла, — Рейимбой оға машина калитини йигитга узатди. «Контуж» деганлари ўрнидан туриб, лапанглаб ўчоқ томон кетди.

— Бунинг исми ким. Контуж деб чакирасизларми, — дедим Нуриллага.

— Исмини билмайман. Ҳамма Контуж деб чакиради. Кўлда қоровул. Аммо қиёмат овчи. Учаётган кушни уради. Контуж деган отга ўзи ҳам кўникиб кетган.

— Ишқилиб эс-ҳуши...

— Қўрқма, контуж бўлса ҳам жуда эпчил. Зўр ҳайдовчи. Машина бошқаришда бунга тенг келадигани йўк.

— Уни яхши танийсанми?

— Тўғриси айтсам, бу ерларга қаердан келиб қолганини билмайман. Ёзда кўлда бўлади, қиш кунларида одамларнинг уйида хизматини қилади. Ҳар ерда ётиб кун кечиради. Лекин ўта ақлли қурмағур, ичмайди, чекмайди.

— Қариндош-уруғлари ҳам йўкми?

— Йўк, шекилли. Сўққабош. Қўйсангчи уни, қани, яхшиси, балиқдан ол. Ҳозир «Уазик»да Контуж икковингни бизникига олиб боришади. Сўнг машинага ўтириб, Урганчга жўнайсан. У ёқда ётиб қолма, кеч бўлса ҳам уйга қайт. Рейимбой оранг билан сени уйда кутамиз.

— Яхшиси, ҳаммамиз бирга кета қолайлик...

— Қаёққа?

— Сеникига, кейин Урганчга.

— Жиннимисан, ҳов, шундай маишатни ташлаб-а... Биз уйга ўзимиз борамиз. Унга қадар сен ҳам Урганчдан қайтасан. Тўғри уйга қайт. Бизникида тунаймиз.

— Бўпти. Контужни чақир... — Мен ўрнимдан турдим. Ҳайдовчи «Уазик»ни ёндирди. Контуж иккимиз машинага чикдик.

«Уазик» йўлга тушди. Машинадаги ойна орқали ортга қарадим. Гуриллаб ёнаётган гулхан, соҳилдаги чайла тобора олислаб борарди.

Нурилланинг уйига етиб келгач, «Уазик» бизни қолдириб, изига қайтиб кетди. Биз Урганчга жўнадик. Рейимбой оранинг ишониб калитни топширганича бор экан, Контуж машинани усталик билан бошқарар, кўнглимдагини пайқагандай елдириб борарди. Урганчга кириб келганимиздагина миқ этмай қовоғини уюб келаётган Контуж ниҳоят тилга кирди!

— Ова қаерга борамиз?

— «Жайхун» меҳмонхонасига ҳайда.

Ранг-баранг нур таратиб порлаган чироқлар оғушида янада жозибали кўринган Урганчнинг

қоқ марказида жойлашган салобатли меҳмонхона ёнида тўхтадик. Вужудимни ҳаяжон чулғар, ўзимни атайин сипо, бепарво тутишга уринмай, машинадан тушишга юрагим дош бермасди, агар шу тобда Контуж: «Оға кетдик, уйга қайтамиз», деса индамай рўйхушлик беришим ҳеч гап эмас эди. Нега шундай ҳолатга тушганимни ўзим ҳам билмайман.

— Оға, энди нима қиламиз?

— Нима қилардик, кетдик, меҳмонхонага кирамиз, — дедим зўрға.

Оёқларим ўзимга бўйсунмайди. Вақт ўтказиш учун меҳмонхона ёнидаги дўконга бош сукдим.

— Оға, у-бу нарса оламизми?

— Албатта, албатта оламиз. Қурук қўл билан бормаймиз-ку...

Контуж айтган «у-бу нарса» иккита елимхалтага жойланди.

— Оға менга беринг, мен кўтара қолай.

— Ихтиёринг.

Ичкарига кирдик. Мармар ётқизилган ойнаванд фойедан ўтиб, лифт орқали тўртинчи қаватга кўтарилдик. Узун йўлак бўйлаб бора-япман. Ортимда Контуж. Елимхалталарни икки кўнжигга қисиб олган. Бефарво. Дунёни сув босса тўпифига чиқмайди. Бунча дўқиллатиб қадам босмаса.

Ва, ниҳоят, мана, ўша хона эшиги. Икковимиз ҳам тўхтаб бир лаҳза жим қолдик. Контуж ишшайиб турибди. Эшикни тақиллатдим. Ичкаридан қадам товуши эшитилиб, остонада Маша пайдо бўлди.

— Киринг, сизни ойим кутаяпти. — У шеригимга қизиксиниб қаради.

Кираверишдаги хонада бир-бирига қарши қўйилган айнан ўхшаш иккита диван ҳамда юмшоқ ўриндик, бир қаноти қия очилган дераза ёнида байрамона, дид билан безатилган стол. Чиндан ҳам кутаётган экан, деган ўй ўтди хаёлимдан. Контуж эса пошнаси лой, чанг босган қийшиқ пойабзалини ҳам ечмасдан тасир-тусур қилиб кириб келди-да, хона ўртасида қакқайиб туриб қолди.

— Ойим ичкари хонада, ҳозир чиқади. Қани столга марҳамат, — Маша қирқ йиллик қадрдонлардай бизни ўзига яқин олиб табассум қилди.

Ичкари хонадан эгнига барқут халат ташлаб Ирина чиқиб келди. Олтинранг сочлари елкасини тўлдирган. Мовий кўзлари чарақлайди. Тиник, чиройли чехрасида кулги.

— Ёзувчи амаки, бугун ойимнинг туғилган куни. Ажойиб кунда ғаройиб саёҳат, — Машада кечаги тундлик, қайсарлик ва бетгачопарликдан асар ҳам қолмаганди.

Мен Иринага қарадим. Туйқус жойида тўхтаб орқага тисарилди. Шу пайтда серрайиб турган Контужнинг қўлидаги иккала елимхалта ҳам ерга тушиб кетди, шишалар чил-чил синди. Бу ғаройиб манзара лаҳзада содир бўлди. Мен карахт бўлиб қолдим. Маша талмовсираганича деворга суяниб дам ойиси, дам менга, дам Контужга қарайди. Контуж ихради, юзи оқариб кейин лаблари пирпираб нимадир демоқчи бўлди, гапиролмади. Мен нима бўлаётганини англай олмасдим, Контуж тиззалаб ўтириб, бесўнақай қўллари билан бошини чангаллаб олди. Ирина тик турган кўйи тел-

бавор, афтодаҳол қиёфада Контужга тикилиб турди-да, хаста овозда деди:

— Рома, бу сенмисан?... Рома, бу сенмисан?!

... Кейин уввос тортиб йиғлаб юборди.

НОЗИ... НОЗИГУЛ

Бостирма томондан кампирнинг гулдураган овози келди:

— Эгамбой-у-в, Эгамбой! Эгамбойу-у-в.

Пешайвонли уй дарчаси шарақлаб очилди. Дарчадан майкачан гавдасини белигача чиқарган бўз йигит жаҳл билан ўшқирди:

— Ҳа-а! Нима дейсиз?

— Турдингма-а, болам?! Турдингма?

— Каллаи сахарлаб қишлоқни бошингизга кўтарасиз-а. Одамга уйқу бермайсиз!..

— Отали олти тўйди, энали етти тўйди, болам. Сенлар ухлайверасан-а?

— Эна-а-а! Сизга нима зарил-а? Нима зарил?! Итга тиним бор, қушга тиним бор, Сизга тиним йўқ...

Дераза эшиги шарақлаб ёпилди. Бостирма томондан кампир нимадир деб ўдағайлади. Дахлиз эшиги очилиб, Эгамбой ташқарига чиқди. Ҳовлидаги тол танасига ўрнатилган юзқўл ювғич чумбилига шарақлатиб-шарақлатиб уриб, ховучига сув олиб юзини ювди. Сарви келин кўлидаги челакни даранглатиб нимадир, деб тўнғиллаб ўтиб кетди. Буям жимгина ўтмади: «Сира овози ўчмайди-я...». Шу маҳал бузоқ чўзиб мў-ўлади. Сарвар ичида

сўкинди. Кимга айтди. Бузоққами? Бузоқ бунинг гапидан кейин мў-ўлади-ёв. Энамга айтди. Энамга!

У ўрнидан ирғиб туриб кетай деди. Уканиям, келин бўлмишниям чаппа-раста қилиб чангини коқмоқчи бўлди. Бироқ бу ҳовлининг муқим эгалари, энанинг иссиқ-совуғига балогардон жигаргўшаларига қарши боришга журъати етмади. Ойда-йилда бир келиб, оёғи етиб, боши қайтадиган, ҳа, деса ишини рўкач қилиб жуфтакни ростлаб қоладиган ўғил бу ерларнинг ўзига хос ҳаёт тарзидан узоқлашиб бораётганини ҳис қилди.

Ука ювиниб артингач ака чўзилган супа ёнига келди. Ака ўзини ухлаётганга солди. Ука унга меҳри ийиб қаради. Жилмайиб қўйди. Ўзича фахрлангандир ҳам шундай акаси борлигидан.

Ака сезиб ётибди, энаси кексалик ифодаси — уфиллаб, хорғин қадам олиб супага яқин келди.

— Ҳой бола, акангни уйғотма, индама, ухласин, чарчаган.

— Нима иш қип чарчаган, эна!

— Йўл азобини биласан, қўй, дамини олсин.

— Самолётда учиб келди-ку, эна. Зув этди, келди-қўйди...

— Барибир, акангнинг иши кўп... Чиқ супага, келин сут пишириб келади. Оч-тўқ юрма, болам.

— Сут-пут ичмайман эна, боққа кетаяпман. Бугун узум узамиз. Ёрдамчиларни чақирганман. Эртароқ борай.

— Бўлмаса нон ва у-бу егулик олиб кет.

— Мана, белимга битта патир тугиб олдим. Бўпти, мен кетдим.

— Менга қара, қайтишингда акангга сурха, оқ кишмиш, туятиш узуми олиб кел, шуларни яхши кўради, биласан-ку.

— Хўп, бўлади. Лекин узум егиси келса, боққа ўзи борсаям бўларди. Бошини бир шамоллатиб келарди, ҳам дам оларди. Шеърлариниям ўша ёқда ёзиб келарди.

— Хой бола, акангни ўсал қилма.

— Эна, акам турса айтинг, помидорга сув қуйсин, сувсаб бораяпти. Ариқнинг сувини шундай бурса бўлди.

— Келиб ўзинг қила қоласан шу ишни. Помидорни кечкурун салқинда суғорган яхши.

Ука худди шу гапни кутиб тургандай гапни палахмонга жойлаб отди:

— Эна, бунингизнинг жони жон-да, бизнинг жонимиз бойимжон-да, а?

Ака бошини кўрпага буркаб яйраб кулди. Ука ишга кетди. Сарви келин челакни тарақлатиб ҳовлига сув сепи бошлади. Кампир ўчоқ бошида куймаланаяпти. Тонгни сут иси тутди.

Сарви келинми, кампирми фира-ширалик қаърига бир челак сутни сепиб, тонгни уйғотиб юборди, гўё. Қишлоқда тонг сут рангида уйғонади, қишлоқда тонг отмайди, тонгни одамлар уйғотади.

Ўликдай чўзилиб ётмай энди туриш керак. Боши лўқиллаяпти. У чалқайрамон ётган кўйи кўзини очди. Кўргани шу бўлди — осмонда юлдузлар хира милтирайди. Мовий чодирга тилла тангачалар қадаб қўйилганга ўхшайди. Кўз

ёриб оқараётган борлиқ ёришгани сайин тилла тангачалар хиралашиб кўздан ғойиб бўла бошляпти. Сарвар чексиз оқлик ичра узоқлашиб бораётган бир юлдузни топиб олди-да, диққат билан тикила бошлади. Кўзини юмиб очса бас, юлдузни йўқотиб қўяди, сўникхол милтиллаётган оқ тугма йўқолиб кетади. Сарвар болаликдан қолган қайсарликдан киркдан ўтдики, ҳамон қутулгани йўқ. Кўзлари тешилди, кўз косаси зўриқиб, оврик орқага тортди, у барибир тобора оқлик ичра сингиб бораётган хира ёғдудан кўз узмасди. Чидай олмади, кўзини очиб юмди. Юлдузни йўқотиб қўйди. Аламидан ихраб юборди.

«Уни ҳам худди шу юлдуз каби йўқотиб қўйганман. Қанча уринмай тақдир уни мендан юлқиб олди...». Ич-ичини куйдириб, бўғзини шиша синикларидай тилиб ўтган шу сўзлар беихтиёр сокин тонг бағрига санчилганда, Сарварнинг толиққан нигоҳидан бир томчи ёш сизиб, яноғини куйдирди. У овир ютиниб кўзини юмди.

Ўша пайтлар ҳам тонглар худди мана шундай сокин отарди. Борлиқ гўё сутга чўмилиб уйғонарди. Боғлар шундай титроқли ва сирли эди. Боғ этагида анови девор анча пастқам ва ғариб кўриниб турибди, шарқираб сув тошиб оқаётган катта ариқ ҳам кичрайиб қолгандай. Лекин тонгнинг отиши, борлиқнинг сокинлик ичра тўлғониб ҳаётга пешвоз чиқиши ўша-ўша. Орадан шунча йиллар ўтибди. Тонг жозибаси сира ўзгармаган. Сарвар яна ўша йигирма уч йил олдинги сўнгги учрашувни эслади. Нозигул билан учрашган, ўша тақдиридаги энг бахтли

лахзани, хаёт дарёсини бошқа ўзанга буриб юборган тонгни ёдга олди...

Нозигулларнинг ховлисига тутшиб кетган Холли калнинг боғидаги дов-дарахт борки, бошини еб мева солган. Шафтолилар ларзон юкдан қарс-қарс синиб ер билан битта бўлиб ётибди — ҳузурини ер кўраяпти. Олмаларнинг эгик шохлари боғни оралаб ўтишга йўл бермайди. Боғ ичидаги шудринг инган йўнғичқазорни оралаб ховлиқиб келаётган Сарварнинг кўзи адоқдаги Нозигулга тушди. Юраги ўйнаб, ҳапқириб кетди. Нозигулми шу?! Қизни кўрмаганига икки йил бўлди. Шу икки йил ичида ҳар кун, ҳар соат, ҳар лаҳза хаёлида олиб юрган Нозигули анча бўй етганини ҳис қилди. Қўлида толсаватча кўтариб олган қиз Сарварга орқа ўгириб боғ этагидаги ариққа қараб турибди. Олдга хиёл эгик бошида олов ранг дурра. Адл каддида капалакгул чит кўйлак. Бир тутам қилиб ўрилган қора сочи белига уради.

Тонг оғушида бу рўй заминга тегишли бўлмаган бир хилқат, бир малак боғни сеҳру жодуга чулғагандек. У атайлаб сувга термулиб турганга, агар тиниқ ва нурли чехрасини боққа қаратса, Сарвар ҳолсизланиб йиқирилиши, бу шўрлик боғ нур ичида фарқ бўлиши муқаррар эди, гўё. Ҳар ҳолда Сарварнинг жунун хаёлига шундай бир киёс ғулғула солди.

Қиз ўгирилди. Сарвар бир зум тош қотиб турди. Қизнинг тиниқ табассум порлаган ёниқ чехрасига, қарашига дош беролмади. Юраги тўхтаб қолаёзди. Каловланди.

— Нози...

— Салом, Сарвар. Яна кечикдингиз, — киз кўлини узатди. Сарварда жон қолмади. Қизнинг бармоклари кафтини куйдириб, вужудини қалтироқ босди. Қизнинг порлаб турган оҳу кўзларида кишини эсдан оғдирар бир куч бор эди. Айти дам тонгги бу фаришта ботинидаги самимият, унинг ерликларга хос сўзлаши, меҳр билан боқиши Сарварнинг қалбу шуурига далда берарди.

— Соғлиғинг яхшими, Нози? Ўзгариб кетибсан.

— Ўзингиз-ку, икки йилдан бери хорижлик бўлиб, кўринмай кетдингиз.

— Ўтган йили келганимда водийга кетган экансан.

Қиз кулимсиради:

— Нима қилай? Ўқишга киролмадим. Роса сиқилдим. Кейин Фарғонадаги холамникига кетдим. Қишлоқдагиларнинг кўзига кўрингим келмади.

— Ҳаммаси яхши бўлади.

— Ким билсин...

— Нози, мен келдим, сен кетаётган экансан?

— Ҳа, эртага акам билан Тошкентга кетамиз. Университетга хужжат топширдим. Имтиҳонга тайёргарлик кўраман.

— Нози, мен ҳам изингдан бораман. Иста-санг, эртагаёқ кетаман.

— Эбе-й, йўқ. Икки йил деганда келдингиз. Ойдин холам хафа бўладилар. Кеча келиб бугун кетди, деган гап бўлади.

— Мен гапдан кўркмайман, Нози.

— Мен эса сизга гап тегиб қолишидан кўрқаман.

— Нози, ўзгариб кетибсан. Катта қиз бўпсан, Нози.

— Сизам катта йигит бўп қопсиз, Сарвар...

— Нози, нега мени сиз деяпсан?

— Сиз энди катта одамсиз. Ўқияпсиз. Чет элда. Журналларда суратингиз чиқибди, ҳикояларингиз босилибди. Кўрдик. Ҳамма синфдошлар сизга ҳавас қилади.

— Нози, сен ҳам ҳавас қиласанми?

— Ҳа. Мен ҳам...

— Нози, эртага кетсанг, кечқурун яна шу ерга кел...

— Йўк... Энди бораёй. Энам қидириб қолади. Манави сизга.

Қиз кўлидаги оғзига оқ сурп тўсилган толсаватни Сарварга узатди. Сарвар қиз узатган саватни олди. Ух, бунча зил-замбил бўлмаса.

— Нози, бу нима?

— Узум. Сурха, оқ кишмиш, туятиш. Сизга деб тердим.

— Нози, ҳалидан бери шу зил-замбилни кўтариб турганмидинг. Қўллариң толиб кетибди-ку-а, Нози?

— Нима бўпти.

— Ҳалиям эсингдами?

— Эсимда... Сизга боғимиздан узум териблиб берардим.

— Узуминг сурха, оқ кишмиш, туятиш бўларди.

— Энам Ойдин холанг айтди, Сарвар узумни яхши кўраркан, дердилар. Мен хурсанд бўлиб кетардим.

— Унда сен кичкина эдинг.

— Унда сиз ҳам болакай эдингиз.

— Сочларинг қўнғир-қўнғир, патила эди.

— Сизнинг эса бошингиз доимо тап-тақир, сочингиз олинган бўларди.

— Нози, боғларингдаги ўша узумлар халиям борми?

— Бор. Шу узумлар ўша тоқларнинг ҳосили.

— Нози, сен буларни мен учун олиб келдинг-а.

— Ҳа...

— Мен сенинг боғингга ўзгалар қўл чўзишини хоҳламайман. Сениям, ўша боғингниям ҳеч кимга бермайман.

— Чиройли гапирасиз, барибир шоирсиз-да.

— Чин гапим, сендан айрилмайман...

— Айрилсангиз-чи?

Қиз ялт этиб қаради. Қизнинг юрак тубидан бир нидо отилиб чиқди. Қиз беихтиёр оғзидан чиқиб кетган шу сўзни бемаврид айтиб юборганини ҳис этиб, бир сесканиб тушди. Энди кеч эди.

— Айрилмайман. Қасам ичаман, сени менга раво кўрмаган бу дунёда тоқ ўтганим бўлсин!

Қиз йиғлаб юборди. Икки қўли билан юзини тўсиб йиғлади.

— Ундай деманг. Ундай деманг. Қасам ичманг...

— Мен айтадиганимни айтдим, Нози.

Тонг пардаси сидирилиб тушди. Фалакда бу икки мусаффо дил розини эшитиб турган фаришталар бир сапчиб қўйдилар гўё. Қиз йиғи нукси урган чехрасини алвон дурраси учи билан тўсиб боғ ичра кириб кетди. Йигит титраб-қақшаб унинг ортидан ҳардам-хаёл бўлиб тикилиб қолди. Тонгда айтилган калима — тонгда отилган ўққа айланди. Фа-

ришталар бу гапга омин, дейишдан ўзга чора тополмадилар...

Сарварнинг ўрнидан туришга мажоли етмади. Боши орқага тортиб оғрияпти. Ёш қиркдан ошгандан сўнг ҳар қандай тўю ҳашам, дабдабаю асъасалар оғирлик қиларкан. Кечаги йиғинда ўзиям ҳаяжонини босолмади.

Йигирма беш йилдан сўнг синфдошлар билан учрашди. Тадбир эрталабдан бошланди. Дастлаб мактаб боғида кишлоқдошлар билан учрашув бўлди — ёзувчи Сарвар Сардор ижодига бағишланган адабий йиғин. Сарвар катта шаҳарларнинг улкан анжуманларида кўп қатнашган, анча-мунча ижодий учрашувларнинг кўрки бўлиб савлат тўккан, колаверса, ўз ижодидан ҳам хижолат тортадиган жойи йўқ. Бироқ кечаги кишлоқдошлари, синфдошлари билан бўлиб ўтган учрашувда ўзини ўнғайсиз сизди, негадир одамлардан уялиб кетаверди. Бу содда ва самимий, меҳнаткаш, тўпори кишилар қаршисида ҳаёт ҳақида бадиий гап айтишга тили бормади, улар ҳузурида гўддайиб туриши ўзига эриш туюлди. Болалиги мана шу одамлар орасида кечди. Нимани ўрганган бўлса, шулардан ўрганди, шулардан топди, нимани ёзган бўлса шуларда кўрганини ёзди. Элчилик-да, яхшисиям бор, ёмониям. Бу одамлардан ўтиб бир нарса деб бўладими? Туманнинг раҳбари чиройли гаплардан нарвон ясаб Сарварни юртнинг фахр-ифтихорига менгзади. Вилоятдан келган вакил «особый истейдодлар қатори»да турган, пойтахтда ижод қилаётган ҳамюртига зарчопон кийгизди. Хонаки хонандалар Сарварнинг хурмати «классика»дан куйлаган бўлишди. Хуллас, бир йўқлаб келибсиз, деганларидай бу олқишу

замзама Сарварга ортикчадай туюлди. Айникса, йиғиндаги қишлоқдошлари орасида синфдоши Норсулувни кўриб ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бунга нима бор бу ерда? Қариб қопти. Хей йиллар шундай қизниям қаритибди.

Илжайиб туришидан ҳамон ўша йўргакда теккан касаллиги — бетгачопарлиги қолмаганга ўхшайди. Ёмон қилиқ йўғонни йўнар... Бети қаттиқ қиз эди. Юзингда кўзинг борми демасди-я. Нега бунча илжаяди. Ўрнидан туриб савол-павол бериб қолса-я? Мен сиригни биламан, дегандай маъноли қараяпти.

Ё ўзига шундай туюлаяптими? Шунча йиллик дарди-ҳолнинг иссиғи энди кимни ҳам иситарди. Бу шаддод эчкининг эсига эски гаплар тусаётганга ўхшайди. Кўзини узмай илжаяди-я...

Сарвар сирини соясига ҳам сўзламайдиганлар тоифасидан эди.

Нозигулга шарҳи дил этишни истамади. Қиз барибир сезди. Қизнинг нигоҳи йигитнинг кўзлари изхорини англади. Улар кўз билан сўрашди, бир-бирини қалб билан тинглашди. Нозигулнинг ҳам кўнглидаги гул кўчага бўй таратмас эди. Бироқ, Нозигулга яқин, эту тирноқ дугона партадош Норсулувнинг куни туғди. Қачон Сарварга дуч келса илжайибгина қўяди, қош учуриб калака қилган бўлади. Сезибди, довдир, сезибди. Шундан сўнг Нозигул янаям эҳтиёткор бўлиб қолди. Нигоҳини Сарвардан олиб қочадиган бўлди. На дарсда, на кўчада, на тадбирда бўлсин, Сарварга эътибор бермасликка ҳаракат қилди. Ҳеч кимга ноаён сирдан биргина мана шу Норсулув воқиф. Ё кудратингдан, дейдиган одам йўқ.

Бир куни жисмоний тарбия дарсида оёғи лат еб, тол соясида ўзи билан ўзи овора бўлиб ўтирганди, қаршисига Норсулов ҳам келиб чўк тушди.

— Ҳа, нега шумшаясан, — деди қизи қурмағур.

— Оёғим оғрияпти.

— Оёғингмас, бошқа жойинг, юрагинг оғрияпти...

— Бу нима деганинг?

— Қўркма, мен ҳеч кимга айтмайман. Мени ёмон кўрасан. Сабаби, Нозигул икковинг бир-бирингни яхши кўришингни синфдаям, бутун мактабдаям бир мен биламан.

— Бекор гап!

— Нозигул ҳам сени яхши кўради. Уни хафа қилсанг, мендан кўрасан. Агар Нозига уйланмасанг, мендан яхшилик кутма!

Норсулов шахд билан ўрнидан туриб майдонда ким ўзар ўйнаётган қизлар тўдасига ўзини урди. Сарвар анграйиб қолди. Ортидан тўнғиллади: «Уккағарди қизи, жинни калла!».

Мана бугун ҳам худди ўшандагидай ғалати қараш қилиб термулаяпти. И-и-и, ўрнидан тураяптими? Ҳа, гапирмоқчи? Эй худо, ўзинг шарманда қилма.

Норсулов ўрнидан шахд туриб, сўз қотди:

— Ассалому алайкум, синфдош. Сиз бизнинг фахримизсиз. Кўп китоблар ёздингиз. Раҳмат ҳаммаси учун. Ватанга, халққа, эл-юртга бўлган севги-муҳаббат ҳақида чиройли гапирдингиз. Лекин инсонга бўлган севги-муҳаббат ҳақида нима дейсиз?

Давранинг у ер-бу еридан енгил кулги шабадаси эсди. Уҳ, ёмон қилди. Бехато урди. Сар-

вар бир чайқалиб тушди. Норсулувга норизо қиёфада кўз ташлаб қўйди, сўнг юзида ясама табассум калқди. Нималардир деб мужмал жавоб берди.

Сарвар билан Нозигулнинг тилга кўчмаган муҳаббат юкини синфдош-партадош Норсулув ҳам кўтариб юрди. Лекин бировга чурқ этмади, сир сотилмади. Мард экан, танти экан. Шақир-шукур бўлгани билан оғзи маҳкам экан. Барибир Норсулув бу икковига хайрихоҳ эди. Бугун ўша юкнинг ҳиссасини чиқармоқчи. Ўчини олмоқчи. Нима деса ҳам аёл аёл экан-да! Ҳеҳ. Норсулув, Норсулув! Нима қиласан эски дард-ни кўзгаб. Эл-юртнинг ичида пичинг қилишинг шартми? Ёлғиз қолай, юзимга тарсаки ур, гинг десам ўлай агар, Норсулув!

Хайрият тадбир яхши ўтди. Йиғин тугагач одамлар орасидан ажралиб, ўзи томон келаётган Норсулувни кўрди. Сарварнинг юраги шиф этди. Ўзини кўрмаганга олди. Ҳоким билан алланималарнидир гаплашиб, гўёки ҳардамхаёл алфозда машина орқа ўриндиғига ўтириб жўнаб қолди.

...Тонг янаям ёришди. Ерни ёстик, осмонни кўрпа қилиб чалқайрамон чўзилиб ётишни ўзига эп кўрмади.

Осмон энди тип-тиниқ. Ён томондаги чўқ-қилари фалакка қадалган тоғ шундай бошингга ағанаб, босиб қоламан, деб турганга ўхшайди. Қишлоқ тоғнинг этаккинасида жойлашгани учун қўл чўзсанг етгудай бўлиб кўринади. Тиниқ ва осуда тонгни ҳам жунжиктирган тоғ ҳавосида боғарикқа бориб ювинсам, зора зорманда бошнинг оғриғи ҳам тарқалар, деган ўй билан ўрнидан туришга уринган эди ҳамки, ҳовли

эшиги шарақлаб кетди. Қўлида тугунча кўтариб қўшни Санам хола кириб келаяпти. У беихтиёр яна узала тушди. Ўзини ухлаганга солди. Хола овоз берди:

— Чеча-ёв, чеча-а-а! Хой, чеча-а-а!

Дахлиз уйдан энасининг овози келди:

— Хуув... Келаверинг, бойбича, келаверинг!

Хола супа адоғида тик қотди. Ичкаридан энаси чикиб, уни дахлизга бошлади. Дахлизда икки хотиннинг овози эшитилиб турибди.

— Шуйтип денг, ой-йилда бир бўлсаям, Сарварим ҳам кеп қолди, бойбича.

— Яхши бўпти, чеча, яхши бўпти. Мана иссиққина филминди опкелдим. Сути, хаамири кўшилиб, эриб турибди. Еб олсин, дедим. Чеча шу шоир болангизга менинг супрақокдим — Жовлибойимнинг хаваси баланд. Уям денг, чеча, болангиздай шоир бўламан, дейди. Кечани кеча, кундузни кундуз демайди, ўкийверади, ёзаверади. Тошкентдаги газит-журналлардан ҳам хат-пат оп туради. Болангизни эл-юрт танийди-я. Кеча телевизорда инспектаклини кўрсатди, ўзимизни ёзибди... Пешонаси беш қарич аёлсиз, чеча, пешонаси беш қарич, худойим янаям зиёда қилсин, чеча!

— Хей-ей, бойбича, хе-е-ей... Сиз шундай ўйлайсиз. — Энаси жим қолди. Санам хола жим. Сукунат. Гўёки хозиргина хангоманинг авжини олдираётган икки хотин ўз-ўзидан ғойиб бўлгандай. Уларнинг гапини эшитиб ётиш нечоғли одобсизлик бўлмасин, шундай содда, бегидир, тўпори сухбатларни соғинган Сарвар алланечук бир хижилликни олдиндан сезиб юраги увишиб кетди. Лахзалик сукут Сарварни хушёр торттирди. У ички бир сезги ва туйғу

билан энасининг дилидагини укқандай бўлди. Эна давом этди:

— Хе-е-ей, бойбича эл танигани, юрт танигани, шуйтип эл-юртнинг устида юргани бошқа экану, эл-юртнинг ичига киролмай юргани бошқа экан. Эл танигани билан элга эш бўлолмасанг ёмон экан. Мени пешонаси беш қаричсиз дейсиз, э-е-ей, бойбича, менинг тос манглайимдан худо уриб, пешонам қора бўлиб бўлган, аслида...

— Ундай деманг, чеча, ундай деманг...

— Нимасини айтайин. Икков-бировнинг ичига қўшилолмайман. Дўсти-душманнинг эрмаги шу, кимдан — бор бўл-омон бўл, деб ҳол сўрасам, шоир болангиз омонми, шоир болангиз уйландима, шу болангиз қизик-да, дейди, айрим-бировлар хафа бўлманг, шоирлар ўзи шундай бўлишади, шундайчакин шоирлар кўп, дейди. Мен сўрамасам ҳам боламини — Сарваримни эслатишади. Боламининг ҳам қишлоқдан оёғини тортиб бораётгани, одамларга қорасини кўрсатмай узоқлашиб юришининг боиси шу.

— Одамлар нима деса дейверсин. Одамларнинг гапига парво қилманг, чеча.

— Одамларга кўникиб бўлдим. Тилим кулф, қулоғим тош. Лекин уйимдагилар ҳам жеркиб-иркиб гапирадиган бўп қолган. Бошқа болаларим ўзи билан ўзи, чиқди-кетди, ўз уйи, ўлан-тўшаги. Шу кенжам Эгамбойимнинг ҳам ажинаси отланиб қолган. Эна акамнинг бошини иккита қилмасак бўлмайди, одамларнинг гап-сўзи жонимдан ўтаяпти... Девона-дарвешнинг укаси бўп юравераманми, дейди. Кеча анови адабиёт малими Эргаш пиён ичиб олган экан, қўшинининг тўйида жикиллашиб қолибди. Жу-

вонмарг бўлгур, сен анови... хуллас, уятли сўз ишлатибди, айланай, бойбича, шундай дебди, анови акангга ишоняпсанми? У ўзини Навоийдай тоқ ўтаман, деб ўйласа керак. Сенинг аканг ҳалиги... деб ҳақоратлабди. Билмадим, бойбича, Сарваримнинг бу пиёниста ўлгурга нима оғири тушдийкин?

— Чеча, итнинг оғзига қўл тикиб нима қиласиз, эътибор қилманг, чеча.

Сарварнинг жон-жонида оғриқ турди. Ихраб юборди. Кўз олди хира тортди. Юраги санчди. «Лаънати Эргаш, сен мени аввалдан хушламасдинг, ипириски!»

— Майли, бойбича. Майли. Худонинг айтгани бўлади.

— Чеча, шу болангизни тақдирини бойлаб, дуо қилишмаганмикин?

— Эй, бойбича, бормаган фолчим, бормаган кушночим, мулла қолмади, айланай. Кор қилмади. Ўзи эса дим-дирс. Хотин, болачақадан гапирсам ер синчиллаб қараб тураверади-да, мик этмай ўрнидан туриб кетади. Болам бечора, гапиришимдан безиллаб ҳам қолган. Кечадан бери оғиз очмадим. Энди очмайман ҳам, бойбича. Майли, соғ-омон бўлсин, эсон-омон юрсин. Бу дунёда, одамзод пайдо бўлгандан бери бир менинг болам тоқ ўтаяптимикин?

— Куйинманг чеча, куйинманг.

— Эе-ей, бойбича... Бойбича... Ўттизга кирган ўғлоннинг ўтин терадиган ули бўлсин, дейишган қадимгилар. Сўппайиб, куппа-курук яшашнинг маънисини билмадим, бойбича...

Сарвар чидай олмади. Ўрнидан шахд туриб ярим яланғоч ҳолда ҳовли этагига қараб кетди.

Ичи ёниб тутади. Бўғзига нимадир тикилди. Ҳовли адоғида шаркираб оқаётган боғарикқа ўзини ташлади. Алаmidан сувга бош тикди. То нафаси қайтиб, ҳолсизланиб, кулоқ пардалари таранг тортилиб, ўпкаси оғзига тикилгунга қадар сувдан бош чиқармади. Боғарикнинг таги-туби йўқ, кўлга, денгизга, уммонга айланиб қолишини, шу тубсизлик ичра чўкиб, йўқ бўлиб кетишни хоҳларди. Бошига урилган даҳшатли оғрикка чидай олмади, жон ваҳмида юзага чикди. Шаркираб оқаётган боғарик четига ҳолсиз чўзилди. Ботинида тўлғонган дарду ҳасрат бутун аъзойи-баданини зиркиратиб юборди.

Ариқдаги тезоқар сув унинг дарди ҳасратини олиб кетаётганга ўхшарди. Бироқ юрак тубида чўкиб ётган бу дарди ҳасратдан уни дунёнинг ҳеч бир мўъжизаси ҳалос этолмасди. Бу дард биргина Яратганга ва ўзига аён эди.

Бу дард Нозигулдан бошланиб, Нозигулда тугайди. Бу дарднинг бошиям, ўртасиям, охириям Нозигул эди...

Тоғ елкасига минган офтоб шуъласи ёйилган тонгги осмон гувоҳ. Сарварнинг қалбини жизғанақ этган армон ўти кундалиқ ғимир-симир қошидаги қишлоқ одамларига бегона эди. Аҳли қишлоқ билгани шу: Бу савдойи шунча обрў-эътибори билан бўйдоқ. Одамови. Қирқдан ошдики рўйи-рўзғорининг тайини йўқ...

Кечаги синфдошлар йиғинида ҳам дастлаб жин чалгандай, бир нарсага йўлиққандай бўлиб ўтирди. Ўн йил бир синфда ўкиган бўйинсалар орасида якка моховга айланиб турмаслик учун босиб-босиб ичди. Кейин... ўйинга чикди.

Ўзича нималарнидир гапирди, нутқ ирод этди. Лекин кўпчилик унга кўнгли ярим одамга қарагандай қаради. Синфдоши Собир худди бир гуноҳ иш қилгандай узрхоҳликка ўхшаш оҳангда гапирди: «Ошна, рўзагача ўғлимни уйлантирай, девдим. Тўйга, албатта, кел». Бир ҳафтадан кейин Майсара кизини узатаркан, уникидаям тўй, таклиф қилди. Анорхол набирали бўлибди. Хуллас, хаммаси кап-катта одамлар. Биргина бу... Барибир шаддод Норсулувнинг кўлига тушди. У кенг мўл тузалган узун стол тўрида ўтирган Сарварнинг ёнига келиб илжайди:

— Ишлар қалай, Норсулув. Қара-я, йигирма беш йил ўтибди. Ҳеч ким ўзгармабди, деярли, — миждовланди. Тезроқ даф бўлсайди, деб ўйлади.

— Ҳа, сенам ўзгармагансан. Писмиқлигингча қолибсан.

— Ҳа, энди.

— Бориб Нозини кўрдингми?

Сарвар ўтирган жойида бир сесканиб тушди. Ичидан бир нима чирт узилиб кетгандай ботинида оғриқ туйди. Базўр ўзини қўлга олди.

— Нега Нозигул келмади? — деди бепарволикка уриниб.

— Сени деб келмади...

Норсулув Сарварга маъноли зехн солди. Сўнг уф тортиб бош чайқади-да, стол адоғига бориб ўтирди. Шовқин-суронда буларнинг орасида не бир гап-сўз бўлиб ўтганини бошқалар пайқамади. Пайқамади гўё...

Сарвар ўлардан бери, қолардан нари бўлди. Ичи куйиб кетди. Ичидаги алам ўти тутуни кўзидан ёш бўлиб сизди. Столга у-бу егулик

олиб келиб қўяётган синфдоши Тўхтани имлаб чақирди.

— Нима опкелай, ошна. — Тўхта унинг ёнида эгилиброк турди.

— Ўтир. Ҳа, ёнимга, бу ерга кел.

Тўхта бу мулозаматдан анграйиб турди:

— Нима гап?

— Нега Нозигул келмади?

— Эй-ей, ошна у одамовирок бўп қолган. Тўй-томошаларга боравермайди? Биласан, биздан икки синф олдин ўқиган Чори кан-тужга, аффонда хизмат қилган Чорига тегув-ди.

— Буни гапирма, биламан.

— Биласан. Чори унга уйлангандан кейин ўзини осиб қўйди. Калласи кетган экан бечора-нинг. Нозигул бир қизи билан қоп кетди.

— Буни биламан... Нега бу ерга келмади, деяпман... Айтмовдингларми?

— Сабр қил. Айтувдик. Шахсан ўзим бориб айтдим. Шундай, ёзувчи ошнамиз ҳам келади, буйтиб ўтирма, Нозигул, сенам энди, дову дав-радан қолиб юрма, деб айтдим. Қизинг кўркса, қизингниям олвол дедим. Қизи билан иккови отаси Ҳайдар бовонинг чолдеворида, яшаяп-ти. Эшитгандирсан, Ҳайдар бовоям ўтган йили қаза қилди.

— Ҳайдар бовоям ўлдими? Буни эшитмаган эканман, ошна.

— Ҳа, энди. Эртага бир фотиҳага бориб қўй.

— Бораман, ошна, бораман. Бирга борамиз, менга қара, Нози... Нозигул эриникидан кеп қўйюдими?

— Хей, одамлар, одамлар-а! Чори кантужнинг ота-онаси ўғли буйтиб ўлгандан кейин Нозигулга кун бермади. Боламни вос-вос қилгансан, деб келин бечорани кўчага ҳайдаб солишди. Уяммас-буяммас, Чори кантуж яшаган ҳовлини Нозигулга бергиси келмади.

Сарвар ўкириб юбораёзди.

— Ошна, Нозигул ғалатироқ бўп қолган. Баҳорда томорқадаги боғни бузиб беринг, деб чақирди. Узумга қарайдиган эркак бўлмаса қийин-да. Картошка-мартошка экиб тирикчилик қиламан дегандир... Бордим. Боғига трактор солдим. Боғнинг охириги жўягидаги уч туп токни опқолди. Булар сурха, оқ кишмиш, туятиш, дейди. Буларни бузманг, буларнинг эгаси бор, деб ток тепасида увиллаб йиғлади. Қўрқиб кетдим. Бузмасам, бузмадим, деб жўнавордим. Ўзимам роса эзилдим. Қандай қиз эди. Тақдири ўйилган экан-да, ошна.

Сарварнинг юраги тўлиб кетди. Столни зарб билан уриб ўрнидан туриб кетди. Даврага, ўйин-кулгини авжга олдираётган синфдошларига қарата кичқирди:

— Тўхта-а-а-а! Ҳамманг тўхта-а! Мени эшит! Менга қара ҳамманг.

Мустика ўчди. Давра сув қуйгандай. Ҳамма жим. Ҳокимликда ишлайдиган синфдоши Амир ҳаллослаб югуриб келди.

— Нима гап, ошна? Нима бўлди?

Сарвар унга ўқрайиб қаради.

— Ҳамманг эшит! Мен... Мен... Сенларга... Сенларга, сенгаям Амир, сенгаям Тўхта ошнам, ҳаммангизга бир гап айтаман... Сенлар Одам-

ни, дўстни тушунмайсанлар. Нозигул, қани? Нозигул... Нози... Нози... — Ўкириб юборди, кафти билан юзини тўсиб йиғлади. — Эй-ей, оломон, мен ҳам одамман. Менга ҳам кулок солинглар... Мен... Мен... Нозигулни яхши кўрардим. Мен Нозигулни севардим. Ҳалиям яхши кўраман. Ҳалиям севаман. Тушунаяпсанларми, ҳар куни Нозигулни эслайман. Менга Нозигулни топиб беринглар!

Сарвар жойига шилқ этиб ўтириб қолди. Кўксини столга бериб, дастурхонга бош қўйди. Ҳамма жим. Ҳамма ҳайрон. Аҳли дўст лол. Синфдошлар ҳангу манг. Иззатли бир одамнинг бу одми дўсти-ёрларга бундай томоша кўрсатаётгани аҳли даврани эсанкиратиб қўйди.

— Кайфи ошди, — деди кимдир.

— Аввалдан ароқни кўтаролмасди, — деди яна биров.

— Ароқ ўлгурнинг касофати — шу. Нима қилардиларинг Сарварга ичириб, — деди кизлардан бири.

— Сарвар энди ўзига келди. Энди одам бўлди, — деди Норсулов.

— Буйтиб элга шарманда қилманглар, — деди кизлардан яна бири. — Ҳой, Тўхта ўлгур, уни нима қилсанг, сен қилдинг.

— Энағар кал, жим юролмайсан-а?! — деди Амир ўдағайлаб Тўхтага.

Амир билан Тўхта Сарварни суяб даврадан олиб кетишди.

... Сарвар ариқ бўйида чўккалаб ўтирди. Тезоқар сув билан бирга болалик хаёллари ҳам қўшилиб оқаётгандай гўё. Ўшанда тўртинчи

синфда ўқирди. У пайтлар ариқ анча катта эди. Нозигул билан мактабдан бирга қайтаётиб, мактангиси келди.

— Нози, сен кўприкка боравер. Мен турбадан ўтаман, — деди катта ариқ устидаги йўғон сув қувурга оёк қўйиб.

— Мен ҳам сен билан ўтаман, — деди Нозигул тумшайиб.

— Сен қиз боласан, йиқилиб тушасан.

— Унда сен ҳам кўприкка юр, — Нозигул ялингандай бўлди. Қизнинг ялиниши Сарварга хуш ёқди.

Сарвар қувур устида дор юриш қилиб бир амаллаб ўтиб олди. Нозигул нариги томонда қолди.

— Энди мен ҳам ўтаман.

— Кўприкка бор.

— Йўк, ўтаман!

— Унда сумкангни бўйнингга осиб олиб, турбага ўтириб ол, эшак мингандай қилиб ўтирда, олдингга силжийвер.

Нозигул эшакка мингандай қилиб қувурга ўтириб, олдга интила бошлади. Қувурнинг қоқ ўртасига келганда бўйнидаги сумкаси бир томонга оғиб мувозанати йўқолди. Энгашиб қолди, базўр ўзини ўнглади. Бўйнидаги сумкаси сувга тушиб кетди. Сарвар кўрқиб кетди. Чинкириб юборди:

— Нози... Кўзингни юмиб ол-да, бу ёққа қараб юравер... Силжи. Силжисанг-чи.

Қиз кўрқиб кетди. Кўзини юмиб, қувурда ўтирган алфозда силжий бошлади, қирғоққа базўр ўтиб олгач, дағ-дағ титраб йиғлаб юборди:

— Сарвар, энди мени отам билан энам уриб ўлдиради, — деди ҳикиллаб, — сумканг қани деса, нима дейман?

— Ўйлама, мана, менинг сумкамни ол... Икковиям бир хил-ку. Китобларимниям ол. Нима қипти, янги дафтар тутасан.

— Сен-чи! Сен нима қиласан?

— Мени кўявер, бир гап бўлар.

— Яхшилигинг учун сенга нима қилай, Сарвар, айт. Нима десанг, хўп дейман!

— Менга ҳеч нарсанг керакмас.

— Яхшиси, сенга сурхо, оқ кишмиш, туятиш узум олиб келайми, кечкурун. Ахир сизларнинг боғингиз йўқ-ку, тўғрими?

— Майли, мен шу узумларни яхши кўраман.

— Буни биламан, ўзинг айтувдинг.

Улар боғ адоғида, мана шу ерда хайрлашганди. Шу-шу Нозигул Сарварларникига дамбадам сурха, оқ кишмиш, туятиш узуми опкеладиган бўлди. «Хола, сизга энам бериб юборди», — дерди Ойдин момога. Аслида, узумларни у Сарвар учун келтирарди... Қиз бола-да, ўзига пухта-пишик эди. Уйида энасига Ойдин холам узум сўровди, дерди.

...Ўй-хаёллар оғушидаги Сарвар ортида кимдир турганини сизди. Ўгирилиб қаради. Укаси Эгамбой. Билагига тўн ташлаб олибди.

— Ака, туринг, сизга боғдан узум опкелдим. Чопонни елкангизга ташлаволинг. Совуқ қотиб қопсиз-ку...

Сарвар ихтиёри измидан йироқ одам каби ўрнидан оғир кўзгалди. Тиззаиштонни кийиб, эгнига чопонни илди.

— Энам нима қилаяпти?

— Сут пиширди. Санам хола филминди олиб келибди. Иссиққина еб оларкансиз, — деди:

«Халиям эркатойлигингиз қолмаган-да», — деган оҳангда.

Ака бош эгиб уканинг орқасидан эргашди. Ойдин момо ҳовлида куймаланиб юрарди. Сарвар энасининг юзига тик қарашга ботинолмади. Супа четига омонат чўкди. Кампир келтирган сутни кўнгил учун пуфлаб-пуфлаб ичган бўлди. Беҳузур бўлди. Кечаги захар-заққумдан кейин сут ичиб бўларканми? Ичбурама бўлиб ўлмасам эди, деган хаёлга борди. Ноилож, яна икки-уч қошиқ ичгандай бўлди. Эна шўрлик жовдираб қараб турибди.

— Эна, бўлди. Совиб турсин, кейин ичаман. Совиган сут яхши, фойдали.

— Ол, вилминдидан ол! Ол, болам!

— Хўп эна, хўп. Кейинроқ ерман. Ҳозир юқорига, Ҳайдар бовоникига фотиҳага бориб келсам, девдим. Бово ҳам ўтиб қолган экан-а. Билмабман эна, — деди дастурхондан кўз узмай.

Эна ўғлига ажабсиниб бокди:

— Ҳайдар бовонинг ўлганига бир йил бўлаяпти. Орада Қирмиз амманг, Сори бовонг, Қодир тоғанг ҳам ўтди, болам. Ажаб қиласан, шуларникига ҳам кириб ўт. Фотиҳа қарз айланай.

— Хўп, эна, хўп!

Ота уй эшигидан Сарвар илк бор қатъият билан кўчага чикди. Энди ён-теварақдаги одамлар, кўзига тик қараб уларнинг турли-туман тусмол гапларига қўл силтаб, қишлоқда мағрур бош кўтариб юришга аҳд қилди. Ичидан шундай бир таскин отилиб чикди: — «Ҳеч кимнинг олдида тилинг қисик эмас, одамлардан ўзинг бездинг, одамлардан ўзинг олислашдинг. Асли-

да, сен ўзингдан ўзинг қочдинг, ўзингдан ўзинг бездинг. Дадил бўл, бир қарорга келмасанг, кейин кеч бўлади, бир умр аросат гирдобиди қолиб кетасан»...

... Сарвар Ҳайдар бовани эслади. Овози осмонни ёрарди-я, баковулнинг. Ўшанда, Ҳамид чавандознинг тўйида Сарварнинг бошига осмон қулаб тушганини бу бақироқ баковул қаёқдан билибди дейсиз.

— Ҳа-о-о-й-й, аҳли воҳа-а! Сурхоннинг беш полвонига давранинг бешта жойидан томорқа бериб, елкасини ерга урган душанбелик Тойир полвонга талабгор борми? — гулдуради баковул.

— Бор! Бор! — Чори контуж отилиб чикди. — Мен талабгор!!

Баковул бир сесканиб тушди. Чорига шахдингдан қайт дегандай қараш қилди. Даврада сукунат. Энди кеч эди... Чори даврага чикди. Ҳайдар баковул овозини баралла қўйди:

— Эй-е-ей халойи-и-йик!! Тингла-а-а-а, халой-и-ик!!! Менинг жон ошнам Турдибойнинг ўғли Чори полвон элнинг ори учун қурга чикди.

Даврадагилар қий-чув қилиб Чорини қўллаб-қувватлашди.

— Халойи-и-и-ик! — баковул наъра тортди.

Ҳамма жим. Тўйхона аҳли жон кулоғини баковулга тутди. Тумонат одамнинг диққати-борлиғи баковулнинг оғзига маҳтал.

— Халойи-и-и-ик! Жон ошнам Турдибой полвон ўғли Чорибой учун кизимга уч марта оғиз солди — совчи юборди... Қиз ўқисин, ҳали эрта деб қайтарганим ҳам чин. Шу боис орадан ошначилик ҳовури кўтарилиб Турдибой

араз уриб юрибди... Ке-е-е, ошна!.. Агар бо-
ланг шу полвонни йиқитса, қизимни берганим
бўлсин... Эртагаёқ совчи юбор...

Халойиқ гуриллаб-гуриллаб Хайдар баковул-
ни олқишлади. Сарварнинг кўзи олди қоронғи,
дунёси зимистон тортди. Боши айланиб кетди...

Шуни кутиб турган эканми, Чори полвон
душанбелик Тойирни қарсиллатиб йиқитди. Бу-
тун қишлоқ олқишлади, воҳа олқишлади, Чори
контуж элнинг ардоғи бўлди, элнинг арзандаси
бўлди.

Сарвар куйгандан куйди. Осмон паст, ер
қаттиқ бўлди, дунё тор келди. Дунёнинг кенг-
лиги оёғидаги кирза этикча бўлмай қолди.
Осмон паст, дунё тор келса йигитнинг жони
азобда қолганини кўринг экан. Бир адоғидаги
бедазорга бағрини бериб ётди.

* * *

Сарвар тонг оғушидаги қишлоқ бағрига бутун
вужуди билан сингиб кетаётгани, шу қишлоқдан
айро ва олис яшаш туйғуси қолдирган уқубатли
оғриққа тонг ҳавоси шифо бахш этаётгани-
ни ҳис қилди, у анча енгил тортди. Учраган
ҳамқишлоғи билан оға-инидай эмин-эркин хол
сўрашди, ўзини шуларга туташ томир эканли-
гини кўрсатгиси келди.

Қаерга йўл олганини сўраган-сўрамаган
одамга маънилатиб-маънилатиб гапирди:

— Шу десангиз Хайдар бово ўтганакан,
билмабман. Қирмиз амма, Сори бово, Қодир
тоғалар ҳам ўтибди. Шуларникига фотиҳага
бораёпман. Яхши одамлар эди. Ҳаммамиз ҳам
бир уруғмиз, хеш-ақрабомиз, бу қишлоқда бе-
гона йўқ-да...

— Умрингиздан барака топинг, шу элнинг боласисиз-да.

— Ўқиган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Элдан айрилмай тўғри қиласиз.

— Бинойи қипсиз, бинойи! Ўтганлар ҳаққига дуо қилиш савоб!

— Эй, Сарварбой, келганингизни эшитиб эдим, кечкурун уйга ўтсангиз чечангиз ҳам хурсанд бўларди.

— Сарваржон, қачон вақтингиз бўлади. Бизникига ўтинг. Оёғингиз тагида бир тўхлини бўғизлашни кўнглимга тугиб юрувдим.

Бундай бетаъма мулозаматлар Сарварнинг дилини хуш ва чароғон этди. Кўнглида шу иқрор кечди: «Ҳамма гап ўзимда. Шоир дўстим айтгани каби ўз қанотимни ўзим синдирган эканман...».

Раҳматли Ҳайдар бовонинг йўл четидаги отам замонида қурилган пастқамгина кулбасига яқинлашганда, Сарварнинг юраги қинидан чиққудай бўлиб гупиллаб ура бошлади. Беихтиёр қадамини секинлатди. Бовонинг томорқасини ўраган пахса девор омонатгина бир ахволда мунғайиб турибди. Қаттиқроқ тикилсанг қулаб тушгудай. Бир пайтлар бу девор анча баланд ва ваҳимали кўринарди. Бу девордан ошиб ўтишнинг ўзи бўлмасди. Сарвар болалик чоғида бу девордан неча-неча бор ошиб ўтиб бовонинг узумзорига ўғирликка киргани, бу ўғирликка Нозигул ҳам шерик бўлганини эслади. «Сарвар, энди мен хадеб сенга узум олиб боролмайман. Энамга Ойдин холам узум сўраяпти деяверишга уяляпман. Кеча бир сават узум олиб сеникига жўнатсам, энам жеркиб берди. Холанга айт узум еса, ўзи кеп боғдан узиб

кетаверсин. Сени физгизон қилиб бўзчининг мокисидай югуртирмасин, деди. Узум егинг келса, девордан ирғиб ўтавер. Мен уйдагиларга қараб тураман...». Шуларни ёдга оларкан, Сарварнинг кўнгли бузилди. Тўкилай, деб турган девор оша ҳовлига қаради. Ҳовлида белурди бўлиб ёввойи ўт-ўлан ўсиб ётибди. Сарвар беихтиёр шавқи-табиий бир куч билан девордан сакраб ўтди. Ўт-ўланни оралаб томорқа адоғига қараб юрди. Не кўз билан кўрсин, қаровсиз томорқа адоғида уч туп ток пуштага бағир ёзиб, тарвақайлаган сербарг новдаларида ғиж-ғиж узум ҳосили тонгги офтоб нурида товланиб турарди. Болаликдаги ўша уч туп қадрдон узум — сурха, оқ кишмиш, туятиш... Новдада қип-қизил, ёқутдай ёниб турган туятиш узумидан бир шингил олиб доналаб оғзига солди. Беғуборлик давридаги ширин бир таъми туйди. Уч туп ток тепасида чўнқайиб бовонинг кулбасига қаради. У томонга юришга юраги бетламади. Узум тепасида ўтириб бовонинг руҳи-покига қуръон тиловат қилди... Ўрнидан руҳи тетик ҳолда кўзғалди. Шу пайт ўт-ўлан оралаб ўзи томон келаётган бўй етган қизга кўзи тушди. Юраги тўхтаб қолаёзди. Турган жойида чайқалиб кетди. Рўпарасида бундан йигирма уч йил аввалги, ўн саккиз ёшли Нозигул келаётган эди. Ҳа, ўша Нозигул. Фақат кўйлаги капалакгул эмас, кўйлагининг гули бошқа, бошида алвон эмас, мовий дурра. Сочининг бир тутамлиги, қўлидаги сават ўша-ўша. Юлдуздай порлоқ кўзлари, сутга чайилган тиниқ ва ёниқ чехраси ўша-ўша. Йўк, Нози ўзгармабди. Нози ҳамон ўша маъсума севги ёшида қолиб кетибди. Сарвар карахт бўлиб

қотиб тураверди. Қиз яқинлашди. Чехрасида ўша ним табассум:

— Ассалому алайкум, Сарвар амаки. Яхши юрибсизми? Нега уйга ўтмаяпсиз.

Қиз кўлидаги саватни ток бошига илди. Ақл-хушидан айрилиб турган Сарварга синовчан термулди.

— Сарвар амаки, мени танимаяпсиз-а? Мен Нозигул ўртоғингизнинг қизиман. Сарвараман. Онам сиз ҳақингизда кўп гапириб берган. Яқин дўст бўлгансизлар-а? Ҳамма китобларингизни ўқиб чиққанман. Яқинда телевизорда киноингизни ҳам кўрдик.

Сарвар ҳеч нарса эшитмасди, ақли-хуши учган кўйи қизга термулиб турарди.

— Сен... Сен... Нозигулнинг қизимисан...

— Ҳа.

— Онанг қаерда?

— Уйда. Сизни девордан ошиб ўтганингизни кўрди, онам. Негадир ҳовлига чиққиси келмади. Қўлимга саватни бериб, амакинг келди. Бир сават узум узиб бер, деди.

Сарварнинг димоғи ачишди. Кўзидан ёш қуйилиб оқа бошлади. Бир зумда бутун борлиқни, ёнидаги қизни ҳам унутиб, кулба томон юрди. Қадамлари тезлашди, югура бошлади. Бўғзига нимадир тиқилиб тез чопиб кетди. Ҳаллослаган кўйи лойсувоқ кулбанинг кемтик эшигини очиб ичкарига кирди. Кичик даҳлизга туташ хона ўртасида ўтирган Нозигул телбанамо ҳолда анграйиб қолди. Сочларига оқ оралаган, бироқ чехраси аввалгидай ёниқ, нигоҳлари порлаётган Нозигул ўрнидан туриб кетди. Сарвар Нозигулга бир баҳя бемажол боқиб турдида, сўнг ичкари кириб ўзини Нозигулнинг оёғи

остига ташлади. Аёлнинг тиззаларини қучиб, ўксиниб-ўксиниб йиғлади. Тўлиб-тўлиб йиғлади. Елкалари силкиниб-силкиниб, оҳ уриб йиғлади. Ўксиб-қақшаб, юрагида бор дарди ҳасратни Нозигулнинг пойига тўкиб солди:

— Мени кечир, Нози... Нози... Мен сени унутолмадим, Нози. Сени деб яшадим, Нози. Сени деб яшайман, Нози... Юр, мен билан юр... Сени опкетаман, қизингниям бирга опкетаман, Нози. Ахир мени яхши кўрардинг-ку, Нози. Ахир сени яхши кўрардим-ку, Нози! Менга турмушга чиқ, Нози! Ишон, Нози, бу қарорга келгунча неча бор ўлдим, неча бор тирилдим, Нози. Мени ноумид қилма, ишончимни сўндирма, Нози...

Сарвар аёлнинг тиззаларини қучиб, қалбидан отилган дарди ҳасрат вулкони тўхтатолмасди.

Нозигул унинг бошини силади. Кўзёшлари сел-селоб бўлиб овоз чиқармай йиғлади. Тақдир тошлари тегавериб тош қотган қалбида бир нур милт этгандай, қалбига ҳароратли бир нур югургандай бўлди. Сарварнинг қаршисида тиз чўкиб унинг қўлларини юзига суртди.

— Сарвар, мен чарчаганман. Чарчаб кетдим, Сарвар. Мен ҳам сени яхши кўраман Сарвар... Лекин...

— Жим, гапирма, Нози. Жим бўл!

Улар бир-бирига термулиб туришди. Сўнг... Нозигул Сарварнинг кўксига бош қўйди. Қўлида узум тўла толсават кўтариб кирган, бу манзарага ғайришуурий тикилиб турган бўй етган Сарвара ниманидир англагандай бўлди, толсаватни остонага қўйиб, кўчага чопиб чиқиб кетди.

Сарвар уйга пешиндан сўнг келди. Ўчокдаги оловга ғўзапоя ташлаётган Ойдин момога жилмайиб қаради. Момо хайрон бўлди.

— Эна, эна... бир гап айтайми?

— Тинчликми, болам?

— Эна, амакиларим, қариндош-уруғларга айтинг. Мен уйланаман.

Ойдин момо кутилмаган хабардан эсанкираб қолди. Бошидан гарди рўмоли тушиб кетди. Қўлида косов, ўчок четига ўтириб ўғлига парижонхотир тикилди:

— Гапинг чинма, айланай болам...

— Чин, эна, чин.

— Кимга уйланасан?

— Нозигулга, эна... Нозигулга!

БИЗНИ ОҚИБАТ ҚУТҚАРАДИ

Чол тушимга кирди. Елкасига хуржун илган ўша чол. Кўпдан бери тушимга кирмай қўйган эди. Безовта бўлиб уйғондим.

Нонушта пайти кичик қизим тунов кун берган ваъдамни ёдимга солди:

— Дадажон, бугун шанба-я? Ишга бормайсиз, тўғрими. Эсингиздами?

— Эсимда.

— Чимёнга борамизми?

— Йўқ. Чимёнданам чиройли, ажойиб жой бор. Ўша ёққа борамиз.

Машина чақирдим. Хотиним ва икки қизимни олиб йўлга тушдим.

— Довонга, ҳайда Азамат, — дедим шофёрга.

Катта қизим чапак чалади:

— Яшасин, дадажоним! Бувимникига борарканмиз.

— Довон этагидан қайтамыз.

Қизларим бир-бирига ажабсиниб қарашди.
Хотиним анграйди:

— Довон этагида нима қиламиз?

— Бормасак бўлмайди.

Ортиқча савол каминага юки малол. Болаларим нафасини ичига ютишди.

Тоғнинг қоқ белида тасмадай тортилган йўлдан чўққида осилиб турган қуёшга қараб ўрмалаймиз. Пастда, тоғ ёнбағрида барқ урган сариқ, кўк, оч-пушти, хуллас, турли-туман гуллар, лолақизғалдоқлар устини қоплаган булутларнинг ҳарир тўшамчасини ҳали тонг шамоли сидириб олиб ташламаган. Манзарани кўринг-ей. Ҳиссиётнинг тилига сўз малол келади. Ҳиссиётнинг тили завқ. Худойимнинг мўъжизаси шу — баҳор тоғларга жон бахш этади!

Орқа ўриндиққа ўгирилиб қарадим. Ахли оилам чехрасига ҳам қуёшнинг табассуми ингган.

Машина нишабликдан эниб, йўлнинг шундоқ ўнг томонидаги ялангликда тўхтади. Ичимда оғриқ турди, юрагим увушгандай бўлди. Вужудим титраб, яланглик четига қарадим.

— Етиб келдик, тушамиз.

Тоғ биқинидаги ялангликда тизза бўйи қулф урган ўт-ўланлар ўткир, димокни ёрар даражада бўй таратади. Яланглик гирдида, жар ёқасида новдалари фалакка шох ташлаб бир туп тол ўсаяпти. Унинг ёнида табиатнинг хос соқчисидай тизилиб, кўкка санчилган тераклар бир чақирим масофада саф тортишган.

Тол тагига келдим. Тиззалаб ўтирдим. Бўз боланинг белидай келадиган тол танасини сий-

паладим. Борлиғимни титрок ўти чулғади. Қуръон тиловат қилаяпман, тиловат куч-қудрати билан ўзимни енгил ҳис қилаяпман, ичимдаги бор гард-ғубор тарқаб кетаяпти, ботинимда сирли бир оройиш сездим. Рухим баҳор хавосидай енгил тортиб жилмайдим. Машина ёнида чехрасида ҳайрату ҳасрат аломати зоҳир хотиним билан хижолатли алфозда қўлида тўшамчи тутган Азамат келишга ботинолмай тик қотган. Қизлар қий-чув қилиб, чопқиллаб гулчечак теришмоқда.

Тол тагига тўшамчи тўшалди.

— Дадаси, нега бу ерга келдик?

— Сайру саёҳат бу, сайру саёҳат! Атрофга қара, қандай чиройли, тоғ хавоси, гулу чаманзор. Суратга тушинглар. Болалар билан маза қилиб айланинглар. Бироздан сўнг қайтамиз.

— Ғалати қилиқларингиз бор-а? — хотиним Азаматнинг олдида ўнғайсиз аҳволда қолганини яширмади. Азамат нигоҳи билан ер чизди, ўлмайниннинг кунидан илжайган бўлди, лекин унинг кўнглидан ўтганини ҳам сезиб турибман...

— Азамат, мана энди, анави толдан кетмондаста учун билакдай-билакдай қилиб иккита новдасини кесиб ол.

Азамат бир қалқиб тушди:

— Йўғ-ей, қўйинг-е, керакмас.

Хотин яна бир бор ғалати қараш қилди-да, қизларим томон юрди.

— Айтганимни қил. Юкхонага арра ҳам солганман. Бор олиб кел!

Кападай бўлиб бўй чўзган сершоҳ, серновда тол тагида узала тушдим. Ниначиқанот оч-

яшил нишурдилар бўртиб чиққан эгик хивчинлар шабадада солланиб роз айтаётганга ўхшайди. Мен толнинг қўшиғини тинглайман, тол мени соғинганини, мени кутганини ҳис қиламан.

...Бундан анча йиллар олдин... Тахририятга бош раҳбар бўлиб тайинланганман. Ўзимча кўп ишлар, кўп янгиликлар қилгим, ўзимни кўрсатгим келади. Мустақил юртимиз оёққа туриб энди ўзини ўнглаб олаётган дамлар. Фидойи замондошлар, меҳнати беминнат камтарин халқимиз ҳаёти ҳақида туркум очерклар ёзишни ният қилдим. Ана шундай муддаога эш сафарларнинг бири водийга бўлди.

Бугунгидай эрта тонгдан йўлга тушдим. Довон йўли ҳозиргидай расамади, рисолаи шаванда эмас, довоннинг таноби тортилмаган, йўл азоби гўр азоби, деган нақл бот-бот ёдга тушаверади. Довоннинг баланд нуктасидан пастлаётиб мана шу ялангликнинг қоқ ўртасида эшакка ортилган хуржунни туширолмай куйманланаётган чолга кўзим тушди: чол ҳарчанд уринмасин икки кўзи алламбалога лик тўла хуржунни туширолмай овора эди.

— Машинани тўхтат! Орқага ол, — дедим ҳайдовчига.

Уловдан тушдик. Азамат ортимдан эргашди.

— Ассалому алайкум, ота! Ҳорманг, ёрдамлашиб юборайликми?

Тангу тажангроқ бўп турган чол бош ирғади.

— Болам куч-қувват кетса шундай бўларкан, — деди синик жилмайиб.

— Отахон, бу нима?

— Нима бўларди болам, қаламча, терак қаламчалари. Жар ёқасига эсмоқчиман.

Атроф тоғу тош. Уй-пуй кўринмайди. Чол бу ерга каердан келди, деган ўй ўтди хаёлимдан.

— Ота, шу атрофда яшайсизми?

— Хув анави тоғ ортидан келдим болам. Йўл чети курук турмасин, деб манавиларни қадамоқчиман. Барака топинглар, энди хуржунни четга олиб бориб беринглар.

Азамат иккимиз зил-замбил хуржуннинг икки кўзидан зўрға кўтариб яланглик чети — жар ёқасига элтдик. Чол эшак жабдуғига қистирилган билакдай келадиган битта толхода ҳамда белкуракни олиб келди. Эни-чуқурлиги бир қарич келадиган хандак қазиб ходани кўмди.

— Ота, шу илдиз олади, тол бўлади, дейсизми?

— Олади болам, олади, тол беор бўлади.

— Ота, қаламчалар неча йилда терак бўлади?

— Икки-уч йилда бўй чўзади, тоғда қишинёзин намгарчилик. Тез олади.

— Сўраганнинг айби йўқ. Неча ёшга кирдингиз. Фарзандлар, ўғил-қизлар дегандай...

— Худога шукур етмиш олтига етдим. Уч ўғил, бир қиз, неvara-чеваралар бор.

Чол жилмайди. Саволим тагидаги саволни англади. Анча зийрак экан чоли тушмагур:

— Ўғилларим Сизга нима зарил, деб уришиб беришади, уйда тинч ўтирсин дейишади-да, мени авайлаган бўлишади. Уларга билдирмай келаман. Хув тепаликка бултур ёнғок, ўрик-гилос экдим. Ўтган йили йўл бошига тоғ олма, тут кўчати экдим.

— Ота, мен Сиз ҳаққингизда худо хоҳласа, яхши бир очерк ёзаман. Сиз ҳаммамизга ибрат-сиз, — дедим ўзимча. Худди менинг мактовимга чол зордай қанча ҳавойи гапларга тўн кийгиздим.

Чолнинг чехрасида кишини ўзига ром этадиган жозиба соҳир эди, айниқса, у жилмайганда, киши диққатини тортиб, қалба илиқ бир меҳр товланарди.

— Энди отахон, худо хоҳласа бу тераклар бир кун келиб анча-мунча пул бўлади-да-а?!

Азаматнинг тос манглайдан ургандай қилиб айтган гапидан ҳушим учди. Ҳангу манг бўлдим. Ер ёрилмадию ерга кириб кетмадим.

— Бунисини билмадим, болам. Бунисини ўйламадим болам, — чол яна жилмайди.

Азаматга ўқрайиб қарадим. Чол билан хайрлашиб, ўзимни машина ўриндигига ташладим: «Эй-ей, фаросатингга ўт тушгур... Лакки! Ҳар каллада ҳар фикр...».

Бир маҳал Азамат келиб машинанинг юкхонасини очаяпти. Қўлида ҳалиги толхода. Жонпоним чиқиб кетди:

— Ҳай, тентак! Бунини нега олиб келдинг. Эсинг жойидами?

Азамат довдираб қолди:

— Чолдан сўраб олдим. Дачангиздаги борбон кетмондаста сўраётувди.

— Ҳей... Сени... Олиб бор, жойига экиб қўй!

Ўшанда чолнинг исмини ҳам, қайси жойдан эканлигини ҳам аниқ сўрамабман. Чолга ёлғончи бўлганим ҳам, чол ҳақида очерк тугул тузукроқ мақола, тўрт қатор хабар ҳам ёзолмаганим рост.

Шунақа гаплар... Орадан йигирма йиллар ўтди. Довондан ўтган-қайтганда баъзида яланглик четида гуркираб ўсаётган ўша бир туп сершоҳ тол ва кўкка бўй чўзиб шовуллаган тераклар сафига кўзим тушади. Баъзи пайтларда нималаргадир чалғиб, хаёл билан бепарво ўтиб кетаман. Оёғим ерга чуқурроқ илдиз отдими, ёки ердан узилиб босар-тусарим бегоналашдимми, нима бўлди, ҳар қалай кейинги йилларда ялангликдаги яшил соқчилар ҳам, чол ҳам хаёлимдан кўтарилиб кетган экан. Ёзиғимга битилган бир воқеа сабаб тақдир суробимни тўғрилаб қўйди.

Шу йил қаҳратон қиш оқшом водийга йўлим тушди. Яқин дўстим тўй қилаяпти. Бормасликнинг иложи йўқ, мажбурият елкада, ҳеч бир баҳона ўтмайди.

Қор буралиб ёғаяпти. Изиллаган изғирин. Йўлнинг тоғ соя солган нишаб жойлари яхмалак, муз қотган. Тўйнинг авж пайтида етиб боришни мўлжалладим. «Нима бўлса бўлди, бос, тезроқ юр», дедим хайдовчига. Довонга ўрлаётган чоғимизда қор янада тезлашди. Ойнасидирги олд ойнага урилаётган қорни тозалаб улгуролмайди. Машина чироқлари нури бўрон тўзғитган қор зарраларини зўрға кесиб ўтади, йўл кўринмайди, борлиқ қор қуюни ичра фарқ бўлган гўё. Нишабликдан шитоб билан тушиб бораяпмиз. Қор бўрони авжига олган олақуюн-оқтойлоқ ичида туйқус рўпарамизда хира ёғду сочган бир жуфт чироқ кўринди. Қаршимиздаги қанақа улов эканини билмадим, четга чикиб бизга йўл берай демайди. Унга бориб урилишимизга бир баҳя қолди, хайдовчи шарт тормоз босиб машинани четга бурди.

Йўл нишаблик, бунинг устига тойғинчоқ эмас-ми, машина турган жойида вертолётнинг паррагидай чирпирак бўлиб айланди, тўхтамайди, бошимдан хушим учиб кетди. «Тамом, йўлдан чиқиб жарликка кулаб, йўк бўлиб кетамиз», деган ўй қисқа сонияларда хаёлимни чакмоқдай тилиб ўтди. Қанча пайт айландик, билмайман, машинамиз ён томони билан нимагадир урилиб такқа тўхтади. Машина ичидан отилиб чиқдим. Аъзои-баданим қалт-қалт этиб, танамда жон қолмади. Қор кўз очирмай ёғаяпти. Изғирин. Ҳайдовчи қўрқувдан қарахт бўлиб машина чамбарагига ёпишган кўйи тош бўлиб қотиб ўтирибди, қилт этмайди. Машинанинг олдинги эшигини очиб уни тушириб олдим. Юзига қор ишқаб ўзига келтирдим. Машина тубсиз жарлик ёқасида ўсган дарахтга ён томони билан тақалиб турар, тубсиз ўпқон зулматидан бизни мана шу дарахт асраб қолганди. Увиллаган қорқуюн кўйнида кўлчироқни ёқиб атрофга назар ташладим. Қорбўронда чайқалиб турган қатор теракларга кўзим тушди. Сўнг... сўнг чироқни яна машинага қаратдим. Аъзои-баданим қалтираб, бўғзимга нимадир тикилди. Оёғимдан дармон куриб ерга ўтириб олдим. Димоғим ачишиб, кўзимдан ёш сизди.

— Азамат, — дедим ўтирган кўйи, — Азамат, — дедим беҳол пичирлаб. — Азамат, қаердалигимизни билаяпсанми?

— Ҳа, хўжайин, — деди Азамат ҳам хириллаган оҳангда.

— Эсингдами, ҳалиги чол эккан тол-теракарлар, биз шунинг қаршисида турибмиз.

— Эсимда...

— Билган бўлсанг, бизни шу бир туп тол ўлимдан сақлаб қолди. Буниям билдингми, Азамат? Сен кетмондаста қиламан, деб суғуриб олувдинг. Буниям эслайсанми, Азамат.

— Ҳа, хўжайин, эслайман...

— Азамат, кел, ёнимга ўтир. Чолни бир дуо қилиб қўялик.

Азамат ёнимга келиб чўккалади. Совукданми ё кўрқув асоратими, қалт-қалт титраяпти, елкаси учиб-учиб тушаяпти, йўқ, йиғлаяпти.

...Узр, хаёлга берилибман. ...Шу воқеалар ёдимга тушди-да.

Хаёл билан бўлиб бошим устида арра кўтариб турган Азаматга ҳам эътибор бермабман.

— Нега қаққайиб турибсан, Азамат?

— Нима қилай, хўжайин? — талмовсиради у.

— Нима қилардинг, анави толдан тўғри ўсган иккита новдани топиб кес. Кесавер. Кетмондаста қиламиз, — кесатдим.

Азамат тайсалланиб турди.

Қизларим ялангликда қий-чув кўтариб тоғ гулларини теришаяпти. Гоҳида капалак ёки тиллақўнғиз ортидан қувлаб қолишади.

Азамат тол новдаларини машина юкхонасига жойлади. Мен тол тагида узала тушиб бироз мизғимоқчи бўлдим. Ёнимга келиб ўтирган хотинимнинг ажабсинган чехрасига парво қилмадим. У юзимга синчиклаб тикилди.

— Эринмаган одамсиз-а? Сизни тушуниш қийин. Лекин, барибир тоққа чиққанимиз яхши бўлди. Қизларингиз мазза қилишаяпти. Қачон қайтамиз?

Хотиним ялангликни бошига кўтариб қий-қириб чопқиллаётган қизалоқларга меҳр билан қараб турибди.

— Бирпас мизғиб олай, кейин қайтамиз.

Офтоб фалакда қиялаган маҳал йўлга тушдик. Хотинимнинг ҳамон менга хавотиру ҳадик билан қараб-қараб қўяётганини сездим. Машина ойнасидан тепамиздаги чўққига назар ташладим. Булутларга санчилган чўққидан атрофга нур тараларди. Оний ҳолатда чўққи ёнида оқ либосли бир чол пайдо бўлди. Чолнинг жилмайиб турган нурли чехрасини аниқ-тиник кўрдим. Бу ўша, менга бундан йигирма йил аввал учраган нуроний чол эди. Мен бу ҳолу ҳодисани шарҳу изох этиб беролмайман. Вужудим жимираб, руҳим ёришиб кетганини ҳис қилдим. Сўнг кўзларимни юмиб олдим.

...Уйга келиб боғ ҳовли эшиги ёнига Азамат кесиб олган ўша новдаларни қададим.

ЕР ҲАЛИ ҲАМ ДУМАЛОҚ

Мен тақдирга ишонмайман, деган одам айни фалон кун, фалон вақтда шу гапни айтишининг ўзи ҳам унинг тақдир китобига аввалдан ёзиб қўйилганини билмайди-да. Қаёқдан билсин?!

Инсон ўз пешонасидаги битикларни ўқий олмайди. Агар шунга саводи етганда эди, бу ҳаётни ўзгартиришга уриниши гумроҳликдан бошқа нарсасиз эмаслигини тушуниб оларди.

Бу ҳаётга нега келдинг?

Жавоб йўқ.

Нега кетасан?

Жимлик...

Шу аҳволингда ҳаётни ўзгартираман, дейсан?

Нима, ҳаётни Сен яратганмидинг? Уни сен барпо қилмагансан, ҳаёт бағридаги баниборлик, жамики тириклик тақдирига ҳам дахл қилолмайсан. Чунки сен ўз ёзиғингни ўқий олмайсан. Уни ўз измингга сололмайсан-ку...

Кичик бир чанг зарраси, кумурсқанинг мўйлови учигаги ғубордан ҳам нимта-нимта одамлар йиғилволиб, ниманидир муҳокама қилишаяпти. Самовот айвонида бу машваратни кузатиб турган икки малак, тубандаги гуруҳ музокараси, айтган гапига юзи қизармаётган бу сурбетларнинг алжирашлари, пинҳоний режаси Яратганга етиб бормасин, дея жонҳалак қанот ёзиб тўсқинлик қилишар, ҳар иккиси самовотни кўкси билан тўсиб муаллақ турар, қанотлари ломакон қадар кенгайиб борар, тубсизлик қаъридан отилиб келаётган ёвузлик уруғидан униб чиққан макруҳ сўзлар эса курраи заминни қоқ иккига бўлиб ташлайдиган даражадаги улкан тигга айланиб, самовотга кўтарилиб, шўрлик фаришталарнинг кўксига санчилар, қанотларига қадалиб азоб берар эди. Бироқ Парвардигор ҳаммасидан воқиф эди. Ердаги гуруҳнинг муддаоси — иблис қутқуси — улар ўзлари яшаб турган маконга ўт қўйишмоқчи. Нуқтадай жойда минг бўлакка бўлиниб, яшаётган қавмнинг ҳуши айниган. Ел бузган, елкасига иблис ўтирган одамлар курраи заминнинг бошқа бир тупкаси аҳли бошига қирғин солмоқчи. Улар шуни маърака-мажлис қилаяптилар. Турли хил ажал аслаҳалари, ядро қуроллари ҳақидаги гаплар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қиёмат-қирғиннинг иси келаётган бу даврада ҳарбий иборалар жарангламоқда. Ўз

тақдир сохилларини ўпириб чиқишга уринаётган тошқин каби одам боласининг қутуриши кўк токидаги малакларни ҳам дахшатга солди.

Малаклардан бири чидай олмади. Тубанга шўнғиди. Нима қилиб бўлса ҳам бу одамларни ўз фикридан қайтаришни ўйлаб, ер томон чексиз тезлик билан учиб келарди. Фаришта қанчалаб қат-қат осмонларни юксакда қолдириб, тубандаги биринчи осмонга ўтиши ҳамоно кўринмас шаклга кирди. У пастликда ястанган уммон тепасида бироз турди-да, қуюқ булут босган қанотларини оҳиста, безор силкиди. Шу лахзада улкан шаҳарлар узра шиғиллаб ёмғир қуйди. Фаришта пастдаги шаҳарлардан биридаги ўша машваратхонага йиғилган одамларнинг айримлари ташқарига ҳайратланиб қараганини англади. Кутилмаганда ёмғир қаёқдан келди? Шаррос қуйяпти. Ҳозиргина қуёш чарақлаб чиқиб турувди. Мамлакат миқёсида об-ҳавога масъул шахс йиғиннинг охириги ўринларидан бирида ўтирган экан, нима қилишини билмай типирчилаб қолди. Стол тагига энгашиб кириб, ўз идорасига қўнғироқ қилди. «Нима гап? Ёмғир қаёқдан келди? Нега жимсан? Икки ҳафта ҳаво очик бўлиши керак эди-ку?». «Биз ҳам ҳеч нарсани тушунмаяпмиз. Синоптик қурилма ҳозир ҳам мамлакатда қуёшли кун эканлиги, ёмғир йўқлигини кўрсатиб турибди-ку...», деган жавобни эшитиб, ақлдан озаёзди. Гувиллаган шамол тўс-тўполони авж олиб, шаррос ёмғир ичида қолган шаҳардаги машваратхона деразасига безовталаниб қараб қўяётган одамчалар қалбига ёруғ нур улашиш учун фаришта анча пайтгача ҳавода қимир этмай турди, сўнг

уларнинг кўнглига илоҳий нур етиб боришига шамол билан ёмғир тўсқинлик қилаяпти, халал бераяпти, деб ўйлади. Сўнг... Сўнг уларнинг қалб йўли аллақачон бекилиб қолганини сезиб қолди-да, вужуд-вужуди титраб, борлиғи ларзага келди. Не бир ахволга тушган фаришта машварат уйидаги юзлаб одамчалардан бири иккиланаётгани, унинг ҳали ёпилиб улгурмаган қалб йўлида ҳаёт нури оқиб турганини ҳис қилди ва шу ҳолатда туйқус теварак-атрофни унутиб, унинг нигоҳини қидириб топди. Шунда эзгуликка хайрихоҳ кимса кўзларидан унинг тақдир китобидаги битикларни уқиб олди ва бу тошқин оломон одамчалар ичида ўзини асрашга уринаётган одамнинг тақдир китобида осмондагилар нукта, деб атайдиган ер масканининг яна бир бурчида шифохона ойнасидан ташқарига қараб турган инсоннинг исмини ҳам ўқиди. Улар ҳаётидаги маълум пайтдаги тақдирдошлик ҳиссини фаришталик илоҳияти ила англаб етди.

У қалби тамғаланган бу одамчалар йиғинига илиқлик олиб киришни Парвардигорга қолдириб, илқис бурилди. Шунда фариштанинг сўл қаноти пасайиб, уммон сувини елпиб ўтди. Шаҳар тошқин ичида қолди. Машварат тўхтатилди. Фавқулудда ҳолат юз берди. Шаҳар кўчаларидаги одамлар саросимага тушиб, ҳар ёнга тўзғиб кетди. Биноларни сув босди. Шамол аралаш урган ёмғир бўронга айланиб, илдизи ожиз дов-дарахтларни таг-томири билан қўпориб ташлар эди. Осмон илоҳи қайтаётиб, дунёи дуннинг бир бурчагидаги ана ўша шифохона дарчасига назар солди. Ичкарида тўшакда ётиб тундлашган осмонга қараб, ёмғир ёғишини

жон дилдан хоҳлаётган хаста аёлнинг кўзлари билан нигоҳи тўқнашди. Ва аёлнинг тақдир китобида дунёнинг чекка бир қисмидаги машваратхонадан ҳовлиқиб чиқиб, таги ўйилиб челақлаб ёмғир ураётган осмон остида тошқин ҳамла қилаётган шаҳарда эс-хуши учиб, уйига шошилаётган Ник Адамс исмини ўқиди!

* * *

Пойтахтдаги казо-казолар даволанадиган шифохонанинг учинчи қавати деразаларидан ҳам олис осмону фалакка бўй чўзган ўрис дарахтларнинг майда тиллабарглари учиб кўкка совураётган куз шамолининг самони қоплаган қуюқ, кулранг булутларни тўзғитиб юборишига мажоли етмади. Дарахт новдаларидан юлқинган тиллабаргларнинг тўзони чирпирак бўлиб учар, гўёки борлиқни хазонрезлик шивири тутган, самодан тиллабарглари ўйнаб ёғаётган эди. Ташқаридаги бу гўзал манзара — мусаввир куз чизган жонли суратга боқиб аёл ёнидаги хонадошига юз буриб жилмайди:

— Ҳозир ёмғир ёғади. Кузнинг биринчи ёмғири! — У тўшакда ётган кўйи деразага маҳтал термулди.

— Ишқилиб биз томонда ёғмасин-да, — зорлангандай бўлди ҳамхона. Сўнг ўрнига тумшайиб ўтириб олди-да, кўшиб қўйди, — ҳали нариги ҳовлимиз битмади.

— Синглим, шкафдан халатимни олиб беринг, — аёл ўрнидан оғир кўзғалиб, деворга суянди.

Кроватда ўтирган ҳамхона таажжуб билан ўрнидан турди. Кенг-мўл пахмоқ халатни аёлнинг елкасига ташлади, дераза ёнига суяб келди.

— Ҳозир ёмғир ёғади, — шивирлади аёл, — ёмғирни томоша қилайлик.

Элик ёшдан ўтган, обрў-эътибори юксак (буни ҳамхона шифохонадаги шифокорлардан тортиб, ҳамшираларгача унга иззат-икром кўрсатиб, муомала қилишидан сезиб қолди) Сора Алиевнанинг айнаи дамда ёш боладай эркалик қилиб, шу ҳолида деразага олиб бор, ёмғирни томоша қиламан, дейиши эриш туюлди. «Опа, сидирғагина ўтиринг, кўнглингизга ёмғир сиққанига ўлайми?...» дейишига оз қолди. Шундай демокчи ҳам бўлди, тилини тишлаганининг сабаби, уйқусизлик пайтида бид-бидлоқ ҳамшира опанинг таъриф-таснифини жойига қўйиб гапириб берувди: опа мамлакатда таниқли жарроҳ, тиббиёт фанлари доктори, профессор, юзлаб шогирдлари бор. Хуллас, машҳур шифокор. Шунинг учун опани келди-кетдилар ҳам чарчатиб қўйяптимикин? Охири, бош шифокор опанинг олдига ҳаммани ҳам қўяверманглар, деб топшириқ берибди. Палатадан одам оёғи бироз узилгани ҳам шундан, лекин кеп-кетиб туришипти, ҳаммаси аzza-баzza одамлар.

Шундай экан, доврқли дўхтирга опа соғлигингизни ўйлаб, жим ётинг, деб бўларканми...

Аёл дераза раҳига тирсак қўйди, кафтларига ияк тираб, ташқарига кўз солди. Шамол ҳам ҳолсизланиб қулагандай бўлди, туйқус борлиқ сукут ичида қолди. Базўр нафас олаётган аёл ботинида, аниқроғи, жигаридаги оғриқни ҳис қилди. Ёмғир исёнини кўксида зўрға ушлаб турган осмон чодирини ердан кўтарилган шовқин, ҳеч бўлмаса, биргина тик этган товуш тилка-пора қилиб юбориши

муқаррар эди, гўё. Лекин борлиқ ўлик сукут оғушида, ўша тик этган товушнинг ўзи йўқ. Аёлнинг бор вужуди калтиради. Пешонасини совуқ тер босди. Қорайиб бораётган осмон токида нимадир ялт этгандай бўлди. Чакмоқ, деб ўйлади аёл. Ҳозир осмон қасирлаб кетади. Бир... икки... уч... Жимлик. Аёлнинг кўз олди қоронғилашди, атроф зимистон тортди, ҳеч нарсани кўрмай қолди. Бироқ қуюқ булутлардан ҳам олисларда, баландда тобора юксалиб бораётган доирасимон нур унинг хаёлини ёп-ёруғ этди. У кўнгил кўзи орқали самовотдаги абадий шуълани кўрди, унга талпинди. Аёл шу нур сари парвоз қиларди, кулоклари остида ёмғир томчиларининг нимагадир, дераза ойнасигами чирсиллаб урилаётгани элас-элас эшитилиб турарди.

Ҳали ўз маконига қайтиб кетмаган фаришта чуқур-чуқурлардан, тубанликдан ўзи томон келаётган аёлни кўрди. Самога кўтарилган сари аёлнинг аъзойи-бадани нурланиб, шаффоф тортиб борарди. Самовий элчи дарҳол шамолни чақириб, ҳовучингни оч, деди. Шамол ҳовучини очди. Фаришта унинг ҳовучини нурга тўлдирди.

— Тез уч! Тезроқ ел! Ҳовучингдаги нурни аёлга ичир. Ортига қайтариб юбор, — деб амр этди.

Аёл навқирон, гулгун яшнаган ёшлик чоғига қайтган, ҳаддан зиёд гўзал эди. Шамолнинг ҳаваси келди:

— Қўй, индама. Келаверсин. Қара, қандайин гўзал, гуноҳсиз — нур бўлиб учаяпти. Ўзинг билан бирга олиб кетақол.

— Йўқ. Ўзим билан олиб кетолмайман. Бу менинг вазифамга кирмайди. Шундоғам бесўрок ерга яқин келиб, одамларнинг майда-чуйда ишларига аралашганим учун Парвардигордан оладиганимни оламан.

...Шамол пастга, тубандан учиб келаётган аёл томон шўнғиди.

Ёмғир томчиларининг нимагадир, дераза ойнасигами чарсиллаб урилиши эшитиларди. Аёл базўр кўзини очди. Ташқарида ёмғир шаррос куймоқда эди.

— Ишқилиб, биз томонда ёғмасин-да. Янги ҳовлимиз битмаган, — ёзғирди ҳамхона.

Аёл ўзига келиб-келмай карахт аҳволда пичирлади.

— Синглим, ёмғирда ивиб кетдим. Шамол ичирган сув ичимни куйдириб боряпти.

Ҳамхонанинг эси чиқиб, эсанкираб қолди. Тик оёқда туриб, алахсираётган одамга илк бор дуч келиши эди. Чиндан ҳам аёлнинг жисму жонидан худди ҳаммомдагидай буғ чиқар, иситма зўридан пахмоқ халати остидаги кийимбоши жикқа хўл бўлиб кетган эди. Ҳамхона нималардир деб эмранаётган аёлни бир амаллаб суяб турди-да, жон ухмида қичкириб, ҳамширани ёрдамга чақирди.

* * *

Фаришта енгил тортди. Бироқ унинг қанотларига ҳамхонанинг «ишқилиб биз томонда ёғмасин-да. Янги ҳовлимиз битмаган», — деган илтижоси юк бўлиб осилиб турарди. Фаришта нурли, ҳарир қанотларини кенг ёзиб, пастга назар ташлади. Ҳамхона айтган ўша «биз томон», деган жойни топди. Сўл қанотини били-

нар-билинмас қилиб, охиста силкиб қўйди-да, ўз маконига парвоз қилди. «Биз томон»нинг осмонини қоплаган булутлар шамол зарбига дош беролмай, тарқаб кетди. «Биз томон» қуёш нурларига чулғанди. Туман марказига туташ қишлоқнинг четида, биринчи қавати ернинг ости, иккинчи, учинчи қаватлари устида қад ростлаган ўттиз хонали уйнинг қимматбаҳо томи ярқираб турарди. Ўн беш, йигирма чоғли мардикор эса, ҳовли йўлакларига бетон ётқизиш билан овора эди.

... Бир ҳафтадан кейин ҳовли тўйи ўтказишни ният этган Ботир ғурбат бирпасда кун очилиб кетганидан қувонди. Агар уч, тўрт кун ичида ёғин-сочин бўлмаса, ҳовлидаги майда, икир-чикир ишларни ҳам тугатиб олишади. Хотини ҳам шу ҳафтада шифохонадан чиқади. Қарсиллатиб зиёфат беради. Дўст-душманнинг ичида ўзини яна бир кўрсатиб қўйгани ҳам яхши-да. Ҳовли тўйи баҳонасида аккам-дуккамга берган тўёна пулларини ҳам йиғиб олади. Нима қипти, бергандан кейин олиш керак-да. Пул зиён қилмайди. Дунёда ҳамма нарсанинг оғири бор. Лекин пулнинг оғири йўқ.

Ботир ғурбат ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиганлар тоифасидан. Ҳамма нарсани — мансабни ҳам, обрўни ҳам пул билан сотиб олиш мумкин, деб ўйлайди. Ҳатто инсоннинг тақдирини ҳам пул ўзгартиради, у ўз тақдир китобини пулга сотиши ёки сотиб олиши мумкин, деб ўйлайди. Агар у ўзи кураётган мана шу қасрнинг умри давомида ҳамма хонасига кириб чиқиши учун вақт тополмаслиги ҳам мумкинлигини англаб етганда эди, умуман, одам боласи учун бунча кўп хоналарнинг, бун-

дай ҳашаматнинг ўзи мутлақ ортиқчалигини пайқаганида эди, ўзининг еб тўймас касалга йўлиқаётганини тушуниб қоларди. Шунинг учун ҳам инсон инсон-да, — ўзининг фожиясини англамайди. Нафснинг майда яраси маддалаб кетса, эҳтиёж ўпқонга айланади. Бу дунёнинг барча қирғинбаротлари, урушлари ана шу ўпқонни тўлдириш эвазига содир бўлмокда.

Фаришта қат-қат осмонлардан юқорига учиб ўтаётиб, пастликка — ерга яна бир қараб қўйди. Ботир ғурбатнинг тақдир китобининг қайсидир бандларига кўз ташлади. Фаришта «ердаги ҳаёт бунчалар мураккаб, одамлар тақдири бир-бири билан шунчалик чамбарчас боғланиб кетган», деган ўйга келди.

* * *

Ажал чангали чанг солиб турган бемор Сора Алиевна анчадан бери бундай оромбахш уйқу оғушида ҳузур топмаган эди. Аёл узоқ ухлады. Ҳамшира дамба-дам палатага кириб, ундан хабар олиб турди. Бўлим бошлиғи икки марта унинг томир уришини текшириб кўрди — бир маромда. Бош шифокор дунёга доврукли дўхтир, ўз соҳасининг пири бўлган академикни бошлаб келди. Аёл ҳамон ухларди. Академик беморга синчиклаб назар солди:

— Безовта қилманг. Ҳаммаси яхши. Ваҳимага ўрин йўқ.

Кутилмаган мўъжиза юз бераётганди, гўё. Аёлнинг юзига қон югуриб, тиниқлашган чехрасини ўлим шарпасининг мискин сояси тарк этганди. Бош шифокор туйқус миясига келган ўйдан бир сесканиб тушди: «Ўлим олдидан ин-

сон соғлом ҳолига бир қайтиб олади, деган гап наҳот рост бўлса?» Зукко академик унинг хаёлидаги кечинмани англаб бош чайқади.

— Хавотир олманг. Ҳаммаси яхши. Ҳамкасбимиз танасига ёпишган дардни рухий қудрат, ботиний муолажа билан енгиб ўтаётганга ўхшайди.

Ҳамхона эса гоҳ ҳеч нарсадан беҳабар ухлаётган беморга, гоҳ унинг тепасида нималарнидир муҳокама қилаётган шифокорларга хавотир билан қараб қўярди. У хонадагилар беморнинг дераза ёнига боргани-ю, оқибатда зўриқиб йиқилгани, алахсиб ҳушидан кетганини, бунда ўзининг ҳам иштироки борлиги, деразага қадар суяб борганини шифокорлар сезиб қолишидан чўчирди. Ҳамширанинг оғзи маҳкам экан. Мумтишлаб турибди, чурқ этмади — чақимчилик қилмади.

Шифокорлар хонадан чиқиб кетишди. Ҳамхона ўзини уйқу оромига топширган Сора Алиевнага узоқ тикилиб турди. Аёлнинг чехрасига табассум инди, сўнг кўзларини очди, жилмайиб қўйди, дераза томон оҳиста юз бурди:

— Ёмғир ёғаяптими?

— Опа-ей, ёмғирингиз ҳам бор бўлсин-а. Ёғаяпти. Ёғаяпти. Шу ёмғирни деб ўтакамни ёрдингиз-а. Озгина қолди-я, хайр-хўшни насия қилиб кетворай дедингиз.

Аёл ҳамхонанинг бегидир гапларига яна мулойимгина кулиб қўйди.

— Менга қаранг. Сиз менга косада муздек сув тутдингизми?

Ҳамхонанинг юраги шув этди. Уни яна ваҳима босди:

— Вой... Жон опа, кўрқитманг. Нима бало, яна алахсираяпсизми? Ишқилиб, бирор нарсага йўлиқмадингизми, опа?

Сора Алиевна тўшакда ўзини ўнглаб, ёстикни белига суяб, яримбел бўлиб ўтириб олди. Ҳам-хонага синовчан тикилди:

— Сизнинг исмингизни ҳам сўрамабман. Бўларимча бўлиб, ўзим билан (у ўлим билан демади) ўзим олишиб ётдим, шекилли...

— Ҳа... Кўп алахсирадингиз... Бугун яхши. Анча яхшисиз... Ҳа-я, исмим — Барно. Сизнинг исмингиз — Сора опа. Келди-кетди одамлардан билиб олдим. — Барно соддалик билан яна кўшиб қўйди. — Ўзингиз ҳам катта дўхтир экансиз.

Сора Алиевна бош ирғаб, кулиб қўйди. Сўнг яна деразага кўз ташлади.

— Ёмғир чиройли ёғаяпти... Мен энди соғайдим, худога шукур, соғайдим, — деди оҳиста. — Қизик, анчадан бери туш кўрмай қўйгандим. Ҳозир туш кўрибман. Тушимда ўғлим — Ёдгорим отаси билан бирга тезоқар дарё қирғоғида турганмиш. Отаси ўша йигирма беш ёшида эди. Мен дарёда, тип-тиник, тезоқар дарё сувида оқиб бораяпман, денг. Улар қирғоқда туриб, менга қўл силкишади. Кейин... уйғониб кетдим. Аъзойи-баданим куйиб-ёниб қақшагани учун дарё сувини туш кўргандирман, эҳтимол.

— Опа, тиник сув — яхшилик аломати. Яхши туш кўрибсиз.

— Ким билсин.

— Опа... Бир нарса сўрасам...

— Хўш.

— Ўғлингизнинг исмини Ёдгор дедингиз. Болангиз қорнингиздаги пайти эрингиз вафот этганмилар?

Сора Алиевнанинг вужудини титроқ босиб, лаблари пирпиради. Ботинида алланечук оғрик қўзғалгандай бўлди, бироқ шу лаҳзада ички бир қатъият, ҳаётга ташналик туйғусининг лаззатли шавқи руҳиятига кўтаринкилик баҳшида этаяпти, боши тип-тиник, вужудини кемириб, ич-ичини дард оловида ёқаётган оғрик азоби қаёққадир чекингандай. Унинг бу ҳаётсеварлик кайфиятига мосу хос тарзда ташқарида шиғирлаб ёмғир ёғаяпти. Дунё кузнинг намчил нафаси оғушида. Ҳаётнинг энди майда-чуйда дарди хасратларини этагидаги чангдай қокиб, ҳаё-хут, деб қўл силкиш керак, вассалом. Сора Алиевна ҳамхонасининг юзига тик қаради:

— Йўқ. Эрим ўлмаган. Аллақаерларда юргандир ҳам.

— Опа... Жон опа, мени кечиринг.

— Ҳечқиси йўқ. Майли, сизга гапириб бера қолай. Очиғи, бу мавзуда сўз очишни сира-сира хоҳламаганман. Бугун... бугун негандир, гапиргим келди. Қизиқ, тамомила бошқача одамга айланиб бораётганга ўхшайман. Хўш, чалғимасдан, сизга бор ҳақиқатни гапириб бераман, чунки тинкамни қуритган оғрик юки ҳамон юрагим тубида чўкиб ётибди. Эшитинг...

Сора Алиевна бошидан кечирган ўша олис хотиралар ҳақида сўзлаб, нотанти ҳаётнинг хиёнатлари, тақдир зарбалари билан яна бир бор рўбару келгандай бўлди. Барно ҳам унинг бошдан кечирган кунлари борасида мубҳам тасаввурга эга бўлиб, қандай қилиб опанинг кўнглини кўтариш ҳақида ўйларди:

— Номардлик кипти-да.

— Ким билсин? Эҳтимол, орзу-мақсади, ўй-режалари барбод бўлгани учун у шундай

қилгандир... Мен энди унга керак бўлмай қолган эдим-да, — Сора Алиевна оғир тин олди.

Жондорга жола қилсанг ҳам номардга нола қилма. Бебурдлик қалбини қанчалик ўт азобида қуйдирмасин, Сора ўшанда унинг ортидан эргашмади, чўк тушиб ялиниб-ёлвормади. Палаги тоза гул кўлмакдан сув ичмайди.

* * *

Сора тиббиёт ўқув даргоҳида ўқирди. Йигит қишлоқ хўжалик институтида таҳсил оларди. Қизнинг отаси йигит ўқийдиган институтнинг ректори эди. Онаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг бирида юқори лавозимда ишларди. Йигитнинг отаси ўша пайтлар Олтиндаланинг номи чиққан хўжалигини бошқарарди. Раис. Ўғли ёлғиз эди. Отанинг якка-ёлғиз таянчи, суянчи, насли-насабининг давомчиси. Раис ёлғиз ўғлининг келажаги учун ҳеч нарса, ҳеч бир ғов-тўсиқдан қайтмас, сув келса симириб, тоғ келса кемирар эди. Ўқиш давомида донгдор хўжаликнинг довруқли раиси сифатида тўппа-тўғри ректорнинг хонасига кириб келаверарди. Эшикни ректорнинг ўзи очарди, чунки меҳмоннинг икки кўли банд бўларди. Олтиндаланинг катта бир хўжалигидан топган ўмарганини Тошкентга, аниқроғи, ректор амакининг уйига ташиди. Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш, уч кўрган қариндош, тўрт кўрган қуда-қондош. Ректор ота рози, ҳуқуқшунос она рози-ю-рамзада. Яхши-да, кимсан, фалончи раиснинг яккаю ёлғиз арзандаю дармондаси! Бунинг устига «Одам қилинг, шугина кўз қорамиз Тошкентда қолсин...», дея бош эгиб

турибди. Данғиллама ҳовли ҳам олиб бериб, ёлғиз ўғлини буларга кўшқўллаб топшираяпти. Ичкуёвдан нима фарқи бор! Сора-чи, Сора? Сора ота измида, она раъйида эди. Муҳими, у куёв бўлмиш билан учрашганди. Сиртида сиртлоннинг салобати бор. Бирок ичи... ичини билмади. Ичида не гап, билмадим, деган эди, онадан балога қолди: «Тентаклик қилма! Ёлғиз ўғил бўлса ҳам бизнинг ёнимизда қолаяпти. Сени ўша Олтиндаласига судраб обкетиб, даласига тикиб қўйса, нима қилардинг!». Онанинг гапи жўяли. Отанинг гапи уяли. Майли, деди. Рози бўлди. Буёғи тўй. Раиснинг ҳам боши осмонда. Кимсан, ўша даврда мамлакатнинг етук кадрларини тайёрлаб берадиган ўқув даргоҳининг ректори, янаям айтса, фалончиписмадончиевнинг туғишган укаси билан қуда бўлаяпти. Энди унинг олдида райкомиям, керак бўлса, обкомиям зириллайди. Олтиндалада бошланган тўй Тошкентда давом этди. Тўйнинг зўри Тошкентда бўлди. Тўғри-да, куёв шаҳарда қолаяпти-ку, қайнотанинг кенг қаноти остида обдон яйрасин, амал-памални ҳам пойтахтда эгаллагани яхши-да. Катта шаҳардан учган барг ҳам қишлоқнинг дарахтига оғирлик қилади. Барибир пойтахт деган номи бор. Ҳа, энди бирор вазифалик ишга ўтиб қолса кўринг, Олтиндаланинг улуғидан тортиб жупкарчи йўриғигача соясига салом беради. Хуллас, ёлғиз ўғил, ёлғиз қиз оила қуришди.

Манфаатнинг миси, миннатнинг иси чиқади, барибир. Манфаат пойдевори устига қурилган оила иморати мўрт бўлади. Турмушнинг шунчаки эсан шамоллари ҳам қулатиб юборади.

Бирок Соранинг ҳаётида қисмат довули ўкирди. Бу шунчаки шабада эмас эди. Тўйдан кейин етти ой ўтар-ўтмас, иқбол қуёшини қайғу тўзони қоплади. Унинг ота-онаси — ректор ота, ҳуқуқшунос она водийдан қайтаётиб автоҳалокатга йўлиқиб, ҳалок бўлишди, Сора бу ҳаётда муаллақ қолди. Суянч тоғлари қулади. Ўзига куч-қувват бериб яшнатаётган муқаддас илдизларини аллақандай бир куч рўйи замин қаъридан суғуриб ташлади. Сора тош-метин, юзи қаттиқ ерга гурсиллаб қулади, гўё унинг ўрнидан туриши амримаҳол эди. Ана шундай тўзон-тўфонли чоғда амакиси фалончи фалончиевичнинг ҳам тегирмони тескари айланди. Уни ишдан олишди. Москвадан келган терговчилар бўйнига ўн йиллик умр ўлчовига зомин бўлажак жинойт юкини осишди. Энди ким қолди? Соранинг суянчи У эди. Ёлғизгина У.

Бир куни раис ота келди. Ҳовлига боши кириб, кети қайтди. Ўғилни четга имлаб чақирди:

— Бу қарғиш урган хонадон менинг ҳам, сенинг ҳам бошингга бало бўлмасин. Тамом, шартта кес! Ҳаммаси тугади. Касофати ўзларига урган бўлсин! Энди келажакни ўйла! Олдимга туш, кетдик! Нима? Бунинг хотин бўлгани гўр бўлармиди? Ажраш. Биров билиб, биров билмасин! ФҲДЁга ариза бериб кетамиз.

Бу гапларни Сора эшитди. Жони жаҳони зимистон тортди. Ўзини базўр тутди. Музтар, нотавон ўғил отанинг йўриғида йўртанглаб, финг демай, олдига тушиб кетаверди. Олти ойлик гумонаси билан Сора қон-зардоб ютиб қолаверди.

Тақдир укубат гирдобига улоктириб юборган Сора ўғил кўрди. Ёдгор, деб исм қўйди.

Ёдгор ёшига етар-етмас, Сора уни онасининг синглиси — холасига қолдириб, ҳарбий шифокор сифатида афғон урушига кетди. Ҳасрат имлосида битилган тақдир китобининг кейинги саҳифаларида рўшнолик акс этганига унинг ақли етмас, дунёда бахт-саодат борлигига энди ишонмас эди. Нима бўлган тақдирда ҳам бу ерлардан олис-олисларга кетишни, ўқ ёмғирлари ичида жон олиб, жон бериб яшашни афзал билди, бирор дайди ўқ ўлжасига айланиб, ўлиб кетиш энди унда ҳеч қандай кўрқув уйғотмасди.

* * *

Сора ўша кора кунлари ҳақида ҳаётда илк бор оғиз очмоқда эди. Юрак қаърида ётган дард достонини у илк бор ҳамхонаси Барнога айтди. Балки бугун ажал остонасидан қайтиб келгани, ҳаёт яна кўзига гўзал ва сержилва кўрингани, қалбида яшашга иштиёқи ёниб, тириклик чечаклари ниш ура бошлагани учун шундай қилгандир...

— У жуда пасткаш, ифлос одам экан, — деди Барно ниҳоят кўнглида алланечук оғрик тўлғоғини ҳис қилиб.

— Мен ундан ажралганим учун хафа эмасман. Бу ходиса вақтида рўй бергани учун тақдирга шукур қиламан. Мени бошқа нарсани қийнайди. Агар одам боласи мансаб, обрў-эътибор, бойлик йўлида муқаддас оиласидан ҳам воз кечишга қодир бўлса, у бу ёруғ дунёда бошқа ҳамма нарсани оёқости қилишга, керак бўлса, ота-она, Ватан деган тушунчаларга ҳам хиёнат қилишга қодир бўлади. Ватанини ҳам сотиб юбормайдими? Дунёдаги улкан фо-

жиалар нафс балоси комида тўлғонган бебурд ва очофатларнинг иши-ку. Ер юзидаги улкан фожиалар одам боласининг бир-бирига қилган машъум муносабати, хиёнати эвазига содир бўлмаётими? Улкан фожиалар аслида шу хиёнатлардан урчимайдими?

Барно жим, ҳайрону лол қотган эди. У бундай гапларни умри бино бўлиб эшитмаган эди. Бойлик ва мансаб-мартаба ҳақида бундай гапларни тинглаб шўрлик жувон гандираклаб қолди. Юзи окарди, кейин дув қизарди.

— Мен ўша ёқда, афғонда кўп нарсаларни англаб етдим. Инсоннинг лаҳзалик ҳаёти бу дунёнинг барча мартаба-ю сийловларидан авло экани, яшаш, тириклик, қуёшни кўриб туриш, ёмғирдан завқланишнинг ўзи инсонга берилган энг улугъ неъмат экани, тинч ва осойишта ҳаёт одам боласининг бахт-иқболи, саодати эканини ҳис қилдим. Кобулдаги марказий госпиталга америкалик бир журналистни олиб келишди. Бояқиш ўзича ҳаётни ўрганаман, деб афғонга сандироклаб келган экан. Мен унинг чап кўкрак қисмига санчилиб қолган осколкани олиб ташладим. Ичкарига кириб кетган темир парчаси юракни тилкалаб ўтишига оз қолганди. Журналист рус тилида яхши гапирар эди. Ким билсин, балки шпionдир. Хуллас, у икки ҳафта ўтиб госпиталдан чиқиб кетаётиб, менга бош эгиб таъзим қилди-да, қўлларимни ўпди. Кўзларидан ёш сизди:

— Ҳаётимда содир бўлган барча катта-кичик воқеалар, яхши-ёмон ходисалар, ғам-аламли кунларни чархнинг ҳазили, шунчаки майда гаплар, деб ўйлай бошладим. Уруш менга бу дунёнинг икир-чикирларига қўл силкиш-

ни ўргатди. Одамзоднинг барча қилгуликлари, пасткашликлари уруш фожияси олдида ҳеч нарсага арзимай қолади. Ўзингизни асранг. Мен умримнинг охиригача тинчлик учун курашаман ва бу йўлда ҳамиша сизни ёдга олишга ҳаракат қиламан, деди. Унинг исми Ник эди. Ник Адамс.

* * *

...Самовот тубида бу суҳбатни эшитиб турган икки фаришта бир-бирига маъноли қарашди.

— Улар айни дамда бир-бирини ўйлаб турганини, бир-бирини ёдга олаётганини ўзлари сезишяптими, — деб сўради ҳали ерга яқин келган фариштадан шериги.

— Йўқ. Улар буни билмайди. Қара, анави Ник Адамсга қара!

Машваратхонадан бир алфозда уйига етиб келган Ник сув босган ҳовлидан ақл-ҳуши учган кўйи чопиб ўтди-да, ўзини ичкарига урди. Уй ичи ҳам сувга тўлган. Хотини ҳали ишдан қайтмабди. У сув кечиб у ёқдан-бу ёққа югургилаб ичкарилади. Шунда ярим белигача пўртанада қолган шкаф устидаги бароқ мушукчага кўзи тушди. Мушукча Никка зорлангандай бўлди.

— Бизнинг савдойиларча дунёни кўрқитиб, таҳликага соламан, тобе қиламан, дея қуюшқондан чиқиб жазавага тушишимиз, жаҳонни уруш жари ёқасига олиб бориш даражасидаги телбаликларимиз учун Парвардигорнинг қаҳрини қўзғатганимизни англаб етмаётганга ўхшаймиз, — деб ўкинди.

Сўнг ўша шкаф устидаги бароқни суратга олди-да, ёвоч пиллапоядан кўтарилиб, ёзув хо-

насига кирди. Компьютерни ёкди. Интернетга сув ичида қолган мушукча суратини жойлаб, бояги Машваратбошига хат жўнатди. «Жаноб, раҳмингиз келсин. Уруш бошламайлик. Одамлар, болалар, ҳамма-ҳамма нарса хонавайрон бўлади. Анави мушукчанинг мунг-озорли кўзларига қаранг. У бизларнинг гуноҳларимиз эвазига шу аҳволга тушди. Бу дунёда ҳеч нарса жавобсиз қолмайди, жаноб! Бу фалокатлар беҳуда эмас. Ҳали вақт бор, ўйлаб кўринг! Ҳа, мен тинчлик учун курашаман! Уруш оловидан омон чиққан куним бир гўзал аёлга сўз берганман. Умрим охиригача тинчлик учун курашаман деб! Унинг исми Сара! Тинчлик учун курашаман, Сара!...»

Ник Адамснинг ушбу электрон хати бир зумда дунёга тарқаб кетди. Жаҳоннинг барча телеканаллари Ник Адамснинг сурати тагида ушбу хатини титр қилиб бериб, турли хил шакл-шамойилда шарҳлаш билан овора эди.

— Анави жувон телевизор пультаини қўлга олди. Телевизор қўймоқчими? — деди биринчи фаришта.

— Ҳа, шундай, — деди ерга яқин келиб кетган фаришта.

Қайсидир телеканал дунё янгиликларини бермокда эди. Экранда фалокат юз берган шаҳарнинг сув тошқини ичида қолган хонадонларининг бирида, шкаф устида бир амаллаб жон сақлаб турган мушукчанинг тасвири. Тасвир тагида шундай ёзув бор. «Уруш вайроналари ичида болалар бундан ҳам кўра даҳшатли ва аянчли аҳволга тушадилар. Раҳмингиз келсин!...» Телеканал ушбу ҳайқирик муаллифининг сувратини намойиш қилди. Сора Алиевна

қизғиш жингалак сочли, кенг пешона, юзида табассум инган, кўзойнак остидаги нигоҳлари чакнаб турган бу одамга узок тикилиб турди. Кимгадир ўхшатди. Эслолмади.

— Ўлсин. Ҳамма томонда уруш, қирғин, фалокат, — Барно телевизорни ўчириб қўйди.

* * *

Сора Алиевна ташқарига қаради. Ҳамон ёмғир ёғмоқда. У мўъжиза рўй бериб, тузала бошлаганига энди мутлақо амин бўлди. Айни дам ўрнидан туриб дераза ёнига бориш, шифохона сахнидаги кузги боғни томоша қилишни жуда-жуда истаётган эди. Бироқ ҳамхонасининг бу гал айюҳаннос солиб юбориши, шифокорларни яна безовта қилиб қўйишини ўйлаб кўзларини юмди. Шу чоғда ҳамкасбларини ҳар лаҳзада тузалиб, кучга тўлиб бораётганига ишонтира олмасди. Чунки бундай ўзгариш ҳали тиббиёт илмида кузатилмаган... Кутилмаганда аёлнинг соғлиғи ўнгланиши тиббий назария ёхуд тажрибаларга мутлақо зид ҳодиса эди.

Уни уйқу элитган экан, қўл телефоннинг беҳос жаранги уйғотиб юборди. Барно ким биландир шанғиллаб гаплаша кетди:

— Алло, нима? Нима бўлди? А? Яхши эшитмадим. Хўп, Хўп. Бугун келмайсизми? Болалар яхшими? Ҳовли нима бўлди? Яхши! Бизда ёмғир ёғаяпти. Ҳа-а, худога шукр, куёш чиқиб турибди, денг. Яхши, мендан хавотир олманг. Хўп, майли.

Барно ҳамхонаси томон ўгирилиб, уни уйғотиб юборганидан хижолат тортди.

— Опа, узр... Хўжайиним телефон қилди. Эртага келаркан. Бугун ишим бор, деди.

...«Биз томонда» туман марказига кетаётган Ботир ғурбат асабий ҳолатда қўл телефонни чўнтагига урди. Ўзига ўзи ғўлдиради:

— Ҳей, энағарди қизи. Гапнинг бош-охирини тушунмайди. Мен нима дейману қўбизим нима дейди? Буниям эси-дарди ховли тўй. Кўнглимга қил сифмай турганда, кетимга кетмон уриб, чилдирма чалади, энағарди қизи.

Ботир ғурбатнинг жиғибийрони авжида. Нима фалокат бўлиб, энди прокуратурага чақириб туришибди. Газанда Чехип чол ёзиб берибди. Ҳамма томонни хусусий қип, еб тугатди, қишлоқнинг таъмирласа бўладиган икки юз тонналик сув минорасини ҳам кесиб кетди. Ҳазарбоғ каналининг тагидаги қурилиш идорасини талон-торож этиб, атайлаб банкрот қилиб тугатди, деб ёзибди чаён чол. Қишлоқдаги клуб билан кутубхонани ҳам ўғлининг номига расмийлаштириб, ўрнига қассобхона, гўшт дўкони, кафе-бар қуриб олгани ҳам четда қолмабди. Ёмони, Сувлисой ўрмон хўжалигининг тоғ ён-бағридаги уч гектар ердаги арчазорни кесиб, пуллаб юборганидан ҳам хабари бор экан...

Бу атрофда унга ҳеч ким миқ этолмай келатувди. Мана шу қари қирчанғи бош кўтарди. Шунини деб боласи тенги прокурорнинг олдида кеча бўларича бўлди. Бугун яна чақирибди. Машқи баландга ўхшайди мишиқининг. Раҳматли отаси Раис бовага ҳам ўхшаб кетади, чап қошини учуриб, ўнг кўзини қисиб қараши отасининг ўзи! Кеча қаршисида шу келбату салобати билан довдираб қолди, терлаб кетди. Ҳе-ей, мансаб отидан тушсанг, кашқир

хам, кучук ҳам талайверар экан-да. Туманнинг раҳбари бўлиб юрган пайтларида шимидан тушган чангга кўрпа тўшайдиганлар саф тортиб турарди. Ундан сўнг вилоятда ўғитдорининг каттаси бўлган кезлар ҳам дами дарёни тоширадигандай бутун кишлок аҳли бир оғиз сўзига махтал бўлгувчи эди. Бугун-чи, бугун уни кўрганлар ўзларини панага олишадди, кўриб-кўришмайдилар гўё. Ботир ғурбатнинг қалби алам ўтида қоврилаяпти. Айниқса, прокурор чақиргандан бери ҳаловати ҳавода, чақиртикон устига йиғилгандай минг бир азоб нишига нишон.

— Кўзинг ўйилгур Чехип чол. Юзингда кўзинг борми демади. Сен ҳеч қачон давлатни ўйламагансан. Давлатни ҳам ютадиган ўпқонсан деди... Аламини олди, бойўғли. Барибир ичида захари занглаган экан, энағарди — ижирғаниб қўйди ўзича.

* * *

Ботир ғурбат ёшликдаги ўша воқеани эслади. Ўнинчи синфни тугатиш арафасида. Ҳамма баҳолари беш. Кимсан фалончи раиснинг ўғли. Раис бова чап кўзини қисиб, ўнг қошини учирса борми, мактаб-пактаби, ўқитувчи-мўқитувчиси билан... Бироқ рус тили ва адабиёти фанидан иш чаток эди. Қайсар Қоржов малим Ботирга «отанг Боботоғни кўтариб турган бўлса ҳам ўзинг билган баҳони оласан. Манманлик майиб қилади бола», деди захархандалик билан.

Қоржов қайсарни раис уйига чақиртирди. Шотирлари муаллимни шипиллатиб солиб келишди. Сўрида девдай бўлиб ўтирган раис қўлининг учи билан кўришди.

— Ботирбойди биласиз. Ёлғиз болам. Шу боланинг эртаси, менинг ҳам эртам бўлади, малим! Кўнгли ўксимасин, олтин медаль олмоқчи бўп турибди. Шу ўрис тилингизни ўрганиб олар... Баҳосини қўйиб беринг... Кейин, Говтўда томондан ўн беш сотих ер бераман, ҳовли-повли тиклаб олинг, малим! Шуйтинг, буйтиб болани хапа қилманг?

Сўри ёнида яп-янги «Жигули»ни ювиб-артиб турган Ботир бу гапларни ўз қулоғи билан эшитди. Отасининг салмоқли гап-сўзи болани тўлқинлантириб юборди. Қоржов малимга қараб юз ифодасида кинояли жилмайиш пайдо бўлди.

— Узр, раис бова. Ўғлингиз, шу, шу рус тилини, рус адабиётини умуман билмайди, ўқимайди, ўқимаган. Ҳеч бўлмаса Чехипнинг бир нарсасини айтиб бер, десам, қўл силкиб жойига ўтириб олди.

Раис мийиғида кулди:

— Чехип, ким у?

Муаллим кип-қизариб кетди:

— Шундай катта ёзувчи бор.

Раис:

— Ҳим-м-м! Нима қиласиз? Беш қўясизми?

Муаллим раиснинг юзига тик қаради.

— Йўқ. Ўғлингиз икки баҳога ҳам билмайди. Майли. Сизнинг ҳурматингиз учун уч қўяман.

Шундай деб ҳовлидан чикди-кетди. Раис ҳангу манг бўлиб қолаверди.

— Энағар Чехип, мен сенга ҳали кўрсатиб қўяман!

Шу-шу раис бова унга Чехип, деб отми, лақабми қўйди. Раис айтгач, бошқаларда жон

коладими, бошқалар ҳам уни Чехип деб чақирадиган бўлишди.

* * *

...Ботир ғурбат прокурор ҳузуридан бўларича бўлиб чиқди. Йўл четида анчагача эгаси урган маймунга ўхшаб, шумшайиб турди. Бетимнинг қаттиқлиги болтани кемтик қилади, деб ноқис ўйлаган экан. Кетига муз ургандай бўлиб, яхлаб ўтирибди энди. Фаромуш алфозда прокурор билан бўлиб ўтган воқеани хаёлидан ўтказди. Аъзойи бадани қалтираб, кўкрак кафаси сиқила бошлади. Нафас олиши ҳам бинойидай эмас. Оғир. Кўкси оғир. Кўз олди жимирлашди. Ўзини зўрға тутиб дўконга кириб, газсиз сув олиб ичди. «Тўхта, бир бошдан эслайин, қаерда бефаҳмлик қилдим,» — ўйлади у.

Кирди. Тўрда прокурор ўтирибди. Худди раис бованинг аччиқланганига ўхшаб, чап кўзини қисиб, ўнг қошини учирди. Ботир ғурбат аллахаёл бўлиб кетди. Хуллас, ундан-бундан алжираб, ён чўнтагига кўл солиб ҳам кўрди. Конверт жойида. Кейин... Прокурорга хизмат-пизмат бўлса қилишини, атагани ҳам бор эканлигини писанд қила бошловди, прокурорнинг ажинаси кўзиб қолди. Ўрнидан сапчиб туриб кўли қора телефонга қараб югураётувди, Ботир ғурбат ўрнидан туриб, ялиниб-ёлворишга тушди. Унинг олдида тиз чўкиб, бидирлай кетди. Прокурор ўзини босиб олди. Лекин қаҳрини босолмади.

— Сур бўтдан. Ҳозир тикиб қўяман!

Ботир жон ҳолатда эшикка югурди. Қочиб чиққан жойи мана шу ер! Энағарди боласи, тикадиган жойига тикиб қўйишига озгина қолди.

Одамларчиликдан узоқда экан, падарлаънат!
Ҳечқиси йўқ. Эртага Тошкентга кетаман... Се-
нинг суробингни Тошкент орқали тўғрилайман.

* * *

...Кузнинг яна бир тонги отди. Олам кўз
ёриш олдидан кузак боғлари қирмиз ёғдулар
оғушига чўмди. Барно ўрнидан туриб пардани
суриб, деразанинг бир қанотини қиялатиб очиб
кўйди. Кечаги ёмғир тинган, намчил боғлар
узра тортилган куз чойшаби шуъласи дов-
дарахтлар баргига жилва берар, борлиқ оқариш
олдидан тўлғониб, чулғониб туради. Об-хаво
илик. Очiq дераза қаноти орқали хонага куз-
нинг баҳорийми, наҳорийми ҳавоси кирди. Бар-
но ҳамхонасига кўз ташлади. Сора Алиевна
уйқу аралаш нимадир деб алахсигандай бўлди.
Сўнг кўз очиб Барнога қаради. Оғир хўрсинди.
Шифтга тикилиб турди. Яна ғалати туш кўрибди.
Тез оқар дарё. Дарё қирғоғида қийғос гулга
кирган сершоҳ улкан дарахт бор эмиш. Ёдгор
ана шу дарахтнинг бир шохига чиқиб олиб
ўтирганмиш, ўғлининг отаси. У ҳам навқирон
ёшида эмиш. Унинг қўлида болта. Дарахт тана-
сига болта ураяпти, — уни кулатмоқчи. У бол-
та сермаганда дарахт бир чайқалиб кўяди. Сора
бор овозда, қичкириб йиғлаяпти, лекин овози
чикмайди. Олисда қўлида оқ байроқ кўтариб,
бир қўлини ҳавода силкитиб, кимдир чопиб
келаяпти. Сора таниди, бу Ник Адамс эди. У
дарахтга яқинлашиб, нималардир деб бақирар,
дарахтни айланиб югурар, уни кесаётган одамни
шаштидан қайтаролмас эди. Нимадир тарақлаб
уйғониб кетди...

Дераза қанотини қия очаётган Барнони кўрди.

Сора Алиевна анчагача шифтга тикилиб ётди. Барно унга чурқ этмади. Сора Алиевна вужудига дармон қайтиб, танаси қувватга тўлганини ҳис қилди. Ўрнидан туриб, ювиниб-таранди. Ўзига оро берган бўлди. Ойнага ҳам қаради. Кўзлари тубида порлаган ажиб сеҳрни кўрди. Мийиғида кулиб қўйди. Бир оздан сўнг нонушта қилди.

Пешинга яқин кун яна қовоқ уйди. Осмонни булут қоплади, кузакнинг асаби таранглашди. Узоққа чўзилмаган эзгин сукунатдан сўнг ёмғир қуя бошлади. Худди кечагидай. Куз боғи ёмғир қамчилари ичра титради. Сора Алиевна табиатнинг бу мукамал ижодига маҳлиё бўлиб термуларкан, хона эшиги тақиллаб, ичкарига ўғли — Ёдгори кириб келганини ҳам пайқамади. Жойидан дик этиб турган Барно қаршисидаги келишган, хушчакчак, басавлат, катта тим қора кўзлари порлаб турган, вужудидан йигитликнинг шаҳди-шижоати ёғилиб турган ўғлонга бир зум маҳлиё бўлиб, тикилиб, ҳамон дераза ёнида ташқаридан кўз узмаётган Сора Алиевнага қаради:

— Опа, Сизга... Сизга меҳмон келди.

Сора Алиевна дераза ортидаги ажиб гўзаллик сеҳридан узилиб, ўғли томон ўгирилиб, унинг бағрига отилди.

— Болам, болажоним. Соғ-омонмисан... ишларинг яхшими? Бораман, деб телефон ҳам килиб қўймадинг. Мен... Мен... Соғман... Соғайдим, соппа-соғман, болам.

Аёл ўғлининг кўксига бош қўйиб, қалбида оналик меҳри ва ғурур-ифтихори тошиб, кўз

ёш тўкарди. Ўғил ҳам онасининг оёқда тик туриб, қарши олганлигидан ўзида йўқ шод эди.

Ёдгор курсига чўкди. Сора Алиевна ўғлининг қалин тим-қора сочларини силаб, пешонасидан ўпди.

Аёл ўлим чангалида дард билан жон олиб, жон бериб олишганда, энг аввало, ўғли билан хайр-хўшлашиб, сўнг бу дунёдан рози-ризалик сўраб қўйганди. Бугун, бугун эса жони-танига куч ёғилиб, яна ҳаётга қайтди. Парвардигорнинг амри-карамига қойил қолмай иложинг йўқ. Табобат танг қолган ҳолатда беморга қайта жон бағишлаш ҳам фақат Яратганнинг қўлида. Шунинг учун мана мен деган аҳли арбоб, ўз ишининг устаси бўлган шифокорлар ҳам оғир хасталик олдида боши гангиб, «энди бу ёғи Аллохдан, нажот Аллохдан. Худодан сўрашдан бошқа иложимиз йўқ», деб тақдирга тан бериб ўтиришаверади. Машхур жарроҳ Сора Алиевнага тиббиёт тузалмас дард ташхисини қўйиб, икки кунлик умри қолди, деган хулосага келган эди. Беморнинг икки кун ичида хасталикни енгиб ўтиши эса чиндан ҳам мўъжиза бўлди. Шунинг учун ҳам унинг соғайиб кетгани ҳақидаги оламшумул гап шифохонадан ташқарига чиқиб, ҳатто вазирликкача оёқлади. Мамлакат шифокорларининг каттаси ҳурматли вазирга ҳам етиб борди.

«Аллоҳ шифосини берибди», — деб қўйди вазир жаноблари ҳам. Ва столи устидаги кечагина қайсидир хорижий давлат элчихонаси орқали келган Ник Адамс деган таниқли арбобнинг қалин муқовали хотира китобини қўлга олди. Элчихона томонидан ушбу китобнинг машхур шифокор, афғон уруши қатнашчиси

Сора Алиевнага етказилиши сўралганди. Китоб муаллифи уни узоқ йиллар излагани хақида ҳам қайд қилиб ўтилганди. Вазир Сора Алиевнанинг ана кетди, мана кетди бўлиб ётганидан хабар топгач, индамай қўя қолганди. Аёлнинг оёққа турганини эшитиб, ёрдамчисини чақирди:

— Ма, манави китобни олиб шифохонага бор. Танийсан, Сора Алиевна ётибди у ерда. Бош шифокор Насима Жалиловнани ҳам ўзинг билан бирга олиб, опани кўриб, унга бериб қўйинглар. Мен ўзим кечқурун хабар оламан.

Ёрдамчи чиқиб кетгач, вазир енгил тин олди. Кўнгли хуш тортди:

— Хайрият-эй, қарз қиёматга қолмади.

* * *

Қарз қиёматга қолмади. Айникса, дийдор қарзи қиёматга қолмаса, неча-неча йиллардан бери орада тикланган изтироб, ўкинч девори қулаб тушиб тақдир китобининг барҳақлиги, ер юмалоқ эканлиги аён бўлиб, дунёнинг турли бурчидаги инсонларнинг тўқнашиб туриши, бу тўқнашувнинг айнан бугунга тўғри келганига нима дейсиз?

Дийдор ҳам қиёматга қолмади...

Фарзанди атрофида минг айланиб, минг ўргилиб гиргиттон бўлаётган Сора Алиевна бугун, айникса, ёшлик завқ-шавқига тўлиб, чехраси гулгун яшнаб, бир гапириб, ўн кулар, гоҳида ёлғиз таянчи ва суянчи Ёдгорига ишга берилиб ҳориб-чарчаб, озиб-тўзиб қолмаслигини айтиб, кўз ёш ҳам тўкиб оларди. Ҳамхона Барно эса ўттиз ёшга етиб-етмаган, баодоб, вазмин ва босиқ ўғлонга боқиб кўнглининг алла-

нечук жойига титроқ тушди. Уни қачонлардир, қаердадир кўргандай бўларди. Сўнг оний ҳолат ўрнини қалбдаги меҳр ва ҳавас тўлқини мавжлантирди. Шундай ўғлонни отасиз тарбия қилган Сора опага ботинида ҳамду сано айтар эди.

Шу маҳал хона эшиги шахд билан очилиб, тасур-тусур қилиб, гурсо-гур қадам ташлаб, Ботир ғурбат кириб келди. Барно атрофдагилардан ийманган кўйи қараб кўйди.

— Ана, бизнинг хўжайин ҳам келдилар, — деди оҳиста.

Сора билан ўғли ўрнидан туриб, кенг келбат, дароз, кирғий нигоҳ, юзи бироз чўзинқираган, чўзма-чуқурияк кишига кўз ташладилар. Ботир ғурбат уларни кўриши ҳамоно сесканиб тушди. Беихтиёр ортга тисланди. Ҳангу манг бўлиб қолган Ёдгор чап кўзини учириб, ўнг қошини қисди. Ранги оқариб, ботин-ботинида оғрик турган Ботир ғурбат туман прокурори Ёдгор Алиевични бу ерда кўраман деб ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Гандираклаб чайқалди-да, четдаги курси қирғоғига базўр суяниб қолди. Ҳеч нарсадан беҳабар Барно эрининг дабдурустан шаштидан тушиб, талмовсираб қолганига ҳайрон бўлди.

— Сизга нима бўлди, дадаси? Келинг... қўлингиздагини столга қўйинг.

Барно Сора Алиевнанинг эзгин алфозда Ботир ғурбат томон қадам ташлаб, лаблари пичирлаганини кўрди.

— С...и...из. С...сиз?!

Аёл оғир хўрсиниб, сўнг ўғлига каради-да, ҳаво етишмаётган каби чуқур-чуқур нафас ола бошлади. Кўзларини чирт юмиб, ҳол-

дан тойган каби кроват четига ўтириб қолди. Ботир ғурбат гунгу карахт аҳволда, жисму жони титраб-қақшаб, Сорага бир нафас термулиб турди, соч толалари гўёки минг-минглаб ниналарга айланиб ўз бошига санчилгандай бўлди. Оғриқдан юзи жимирлаб, ичидан мунг келди, оч биқинига сузги еган эчкидай ожиз овоз чиқарди, сўнгра мувозанатини йўқотиб, гурсиллаб йиқилди. Қўлидаги у-бу нарсалар ерга тушиб сочилди, шарбат шишалари чил-чил синди. Чинқириб эри томон отилган Барно ақли-ҳушидан айрилиб, уни ўрнидан турғизмоққа уринарди. Хонага навбатчи шифокор ва ҳамшира югуриб киришди. Ҳамшира Барнони ўзига келтирмоқчи бўлиб стол устидаги идишдан сув олиб юзига сепди. Билатига тинчлантирувчи укол санчди. Шифокор тил-забонсиз бақрайиб ётган Ботир ғурбатнинг томир уришини аниқлади, кўйлаги ёқасини бўшатиб, чап кўкрак қисмига эндоскоп қўйиб, юрагини текшириб кўрди.

— Инфаркт! Югур, тезроқ бўл, замбиларава келтиринглар, — деди шифокор ҳамширага.

Бир зумда хонага замбиларава олиб киришди. Сора Алиевна жойидан оғир қўзғалди. Ҳамон тош қотиб анграйиб турган ўғлига оҳиста сўз қотди:

— Болам бор, дадангни кўтар! Дўхтирга ёрдамлаш. Даданг — у. Сенинг даданг, болажоним.

Сора Алиевна мадори-мажоли куриб кроват четига ўтирди-да, юрак-бағри ўртаниб, йиғлай бошлади. Ёдгор ҳамон жойида тош бўлиб серрайиб, гоҳ атрофида шифокорлар уймалашаётган эрига, гоҳ Сора Алиевнага боқиб, елкалари

силкиниб-силкиниб йиғлаётган аёлга эси кирди-
чикди бўлиб қараб қўярди.

Сора Алиевна қўлларини мушт қилиб тиз-
заларига уриб-уриб, унсиз йиғлар экан, ҳануз
ўзига келолмай тик қотиб турган ўвлига шун-
дай деди:

— Болам, ер барибир юмалоқ экан. Қисмат
китобини Яратганнинг ўзи ўқий олади, болам.

Ташқарида ёмғир эзиб ёғарди. Булут қоп-
лаган тубсиз осмоннинг бир бурчида фалакнинг
нигоҳи каби милтиллаб турган икки ҳовуч нур
аста-секин олислашиб, сўниб борарди.



МУНДАРИЖА

Хотира ва муҳаббат куршовида.	
<i>Шухрат Ризаев</i>	3
Қордаги лола	35
Осмон остидаги сир	54
Янги йил кечасида	94
Бу ерларда ҳаёт бошқача	112
Кўзларингни кўргани келдим	128
Нози... Нозигул	159
Бизни оқибат қутқаради	188
Ер ҳали ҳам думалок	197

Адабий-бадiiй нашр

Қўчқор НОРҚОБИЛ

ОСМОН ОСТИДАГИ СИР

Ҳикоялар

Мухаррир	<i>И. Аҳмедов</i>
Бадiiй муҳаррир	<i>И. Юлдашев</i>
Техник муҳаррир	<i>Л. Хижова</i>
Кичик муҳаррир	<i>Д. Холматова</i>
Мусаххих	<i>Ш. Шоабдурахимова</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>К. Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси АІ № 158. 14.08.2009.
Босишга 2015 йил 14 майда рухсат этилди.
Бичими 80×100¹/₃₂. Офсет қоғози.
«Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида офсет
усулида босилди. Шартли босма табоғи 10,73.
Нашр табоғи 9,77. Адади 3000 нусха.
Буюртма № 15-129.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Норқобил, Қ.

Н79 Осмон остидаги сир / Қ. Норқобил. — Тошкент: «O‘zbekiston», 2015. — 232 б.

ISBN 978-9943-28-244-5

УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)7



ОСМОН
ОСТИДАГИ
СИР

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-244-5



9 789943 282445